

Жаҳонгир Муҳаммад:
Президент тансоқчисининг кундалиги
(Қисса)

1. Тайчи

Исмим Таймур. Аслида Темур деб от қўйишган. Хужжатимни ёзган одам “Таймур” деб ёзган. Нега бундай қилган билмайман. Аммо ўзимга ёқади. Темур деган от тиқилиб ётибди, Таймур эса битта. У ҳам менда.

Фақат Президент “Тайчи” дейди. Бу менга ёқмайди. Худди камситганга ўхшайди. Аммо буни унга қандай айтаман? Ҳаққим йўқ. Фақат жим туришим керак, ҳатто мени урса ҳам.

Унинг саволларига ҳам жавоб бермаслигим керак. Унинг соясиман-да. Соя гапирмайди. Коида шунаقا.

Қоидани унинг ўзи бузди. “Соя”ни гапиртира бошлатди. Шунда ҳам оз гапиришга ҳаракат қиласман. Гаплар кўнглимдан тошиб кетмаслиги учун кундалигимга ёзиб қўяман. Аслида бу ҳам қатъиян мумкин эмас. Билиб қолишиша судсиз-терговсиз йўқоламан. Шарт шунаقا ва ўзим ҳам бунга рози бўлиб ҳужжат имзолаганман.

Кундалигимни президентга ҳужум бўлса ишлатишим керак бўлган қалқоннинг ичидаги сақлайман. Доим ўзим билан. Президент менга жуда ишонгани учун бирор текшириб ҳам кўрмайди. Муносабати совуб қолгудек бўлса, нима қилишни биламан, режасини тузиб қўйганман.

Биз яшаган жойни “Светлана” дейишарди. “Дом”нинг остида шу номдаги магазин бор эди. Биз бешинчи қаватда турардик. Оилада битта боламан. Ойим ва адам мактабда ишлардилар. Ойим урус адабиётидан дарс берардилар. Адам физкультурадан. Улар бошқа мактабда ишлардилар, мен бошқа мактабда ўқирдим.

Үйга келишим билан эшикни ичкаридан бекитиб, балконга чиқардим. Балконимиздан трамвай йўли кўриниб туради. Бекатда доим одам гавжум. Одамларни томоша қилишнинг ўзгача гашти бор. Биттаси “столба”дай қотиб туради. Биттаси трамвай йўлига қайта-қайта чиқиб ҳали у томонга, ҳали бу томонга қарайди. Бошқаси у ёқдан бу ёққа юриб туради.

Бир куни кинотеатр томондан беш-олтита бола бекатга келиб бақир-чақир қила бошлашди. “Столба” бўлиб турган бир киши билан айтишиб қолишиди. Кейин уни туртиб-суртиб трамвай йўлига чиқаришди. Қолгани бир сонияда юз берди. Ҳалиги киши сакраб ҳавода учгандек, рақс тушгандек карате қила бошлади. Бир секундда ҳаммасини трамвай йўлига тизиб қўйди. Кейин қаёққадир фойиб бўлди.

Ҳар куни қарайман, лекин уни кўрмайман. Кўрсам ҳам барибир танимайман. Аммо унга ўхшагим келди. Адамга:

-Каратега ўқимоқчиман,-десам.

-Ақлинг энди кирдими?- дедилар.

Бу деганлари бежиз эмас. Мени болалиқдан карате класига берганлар. Иккита қора камарим ҳам бор. Лекин мактабда адабиётта қизиқиб қолдим. Адам “каратега борасан” десалар, ойим “бормасин” дейдилар. Улар ҳар куни жанжал қиласылар. Мен шеър ёдлардим. Шеър айтишни севардим.

Хуллас, адам яна карате класига бошлаб бордилар. Карате деб ўйласам, буниси тайчи класи экан. Тренеримиз “тайзуан” ҳам дейди. Болалар “тайчуан” дейишарди.

-Бу мушт билан уришнинг охирги чегараси. Битта уришда битириш дегани,-дерди тренер.-Аслида битта чертишда ишни тугатиши. Буни уста Чен яратган. Хитойда...

Ҳар куни сокин мусиқа оҳангода рақсга тушган каби ҳаракат қиласиз. Аввалига зерикарли эди. Кейин адабиётта ўхшаб ўз ичига тортди. Ҳар бир ҳаракат шеър каби оҳанграбо. Ёд олишни севиб қолдим.

Уч-тўрт йилда трамвай йўлидаги одам каби осмонда учмасам ҳам ёзда Тайванга бориб ўқиб келиш учун йўлланма беришди.

Тайванда тушундимки, тайчи бу катта философия мактаби экан. Буни одам ўлдириш философияси деб атагим келарди. Аммо бу фикримни айтишдан чўчирдим. Чунки усталарим хафа бўлиб қолишарди. Улар ҳар қанча файласўф бўлишмасин охирида гапни битта кескин чертиш, битта ҳаракат билан одамни ўлдиришга олиб боришарди.

-Ростдан ҳам битта чертишда одамни ўлдира оласанми?-Президент ишга олинган куним шу савонни берганди.

“Тайчи, мени ҳам чертиб қўйма” деган гап ўтдими кўнглидан деб ўйлагандим. Йўқ, унинг кўнглидан ўтгани бошқа нарса экан...

2. “Сўфи”

Тайвандан қайтишда русчани биладиган Уста Вун:

-Сиз томонларда сўфилар ўтган. Уларнинг ҳаётини ўрган, улардан дарс ол, бўлмаса умринг қамоқда ўтади ёки пешанангдан отиб кетишади,-деди.-Бугунгача сенга айтган кўп гапларимни тушунмадинг. Агар сўфилар ҳаётини ўргансанг нима деганимни англаб етасан.

Уста Вун мени ёмон кўриб қолганди. Сабабини биламан. Унинг шогирдларини “бир тийин” қилиб ташладим. Қайсини қаршимга чиқарган бўлса, судраб обкетишиди.

Вун Москвада ҳам дарс берган. Тошкентда ҳам бўлган. Русчани яхши билади. “Хитойда ўрганганман,” дейди.

Ундан дарс олиш учун ҳатто Америкадан ҳам келган талабалар бор. Кўп шогирдлари турли мамлакатларда “вип”ларни кўриқлашар экан. Шунинг учун обрўси катта. Ўзига бино қўйган. Қизиқ-қизиқ гапларни айтади.

-Куч назорат қилинсагина кучдир,-деди бир куни.-Агар назорат қилсанг уни минасан, бўлмаса остида қоласан.

-Назорат қиласман-ку,-дедим.

-Йўқ, куч сени назорат қиласяти. Билиб қўй, тобутингни кўтарганларнинг ҳаммаси сенга дўст эмас. Уларнинг кўпчилиги ўзларини ўйлаганлари учунгина тобутингни кўтарадилар.

Унинг фалсафасига тушуниш қийин эди.

-Вақт ҳакам, вақт кўрсатади,-дедим.

У жилмайдида:

-Вақт ҳакам, лекин у ҳаммага ўлим ҳукми чиқарадиган ҳакам,-деди.

Шунаقا, унинг гаплари совуқ эди. Энди эса бориб сўфиларни ўқигин дейди.

Қайтгач, олийгоҳга ўқишига кирдим. Тайчи бўйича ўзимизда мусобоқалар йўқ, аммо бу спорт тури олимпиада ўйинлари қаторига қўшилганди. Олийгоҳдаги домлаларим билан гаплашсам, бошқа бир мамлакат ҳисобидан қатнашиш мумкин дейишиди.

Ҳар куни камида уч-тўрт соат машқ қиласдим.

Хаёлимдан Тайвандаги уста Вуннинг гапи кетмайди: “Сизлар томонда сўфилар бор. Уларнинг фалсафаси бизнигига ўхшаб кетади. Улар ҳам қаватма қават кўкка юксаладилар, биз ҳам...”

Олийгоҳ кутубхонасига кириб, интернетдан сўфилар ҳақидаги маълумотларни қидириб топдим.

Тайчи бутун вужудингдаги ҳисларни ҳаракатларга боғлаб, кўкка ўрмалатади. Сўфиларда ҳам шундай экан. Айниқса, “Само” ракси тайчи ҳаракатларига ўхшаб кетади.

Сўфилар нафсга эрк бермаслик, нафсни жиловлай олиш маънавий етуклик деб ҳисоблашаркан. Тайчида ҳам нафсни тийиш муҳим қоидалардан бири.

Сўфи учун билимни қучайтириш нафс ва ғазабнинг кушандаси.

“Нафсни ғолиблик қондиради. Ғазаб эса ғолибликка олиб борадиган йўл”. Биринчи устам шундай дерди. Унинг гапи ҳақ. Бугунгача билим олмадим, аммо машқ қилдим. Машқ, машқ, машқ...Ҳамма нарсанинг кушандаси машқ!

Сүфиларга кўра инсон қанча кўп билим олса, шунчалик ўзини бошқариши осонлашармиш.

“Ёлғон гапирмаслик, ўғирлик қилмаслик...”

Булар Тайвандаги устанинг гаплари-ку? Демак, у сўфиликни ўқиб, ўзини ақлли кўрсатар экан-да, деб ўйладим.

Уста Вунни ёқтирганимдек, сўфиликни ҳам хуш кўрмадим. Улар бу дунё масъулиятидан қочиб, ўзларини Худога топширишган. Ўзингни топширдингми, демак ютқаздинг!

“Биз дунёга нима учун келдик? Вазифамиз бор. Уни бажаришимиз керак. Уни ташлаб қочиш қўрқоқлик”. Биринчи устамнинг бу гаплари ҳам ҳақ.

Ҳар кун кутубхонага келиб, шу борадаги битикларни ўқий бошладим. Қанча ўқисам, шунчалик сўфиликка қарши бўлиб бордим.

Бир куни спорт клубида машқ қилаётсам, икки киши келиб қолди. Улар “Эс-эн-бе”дан экан.

“СНБ”...Миллий Хавфсизлик Хизмати. Энг кучли идора. Мактабда болаларнинг орзуси “эсенбешник” бўлиш эди. Айниқса, никоб тақиб юрадиган-“маска шоу” бўлишни истамаган бола борми? Нинж! Юзингни кўришмайди, танишмайди... аммо сендан қўрқишиади. Мана куч нима!

Ўзим “маска шоу”ни кўрганимда қўрқиб кетгандим. Бу кучнинг кучдан қурқуви эди...

Машинага миндириб, бир жойга олиб боришиди. У ердаги одам хитойча гапира бошлади. Тайванда оз-моз ўргангандим. Лекин уста Вун рус тилини билгани учун, хитой тилини ўрганишимга эҳтиёж йўқ эди.

-Ўзингни гўлликка солма! Ҳамма гапини тушуниб турибсан,- деди ҳалиги одам русчалаб.

Русча жавоб бердим. Сухбатимиз ҳеч тугамасди.

-Қайси мачитга борасан?

-Мачитингиз нимаси?

-Ҳали намоз ҳам қилмайман дегин?

-Намоз?

-Ундаи бўлса, қаёқдан сўфи бўлиб қолдинг?

-Сўфи бўпманми?

-Қани сўфилар билан тайчи таълимотининг фарқи нимада экан, ўргандингми?

-Оз-моз...

-Нима экан?

-Сўфилар ўзларини ҳимоя қиласидар, тайчи усталари эса бошқаларни. Тайчидаги қоида қонундир, уни бузишинг мумкин эмас.

-Сен эса буздинг. Давлат мулкини шахсий мақсадда ишлатдинг. Биласанми, университет компьютерини давлатга қарши ишлатганинг учун неча йилга кесиласан?

-Ока, давлатга қарши нима қилибман?

-Тилингни кесиб тарновга илиб қўяман. Нега ади-бади айтвотсан? “159”га илинтириб қўяйинми?

-159?

-Буни ҳам билмайсанми? Гўл экансан-ку?

У энди ўзбекча гапира бошлаганди, нечта тилни билади ўзи?

-Қара бола, ҳамма жиноятларингни биламиз.

-Қанақа жиноят? Бунақа нарса йўқ-ку? Мен тайчи бўйича олимпиадага чиқмоқчидим, холос.

-Кимнинг ҳисобидан чиқмоқчисан? Шунчалик устамисан?

-Хар қуни уч-тўрт соат машқ қиласан...

-Биламиз машқ қилишингни. Олимпиадага борадиган одам тайчининг олтинчи қаватига чиқсан бўлиши керак. Олтинчи қават нималигини биласанми?

-Биламан. Ҳал қилувчи зарбани ура оладиган бўлиши керак.

-Бир зарба уриш билан ишни битириш!

-Ҳа..

-Тайванда неча кишининг ишини битирганингни биламиз. Пинагингни ҳам бузмай одамларни ўлдирганингни ўзинг ҳам томоша қиласанми?

У шундай деб телевизор томонга қаради. Телевизор ёнидаги эшиқдан эса биринчи устам билан дадам кириб келишди.

-Бўлди-е, болани қийнаб юбордингку!-деб дадам биз томанга келдилар.

Мени сўроқ қилаётган одам ўрнидан туриб дадамга жой берди.

3.Адам

Биз “дада” дегани самарқандча, тожикча, “ада” дегани тошканча, ўзбекча деб билардик. Бу миямга қуиилиб қолган. Ўчирсам ҳам ўчмайди.

Адам ботиний қўриниши билан Президентга жуда ўхшайди. “Ичимдагини топ” дейдиган одам. Ўзини ҳаммадан ақлли деб ҳисоблайди. Энг мукаммал нарсадан ҳам камчилик топишга уринади. Рост билан ёлғонни ажратса олмайди. Ҳамма гапни ёлғон деб ўйлади. Жаҳли чиқса, ойлаб гаплашмайди. Қачонки ўзинг пушаймон бўлиб, бош эгиб борсанг, “Бўпти” деб қўяди. Ойимнинг бор-йўқлигини ҳам билмайди. Мен қанчалик Президентга соя бўлсан, ойим адамга шунчалик соя. Адам бу сояни севмайди ва сезмайди ҳам, бор-йўқлигини билмайди. Президент ҳам шундай эди. Аммо кейинги пайтда ўзгарди. Унга нима бўлди билмайман. Соясига диққат қила бошлади.

Адамнинг МХХда ишлашини энди билдим. Бугунгача билмаганим учун адамдан хафа бўлдим. Лекин бу хафачилик узоққа чўзилмади. Одамнинг отаси шундай жойда ишлайди-ю хафа бўладими? Аксинча югуриб бориб ҳаммага айтгим келди. Бироқ мумкин эмас.

Шунча ёш бўлишимга қарамай ишга олишди. Бирор билмаслиги керак. Ҳатто ойимга ҳам айтишим мумкин эмас. Балки адам йўлини топиб, сездириб қўяр, лекин менга айтиш таъкиқланди.

Бугун адам билан илк бор узоқ гаплашдик. Тўғриси у гапирди, мен эшилттим.

-Биз Ислом ака билан битта маҳаллада яшаганмиз. Олийгоҳни битириб спорт клубида ишлай бошлаганимда у Шукрулла Мирсаидов, Мираброр Усмоновлар билан тенис ўйнашга келарди.

Шукрилла Мирсаидов, Мираброр Усмонов... бу номларни биринчи марта эшитишим эди. “Ислом ака” деганлари Олий Бош қўмондон.

Президентни телевизорда кўрардиму лекин унинг адамга дўст бўлиши мумкинлигини ҳатто хаёлимга келтирмаганман. Бошимга бунақа баҳт қуши қўниши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмаганман. Мана энди эртаклар бир зумда ҳақиқатга айланиб турибди.

-Ўша пайтда уларни мафия дейишарди.Faфур, Салимлар ҳам уларга бир марта хизмат қилсам деган орзу билан яшарди.

-Faфур, Салим?

-Улар тенгдошларим. Биз бирга боксга тушиб юрадик.

Адамнинг боксга тушганини ҳам энди эшишиб турибман. Бир-икки марта юз-кўзи кўкарғанида, “давлением баланд бўлиб, эшикка уриб олибман”, дегани ёдимда.

Хуллас, у мен билмаган ўзга дунё экан:

“У пайтда Ислом ака Госпланда ишларди. Кейинчалик кўтарилиб кетди. Президент бўлиб қолганидан кейин бир куни чакирибиб олди.”

-Ука биласан санга қанча ишонаман. Мана шу аппаратга хавфсизлик хизмати керак. Унга ўзимга содик болалар лозим. Сан ана шу ишни йўлга қўясан,-деди.

Хуллас, адам шундан кейин Президентга ишлай бошлабди. Бош ”рекрутер“. Чиникқан болаларни топиш учун ўзи мактабларга физкультура муаллими бўлиб ишга ўтиб, беш ой-олти ойлаб “қидирув” олиб борган.

-Сан суюгимсан,-деди адам.- Сани ҳам шу ишга етиштиromoқчи бўлдим. Онанг қарши чиқди. Бир куни ўзинг истаб қолдинг. Шундан кейин индамади.

Худди ўрмонда адашиб қолгандайман. Бирданига шунча ўзгариш. Ҳали олийгоҳнинг иккинчи курсидаги болани “Президент хизмати”га ишга олишди.

-Бу дегани эртага “Батя”ни қўриқлайсан дегани эмас. Ўшанга тайёрланасан, пишиб етиласан, ўзимизнинг мактабда ҳам таҳсил кўрасан.

Адам Президентни “Батя” дейди.

-“Батя” жуда яхши одам. Агар у бўлмаса бизнинг бугуни ҳаётимиз бунақа бўлмасди. У ўзига содик одамларни ҳурмат қиласди, қадрлайди, ташлаб қўймайди. У мамлакатимизни қутқариб қолди. У бўлмаганда ишлар расво эди. Мени қанчалик севсанг, уни ҳам шунчалик севишинг керак.

Адамни қанчалик севаман? Севаманми ўзи? Бугунгача ўғлига кўнглини очмаган отани қанчалик севиш мумкин?

Адам совуқкон одам. Бир кун кўрмаса ҳам, олти ой кўрмаса ҳам айни муомалада бўлади. Айтганини бажармасанг жаҳли юзига ёпишиб олади. Ювса ҳам кетмайди. Айтгани бажарилмаса ҳам бажаришинг шарт.

Бир куни “Балкон ойналарини кўчадан юв” деди. Саволларимни эшитмади.

Балкон деразалари ташқарига очилади. Қандай қилиб юваман? Бешинчи қаватдан тушиб кетсам нима бўлади? Омон қоламанми? Бу жойга етадиган норвон йўқки, ишлатсам? Йўлини тополмадим. Кечқурин адам арқон кўтариб келди ва ошхонага улоқтириди.

-Шунга ҳам ақлинг етмадими? Ол, буни белингга боғлайсан, қолганини ўзинг ўйлаб топ,-деди.

-Арқонни қаерга боғлайман?

-Белингга боғлайсан дедимку!

Белинга боғлашимни биламан, лекин кейинги учини қаерга боғлайман? Бунисини айтмади.

Адам шунаقا ёпиқ кўнгил, қаттиқўл одам. Ўшанда деразаларни белга арқон боғламасдан ҳам ювиш мумкинлигини ўргандим. Кечқурун адам арқонни ўзи ташлаб қўйган жойда кўриб:

-Бу бошқа гап,-деди.

Унинг энг севингани ва юмшоқ гапи шу эди. Ҳозир ўйласам ўзим ҳам адамга ўхшаб кетаман. Демак, Президент, адам ва мен айни тоифаданмиз.

Бир куни президент:

-Мен кимга содик бўлсам ўлгунимча ўшанга содикман. Чунки ўша одам шуни истайди,-деди.

Адам ҳам шуни истайди.

Мен ҳам.

“Ит содик, хиёнат қилмайди” дейди адам.

Наҳотки биз итмиз? Аслида инсоният турли ҳайвонларнинг одам ҳолидаги қўриниши дейишади. Демак, биз итмиз...

Ит зоти бир-бирига содикми ёки эгасигами?

Уста Вун “Ит энг аввало сүякка содикдир” дерди. У сүяк деганда гўштнинг суюгини назарда тутганми ёки ўз яқинлариними? Бу ҳам жумбоқ.

Президент эса “Итни айри-айри, якка-якка сақласанг содиқлигини күрасан, бирлашдими, қўшилдими сени талайди, ғажиб ташлайди” дейди...

Президент тансоқчисининг кундалиги

4. Синов

Ҳам олийгоҳдаги ҳам бу ёқдаги дарсларга қатнаб юрсам, тўсатдан синовга чақириб қолишиди.

-Ўзингни кўрсат, муҳим одам томоша қивотти,-дедилар адам.- Бу сен учун ҳам, мен учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи.

Атрофга қарасам, адам ва ёрдамчиларидан бошқа одам йўқ. Кейинчалик билдимки, ўшандা бўялган деразанинг ортида МХХ раиси ва “СП” раҳбари ўтиришган экан.

Бир карате устаси билан майдонга туширишиди. Говдаси бесёнақай киши. Соқоли ўсган, кўзлари киртайган. Қўлларининг мушаги кўйлагини йиртай деб турибди. Башарасини қора булут қоплагандек. Қошини чимириб олганми ёки ўзи шунақами, кўзлари билан кўшилиб кетганга ўхшайди. Бели бироз ингичкароқ, аммо оёқлари филникидек бақувват.

Уста Вуннинг ўргатгани бўйича рақибимни бир зум зоҳирان ўргандим, кейин ботинига назар солишга уриндим. Кўзи ғамгин. Ичи тўла дард. Худди ёмон ҳақорат эшишиб, жавобан бақиравериб, пўтиқиб кетган кишидек кўз томирлари ёрилгани сезилиб турибди.

“Бундай одамдан кўрқиш керак”, дерди уста. “Ҳаёт-мамотини ўртага қўйган одам ички томирларини кўзи орқали ташқарига кўрсатади”.

У каратечи бўлгани билан қўриниши асли боксчи эканлигини айтиб турибди. Боксчи бўлганда ҳам калласига анча мушт еган. Жаҳли пишқириб турибди.

У хужум қилиб турди. Ортга чекиниб-чекиниб унинг ҳунарларини обдон кузатдим ва кутилмаганда ҳавода бир айланиб, калласига тепдим. Эсанкираб қолди. Иши осон битди-ку деб турсам, бир зумда ўзига келиб, яна пишқира бошлади. Оғзидан кўпик чиқиб, мен томонга бостириб келаверди.

Хаёлимда Уста Вуннинг гаплари айланмоқда.

“Бу энг яхши фурсат, чап бериб, зарбани шиддат билан кўксига ёки икки қошининг орасига урсанг гурса йиқилади”.

Лекин ҳали чинакамига жанг қилганим йўқ. У бунга муносибмикан ўзи?

“Хаёлингда иккиланиш пайдо бўлдими, ютқазасан”.

Адам нима дедилар? “Бу сен учун ҳаёт-мамот масаласи”. Демак, гап жиддий. Ўзимни ҳозир кўрсатмасам, қачон кўрсатаман?

Бир ҳаракатимдан кейин ҳалиги “хўқиз” ағнаб тушди. Уни турғазишга уриниши. Бўлмади. Судраб олиб чиқиши. Шу пайт эшикдан бошқа бир кишини олиб кириши. Буниси новча, мускуллари билан суяги қўшилиб кетган, кийикдек чаққон. Аммо унинг ҳам кўзлари қонга тўлган. Майдонга келиши билан:

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!”- деди.

“Товушингни ўчир!” Бу адамнинг овози.

Худди у менга “Товушини ўчир” дегандек туюлди. Ҳавода айланиб, кўкрагига тепаман десам, қўлини девор қилди. Суяклари бетон. Демак, узоқ вақт шуғулланган. Лекин уни ҳам бироз ўйнатиб, ер тишлилдим. Учинчисини олиб келиши. Унисини ҳам судраб олиб чиқишигач, МХХ раиси кириб келди:

-Отангни оқладинг. Агар биттасига енгилсанг отанг ҳам, сен ҳам кетардинг,-деди елкамга уриб.

Кейинчалик билсам “Ёш болани ишга олди. Тағин ўзининг ўғлини” деб адамни президентга шикоят қилишибди. Баъзан шикоятлар “тескари “реакция” беради. Президент адамни чақирибди. “Синааб кўринг” десалар вақт ҳам бермай, бу “можаро”ни ташкил қилишибди.

Адам:

-Сендан кўнглим тўқ эди,-дедилар.-Лекин ана улар ҳам таҳликали эди. Жонидан тўйган одамлар. Уларга: “Шу болакайни енгсанг, озод қиласиз” дейилган экан. Озодликка чиқиш орзузи ҳамма нарсадан кучли бўлади.

“Озодликни йўқотиш ҳамма нарсадан ёмон!” Бу гапни адамга айтмадим.

“Маҳмаданалик қилма” дейишларини биламан.

“Синов”ни видеотасмага ёзиб олишибди. Президент кўриб “У билан ўзим гаплашаман” дебди. Йўлга чиқдик.

Адам:

-Тилингни занжирга боғла, бутун вужудинг қулоққа айлансин. “Батя” гапирган одамни эмас, эшитган одамни яхши кўради. Савол берса ҳам индамай тур, жавобини ўзидан эшитасан. Унутма, у оддий одам эмас. Катта мамлакатнинг раҳбари. Ҳамма ҳам бу даражага ета олмайди. Сен туғма “тайчи” бўлсанг, у туғма устадир. Уста бўлганда ҳам миллионлаб “тайчи”ларнинг устаси. Унинг устига сен ёш боласан, у эса...

Адамнинг мана шу гаплари ёқмайди. Қачонгача ёш боламан? МХХнинг раиси ўзи елкамга қоқиб, “Маладес” деб турганда ёш болалигим қолдими? Ўзимни қаерда, қандай тутишни биламан. Ёқмасам ишдан ҳайдайди. Бориб ўқишимни давом эттираман. Мендан кучлисни топишолмаса, яна чақиришади. Мен булар учун эмас, тайчи учун туғилганман...

-Авзойинг бузилмасин, ўғлим, “Батя”нинг олдида ҳеч бўлмаса кўзларинг кулиб турсин. Қани кетдик... олтинчи қаватга!

Президент тансоқчисининг кундалиги

5. Соя

Президентнинг ишхонаси олтинчи қаватда экан. Бизни лифт ёнида қарши олган икки киши адамга “чест” бериб, менга ҳавас билан қарашибди:

-Шеф ўғлингиз ҳам ўзингига ўхшар экан...,-деди биттаси.

-Ўғлим бўлгани сенга уни текширмаслик учун асос бўладими?-Адам жиддий оҳангда сўради.

Ҳалиги одам шошиб қолди ва дарҳол мени сийпалаб, текшириб чиқди. Кейин “бўлди” дегандек елкамга уриб қўйди.

“Ҳамманинг елкасига уриб қўяссанми?” дегандек адам унга ўқрайиб қаради.

Оёқ остига қип-қизил гилам тўшалган. Назаримда мени текширган одамнинг юзи ҳам шу гиламдек қизариб кетди. У адамдан қўрқар эканми ёки уялдими, билиб бўлмасди.

Атроф жим-жит. Битта эшикнинг ёнида икки киши қад ростлаб турибди. Йиккаласи ҳам чиниққан. Камида каратенинг бир неча турини биладиган. Улар дам адамга, дам менга қараб, худди бир нарсани биладигандек жилмайдилар.

Адам улардан бирига бош ирғади, у эшикни очди. Ичкарига кирдик.

Саломимизга алик оларкан, Президент ўрнидан туриб, биз томонга юрди. Телевизорда кўриб юрганимизга ўхшайди. Аммо у қадар ёш эмас. Анча чўкиб қолган. Бир тепса, қайтиб ўрнидан турмайдиган одам экану... нега ҳамма уни гапиради? Нега ҳамма ундан

кўрқади? Юзида ҳам меҳр йўқ. Ноумид одамга ўхшайди. “Инсон кўрқса ёки умидсизликка йўлиқса, юзидаги нур қочади”. Уста Вуннинг гапини эслагандимки:

-Тансоқчи ўзимиздан чиқсин дебсанда-а?-деди Президент русчалаб адамга.

Адам жавоб бермай жилмайганча бош ирғадилар.

-Вақт шунча тез ўтади. Ўғлинг туғилганида элликта отгандик, эсингдами?

Адам яна жилмайиб, бош қимирлатдилар. Президент савол берган сайн адам олдинга қараб эгилиб бораётгандек ва ерга чўкиб кетаётгандек эди. Негадир мен ҳаяжонланмадим ҳам. Негадир Президентнинг салобати босмади. Адам эса яна битта саволдан кейин тугайдигандек.

Президент ҳам буни сездими:

-Рухсат берсанг йигит билан яккама-якка гаплашсак,-деди адамга.

Адам орқага чекиниб, фойиб бўлди.

-Қани “тайчи” бу ёқقا келчи, - Президент шундай деб ичкаридаги хонага қараб юрди. Орқасидан эргашдим. Боши елкасининг ичига сингибди, шунинг учун оз-моз букчайган. Умуртқасининг энг тепадаги биринчи қавати мўртлашиб қолган. Ўша ерга битта урса... тамом...

Худди калламдагини ўқигандек:

-Нимани ўйляяпсан?-деди Президент.

Индамадим.

-Менга ҳам шундай жойлар насиб этармикан, деб ўйляяпсанми?

Яна индамадим.

-Келажак ёшларники! Бу жойларни санга ўхшаганларга ташлаб кетамиз. Ман бу ерга етиб келганча эллик йил эмакладим. Санлар баҳтли, қара, ҳали йигирмага кирганинг йўқ, аммо олтинчи қаватдасан. Бу хонада кимлар ўтиргмаган дейсан? Шароф ака зўр эди. Қолганлари латта. Ҳа, майли буни санга қизифи йўқ. Қанақа телефон ишлатасан?

Бу саволга қандай қилиб жавоб бермай туриш керак? Адам нима деганди. Бироз кут. Орадан бир оз ҳам ўтмай Президентнинг ўзи жавоб қилди:

-Санга “Айфон” олдирдим. Аммо бу хонада ишлатмайсан.

Тушунмадим.

- “Айфон” орқали мени эшитишлари мумкин. Шунинг учун уни ташқарида ишлатасан. Агар ташқарига чиқишга вақтинг бўлса...

Шундай деб Президент кулдида:

-Ташқарига ҳам вақт топамиз, парво қилма,-деди.-Энди гап бундай. Отанг айтган бўлса керак, биз қирқ йиллик қадрдонлармиз. Сан бегона эмас. Ўзимни ўғлимсан. Сани тавсия этишилари билан рози бўлдим. Бошқасига ишонмайман. Сан ташқарида эмас, ичкарида турасан. Керак бўлгандা керакли одамни карате қилиб ташлайсан, вазифанг шу! Энди битта саволга жавоб бер, чўпоннинг или подани қўриқлайдими ёки чўпонними?

Индамай турдим. Президент кўзларимга термулиб қолди ва:

-Ха, отанг сани яхши тарбиялаган. Оғир йигит экансан. Лекин бу саволга жавоб беришинг керак,-деди.

Нима десам экан? Подани десаммикан? Э, йўқ. У ўзини чўпонга мени итга ўхшатдими? Наҳотки?

-Қани итнинг ўрнида сан бўлсанг нима қиласдинг?

-Чўпонни қўриқлардим. Агар чўпон бўлмаса...

-О... Биринчидан мен чўпон эмас. Иккинчидан, сен ит эмассан. Лекин жавобингдан қониқмадим.

Индамай бошимни эгдим. Демак, қовун туширдим. Адам роса қизийдиган бўлди.

-Бундан кейин бирор шундай савол берса, чўпоннинг атрофида юрадим, унинг имосини кутиб, дейишинг керак. Икки карра икки неча бўлади, деган ҳалиги семиз бола нима дейди, хўжайн айтганингиз бўлади, дейди. Энди гап бундай, санга нима керак бўлса, манга айтасан. Хотин керакми, пул керакми, массаж керакми, баломи-баттарми, манга айтасан. Ҳеч тортинмайсан. Аммо қулоғимга бир гап келса, юртуғингни суғуриб оламан. Бу ҳазил. Лекин чин гап шуки, бешинчи қаватда илон юрса, биламан.

Президент ичкари хонадан яна асосий кабинетга ўтди. Нега ичкарига кирдигу нега чиқдик, билолмай тургандим.

-Мана бу ерда турасан,-деди у эшикнинг ёнини қўрсатиб.- Кўзингни биттаси эшикдан кирган одамда, биттаси менда бўлади. Имо қилсан, оёғини осмондан қилиб юборасан. Лекин ўлмасин. Тайвандаги ва кечаги синовдаги “ўлган”лар етиб ортади.

У шундай деб елкамга қўлини қўйди. Бирдан оёғим қалтираб кетди. Қўлимдан жон сизиб, унинг оёқлари остига оқаётгандек бўлди. Қўрқув сели қўксимни босиб олди.

Шундай ҳисни олдин ҳам бир марта сезгандим. Тайванга борганда уста Вун билан илк сухбат пайтида. У гапира-гапира қўлини елкамга қўйганда бир ботмон ерга кириб кетгандек бўлгандим. Кейин эмаклаб ер юзига чиқиб, аранг қаддимни ростлаб олган каби бўлгандим.

-Парво қилма куни битганларини алоҳида айтаман,-деди Президент қулимсираб. Сан тоза йигитсан. Қўнглингда кир йўқ. Мана бу стулга, мансабга интилмайсан. Санинг ўз олтинчи қаватинг бор. Аллақачон чиқиб олгансан унга. Лекин ана у иблисларни қандай урдингки, видеодан қайта-қайта қараб ҳам кўра олмадим.

Видеони жуда ва жуда секинлатиб кўринг, демоқчи эдим, лекин тилим комимга ёпишиб қолганди.

-Шамолдан ҳам тезсан. Санга ҳавасим келади. Ёшсан, келишгансан, кўзларингга қара, ҳеч қўрқув йўқ, ҳар сафар майдонга тушганда ўлишим мумкинку, деб қўрқмайсан, манга шунаقا мард ёқади. Сени кўриб ўз ёшлигимни эсладим. Олов эдим. Полни тепсам, шифт титрарди. Энди-чи... полни тепсам, тиззам қалтирайди.

Шундай деб, Президент яна қайтиб, ичкариги хонага кирди ва у ердаги эшиклардан бирини очди. Ҳожатхона... Бормай турдим.

-Нега қараб турибсан, нима дедим, соясан, қуёш орқадан чиққанда олдимда ва олдиндан чиққанда орқамдан юрасан!

“Тундачи” деган гап ўтди хаёлимдан.

-Тундами?-Хаёлимни ўқигандек гапирди у. Тунда ёнимда ётасан! Қани бу ёққа кел!

6. Авлиё

Ёшинг кетаверса ёш бола бўлиб қоласан, деган гапни эшитгандим. Ўзим ёш боламан. Лекин мана бу Президент ҳам ёш бола бўлиб қолганга ўхшайди. Бўлмаса шунаقا гапларни айтадими, деб ўйлаб турсам жиддий савол бериб қолди:

-Қанақа мошинни яхши кўрасан?

Бўйнимни қисдим.

-Биламан! “Бэ-эм-вэ”, “беш экс”,-деди ўзи.

Бу машина кимнинг ҳам орзуси эмас. Ёш бола борми машина маркасига қарайди, юраги ўша машина балонининг айланиши билан баробар югуради. Лекин бу одам ҳамма нарсани қаёқдан билаяти? Адамнинг гапи рост чиқди. ”Унга ёлғон гапирма, у ҳамма нарсани билади” деганди.

-Мана калити, чўнчагингга солиб қўй, ҳовлида турибди, миниб кетасан...

Севинганимдан бақириб юборишумга оз қолди. Ахир бу машина тушларимга кириб чиқарди. Бир мартаина миссан деган орзуладимни бу киши қаёқдан билди экан? Уни ёш болага қиёслаб хато қилдим. У Хўжай Хизирнинг ўзгинаси. Қучоқлаб олсаммикан?

Президент хаёлларимни бўлди:

-Санга стулни кўрсатдим. Кимдир уни “кресло” дейди. Бошқа бирори “тахт” дейди. Лекин ман учун стул. Мана бу ҳожатхонадаги ҳам ман учун стул. Унисида ўтирдинг нима, бунисида ўтирдинг нима? Одамлар мамлакатни орқалари билан бошқаришни орзу қилганлари учун фақат шу ҳақда ўйлайдилар. Бу ишлар калла билан битади, орқа билан эмас. Калла учун стулнинг кераги йўқ. Биламан, санга бу қизиқ эмас. Лекин мана шу жой иккаламиз учун. Дарвоқе, сани дўхтирандан ўтказишдими?

Қанақа дўхтири? Ҳали дўхтирандан ҳам ўтишим керакми?

-Ҳали улгуришмагандир,-яна ўзи жавоб қилди.-Лекин ўтказишади. Тайвандан қайтганингда ўтказишлари керак эди. Майли, бу кейинги масала. Лекин зилзила бўлса бу хона иккаламизники. Ҳамма ўлиб кетса ҳам биз тирик қоламиз. Шунга мосланган. Зилзила пайти юролмай қоламан. Тиззам титрайди. Шунинг учун мени бу ерга олиб келиш сани вазифанг!

У шундай деб ҳожатхона ичидағи эшикни очди.

-Бу жойда илгари “иккинчи”лар ўтирган. Ҳозир спорт зал қилганмиз.

Хона катта, бир бурчагида бор йўғи битта “тредмил” турибди. Нариги томонида учтўртта қиз ва йигит карате билан шуғулланишмоқда. Президент ”тредмел”нинг ёнида тўхтаб, бироз ўйландида кейин менга қаради:

-Сани бир кўришда ёқтириб қолдим. Гўзал, келишган йигитсан. Қошлиринг битта-битта териб қўйилган. Киприкларинг қора бўёққа ботириб олингандек. Юзингни силлиқлигини айтмайсанми? Кўрган одамнинг ўпид олгиси келади,-деди кулимсираб.

Ўзимни нокулай ҳис қилдим. У эса парво қилмай икки қўли билан икки юзимга енгил шапатилаб қўйди. Кейин қўлларимни қўлларининг ичига олди:

-Ёниб турибди... Темир... Тандирдан чиққан чўғ.. Ҳмм... Орқангдан юрган қизлар ҳам кўп, биламан,-деди кўзларимга айёrona қарап қилиб.

Нима демоқчи? Нима бўляяпти ўзи? Бу воқеалар тушимдами, ўнгимдами?

-Ха, хаёлинг Гуляга кетдими?

Бу саволдан чўчиб тушдим. Наҳотки Гуля билан муносабатимизни ҳам билади? Уни ҳатто адам ва ойим билмайдилар-ку? Ростдан ҳам авлиёми бу? Фолбинлиги бормикан? Президент бўлгани бежиз эмасга ўхшайди...

Гуля билан карате мактабида танишганмиз. Чаққон қиз. Баъзан учрашиб турдим. Биринки марта кинога бордик. Кийикка ўхшайди. Ҳуркиб туради. Қўлинни ушлатишга кўймайди. Дарвоқе эртага учрашимиз. ““Бэ-эм-вэ”да борсам, “тамом бўлади”. “Шилк” этиб йиқилиб қолса керак. Йўқ, у йиқиладиган қизлардан эмас. Дарҳол сўроқ қилшига тушади. ”Бу кимники? Адангникими? Олиб қочдингми? “Права”нг борми?” каби саволларни тўкиб ташласа керак. “Мени Президент қабул қилди. Бу ҳадя” десам, “Латифангни манга айтма!” дейди, ишонмайди. Тўғрида, ким ҳам ишонарди?

-Тайчи, ана улар билан ташашиб кўрасанми? Лекин ўлдириш йўқ. Ишни бир минутда тугатиш ҳам йўқ. Чўзиш керак. Ўшанда меҳнатингни таъмини сезасан. Рақибни майдонда айлантири, сарсон-саргардон қил, тугаб бораётганини томоша қил, йиқилиши, эмаклаб туриши, яна йиқилишидан роҳатлан. У кучли эканингни нафақат сезсин, балки тан берсин, санга қойил қолсин, кўзларида илтижо пайдо бўлсин, ёлвориш, ялиниш пайдо бўлсин... ана ундан кейин бир чертиб, думалатиб қўй. Майдонга чиқиши билан бир уриб йўқотсанг, ўзинг ҳам мазза қилмайсан, томошабин ҳам...

Президент шундай деб карате машқ қилаётганларнинг ёнига бошлади ва девордаги “волкинг-толкинг” телефоннинг тутмасини босиб, кимгадир:

-Хўрозингни олиб кел!-деди.

7. Гўрков

Костюм-шымда эдим. Президент:

-Мени ҳимоя қилиш керак бўлса ҳамма ишни ташлаб оқ кўйлак-оқ иштон қидирасанми? Аввал бироз рақсга тушиб баданингни қиздириб оласанми? Йўқ, сен чақмоқ бўлишинг керак. “Қарс” этдими, сен ҳам қарсиллашинг керак!-деди.

Шундан кейин болалар билан “ит-мушук” бўлиб, сакраб-сукраб тургандик, семиз, пакана бир киши кириб келди. Унинг орқасидан эргашган йигитнинг аққол чиниққанини ҳар қандай одам ҳам сезиши мумкин. Аммо унинг кунгфуни ўрганганини ҳамма ҳам сеза олмайди. Кунгфу билган одам ўнг оёқни оғирроқ ва чап оёқни енгил тортади. Унинг

“саломи” битта оёқда туриб, биттасини тепага күтариб, қўл бармоқларини чангала гайлантириб, икки томонга узатишдир. Демак, “ит-мушук”дан “шер ва қоплон” жангига ўтамиз...

Бир зумда болалар кўздан ғойиб бўлишди. Президент семиз одамнинг саломига алик ҳам олмай:

-“Отарчи”нинг итини йиқитишига тайёрлаганинг шуми?-деди.-Буниси ҳам олдингисининг копияси-ку?

-Буниси пишиқ. “Отарчини”нинг итини уради, “Молбоқар”нинг бўрисини ҳам..

-Катта гапирма! Олдин ҳам шунаقا дегандинг. Аммо “Молбоқар”га етмай “Отарчи”нинг эшигидан қайтдинг. Юзимни ерга қаратдинг! Санга ишониб, кулгига қолдим. Агар “хўроз”инг мана шу болага ютқазса, сан ҳам ютқаздинг, федарацияни бошқасига топширасан!

-Бу боланими, бир ҳамлада ғажиб ташлайди!-деди ҳалиги одам манга беписанд қараб. У ҳақиқатдан ҳам ҳовлиқма экан. Жимгина турсаку олам гулистон. Лекин...

Президент унга қараб товушини кучайтирди:

-Санга доим шошма дейман, аммо қулоқ солмайсан! Тилинг ўзингдан олдин югуради. Бир зумдан кейин ўзинг тилингдан олдин югуриб қолмаслик учун дуо қил!

Семиз одам энди масала жиддийлигига тушунди, шекилли, индамай бошини эгди.

Рақибимни Президент ўргатгани каби ўйнатиб-ўйнатиб, кейин думалатаман деб тургандим, у ўнг қўли билан ҳавода чизик тортиб “буни тугат” ишорасини берди. Бу ишорани фақат биз биламиз, десам Президент ҳам билар экан.

Негадир унинг авзойи бузилганди. Сабабини қидиришига вақтим йўқ. Бутун кучимни кафтигма тўпладим. Рақибим “разведка” ҳамласи қилиши биланоқ “ўқ”ни унинг кўкрагига урдим. “Уҳ” дейишга ҳам улгурмай юрагини ғижимладида тиз чўқди. Қарасам, ҳалиги семиз одам ҳам ўтириб қолди. Президент эса ғолибона мағрурлик билан орқага қайтди. Нима қилишимни билмай қолдим.

Семиз одамга ёрдам берсаммикан, деб тургандим Президент ҳожатхона эшиги ёнида тўхтаб:

-Соя эгасидан узилиб қолмаслиги керак!-деди.- Нур орқада. Демак, олдинда бўлишинг лозим. Эшикни мен очаманми?

Югуриб бориб эшикни очдим. Президент ичкарига кириб, қўлинини елкамга кўйди.

Хаёлимда “Отарчи” ким экан деган савол айланаётган эди.

-“Отарчи” ана у тожик бола. Имомали Раҳмон деб эшитганмисан, ўша. У тўйларда ашула айтиб юради. Шунинг учун “Отарчи” деймиз. Аммо жуда ёмон ити бор. Икки-уч марта бизни изза қилди. “Хўроз”имни уриб қўйиб, у ёқ-бу ёқларда “Ўзини дўппосладим” дебди. Биласанми, аслида у ҳақ. Унинг ити “хўроз”имни ургани билан ўзи мени дўппослагани орасида қандай фарқ бор? Ҳа, майли... жавобини берадиган кун келди!

Президентнинг боягина хафақон бўлган кўзларида энди оташ алангалаётган эди. У қоядан қанотларини очиб, парвозга отланган бургутга ўхшарди. Ўз шиддатига ўзи сиғмаётгандек. Гаплари ҳам қорни тўқ одамникдек дадил ва қатъий::

-Эртага Остонага борамиз. “Отарчи” ҳам ити билан боради. Уни боягидай битта уришда тиз чўқтиранг бутун дунёни оёқларинг остига тўкаман. Лекин билиб қўй, бугунги ҳамма гап мана шу ерда кўмилди. Бундан кейин эшитган гапларинг ва кўрган воқеаларинг гўрковисан!

Президент шундай деб катта хонанинг эшиги томонга юрди. Югуриб бориб эшикни очаман десам:

-Йўқ, бу сафар манга қўйиб бер! Биринчиси ва охиргиси,-деди у.-Кейин қучоқлаб икки юзимдан чўлпиллатиб ўпдида елкамга бир уриб:

-Бор энди,-деди.

8. Благинизм

Адам қабулхонада кутиб ўтирган экан. Ҳеч нарса демади. Ойим “Агар адангни хурсанд ёки хафалигини юзига қараб топа оладиган одам чиқса, Нобел мукофотини олади” деганда минг карра ҳақ.

Лифтга чиққанимиздан кейингина у “Мен ҳам гўрковман,” деди. “Ҳамма маъноси билан,” деб қўшиб қўйди ва яна жимликка шўнғиди.

Гўрков?! Ўлган одамлар учун гўр ковладиган одам, лекин ҳар куни битта, баъзан бир нечта одамни кўмиш осон иш эмас. Бу катта меҳнат. Куч билан бирга темир асаб ҳам истайди.

У деярли қабристонда яшайди. Фақат битта қўркуви бор дейишади, у ҳам бўлса лаҳад қазганда тупроқ босиб қолиши.

Лекин сирларни қўмиб юборадиган, гуноҳларни “лаҳад”га қўядиган “гўрков”ларчи? Улар нимадан қўрқадилар? Ана шу “лаҳад”нинг усти очилишидан.

Қизиқ. Биттаси ёпилиб қолишидан, биттаси очилиб кетишидан қўрқади. Унда нега ҳар иккаласини ҳам “гўрков” дейишади?

-Бу машинани немислар шахсан “батя” учун ясаган,-деди адам хаёлимни бўлиб. -“Железабетон”!

Машина сип-сиёх. Ялтираб турибди. Бирдан “шик” этиб эшиклари очилди.

-Чўнчагингдаги калитни “ўқийди”,-деди адам.-Эшикни очсанг мотори ишлаб кетади.

Адам ҳайдовчи томондаги эшикни кўрсатди.

-Правам уйда қолган...,-дедим.

-Бу машинани ҳайдаш учун гувоҳнома керак эмас. Уни тўхтатишмайди. Ҳамма билади, бу президентнинг шахсий машинаси.

Президентни шахсий машинаси? Нега уни менга ҳадя қилди? Ўзига бошқасини олдимикан? Нима бўлганда ҳам ҳали яп-янги. Ҳамманинг кўзини қамаштирадиган, оғзини қапаштирадиган бўлдим...

-“Батя” бир жойга борса, барибир сен билан боради, чунки ўзи машина ҳайдамайди. Энди сен унинг нафақат тансоқчиси, балки маҳсус ҳайдовчиси ҳам.

Адамнинг гапи қўлоғимга кирмади. Машинанинг ўзидан ўзи ишлаб кетиши бутун вужудимни титратгандек эди. Ичига қараб эса ҳангуманг бўлиб қолдим. Худди митти саройга ўхшайди. Бош қўядиган вассодасини айтмайсизми? Юмшоқ, болищдек.

“Жаноб президент, машинангизга хуш келибсиз!” деган роботмонанд овоз эшитилди.

“Раҳмат!” деб жавоб қилди адам.

“Ички температура 36. Ичкиликлар даражаси эса 21. Шундай қолсинми?”

“Бас қил!” деди адам.

“Бас! Ўчдим” .

Аммо жойимга ўтиришим билан яна овоз келди:

“Ташқаридан хуруж бор. Суҳбатни ёзиб олишмоқда. Эҳтиёт бўлинг!”

“Ўзимизникиларми?”

“Йўқ, ташқаридан”.

“Сателлитданми?”

“Нима дедингиз?”

“Орбитаданми?”

“Йўқ. Шу яқиндан”.

“Ким бўлиши мумкин?”

“Орқадаги машинадан”.

-Ҳа, улар ҳам ўзимизники! Буни қайтариб олиб келишади,-деди адам “бардачок”ка қўл уриб. -Кейин менга юзланди:

-Эсингдан чиқарма, батя благинизмни ёмон кўради.

“Благинизм”. Адам бу сўзни кўп такрорлайди.

-Ада, ха деб “благинизм” дейсиз, ўзи нима дегани бу? Ўзбекча ёки русча қилиб тушунтириб беринг,-дедим.

Адам “ўзингни бос” деган қараш қилиб, гапира кетди:

-Иккинчи жаҳон урушидан анча олдин “Максим Горкий” деган самолёт ихтиро қилишган. Дунёдаги энг катта самолёт. Ичидаги кинотеатр, кутубхонадан тортиб, тенис ўйнайдиган жойгача бор экан. Уни синааб кўрадиган куни ёнида ҳарбий учқич ҳам унга йўлдошлиқ қилибди. Ҳарбий учқични Благин деган одам бошқарган. У ўзича самолётнинг оёғини осмондан қилиб учиривди. Аммо бирдан “Максим Горький”нинг қанотини кесиб кетибди. Икки самолёт ҳам қулаб тушиб, парам парча бўлибди. Шундан кейин қоидани бузиш, интизомга риоя қилмасликни “благинизм” дейдиган бўлишибди”. Агар қоидани бузсанг, батядан кўп эшитасан бу сўзни.

-Ҳали менга ҳеч ким қоида ўрнатмадику,-дедим ажабланиб.

-Сенга ҳеч ким қоида ўрнатмайди. Батянинг оғзидан чиққани – қоида, буюргани – қонун. У нима деса ўшани бажарасан! Иккиландингми, благинизм бўлади... Эрталаб бу машина яна уй олдига келтирилади. Батянинг буйруги шундай. Оқсаройга ҳайдаб борасан. Биз эса ойинг билан Оқсарой ёнидаги уйга кўчиб борамиз. Бу ҳам буйруқ.

Шу пайт яна машина “тапириб қолди”:

“Сұхбатни әшитаёттәнлар фақат орқадаги машинадан әмас! Ундан орқадаги машинадан ҳам әшишишмоқда”.

Адам құлни оғзига қўйиб, “гапирма” белгисни кўрсатди. Кейин “машинани орқага бур” деб ишора қилди. Орқага бургандим, у ”Коналоҳху лам-якун мааху шаҳ!” дедида битта нуқтани босди. Машина жавоб қилди: “Кона каанлам-якун!”

Бизни қузатган “Lacetti” эриётган каби ёна бошлади. Кейин портлаб кетди...

9. Апачи

Бўлган воқеадан шок ҳолга тушгандим. Қўрққаним йўқ, аммо ҳайрон эдим. Ҳайронлигим воқедан ҳам қўпроқ адам ҳақида. Наҳотки у шундай катта ишларнинг ичида.

-Туш машинадан,-деди адам ва калитни бизни қузатиб келгандарга берди.

-Пиёда кетамиз.

-Ада, боя қайси тилда гапирдингиз?

-Навоийнинг тилида. ”Ҳайратул Аброр” деган китобидан олганмиз бу кодларни. Мана кодлар, мана бу ерда ёзилган ҳаммаси, эрталабгача ёдлаб ол, китобчани қайтиб берасан.

-Бунчани ёдлашга улгураманми?

-Боя портлаб кетган машинанинг ичидаги лақма каби жазоланмаслик учун ёдлашинг керак.

-У машинадаги ким эди?

-Бу машқ. Газ балонидан портлаб кетди деб қўйишиди. Лекин билиб ол, ҳаётда ҳам рўй беради. Ўшанда қовун туширсанг сан ҳам машқларда қурбон бўлишинг ҳеч нарса әмас. Лекин санга ишонаман, пишиқсан!

-Машинанинг гапириши ҳам машқ әдими?

-Йўқ, машинага ростдан ҳам гапирадиган система ўрнатилган. Қандай саволлар ва гапларни гапира олиши ҳам шу китобчада бор. Японлар бир вақтлар Россия президенти Елцин учун лазер қўрима тайёрлашган. Аммо руслар қиммат деб олишмаган. Ўшани биз сотиб олганмиз. Шу китобчанинг охирида қайси тугмаларни боссанг, қандай ишлаши ҳам ёзилган. Бу ҳаёт. Балки бир умр бир марта ҳам ишлатмаслигинг мумкин ёки бугунги каби биринчи куниёқ ишлатишингга тўғри келади. Ҳаёт нима? Курашдан иборат. Агар

курашни сен бошқарсанг доим ғолибсан. Ташаббусни қўлдан бердингми, ўша кун майдондан суриб чиқаришади. Благин ҳақида, батянинг “благинизм” деган сўзни яхши кўриши ҳақида гапиргандим.

-Ха, қоидабузарлик қилмаслик керак...

-Аслида ўша Благинга учишдан олдин қоидабузарлик қилишни буюришган. У рози бўлмаган. Кинога олиб Сталинга кўрсатамиз, у осмондаги “фигурали учиш”ни яхши кўради” дейишганидан кейин рози бўлган. Аммо қазога учраб, ўлиб кетган ва номи қораланган. Демоқчиманки, ўлим ҳукми келса ҳам “батя”нинг ўзидан эшитмагунча ишонма. Ҳатто мен ҳам “батя” қўйган қоидага қарши бир иш қил, десам, бажарма!

Адамни биринчи марта шундай юракдан самимий гапираётганини кўрдим.

-Сани ҳали бу ишга тавсия этмагандим. Аммо кейинчалик учун режам бор эди. Ишлар тезлашиб кетди. Ўзингни эҳтиёт қил! Агар “батя”ни эҳтиёт қилсанг, бу ўзингни эҳтиёт қилганинг.

-Остонага борганда “Отарчи”нинг тансоқчиси билан майдонга тушасан. У чиникъан бола. Лақаби “Tag”. Чунки “Тагги”ни билади. Билганда ҳам яхши билади. Бир айланишда рақибини бўғиб қўяди.

-“Тагги”дан хабарим бор. Тайванда тайчидан олдин “тагги”ни ўргатишган.

“Тагги” аслида ўғрилар, талончиларнинг ҳунари. Бир пайтлар Ҳиндистонда карвонларни талаидиган, меҳмонларни бўғиб кетадиганларни “Tag” дейишган. Гуруҳнинг ҳам, усульнинг ҳам номи “Тагги” бўлган. Йиллар ўтавериши билан уларнинг одамни бўғиб ўлдиришлари спортга ҳам кириб келган. Йўлини топиб, рақибнинг бўйнидан бўғиб туришади. У ҳавосизликдан ўлади. Бўйин остида қўл излари қолмайди. Чунки бўғганда бармоқларни ишлатишмайди. Тайчини билганлар буни кўп қўлламайдилар. Бунинг учун қўл, бўй узун бўлиши керак. Рақибга орқадан ҳамла қилиш шарт. Бу ҳолат тайчида оёқни орқага кўтариб уриш учун йўл очади, тайчини билганга қулай фурсат бўлади. Демак, рақимибнинг бўйи ва қўллари узун, ўзи ҳам қучли. Аммо тайчининг олтинчи қаватига чиқмаган. Агар чиққанда “Тагги”ни ишлатмасди.

-У иккита йигитимизни ўлдириди, “батя” жуда хафа бўлганди. Ўшанда бир неча кун жаҳлдан тушмаган. Қанча одамларни вазифадан олиб ташлаган. Қаҳратон қиши бўлишига қарамай Душанбега борадиган газни кезиб ташлаган. Чегараларни ёпиб қўйдирган. Адашиб ўтганларни отиб ташлашни буюрган. Учқичлар қатнови камайтирилган. Поездлар тўхтатиб қўйилган. Мана энди яна кураш вақти яқинлашган сайин ҳеч кимдан қўнгли тўлмаётган, асабийлашаётган эди. Сани ёқтириб қолди. Уч кун ҳеч иш қилмай сани ўрганди. Ички Ишлар вазирлиги, МХХ, ўзимизнинг “СП” ҳам сани ўрганишга сафарбар қилинди. Охирида бутун умидини санга боғлади. Имомали Раҳмонни “батя”нинг ўзи тахтга келтирган. У аввалига “батя”ни отам деб юриб, кейин

саломини ҳам насия қилди. Тансоқчиси бизникини уриб ташлагандан кейин бутунлай түнини тескари кийди. Биласанми, “батя”га осон эмас. Ўзи топиб, ўзи ишга қўйган одам олтита президентнинг олдида унинг устидан кулиб ўтиrsa...

-Колганларнинг тансоқчилари ҳам жангга кирдими?

-Ҳа, уларни ҳам уриб ташлади. Лекин бошқалар бир-бирини масхара қилган эмас. Имомали очиқ “батя”нинг устидан куладиган, уни масхара қиладиган бўлди.

-Унинг боласини уриб ташашимга ишонасизми?

-“Унинг боласи” эмас, у душман!

Душман?

Уста Вуннинг гапи ёдимга тушди: “Қизил танлиларнинг бир қабиласидаги лидери ўзини “Дина” (“Одам”) деб номлабди. Буни эшишиб, унга рақиб бўлган қўшни қабиланинг бошлиғи ўзини “Апачи” (“Душман”) деб атабди. Унинг ғалабалари шунчалик кўп бўлибдики, минг-минглаб одамлар ўзларини “Апачи” дейдиган бўлибдилар. Биз дўстга дўст, душманга душман!”

Кўрамиз, ким “Апачи”?!

10. Садоқат

Кечкурун Гуля телефон қилди. Эртага муҳим иши чиқиб қолганини ва учрашувни кейинги ҳафтага суришни сўради. Нимадандир жуда хурсанд. Товуши жарангдор. Хаёл қиласа телефоннинг ичига кириб! ёнимга етиб келса ва қулогимга бир нималар пичирласа. Мен ҳам айни ҳолдаман. Лекин етиб борганим билан унга бўлган воқеалар ҳақида пичирлай олмайман. Қувончим ва ташвишларимни кўксимга кўмишга мажбурман. Унинг эртага бўладиган учрашувни қолдиргани ташвишимни енгиллатди. Чунки ҳали бирор баҳона топиб улгурмаган эдим.

Кечаси билан кодларни ёдладим.

“Кона каанлам-яқун!” дегани “бўлган, аммо бўлмагандай”, ”Коналоҳҳу лам-яқун мааху шаҳ!” дегани эса “Оллоҳ бору аммо йўқдай” маънога эга экан. Ҳамманинг код отлари бор.

Президент – Беҳамто(ягона).

Хотини – “Моҳу сол” (ҳам ой, ҳам йил).

Катта қизи – “Моҳи шабгард”(тунда кезувчи ой).

Иккинчи қизи – “Моҳи нўшлаб” – (ширинсўз гўзал)

Катта невараси – “Дўнон” (тўрт яшар от).

Кичик невараси – “Кўтарчин”(каптар).

Бир-биридан қийин кодларни ёдлайман, деб ухлаб қолибман. Адам уйғотди. “Машина келди, кетамиз,” деди. Лекин ҳар қуни икки соат машқим бор. Бу тайчининг қонуни. “Бир кунга бузсанг, бир умрга пушаймон бўласан” дерди уста.

- Учқичда жой бор, “Батя” келгунча машқни битириб оласан!

-“Батя”ми ёки “Беҳамто”ми?

-Хей, ҳей... кодларни тилингга олма! Фақат фавқулодда ҳолатларда ишлатилади. Миянгга қулфлаб қўй!

Ойим ҳам биз билан йўлга отланди. Ажабланганимни кўрган адам:

-“Батя” бизнинг ҳам боришимизни истаяпти. “Болелшик” ҳам кераклигини айтди,-деди.

Самолёт қаср экан. Ичига киришингиз билан ўзингизни жаннатда ҳис қиласиз. Гиламлар шунчалик гўзалки, таърифлаб бўлмайди. Худди Президентнинг олтинчи қаватдаги ишхонасининг нусхасини ясад қўйишгандек. Ҳар бир эшик олдида иккитадан йигит турибди. Улар менга масхараомўз қараб, кўринмас тарзда устимдан кулгандек кўриндилар. Чунки гавдам уларнидан анча кичик. Аммо кўрсатилаётган хурмат анча катта. Орқадаги эшикни очишиди. Спорт зали. Бир четда теннис столи ҳам турибди. Тавба, самолётда ҳам теннис ўйнаса бўларканда?

Самолётнинг бир деворига Президент ва оиласининг сурати чизилган. Иккинчи томонда боғ-роғлар... Оёқ остидаги гиламда эса бир неча кишининг суврати. Таний олмадим. Шу ерда машқ қилдим. Машқим тугаши билан адам Президент келганини ва мени сўраётганини айтди. Ўрта залдан ўтиб олдинги хонага кирдик. Президент бир ўзи ўтирган экан. Ёнига чақирди. Кўп ўтмай командир келиб унга “чест берди” ва учишга изн сўради.

-Шошмасдан боравер, қозоқ озгина кутсин!-деди Президент. Кейин менга қараб гапира бошлади:

-Бир куни Останкино минорасининг тепасидаги ресторонда ўтиргандик. Владимир Владимирович “Давай, тансоқчиларнинг садоқатини синаб кўрамиз,” деди. Авввал қозоқникини чақирдик. “Президентнинг содик бўлсанг ўзингни шу минорадан ташлайсан,” дедик. Қизталақ, кўзини чирт юммай истеъфосини берворди. Кейин урус

ҳам шундай қилди. Қирғиз билан тожик ҳам улардан ўрнак олди. Навбат бизниги келганды ҳеч нарса демай ўзини ташаворди. Ҳамма ҳангу-манг бўлди. Пастда уни ушлаб оладиган жой қилиб қўйишган экан. Ушлаб обкелишиди. “Нега ҳеч ким ташламади-ю сен эса ғинг демай ўзингни отвординг?” деб сўрашди. Бизники “Самолётда ота-онам бор,” деб жавоб қилди. Ақлли бола эди. Аммо қовун тушириди. Гапнинг тўғрисини айтиб қўя қолди. Шунаقا... Бизда садоқат ота-она билан боғлиқ. Мана санга ҳар қанча яхшилик қиласам ҳам барибир ота-онангга кўрсатган садоқатингни менга кўрсатмайсан! Бу оддий ҳол! Шунинг учун ҳам аданг ва ойингни ҳам олдим. Уларга садоқатингни кўрсатсанг, ўша манга ҳам етади. Лекин Худо кўрсатмасин сани уриб ташласа, бу дегани ана уларни ҳам уриб ташлагани...

Президент шундай деб бармоги билан орқани кўрсатди. Чиқсан, ойимнинг кўзида ёш:

-Болам шу кунларга етганингни ҳам кўрдим...,- дедилар. Лекин овозлари ҳазин ва сохта эди. Адам эса хавотирда. Бироздан кейин Президент яна ёнига чақириб қолди:

-“Отарчи”нинг боласини яхшилаб ўрган. У ҳам сани ўрганишга ҳаракат қиласи. Уни чалғит. Нима қилишингни билолмасин. Уни ўз хунари билан тугат. Душманга қараши ўз тактикасини қўлласанг, буни кутмаган бўлади. Мағлуб қиласан. Бу аслида катта сиёsat. Сен тушуниш қийин мавжудот бўлишинг керак. Ҳеч ким каллангдагини уқий олмасин. Ҳеч ким қайси оёғинг ва қайси қўлингни қаёққа, қачон ташлашингни тахмин қиломасин. Ҳар қадаминг, ҳар ҳаракатинг чалғитувчи бўлсин...

У Остона аэропортига қўнгунимизгача маслаҳатлар бериб борди. Кайфияти яхши эди. Аммо пастга қаради-да, жаҳли чиқди:

-Қозоқ! Яна ўзи чиқмабди,-деди.- “Отарчи”ни кутишга чиқибдими?

Унинг саволига жавоб берадиган одам йўқ эди. У орқага қаради. Эшик ёнида турган кексароқ одам эгилиб унинг олдига келди. Президент унга бақирди:

-Эшитмадингми, нима дедим?

-Владимир Владимирович билан банд бўлса керак. “Отарчи”га чиқмайди. Ҳали кўрасиз етти букилиб сиздан узр сўрайди,-деди у пинагини ҳам бузмай.

-Бўпти, кечроқ тушамиз. Бироз қаққайиб туришсин!-деди Президент. Кейин менга юзланиб:

-Кўрдингми ўғлим, бир марта ютқазсанг, кутиб олишга итни чиқаради, икки марта ютқазсанг, битни. Бу сафар Худо хоҳласа, ҳаммасини урамиз, санга ишондим. Ишончимни ўлдирсанг мени ўлдирганинг бўлади,-деди.

У шундай деб қўлини юзимга суроётганди самолёт бирдан қалқиб кетди.

11. Халта

Кўрқув инсоннинг қонида бор дейишади. Кимдир ҳалокатдан қўрқса, кимдир фалокатдан.

Президент самолётнинг тўсатдан қалқиб кетишидан қўрқди. Буни бир қарашда сезишингиз мумкин эди. Ранги оқариб, қўллари титраб қолди. У бирор нарсани тутаман, деб жой тополмаётган кўр одамга ўхшарди. Бу қанча давом этди, билмайман. Балки бир сония, балки кўпроқ. Лекин тезда эски ҳолига қайтди ва ҳеч нарса бўлмагандек жойига ястаниб олди. Нафасини ростладида:

-Нима гап?-деб бақирди. Овози шунчалар кучли эдики, қулоқларим қангиллаб кетди. Унинг бояги қўрқув ҳолати менга кўчди. Ўзим билмаган ҳолда титраётгандим. Нима бўлганини қаёқдан биламан? Нега менга бақиради? Хайриятки, ичкаридан командир югуриб чиқди ва:

-Ўртоқ Президент, кечирасиз, самолётга қўйиладиган зинанинг мотори тўхтамаган кўринади, шиддат билан келиб урилди...,-деди.

-Аблаҳ, шунга ҳам ақлинг етмадими, буни атайлаб қилишган... Кўрмаяпсанми, қозоқнинг ўзи йўқ, ўрнига ана у уйғур чиққан.

-Тошкентга боришганда биз ҳам...

-Санларда фақат гап бор... Қўлларингдан (...) ҳам келмайди!

Орқадан бир чиройли қиз сув олиб келди. У Президентнинг сўкинишга парво қилмади. Президент ҳам ҳеч нараса бўлмагандек сувдан қулига олдида юзини ҳўллади. Кейин ўрнидан турди. Ҳалиги қиз унинг костюмини кийгазиб, бўйинбогини тўғирлади. Президент қизнинг орқасига битта шапатиладида жилмая бошлади. Менга қараб ҳам жилмайди. Тушунмадим. Шу куйи дадил одимлар билан чиқиши эшиги томонга қараб юрди. У ўзини ўзи бошқаришга уста экан. Тайчида ҳам ҳатто ихтиёринг қўлингдан олиб қўйилганда ўзингни ўзинг боришинг керак.

Бизни тўғри мажлис бўладиган жойга олиб боришиди. Ҳамма бир кун олдин келиб бўлган экан.

-Сиз ҳам Борис Николаевичга ўхшаб самолётда ухлаб қоладиган бўлдингизми? Туртмасак уйғонмайсиз!,-деди бир киши. Ҳамма кулиб юборди. Аския бошланди.

-Пастга қарасам, ҳамма бир хил, қайси бири Нурсултан Абишич экан, деб ҳайрон бўлиб кутиб қолдим,-деди “батя”.

-Шуни билганимиз учун ҳам орқадан туртиб, ўзимизни танитиб қўйдик...

Президентлар худди болалардек қийқириб кула бошлашди. “Батя” қизариб кетди. Нимадир демоқчи бўлди. Лекин “Нурсултон Абишич” тўхташни билмасди:

-Бизникиларнинг ҳаммаси ўзимиздан, шунинг учун бир хил, сизники каби термагул эмас!

Тағин қулги бўлди.

-Илтимос қилсалар ўзларига ўхшаганлардан бир-иккита ташлар эдик,-деди қорақош киши.

-Ҳамма гапирса ҳам сен жим тур, Имомчик, ўзингни у томонга мен ташалагану энди сен бу ёққа ташлайдиган бўлдингми?-деди “батя”.

-Ташла ташлашни мажлисдан кейин кўрамиз!-деди у.-Тағин ташлаб қочманг!

-Мажлисга кирмасак шу ерда ҳам ташлаб юборасизлар!-деб Путин олдинга қараб юрди. Қолганлар унга эргашдилар.

Путин ҳақида кўп қизиққандим. Негадир уни биринчи кўришим бўлсада ҳаяжон босмади. Унинг кураш услуби ўзига хос. Ҳеч бир рақиби уни енгиш учун майдонга тушмайди. У енгилишни истаган одамни енгишга уринади. Биз ҳам Тайванда устага енгилишни истардик. Чунки ундан қўрқардик. У аста-секин биздан ана шу кўркувни силиб олганди.

Президентлар кула-кула ичкарига киришди. Биз эшик ёнида қолдик. Фотомухбирлар кириб чиқишидан кейин бир киши келиб, биттадан тансоқчи бориб орқада ўтирсин, деди.

“Отарчи”нинг тансоқчисини шу ерда қўрдим. У тинмай менга қаради ва масхара қилгандек тиржаярди. Унинг гавдаси меникига қариyb иккита келади. Кўллари ҳам оёққа ўхшайди Бўйни ҳўқизники каби семириб, елкаси билан бошининг орасида жой қолмаган. У кўпроқ оғир тош кўтарувчини эслатади. Балки бокс ҳам тушар, каратени ҳам билар, аммо тайчидан хабари йўқлиги аниқ.

Тайчининг бошқа Узоқ Шарқ ўйинларидан фарқи кўп. Курашга киришдан олдин бошингдан кўринмас ип билан кўкка боғланасан. Оёқларинг ерга осилган. Бутун вужудинг халта. Осиб қўйилган халта. Ана шуни ҳис қолган ҳолатда ўзингни бошқаришинг керак. Бир зумда халтадан одамга, одамдан тайчи жангчисига айланишинг лозим.

“Дунёда миллионлаб одамлар турли курашларни ўрганадилар. Лекин миллионтадан биттасигина тайчини ўргана олади” дерди уста Вун.

Тайчи инсоннинг кўзга кўринмас қувватини ишлатадиган иқтидор. Энг кўп энергия чақалоқда бўларкан. Инсондаги бу қувватнинг гавдага, мускулларга алоқаси йўқ. Уни ишга солиш учун каллада бошқарув иродаси бунёд этилиши керак. Шунинг учун ҳам чақалоқ бу қувватни ишга сололмайди.

Тайчининг иккинчи қоидаси ўзуки, душманнинг қувватини ҳам ўзига қарши ишлатиш даркор. Унинг ҳаракатларини ўрганиб, қуввати келадиган йўналишга кириб олиб, кучни ўзига қайтариш туфайли зарбани икки карра кўпайтириш мумкин.

“Отарчининг” тансоқчиси ҳам халта. Унда бу халтани жангчига айлантириш қобилияти йўқ. Қобилияти бўлганда бунчалик беписанд қараб, тиржайиб, масхара қилмаган бўларди.

Ҳар қандай енгилмас одамни енгадиган бошқа енгилмас одам бўлади. Ҳар қандай кучдан устунроқ куч бор. Тайчининг бу фалсафасини билган киши рақибини масхара қилмайди. Ҳатто унинг қанақа “ёнгоқ”лигини чақиб кўрган бўлсада, ҳисларини яшириши керак. Шунинг учун унга қарамай қўйдим.

Путиннинг орқасида ўтирган тансоқчи дикқатимни тортди. Кексароқ, аммо ҳамма нарсани биладиган. Жуда босиқ, бирорга парво қилмайдиган, ўзига ишонадиган одам. У курашчидан ҳам кўпроқ устага, тренерга ўхшарди. Қараб турганимни сезди ва “дикқатинг президентингда бўлсин” дегандек қошини қимирлатиб қўйди.

12. Боксчи ва чумоли

Мажлис олдидан ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйишишган экан. Путин:

-Кўул қўямизми?-деди.

“Кетдик!”, деб қўл қўя бошлишди. Ёрдамчилар бир зумда имзоланган ҳужжатларни кўтариб чиқиб кетишиди.

-Тиливизунга ким нимани гапиради?-деб сўради Путин.

-Бошида келишганимиздек, кимнинг “хўрози” ютса, ўша гапиради,-деди “Абишич”. – Аммо “Тиливизун” дегани “тили узун” деганидир. Буни ҳам унутмайлик!

-Мен Самарқанд ва Бухорини ҳалигача ололмаганим ҳақида гапираман,-деди қорақош “Отарчи”.

-Самарқанд ва Бухорони бераман, деган ким?-жашл қилди “Батя” .

-Ўтган сафар ютиб олгандимку лекин сўзингизда турмадингиз.

-Унақа бўлса сан ҳам Ленинободни ютқаздинг-ку? Нега бермадинг?

-Биринчидан, сизга ютқазмадим. Иккинчидан, Ленинобод эмас, Сўғд. Учинчидан, қирғизларга ўзбекларнинг нима кераги бор? Уларга “аналгин” учун Ўш ҳам етиб ортади.

-Базарит қилмайлик, – дея сўзга аралашди Путин.-Бунақада ишларимиз бардак бўлади. Бу гаплар эллик грамм “ўра”га тушгандан кейин оғиздан чиқадиган гаплар. Олдин ҳам келишганмиз, шартларимизни мана шу ерда олдиндан “безбалда” айтамиз, бизга “барзометр” ёки “танчар”нинг кераги йўқ, ҳаммамиз жиддий одамлар. Ютқаздингми, бажар!. Бўлмаса, “шара”миз шара-барага айланиб қолади.

Путиннинг жаргонини тушуниш қийин экан. “Батя” унга нимадир демоқчи бўлди. Путин унга қараб давом қилди:

-Мана, “Абғаниеч” Туркманистонга чегарадош ерни ютқазганди, “мазолит” қилмасдан, ғинг демасдан берди. ”Абишич” бизга ютқазгандарини индамай топшириди. Майли, ўтганга саловат. “Самарқанд-Бухоро” деб ножиддий гаплар қилмайлик. “Бозор”та реалистик нарсаларни тикайлик. Бугун маники ютса, Ўзбекистон бир ой Москвани бепул мева билан таъминлайди. Қозогистон ютқазса, Байконурнинг яна бир қисмини ижарага беради. Туркманистондан иккифуқаролик истайман. Тожикистон эса ҳарбий базамизни яна олти ойга боқади. Мана, ҳаммаси реалистик. Қани сизлардан эшитайлик.

Путин “бартендер” йигитга: ёзаяпсанми, дегандек қараб қўйди.

Президентлар ўз шартларини айта бошлишди. Қирғизистон раҳбари Сўҳ анклавига шериклик истади. “Абишич” эса ўзбек мардикорларини олиб кетишни сўради.

Кейин сўзни “Батя” олди:

-Агар ютсам Раҳмон Ўзбекистон Исломий ҳаракатини чиқариб юборади, Қозогистон яна бир йилга ғалла беради, Қирғизистон Ўшни тозалайди, Туркманистон Туркия ва Эрон билан қилаётган газ ўйинига бизни ҳам қўшади...

-Ўзбекистон Маҳмудни қайтарса, биз ҳам “ана у”ларни чиқарамиз,-деди “Отарчи”.

-Маҳмуд Худойбердиев бизда бўлсаки, қайтарсак,-деди “Батя”

-Унинг Амир Темур ғоридаги базаси ҳам сизда эмасми?

-Хей, ҳали шпионлик ҳам қиласман дегин! - ”Батя” қўлинин пешлаб ўрнидан турганди, Путин “Спокойно!” деб қўли билан ўтириング, ишорасини қилди.

Давлат раҳбарлари ёш болага ўхшаркан. Сал нарсага жаҳли чиқиб, сал нарсага пусиб қоларкан. Лекин катта-катта масалаларни мана шундай осон ҳал қилишларига беш кеттим. Ютдингми ол, ютқаздингми бер!

-Бўпти, қишига бепул газ берасиз!-деди “Отарчи”.

Шу пайт қаердандир телефоннинг “минғиллаган” овози келди.

Путиннинг жаҳли чиқди. Бошқаларнинг ҳам асаблари бузилди. Ёдимга адамнинг гапи тушди. Уяли телефон – уятли телефон. Чунки уяли телефонда ҳамма гапни гапириб бўлмайди. Ёзиб оладиганлар бор.

Ҳамма қидир – қидирга ўтди. Путин костюмини стулга осган экан. Телефон ўзидан чиқди.

-Ким солиб қўйди буни?- у шундай деб орқага қаради. Орқада ҳеч ким йўқ эди. Кейин телефонни елкаси оша ўша ёққа отиб юборди ва эсига нимадир тушгандек кулиб қўйди.

Ҳамма ҳеч нарсаси йўқлигини бир-бирига кўрсатгандек чўнтагини қайта-қайта ковлаб, бошқа хонага ўтди. Спорт залидек хона. Кенгиш. Деразаси йўқ. Тунги клубга ўхшайди. Бир четда бар ясалган - стол устига ичкиликлар, егуликлар қўйилган. Битта “бармен” йигит қўлидаги “Айпад”га айтилганларни ёзиб турибди. У “бармен”га ўхшамайди, “бартендер”га ўхшайди. Аслида бармен ҳам, бартендер ҳам ичкилик қуловчи. Лекин озгина фарқи бор. Ҳамма ҳам “бармен” бўла олади. Бу “бар” ва “мен” сўзларидан тузилган. “Хода одам” деса бўлади. “Бартендер” ҳам икки сўздан тузилган ва “Мулозиматчи хода”. У ўз касбини илмга айлантирган одам. Шу соҳани миридан-сиригача билиши керак.

Лекин бу йигитда ортиқчаси ҳам бор. У стенографчиликдан ташқари тайчидан ҳам хабардор. Кирганимдан бери кўзининг тагидан менга қараб қўяди. У ҳам мени “таниди”, шекилли?

Ҳар бир президентнинг ёнида биттадан “соқчи”. Бошқа одам йўқ. Президентлар тансоқчиларни эркалата бошлашди. “Батя” ҳам қўлимни ушлаб, маҳкам қисди. У асабий. Кафти терлаган эканми ёки ҳозир терлай бошладими, қўлим нам бўлди.

Шу дамда “Батя” нинг кеча федарация раисига “Хўрозингни олиб кел” дегани ва кейин “Оқпадарнинг ити” деган гаплари ёдимга тушди.

Демак, биз президентлар учун “хўрорз” ёки “ит”миз. Исташса эркалатишади, исташса, тепиб юборишади.

-Боксчи билан чумоли нимадан қўрқади?- деди Путин ва ўзи жавоб қилди: -Боксчи бошига мушт келиб қолишдан, чумоли эса бошига оёқ келиб қолишидан қўрқади. Ҳозир ҳаммамиз шу аҳволда. Қани ким бошлайди?

13. “Косатка”

Тоққа аста-секин чиқилади. Лекин бир кунда зирванинг тепасига чиқиш ҳам ҳеч нарса эмас экан. Кеча эрталаб қаерда эдиму, бугун қаердаман? Қизиғи шундаки, бунга “яшин тезлигиди” қўниҳидим. Миллион-миллион одамларга хукм этиб турган мана бу кишиларни худди олдин кўргандек, уларга ўргангандекман. Улар билан ҳар куни учрашиб, ҳар куни муштлашиб юргандекмиз. Буларнинг зирвага чиқишилари қандай бўлган экан? Баъзиларига осон бўлмагани аниқ. Чунки фавқулодда бир қобилиятга эга бўлишлари керак. Лекин ҳаммаси Путиннинг олдида “памперси”ни ҳўл қилганга ўхшаб қолгани кучларининг заифлигидан.

Фақат ана у қозоқ амаки болалигига жуда шўх бўлганга ўхшайди. Инсон қариса, болалигига қайтади, дейишадику. Ҳали унга, ҳали бунга ҳазил қилиб, юракдан кулиб ўтирибди. Президентларнинг қўлидаги қадаҳ бўшамасдан “бартендер”га имо қилиб турибди. Ҳушёр одам.

Сочи тўкилиб бўлган қирғиз тоға эса ҳеч кимга қарамай овқат еб, устидан қадаҳни бўшатиб кўймоқда. У “бева” ўргимчакка ўхшайди. “Бева ўргимчак”ни “қора-бева” ҳам дейишаркан. Эри ўлгандан кейин тўрининг ўртасида мотам тутаркан. Четдан келган эркак ўргимчак унинг ипини силкитиб, “кўнглингни олмоқчиман” дегандек “сигнал” юбораркан. У “келавер” деб торини “тиринглатиб” қўяркан. Эркак ўргимчак унинг ҳузурига етиб келиши билан оч ётган “қора бева” уни бир зумда еб қўяркан. Буни айтиб берган уста Вун “Қайтиб чиқиш йўлини билмасанг тўрга кирма” дерди.

“Отарчи”нинг боласи ўртада “бева” ўргимчак каби кўкрак кериб турибди. Мени бир тийинга олмагани яққол сезилади. Ўйин қоидасига кўра, саломлашаман, деб ёнига борсам, бир мушт қўйганди, учиб кетдим. Ҳамма кулиб юборди. Айтганимдек, боксчи экан. Агар яна бир-икки мушт урса, эсанкиратиб қўйиши аниқ. “Тўр”дан қайтиб чиқишни биламан. Бунга ем бўладиган аҳмоқ йўқ.

Унинг атрофида айланавериб, ҳужумларини ҳавога учиравердим. Охири асабийлаша бошлади. Ҳамла қиласерди, чап беравердим. Энди унинг устидан кула бошлашди. У қўлини ҳали у томонга, ҳали бу томонга отаётган тентакка менгзарди.

Хуллас, бу “девона”ни анча тентиратдим. Терлаб, нафас олиши бироз қийинлашди. Унга сал яқинлашдим. Бутун кучини тўплаб битта зарба билан мени тугатмоқчи бўлди. Айланиб, зарбаси йўналишига “кириб олдим” ва қувватни ўзига қайтардим. Айни пайтда бир эгилиб оёғини ҳам чалиб юбордим. Шундай йиқилдики, учқич қалқиб кетгани каби ўзим ҳам тентирааб кетдим. Катта одамнинг гурсиллаб йиқилиши катта воқеа. Бунақа йиқилишдан кейин ўриндан туриш осон эмас.

Шу пайт күзим “Батя”га тушиб қолди. У ўрнидан туриб олган, тинмай “битир” ишорасини қилаётганди. Күкка бир сакраб, тиззам билан “душман”нинг кекирдагига урилдим. Қўлим эса аллақачон унинг манглай орасини “чертеб” улгурганди.

Секин “Батя”га яқинлашдим. У шитоб билан бағрига босди. Кейин бошқаларга қарадим. Ҳамманинг ранг-рўйи ўзгарган, фақат Путин бепарводек. Ташқаридан икки киши келиб, “Отарчи”нинг боласини судраб олиб чиқишиди.

-Раҳмон, тугадингми, ҳа, тилинг комингга ёпишиб қолдими-а?

“Батя” ҳар қанча масхара қилса ҳам “Отарчи” ғинг демади. “Батя” юзини буриштириб, “Оқпадар” деб қўйди. Адам ҳам шундай дейди. “Батя, уни колхоз раислигидан Президентликка кўтарди, у эса нонқўрлик қилмоқда” деганди. Шу дамда ”Оқпадар”-“Отарчи” шокка тушиб қолганди. Бундай тугашини кутмаган-да.

“Батя” менга:

-Бор, бир нарса ичиб ол,-деди.

“Бартендер”нинг ёнига келсам:

-Сен ҳам уста Вунда ўқиганмисан?-деб сўради.

-Уста Вун зўр уста, шундай эмасми?- деб саволига савол билан жавоб қилдим.

У тушунди. Лекин негадир уни майдонга туширишмади. Балки ҳозирча “тилам тагида” сақлашаётгандир? Келажақда туширишлари мумкин.

Президентларга қарасам, Путин мени кўрсатиб “Батя”га нимадир деди. Кейин қозоқ амаки ҳам “Батя”нинг қулогига пицирлади.

-Ҳаммасини битир, аммо уруслага ютқаз!-деди “Батя” ёнига чақириб.

Қандай қилиб ютқазаман? Бу ўлим дегани-ку? Ёки “Батя” ўлимимга қарор бердими? Калламга қўйилиб келаётган саволларни юзимдан сезди, шекилли:

-Кўрқма у сени ўлдирмайди, йўлинни топиб ютқаз!-деди.

Путин ҳам шу томонга қараб турган экан, ёнимизга келиб, кулимсирадида, ўйинсиз таслим бўлганини айтиб, “Батя”ни табриклади. Бошқалар ҳам шуни кутиб ўтиришган эканми, ўйинга нукта қўйишиди.

“Батя” севинганиданми, қўп ичди. У давранинг қаҳрамони эди. Қайтарканмиз елкамга қўлини қўйиб:

-Биласанми Путин нима деди? “Бу болани ўзингиздан узоқ тутинг”,-деди. Шу гапни Нурсултон ҳам айтди. Нима эмиш, сан Косатка эмишсан. Косаткани биласанми? Делфиндан катта, китдан кичикроқ, уни “Орка” ҳам дейишаркан. Океандан ушлаб, ҳовузга олиб келсанг, қўлга тез ўрганаркан. Ҳамма айтганингни қиларкан, лекин бир кун келиб эгасини ҳам аямай ўлдирапкан. Санга булар катта нарх қўйиши. Сотмайман, дедим. Щундай кейин сани наҳанг Косаткага ўхшатиши. Агар сан Косатка бўлсанг, нега сотиб олмоқчи бўлдилар-а? ... етолмагандан кейин пуф сассиқ бўлади-да, – деб хохолаб кулди-ю Тошкентга келганимизча маза қилиб хурракни отди.

Учқичдан тушарканмиз:

-Сан энди менинг Дўрмондаги уйимда яшайсан. Ҳар кун эрталаб машинамда ишга келасан ва кечқурун яна Президент каби уйингга қайтасан. Худди Президент каби! Олдинда ва орқада кузатувчилар, шон-шараф билан бориб келасан,-деди.

Кейин ёнимиздаги кекса одамга юзланди:

-Зелемхон, кечаги планлар ўзгарди. Ота-онаси ҳам у билан бирга яшасин. Охранани кучайтиинглар. Уни отиб кетишлари ҳеч гап эмас. Ҳар қадамини кузатинглар ва маҳкам ҳимоя қилинглар. Ўзи ҳақида ҳеч қандай миш-миш чиқмасин. Ота-бобоси Қозондан ва татар эканлигини билишса, бизники деб қолишади.

“Батя” яна менга қаради-да:

-Сани бир умр ҳовузда сақламайман, денгизда яшайсан, - деди, - Аммо менинг соҳилимга яқин жойларда... Санга истаганинг қадар эркинлик бераман, фақат айтган пайтимда, айтган гапимга шай турсанг бўлди. Ҳар кун эмас, муҳим воқеалардагина эшик ёнида бўласан. Сафарларга эса бирга борамиз. Лекин ўзингни қўйиб юборма! Ҳар куни машқ қилганинг ҳақида эса адангдан ҳисоб сўраб тураман!

14. Бўстонлиқ

Эрталаб Президентнинг машинаси биз ётган бинонинг гараж қисмига кирди ва унга фақат мен миндим, адам эса ташқаридаги машиналардан бирига. Олдинда ва орқада бир қанча маҳсус машина билан йўлга чиқдик. Ҳаммасига рангли чироқлар ўрнатилган. Чироқларнинг ўчиб ёниши кишининг қалбига куч олиб киради.

Лекин Буюк Ипак йўли бўум-бўш. Қизиқ, негадир йўл четида одам кўринмайди. Сел олдидан инига кириб кетган чумолилардек ҳамма уйига бекиниб олганми? Нега Президентнинг кортежи улар учун қизиқ эмас? Балки ҳамма ўз иши билан банддир? Йўқ,

бу соатда йўлакларда ишга борувчилар бўлиши керак-ку? Мактабга борадиган ўқувчилар ҳам кўринмайди? Балки... одамлар юрадиган йўлаклар бекитиб қўйилдими?

”Батя“ мени одамларга қўрсатмоқчи эмасмикан? Унда машинанинг орқа қисмида ўтирган бўлардим. Чунки орқа ойналар қора. Ичкари кўринмайди. Лекин адам олдинда ўтиришимни сўради.

Демак, кўринишим-кўринмаслигим муҳим эмас.

Ундай бўлса, одамлар қаёққа ғойиб бўлишди? Балки бу ҳам ўйиндир? Президент Дўрмонда яшайди ва ҳар куни ишга қатнайди деган ўйин! Ахир ”Батя“нинг ўзи айтдику: ”Эрталаб келасан ва кечқурун яна шу машинада қайтасан“ деб.

Ха, бу йўлдан Президент ўтмоқда, деб ҳаммани чалғитишишмоқда. Машина гаражда минишим ҳам шундан. Олдиндаги ва орқадаги миршаблару маҳсус хизмат ходимлари ҳам билишмаса керак? ”Батя“га қойил. Шунча нарсани қандай ўйлаб, қандай режалар экан?

Оқсаройга келишимиз билан ”кузатувчилар“ орқада қолиб фақат мен минган машина ичкарига кирди. Олам сув сепгандек сукунатда. Машина бинога кириш эшиги олдида тўхтади ва ҳайдовчи каминага қараб тиржайиб қўйди. Тушиб, ичкарига қараб юрдим. Адам бошқа эшиқдан кириб келди ва:

-Бугун дам олиш кунинг, истасанг шаҳарни айланиб келамиз. Сани қўриқлаш манга топширилган. Аслида сан ”Батя“га соя бўлишинг керак эди. Лекин ман санга соя бўлиб қолдим. Яна уч-тўрт киши атрофимизда бўлади. Хўп, қаерга борамиз?-деди.

Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? Адамсиз ҳеч қаерга боролмайманми? Ростдан ҳам уч-тўрт киши атрофимда юрадими? Мен ҳам Президент бўлиб қолдим-ми? Ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким танимайдиган Президент!

Адам ким биландир гаплашдида менга қараб:

-Бўпти хаёл сураверма, кетдик, Бўстонлиққа бориб келамиз,-деди.

-Бўстонлик? У ерда нима қиласми?

-Борганда кўрасан... жаннат!

Президент ”тортиқ“ қилган ”Бэ-эм-вэ“ни олдик. Кузатувчилар билан бирга йўлга чиқдик. Адам Бўстонлиққа бораётганимизни кимларгадир айтиб қўйди.

Йўлларни очиб туришса, Олмаота олти қадам дегандек бир соатда Газалкентдан ўтиб Чорвоққа етдик. “Кириш мумкин эмас” белгиларини ортда қолдириб, атрофи боғ билан ўралаган полигонга чиқдик. Гўзал жой. Чор атроф адрлару тоғларга уланиб кетган.

-Бу “Беш орол” полигони. “Батя” ва оиласи отишни шу ерда машқ қилишади,-деди адам қўлимга “Макаров”ни тутқазаркан.-Бу “именной”. Ўзингники.

-Бу жойларни обдон билишинг керак. “Батя” кетдик деса, қаерга, деб турмайсан.

Полигонда отиш учун ҳеч қандай белги-нишон йўқ.

-Қайси томонга отамиз,-деб сўрадим.

-Кийик қайси томондан чиқса, ўша томонга!

-Кийик!

-Ҳа, бу ерда машқ қиласиз. Хизматчилар кийикни қўйиб юборадилар. Отишга улгуришинг керак. Ҳақиқий ов учун Ўгам-Чотқолга борамиз. У ерда Афғонистондан олиб келинган қорақулок Жайранлар ҳам бор. Генерал Дўстим ҳар келганда бир нечтасини келтиради. Ҳали сан қувур шохли кийикларни кўрмадинг. Уларни ажратиб олишинг керак. Оху нима? Буғу нима? Архар нима? Билишинг керак. Билмасанг бошинг учеб кетиши мумкин. “Болгария президенти Пирванов Зоминда “Қизил китоб”га кирган архарни отди” деб бутун дунёда роса шов-шув қилишганди. У охири кечирим сўраб қутилди. “Батя” ҳаммани михнинг устига ўтқазди. Бир неча кишининг боши кетди. Ҳали бир кун Зомин ва Яккабоғга ўтамиз. Қоплонларни кўрамиз.

-Қоплонлар!

-Ҳа.. Ҳатто оқ қоплонлар ҳам бор. Фақат уларни овлаш мумкин эмас. Улар “Батя”нинг севган “болалари”. Иккитасини “Отарчи”га ютқазгандиз. Энди ўзинг қайтариб оласан уларни. “Батя” оқ қоплонларни яхши кўради. Уларнинг кўзига тикилиб ўтиришни истайди. Қизталақ қоплонлар ҳам одам танийди. “Батя”га қараб-қараб кетиб қолишиади.

Адам гапиришдан тўхтади. Бир-бирини қувгандек кийикчалар пайдо бўлди. Илгари адам билан ўқ отадиган жойларга боргандиз. Мерган бўлмасам ҳам анча “очко” терганман. Аммо кийикчалар махсус машқдан ўтганми, шундай тез, чаққонки бир кўриниб, кўздан ғойиб бўлади. Терлаб-пишиб иккитасини йиқитдим. Синовдан ўтдим, шекилли, адам:

-Энди Чорвоққа чиқамиз,- деди.

“Рация” орқали боришимизни маълум қилди. Бундай пайта Чорвоқ қайиқлардан “тозаланар” ва атрофида қуш қўндирилмас экан. Қайиқда сузаб, сувнинг ўртасига бордик. Худди эртаклардаги каби бир кема турибди.

-Буни Мираборор акам Финландиядан парча-парча келтириб, шу ерда ясатди. Президентнинг сувдаги дачаси,-деди адам.

Ростдан ҳам сувнинг ўртасида жаннатни қуриб қўйишибди. Сузадиган жаннат. Ичида ёш-ёш гўзал қизлар, худди келинчаклардек ясаниб, қушдек қанот қоқиб хизмат қилишмоқда. Махсус массаж хоналари. Ҳовуз. Бовлинг, теннис ўйнайдиган жойлар....

Адам қизлардан бирининг белидан қучдида менга қараб:

-Ойингга айтиб юрма, сан ҳам истаганингни танла, бугун дам олиш куни. “Батя”нинг ўзи санга байрам берган,-деди.-Яйраб келинглар деган! Бу ҳаммага ҳам насиб этмайди!

Адамни аввалига ёмон қўриб кетдим. Ойимга хиёнат қилмоқда-ку, деб ўйладим. Бироздан кейин қизлардан бири ўзимнинг ҳам диққатимни ўғирлади. Қош сувганди, баданим жимиirlай бошлади. Демак, ўзим ҳам Гуляга хиёнат қилишим мумкин. Тўхта! Гуляга ҳали уйланганим йўқ-ку! Ҳатто “севаман” деб айтганим эмас. Ҳали унинг нози пишсин. Ҳозир эса “қовунни тилимлаш” керак.

Гўзал ҳам гўзал экан. Шундай роҳатлатдики, бу ердан кетгим келмай қолди. Лекин илож қанча? У билан хонадан бир-бирилизга суйкалиб чиқсан, қаршимда Гуля турибди. Тушимми ўнгимми? Мени қўриб ранги ўзгарди. Лаби титради. Нима қиласаримни ва нима дейишмни билмай қолдим. Шу пайт нариги хонадан адам чиқиб келди:

-Санга айтиш эсимдан чиқибди, Гуляни қизлар баталонига ишга олдик,-деди.

-Кутганимиз “Президент” сиз экансизда,-деди Гуля ва адамга қараб:

-Ўртоқ генерал мен Тошкентга бормоқчиман, сиз билан кетсам бўладими?-деди.

Нима? Генерал? Адам генералми? Агар генерал бўлганда унинг формасини нега ҳеч кўрмаганман? Форма киймайдиган генераллар ҳам борми? Унинг хонасига кираардим, видеоларини томоша қиласардим, лекин ҳеч қачон формасини кўрмаганман. Балки Гуля адашаётгандир?

-Коллона хўжайини ёнингда, унга мурожаат қил!-деди адам Гуляга хафақон тарзда.

15. Олтин тангалар

Гуля менга қаради, мен унга. Иккаламиз ҳам жим. Унинг қўзларида нафратсимон тўлқин. Кимдан нафрат қиласади? Менданми? Ким бўлибдики, нафрат қиласади? Осмондан

тушган оймиди? Бу ердаги гүзаллар олдида у лойга ботган гүсалага ўхшаб қолган. Қиз деганни нози билан бирга меҳри ҳам бўлиши керак. Сузаман деган қўчқордек ўқрайиб турибди. Нима эмиш, биз билан Тошкентга борармиш. Бунинг учун сал пастроққа тушиш керак.

Унга бир нарса демоқчи бўлиб тургандим адам эшиқдан кириб келган бир кишидан:

-Махсус юк келдими?-деб сўради.

У “Ха” ишорасини қилиши билан менга қараб:

-Бўпти, ошиқ-машуқликни кейинга қолдирамиз, кетдик, давлат ишини бажаришимиз керак,-деди. Кейин Гуляга:

-Бор, аданг билан гаплаш, нимани муҳокама қилиш ва нимани муҳокама қилмасликни, қаерга бориш ва қаерга бормасликни ўргатиб қўйсин,-деди.

-Отаси ҳам қизига ўхшаган ўжар!-деди адам ташқарига чиқарканмиз.-Чаппасига айтдим, қизи ҳам отасига ўхшаган ўжар. Олма олманинг тагига тушади.

Демак, Гулянинг отаси ҳам биз билан ишлайди. Ҳали уни кўрмадим. Кўрсам танирдим. Гуляни машқларга олиб келиб-олиб кетадиган одам унинг адаси бўлиши мумкин. Балки... ким билади, ҳозир кимнинг кимлиги ҳам билинмай қолди.

Адам билан полигон ёнидаги бинога бордик. Бинонинг машиналар учун қурилган қисмида битта ҳарбий юк машинаси турибди. Адам ҳамма ёқни текшириб чиқди, кейин бинонинг дарвозасини ёпиб, ичкаридан қулфлади.

Машинанинг орқа қисмидаги брезентни тепага ташлади. Машинада темир сандиқлар.

-Буларни очамиз. Сен видеога олиб турасан. Қаққайиб қолма, сандиқларда олтин бор. Бу давлат сири. Иккаламиздан бошқа одам билмаслиги керак.

Адам шундай деб кичинагина видеоёзарни қўлимга тутқазди. Кейин бир сакраб машинага минди. Сандиқлардан бирини очди.

-Нега қараб турибсан, бу ёқа чиқ! Ўттиз икки соат ёзади. Бу ердан жўнаб кетгунимизгача ҳамма нарсани ёзгин. Апил-тапил қилма, ўзинг уни “Батя”га қўйиб берасан!

Машинага чиқиб суратга ола бошладим. Битта сандиқдаги тангаларнинг устига “1994 йил. Амир Темур ҳайкали” деб ёзилган. Фокусни яқинлаштирдим. Амир Темурнинг от минган ҳайкали тасвирланган. Бошқа тангаларга қараб иккинчи томонини ҳам суратга олишга тиришдим. Иккинчи томонида “Батя”нинг от устидаги суврати ва исми-шарифи ёзилган.

Иккинчи қатордаги сандиқлардан бирини очдик. Бир томонида “Мирзо Улугбек” деб ёзилган . Орқасида эса “Батя”нинг хаёл суріб турган портрети. Сандиқда ”Бу олтин танга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Мухаммад Тарагай Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан олтиндан тайёрланган” деб ёзилган.

Шу зайлда ҳамма қатордаги сандиқларни очиб, текшириб кўрдик. Видеоёзарни олтин тангалар устида “сайр қилдирдим”.

1996 “Ўзбекистон мустақиллигига 5-йил”

1996 “Амир Темур – 660 йил”

1997 “Амир Темур”

1998 “Олий мажлис биноси”

1998 “Амир Темур музейи “

1998 “Алишер Навоий ҳайкали”

1998 “Амир Темур ҳайкали”

1999 “Абу Али ибн Сино”

1999 “Аҳмад ал-Фарғоний”

1999 “Абу Райхон Беруний”

1999 “Мусо ал-Хоразмий”

1999 “Мирзо Улугбек”

1999 “Бобур”

1999 “Амир Темур”

2001 “Алишер Навоий”...

Шундай тангалар қолган йилларда ҳам босилган экан. Ўзбекистон мустақиллигининг ҳар байрамига танга аталган. Ҳаммасининг бир томонида “Батя”нинг турли вақтлардаги суврати ва исми шарифи битилган.

Негадир бу олтинлар кўзимга оддий тангалардек кўринди. Нима учун одамлар олтин деб ёнишади? Бунинг нимаси жозибали? Нимаси гўзал? Сап-сариқ танга. Агар кучинг бўлса, бунақа тангалар дарёдек оқиб келади. Агар “Батя” каби иқтидор эгаси бўлсанг, бу олтинларнинг кулчалик қиймати қолмайди.

Ҳаётда олтин ва куч-иқтидор учун интилган икки тоифа бор. Ҳар иккаласи ҳам мақсадига етишиши мумкин. Аммо иккинчиси биринчисининг қўлидаги олтинларни тортиб олиш қудратига соҳиб бўлади. “Батя” ана шундай катта куч соҳиби. Лекин нега олтинларни бу ёққа яширмоқда?

Хаёлимни адамнинг гапи бўлди::

-Энди сандиқларни ўрмоннинг ичида ковланган хандакка ташлаймиз!

Нима? Хандакка ташлаймиз!?

Адам рация орқали ким биландир гаплашди:

-Ҳамма йўллар назорат остидами?

-Шундай ўроқ генерал! Эрталабдан буён қуш учиртирганимиз йўқ!

-Дарвоқе, осмондан ҳам бохабар бўлинглар, дрон-прон ораламасин!

-Хўп бўлади, ўртоқ генерал!

-Маҳбуслар келганми?

-Келган...

-Қаердан?

-Зангиотадан!

-Жаслик дегандим-ку?

-Жасликдан келтирилган. Аммо олдинроқ келиб қолишгани учун Зангиотада сақлагандик. Ҳозир иш бошида.

Машинани ўрмон томонга ҳайдадик. Бир жойда олтита маҳбус чуқур ковлаётган экан. Уларнинг бошида қурол ўқталиб турганлар адамга салом бериб, орқага чекинишиди.

-Сизларга жавоб,-деди адам.-Бу ёғига мен ишлатаман буларни, кейин бошқа конвойлар олиб кетишади.

Сўнг кимдандир бетон келиб-келмагани суриштириди ва:

-Кузатув пункти бугун битиши керак. “Батя”нинг топшириғи бу! Асфалтни бир соатдан кейинга айт. “Миноралар”ни ҳам,-деди.

Оқшомга қадар шу ерда қолдик. Сандиқларни кузатув пунктининг ости мустаҳакам бўлиши учун дея қаторлаштириб тердик. Устидан бетон тўқдик. Бетоннинг торт четига асфалт ётқизилди. Кейин қамоқхона атрофида қўриқчи туриши учун қурилган айвончалик “минора” каби жой ясашди. Бу ерга соқчи қўйилиб, атроф назорат қилинармиш. Баҳонага қаранг!

Кетишимиз олдидан адам маҳаллий комендантуга бугундан бошлаб соқчи қўйилишини ва кимлар бу ишни бажаришини шахсан ўзига ҳисоб бериб боришини тайинлади.

-Етти кун, йигирма тўрт соат-доим бу ерда соқчи туради!-деди адам.-Буниси намуна учун қурилди. Қолган уч томондан ҳам қуриш керак. Буни ўзинг бажарасан, келиб текшираман! Атрофга тунги ва кундузги видеокузатув ўрнатинглар. Харажатидан қочма. Бу давлатнинг биринчи даражали масаласи! Маҳбусларни эса “борса келмас”га жўнатинглар. Ўлигини ҳам топишолмасин!

-Раҳм қилинг ўртоқ началник, болаларимиз бор, оиласиз бор,-деди маҳбуслардан бири адамга.

-Санлар ҳукуматимизга қарши қурол кўтарганда раҳм-шавқатни ўйладингларми? Террористда раҳм-шавқат бўладими? Агар сан ҳокимиятни қўлга олсанг мени нима қилган бўлардинг? Мана шу ернинг ўзида отиб ташлардинг ёки Қаддафийга ўхшатиб орқамга темир тиқардинг, тўғрими?

-...

-Хаёт ўрмон демакдир. Сен бизни емоқчи эдинг, аммо бу олий вазифа бизга насиб этди! Худонинг қудратини қўрдингми? Мана бу болага айтайми, сизларни шу ерга тириклайн кўмсин?

-Ундоқ қилманг ўртоқ началник...

-Кўрдингми, ундоқ қилмоқчи эмасман. Бир соат бўлсада кечроқ ўлишнинг ўз гашти бор! Ҳамма бир сония бўлсада кўпроқ яшасам деб ўлиб-тирилиб ётибди. Санларга яна бир сутка ҳаёт бердим!

Адамнинг кучли командирлардек гапиришига қойил қолдим. У бекордан генерал эмас экан. Гаплари “чётка”! Қарс-қурс, гулдур-гуп! Террористни ҳам бир дақиқада мот қилиб қўйди.

Оқшом тушиб бўлган ва биз Тошкентга қайтдик. Хаёлим олтин тангаларда. Сирасорини тополмай гаранг эдим. Сўрасам, адам “давлат сири” деб кесиб ташлади.

“Батя” кутиб турган экан.

-Қани видеони қўй,-деди саломга алик ҳам олмай.

Ўзининг от устидаги суратини қўриб бироз севинди:

-Буни мустақилликдан озгина олдин Бўкага борганимда олишган,-деди.

Кейин видеони тез-тез ўтказиб, бир неча дақиқада тугатди. Мен хаёлга ботгандим. Бу одам қариб қолган бўлсаю нега шунча олтинни яшириб қўйди? Нимага бунчалик мустаҳкам қилиб яширди? Ишдан кетиб қолсам бир кунимга ярайди деб ўйладимикан? Балки невараларимга деб яширдими? Ёки адам билан қандайдир бошқа планлари борми?

Ўйланиб қолганимни қўрган “Батя”:

-Кема ёқдими санга?-деди.

-Ҳм...

-Зўрми?

-Зўр!

-Кемани эмас олтин тангаларни кўпроқ ўйлаяпсан. Аданг айтмабдида. Бу тангаларни келажакнинг археологлари учун кўмдик. Мендан кейин бу давлат борми-йўқми билмайман, аммо олтин тангалар қолади. Беш-ўн минг йиллардан кейин археологлар топишади ва бизнинг кимлигимизга баҳо беришади! Шундай хосиятли ва хайрли ишда сен ҳам қатнашдинг!

У хаёлларимни жамлаб олишга вақт бермай:

-Кема келажакда сеники бўлади. Ҳамма нарсаси билан, қизлари билан ҳам! Қани мана бу видеони бутунлай ўчириб ташла,-деди.

Ўчириб ташлагунимча қараб турди ва текшириб қўриб:

-Ол, бу аппарат сеники, ҳали қўп керак бўлади, энди “Дўрмон”га бор, кортеж кутиб турибди,-деди.

Шунда тушундимки, биз Бўстонлиққа кайфу сафо учун эмас, “давлат иши”ни бажариш учун борган эканмиз.

16. Турналар

У “Турналар” деган расмни яхши кўради. Расм катта эмас. Турна билан баравар. Чарчаганида хонани бир айланиб, тортмасидан расмни олиб, анча вақт термулиб туради. Аввалига бу қанақа расм эканлигини билмадим. Балки оила сурати бўлса керак, деб ўйладим. Эҳтимол биринчи хотини ва ўғли тушган суратмикан?

Бир кун у телефонда ким биландир жаҳл аралаш гаплашдида менга:

-Кетдик,-деди.

Бу сўзни аллақачон тушуниб қолдим. Агар давлатнинг машинасида бормоқчи бўлса, “чақир” дейди. Лекин “Мерс”да борадиган бўлсак, “кетдик” дейди. Бу айни пайтда ҳеч кимга айтмай бориладиган жой бўлади.

“Батя” менга соясан, деганди. Лекин унинг сояси кўринмайдиган пайтдаги соясига айланиб бораяпман. Халқ олдида кўринадиган соқчилар кўп. Уларни “нишондаги” деймиз. Нишонга чиқишдан озодман.

Кабинетдаги жойим ҳам ўзгарди. Яъни “Батя” га яқинлашдим. Ўнг томонида дам олиш хонасига кирадиган остона ортида тураман энди. Икки қадам оралиқда. Аммо унинг қаршисида ўтирган одам кўрмайди. Кўли қимиirlаб, ишора берсагина, олдинга чиқаман. Бошқа вақт ҳамма гапларни эшитиб туришим керак. Чунки “Нима деб ўйлайсан?” деб сўраб қолади. Жавоб беришим муҳим эмас. У кўзимдан билиб олади. Ўзи гапиради. Мен ажабланмаслигим, анқайиб турмаслигим лозим.

Ҳар доим ҳам бу жойда турмайман. Унинг миясида маҳсус режалари бўлган ёки бирор нарсадан чўчиган пайтларида мен икки қадам нарида қоқкан қозиқман. Бошқа пайт эркин. Шахсий масалада бир жойга борадиган бўлса ёки фавқулодда топшириклари чиқса, “учиб” келаман. Узоқдан эмас, ичкаридаги хонадан.

Хонада машқ қиласман, китоб ўқийман, телевизор кўраман, компьютер “ковлайман”, кундалигимни ёзаман... Ҳеч ким кира олмайди. Менинг денгизим.

Истасам шаҳарга ҳам чиқиб келишим мумкин, аммо адам “ҳозирча ўзингга кўп эрк берма” дегани учун бу ердан чиқмаяпман.

Бугун қаергадир боришимиз ҳам “Батя”нинг фикрида бўлганки, икки соатдан бери ошхона эшигининг тагидаги мушукка ўхшаб қимиirlамай тургандим.

Мана ниҳоят “Кетдик”.

-Темурлангга ҳайда!

Демак, жаҳли сочининг учигача ўрмалаган. Бўлмаса, “Темурланг” демасди. Бу гап ҳақорат эканлиги, Амир Темурни шундай деб сўкишганини унинг ўзи менга айтиб берганди. Гапимиз доим рус тилида. Балки шунинг учун оғзидан чиқиб кетдимикан?

“Ўзбекистон” меҳмонхонаси томонда барваста бир йигит турган экан, уни миндириб олдик. Қоронғуда юзини яхши қўра олмадим. Хаёлим унинг қўлидаги сумкасига боғланиб қолди. Текширишим керак. Аммо...

-Шаҳарни айланамиз,-деди “Батя”.

“Туркистон” саройи олдида ўрнатилган “Симурғ”га яқин жойда “Тур” деди. Бу машинанинг нафақат мотори, балки барча маҳус қурилмалари ҳам ўчириб қўйилишига ишора.

Бундай пайтда бошни эгиб, қулоққа қўрғошин қуйиб олиш муҳим. Аммо у шундай қаттиқ гапира бошладики, қўрғошин ҳам эриб кетди. “Батя”нинг русчаси урус олимлариникидан ҳам кучли бўлса керак? Чунки шунаقا мақоллар, иборалар, сўқинишлар ишлатадики, рус мактабида ўқиган бўлсам ҳам баъзиларига тушунмай қоламан.

Унинг гапиришига ҳавас қиласман. Одамни ром этади. Ҳатто сўкинса ҳам одамга енгиллик бағишлиди. Ичимда сассиз кулги эпкини айланади. Ўша пайтда қийналаман. Чунки кулгининг арқони йўқ. Отилиб кетиши ёки лабларни тиржайтириши мумкин-да. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Тайчининг энг оддий қоидаси бу!

Икки-учта гапдан кейин билиб қолдимки, бу йигит унинг ўғли экан:

-Москвага кетасан, бугуноқ, сенга бу ерларда қорангни кўрсатма, дегандим, гапимни икки қилдинг, онангга ҳам айт ... қисиб юрсин. Бўлмаса, иккалангни ҳам йўқотаман. Пул керакми, айт, ма, ўн йилга этади...

У ўғлининг қўлига бир тахлам нарсани тутқазди, "меҳмон" индамай олди. “Батя” товушини янада баландлатди:

-Олтин керакми, айт, иш керакми, айт, уйми, виллами айт, лекин бу ерларга келма! Бугуноқ жўна! Истасанг турна бўлиб учиб кет! Учганда ҳам тезроқ уч! Яшашни истаясанми, тилингни тий, тийишни истамаясанми жим юр! Агар бу ерда кимдир билиб қолса, тугатаман, сани ҳам, онангни ҳам! Умринг психушкада ўтади! Тамом, туш машинадан!

У ўғлини тушириб юбордида, машина ичидаги коняқдан ичиб олди. То "Хайда" демагуница кутишим керак.

-Менга осон деб ўйлайсанми? Ана улар билан одам уриштиришдан бошқа ишим йўқми? Тиқилиб кетган. Ҳаммасига улгуришим керак. Кўраяпсан, асабларим қақшамоқда. Аммо сенга қолганда додлай олмайман. Сени ўғлимдан ҳам кўпроқ яхши кўраман.

У ёнидан расмни чиқариб, термулиб қолди.

-Биласанми, мана бу - турналар... Сени, сендан кейин ана шу расмни яхши кўраман. Биласанми нега? Буни чизган одам ҳар бир турнани бир неча ой чизган. У бой рассом бўлган, чизаётганда хизматкорлари турналарни отиб туришган. Турна бадани озгина совуб қолдими, янгисини отишган. Рангни, ҳолатни айнан беришни истаган. Битта мана шу расмни чизгунга юзлаб турнани ўлдирган. Шунинг учун ҳам расмда тириқдай улар... Расми гўзал ва ҳақиқий чиққан. Рассом бу асари минглаб одамларга завқ, таскин, осойиш келтиришини тушунган. Мана энди у бир неча халта доллардан ҳам қиммат! Опанг буни топиб олиб келгунча топганимнинг ярмини сарфлади. Дунёнинг энг зўр музейидан чиқартирди буни! Рассом юзлаб турналарни ўлдиргандаёқ буни англаган. Мана битта катта мамлакатнинг президенти бу расмни авайлаб-асраб юрибди. Унга қараб асаблари сокинлашади, тинчланади. Ундан илҳом олади. Мен ҳам сессияда "Керак бўлса, тинчлик учун 200-300 одамдан воз кечамиз" деб очиқ айтгандим. Тинчлик керак, сенга ҳам, менга ҳам, ҳаммага!

Бирдан хаёлимдан "лип" этиб савол ўтди. У турнани шунча яхши кўради, унда нега гербга йўқ қушнинг расмни кўйдирган. Симурғ Эрон ва Арман афсоналарида, Авесто ҳикояларида учрар экан. Афсона. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч қачон бўлмаган. Қайси кун Совет давридаги герб билан ўзимизникини солиштирдим. Деярли бир хил. Фақат ўроқ ва болға ўрнига Симурғ чизилган. Чиройли. Аммо маъносиз. Келажагимиз афсонами? Йўқликми? Мавҳумликми? Нега "Батя" буни танлади? Ўзимизнинг турнани севган ҳолда, гербга нега афсонани чиздирди? Уни алдашдими? Э, йўқ. Уни алдаш мумкин эмас.

Ҳозир менинг хаёлларимни ҳам уқиб олмоқда. Бир кун ўзи шу саволларга жавоб бериб қолса, ҳеч ажабланмайман, Бир ҳикмати борки, у шундай қилган.

-Ха, Симурғга тикилиб қолдинг. Чиройли-а?

Вужудим музлаб кетди. Фикримдагини қандай уқиб олди? Худо берган қударти бор. Даҳшат!

-Биласанми, бу қуш умуман бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Мана бу турналардан биттасини кўйсам ҳам бўларди. Унда турнани севадиган кўпайиб кетарди. Рашким кучли. Турнани рашк қилиб, кўп одамни кириб юборишим мумкин. Уларга яхшилик қилдим. Ҳаётини сақлаб қолдим. Ана, Симурғни севишигин. Минг йиллардан бери севишиган, яна минг йил севишигин. Одамзот шунаقا. Йўқ нарсани яхшироқ севади. Афсонани севади, қўли

етмайдиган осмонни севади, ҳеч қачон эриша олмайдигани - юлдузларга ошиқ, жимжимадор гапларга қойил қолади, мақтовни хуш күради... Аслида Симурғни Гдлян деган дүстүм тавсия қилган. Кудрат сохиби бўлишимда унинг хизмати катта. Аммо йўлимиз ажралиб кетди. Шундай, баъзан керак бўлса, энг яқин дўстингдан ҳам, ўз болангдан ҳам воз кечасан. Буни ҳаёт дебдилар.

У бир зум жим турдида қатъй оҳанга гапира бошлади:

-Агар Петя яна бир марта келса, ундан ҳам воз кечаман. Истамайман, одамларга сақич беришни. Душманларимга гап ёйиш учун баҳона улашмайман. Уни таржима ҳолимга киритмаганман. Шу жойдан ушлашларини хохламайман, халқ боши билан эмас, тили билан юради! Нега бу гапларни сенга айтаяпман, жаллод ота экан, деб ўйлама. Керак бўлгани учун Сталин уруш пайтида ўз ўғлидан кечвортган. Пиночетни биласанми, мамлакатни қўтариш учун беш минг кишини отган. Фақат ҳокимиятни топшириб хато қилди. Суд қилишди уни. Баттар бўлсин! Хато қилган жазосини олади! Ўлгунча тахтда ўтиrsa эди, унга ҳайкал қўйиб, қабрига сифинишарди. Одамларнинг зеҳниятини билмади. Менга ҳам, бу давлатга ҳам керакки, ўғлимни қувдим. Ўзим имзо чеккан қонунларга қарамай тахтда ўтирибман. Осонми? Безбетлик ҳам осон эмас! Ичинг илвираб туради...Кетсам қамашади, кетмасам ҳайкалимни ўпишади. Ҳар куни дуо қилиб эслашади. Ҳар қадамда номимни кўрасан. Ҳатто мендан тепки еб юрган, мендан нафрат қиласиганлар ҳам номимга сифиниб кун кўради. Номимнинг ўзи қанчадан-қанча одамга ном беради. Мана сан ёшсан, ҳали кўрасан буни! Ҳозир сенга буюрсам, бир “чертиб” унинг ишини битирардинг. Аммо бундай қилмадим. Бу дегани қилмайман, дегани эмас. У ҳам сенга ўхшаган ғуурорли бола! Ўзимга ҳам ўхшайди! Қани шаҳарни айлан!

У тинчланиб қолди. Анча айландик. Бир пайт ўғлини миндирган жойимиздан яна ўтаётгандик, “Тўхта” деди.

17. Юк

У тун чироқларининг соясида хира кўринаётган ҳайкалга анча қараб турди:

-Магар подшосан, керак бўлса, болангни ҳам ўлдирасан! -деди.-Бу менинг гапим эмас Ҳоо ана у отни устида ўтирган одамнинг гапи. Ўғлини Озарбайжондан кишанлаб олиб келганда унга шундай деган. Чўлок бўлса ҳам зўр одам бўлган. Уни тарихнинг хандагига ташлашганди. Ўзи шунга имкон қолдирган. Ерга тўймаган. Кетаверган, босиб олаверган. Аммо буни қандай сақлашни ўйламаган. Бунга ақли етмаганми? Бир қўли яхши ишламаган, бир оёғи чўлок одам дунёнинг ярмини қандай забт этди? Ақли билан, идроки билан-да! Ақли ҳамма нарсага етган. Ҳатто империяси ўзидан кейин парчаланишини, кейинчалик кунбаяқун бўлишини ҳам билган. Унга давлатни қолдириш эмас, ном қолдириш муҳим бўлган. Ақли подшоларнинг иши бу. Давлат барибир тўфонларга юз тутади, халқ минг марта ўзгаради. Аммо номинг қолса, у қоядек турраверади. Унинг ҳам номи бор. Саккизта савдойи ҳаммаёқда бу номни тиклаш керак, деб жар соларди. Уларни тушунмасдим. Уларга нима керак? Мана менга керак бўлди. Тикладим, қаддини

кўтардим. Чўлоқни осмонга юксалтиридим! Бу сиёsat! Биласанми, мен ҳам бироз чўлоқман. Эътибор қилғанмисан, бир оёғим озгина оқсайди. Ўша одамга ўхшайман! От ҳам миниб тураман. Бўкада отга миниб, халқнинг олдига чиққандим, ҳаммасининг оғзидан сўлак оққан. Кўрасан ҳали, ҳайкалларим бунинг ҳайкалидан баланд бўлади!

У худди ўзи билан ўзи гапираётгандек эди. Бирдан жўшиб кетар ёки онийдан тиниб қоларди. Ҳозир ҳам Амир Темир ҳайкали томонга гапирмоқда:

-Бир кун Тания билан қизлару невараларни олиб келиб, буни кўрсатиш имконияти керак. Бу ўтмиш ва бугуннигина эмас, келажакни ҳам рамзий ифодалаб турибди. Аммо қадими шаҳарнинг бир томонида у ётса, иккинчи томонида ким ётишини улар хаёлларига келтира олмайдилар. Гарчи Ҳўжай Хизирга кўмиламан, деб васият қилиб, мақбара чизгиларини тайёрлатиб қўйган бўлсан ҳам. Жуда зўр жой. Бутун шаҳар оёғинг остида. Амир Темур мақбарасининг тепаси Ҳўжай Хизрнинг хокида. Чорак аср олдин у жойни кўз остимга олгандим. У қабристонга шундан кейин ҳеч кимни кўмдирмадим. Биринкита оти чиқса ҳам донғи чиқмаганларни кўмайлик, дейишиди, нарироққа кўминглар, дедим. Ҳукмдор бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳукмдир. Якка яшадим, якка ётаман! Худо бундай имкониятни ҳаммага ҳам бермайди. Фақат севган одамига беради, юз йилда бир кишига... Ҳатто Амир Темурнинг ҳам мақбараси ўз мулки эмас! Биттасининг оёқ учиди ётибди...

У шундай деб қўлини қўлига урди. Демак, кайфияти жойига тушди. Коняк яхшигина "тепди".

"Батя"ни қўйиб қайтар эканман, машина қурилмасини ишга солдим.

"Ичкарида бегона нарса бор" деган чироқ липиллай бошлади.

Дарҳол машинани четга олдим. Орқада яна битта машина тўхтади. Бир киши отилиб тушди. Қарасам адам:

-Сен "Батя"га соя бўлсанг, мен сенга сояман, нима гап? - деди у.

Кузатган. Мендаги ҳушёрлик қани?

-Парво қилма, машинадаги қурилма ишламаган пайтда кузатишимиш шарт! Нима гап?

Биргаллашиб қарадик. Ўриндиқ остида тахлам бор экан. Адамнинг кайфи учиди кетди.

-Бу нима?

-Боя "Батя" буни ўғлига берганди, демак у олмай, ўриндиқнинг остига тиқиб кетибди,- дедим.

Очиб қарасак, пул. Юз минг доллар.

-Худди ўзидек қилиб ўрагин ва эртага "Батя"га қайтар!

"Батя" билган олмаганини, аммо сени синаш учун қолдириб кетган!

Эртасига тахламни қайтаргандим:

-Кеча айтиш ёдимдан чиқибди, очиб мана бу ғаладонга териб қўй,-деди.

Ғаладонни очсам, тўла пул. Кўзларим ўйнаб кетди, шекилли:

-Хаммаси бизники,-деди “Батя”,-истаган пайтда олиб ишлатгин, фақат менга айтиб қўй. Бир дастасини эса тепадаги кичик ғаладонга солиб қўй, керак бўлса, ўша ердан оламиз.

Ўғли хаёлимда михланиб қолди. У нимага келганди? Нега “Батя”га бир оғиз ҳам гапирмади? Отасига нима дедики, у бу қадар ғазабда эди?

Бу саволларга жавоб топиб бўлармиди?

Хонамга киришим билан "Батя"нинг турли расмий нашрларда чиқкан маълумотларига қарадим, веб-сайтини кўрдим, ҳақиқатдан ҳам ўғли ҳақида ҳеч қандай эслатма йўқ. Хотини ва икки қизи.

Кейин дадам берган файллар орасидан қидирдим. Фақат онаси ҳақида қисқа гап бор. “Ботаника институтида, Фанлар академиясида ишлаган. Авиация бирлашмаси бош директорининг қизи. Петер халқ хўжалиги институтида ўқиган”.

Файлларни қараб ўтирам, “Батя” кириб келди:

-Опанг билан Москвага бориб келасан,-деди.-Қолганини аданг айтади.

Адам бироз ухлаб олишимни буюрди. Ярим тунда бир жойга бордик. Зелемхон aka билан укаси кутиб турган экан. Оғир қутиларни машиналарга юкладик ва қўнағага олиб келдик. Қутилар кичик, аммо зил-замбил. Ичиди нима бор? Нега хизматчилар эмас, биз ташияпмиз?

Атрофимизда ҳеч ким йўқ. Зелемхон aka ҳам гапирмайди. Укасини олдинроқ билгандим. Уни қўриқлаб боришни буюрганди “Батя”. Ўшанда Москвага бориб-келгандик. Бизда дипломатик паспорт бўлгани учун текшир-текшир деган нарса йўқ. Кузатишади, кутиб олишади. Ишни битириб! қайтаверамиз.

Аммо бу сафар юкимиз кўп ва ташигунча бир “жой”га келиб қолдик. Москвага боргунча ҳеч нарсани ҳис қилмабман. Адам уйғотганда учқичимиз қўнган ва юкларни тикучарга ўтказишимиз керак экан. Бирдан ғалағовур бошланди. Беш-олтита машина келиб, бизни ўраб олди. Адам “Ҳаракат қилма” деди. Улар қўлларидағи ўқ отар автоматлар қўндоғи билан туртиб, бизни ерга ётқизиши.

-Кимсанлар!-Учқичдан тушган опа уларга бақирди. Опанинг бақирганини ҳеч эшитмаган эдим. Бироздан кейин шунаقا чийиллаб қичқира бошладики, бизга автомат ўқталиб турганлар ҳам бунақасини илк бор эшитган бўлсалар керак?

-Хаммангни қамоқда чиритаман! Биласанларми мен кимман? Санларга бу ишни ким буюрган бўлса ҳам уни топаман. Фақат уни эмас, санларни ҳам битта-битта ниқобингни йиртиб оламан!

-Ўзингни бос, шаллақи,-деди никобли одам.-Сен қаерда, кимнинг ерида турганингни биласанми? Ҳозир ўқни икки кўзинг орасига суқайинми?!

У шундай деб автоматини опага ўқталганди, бошимни кўтараман десам, бошқа автомат менга тегиб турган экан.

-Қимирлама!-Бу адамнинг овози.

Демак, масала ўта жиддий. Бўлмаса, ташлашиб кўрамиз, деган бўларди.

-Ҳозир биласан кимлигимни, ифлос! - Опа пишқириб қаерларгадир телефон қилди. Гапи қовушмади. Кейин яна бир неча жойга сим қоқди. Охири “Батя”га уланди:

-Ота, бу ерда бизни ушлашди, ана уларни тортиб олишди, тепадагилар ҳам аралаша олмаймиз, дейишди. Владичнинг одамлари экан...

Телефоннинг нариги томонида нима бўлаётганини билмайман, аммо опанинг нафаси ичига тушиб, тинчланиб қолди.

Кутиларни юклашди. Биз ер тишлиб ётавердик. Алам қилар экан. Ҳаммага кучим етади, мендан зўри йўқ, деб турганингда кимнингдир оёғи остига тушсанг. Бу жуда ёмон таҳқир. Бундан кўра курашиб йиқилиш керак эди. Лекин адамга қулоқ солмасам бўлмайди. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор.

-Кутинглар,-деди опа чинқириб.

-Биз кутолмаймиз! Гринглайверсанг отиб ташлаш учун буйруқ берилган. Шукур қил, юкни санга ташитмадик!

Бир неча дақиқадан кейин телефонлар жиринг-жиринглаб қолди. Бизни қайтариб учқичга миндиришди. Опа “минмайман” деб туриб олди, Москвадаги элчимизга телефон қилди, ВИП хонасида кутиб туришини айтди.

Адамга савол назари билан қарайман. У елка қисиб қўяди. Аммо авзойи бузук. Қайтиб келгунча кўзимизни юма олмадик. Тепиб-тепиб момоталоқ қилинган одамдек эдик. Нега? Нима бўлди? Нима олиб бордик? Нега таҳқирландик?

Жавоб йўқ, бу ҳақда балки “Батя”нинг ўзи гап очар? Бўлмаса кўксимиздаги мозоримизга кўмиб кетаверамиз. Гўрковмиз, ахир?!

Қўналғага чиқсак юзга таскин берадиган саҳар сабоси ҳам “тойиб” бўлган. Қуёшнинг иссиқ ҳарорати шамолнинг соchlарига ўралиб бўғизни гармселдек бўғарди. Хайриятки, бизни учқичнинг зинасига яқин жойдан олишди.

Биз минган навбатчи машина Президент кирадиган эшикнинг ёнига келиб тўхтатди. Демак, “Батя” кутаяпти.

18. Келишув

Кейинги кунларда табиатта ҳам бира нарса бўлгандек. Қишининг ёздан фарқи йўқ. Баҳор келмасдан дараҳтлар куртак отиб юборди.

Фақат бизда эмас, ҳатто тунда борган жойимизда ҳам ҳаво иссиқ эди. Ўзимиизда худди гармсеп эсаётгандек.

Машинадан тушиб, бинога киргунча бўлган уч қадам орасида ҳам ҳаво эзилган руҳимизни мажақлаб ташлади.

Олтинчи қаватга кўтарилигунча “Нима деймиз?” маъносида адамга термулдим. Унинг боши эгик. Кўзини мендан олиб қочиш учун шундай қиласарди. Бундай пайтда хамирдан қил чиқиши мумкин, адамдан гап чиқмайди.

“Батя”нинг авзойидан Азроил чўчийди.

-Ким биларди яна?-деди у салом-алик ҳам қилмай.

-Гугуш “Бой”та айтган экан,-деди адам бамайлихотир. У “Батя”ни унинг ўзидан ҳам яхшироқ билса керак. Шунинг учун ҳам бақир-чақирларига парво қилмайди. Умуман адамнинг шу хислати жуда кучли. Жаҳли чиқиши осон эмас.

-Кимга? “Бой”га? Ақли жойидами у товуқмияни? Нега айтади? Кимдан сўраб айтади?
Сен нега қаршилик қилмадинг?

-Биласизку?

-Нега менга айтмадинг?

-Учқичда эканимизда билдим. У олтинларнинг бир қисмини “Бой”га берамиз, у тақинчоқ фабрикаси очиб бермоқчи, деди. Йўлдан қайтишга унададим, қулоқ солмади.

-Хе унақа ўзимчанинг онасини ... Нима қилди? Шунча олтинни қаерга тиқиб юборди?
Нима қиламиз энди?

Адам индамади. “Батя” менга қаради.

-Яхшиям қаршилик қилмабсизлар. Ҳам тиллодан, ҳам муллодан айрилардик,- “Батя” ёниб турган шам бирдан сўнгандек “лип” этиб ўчди. Демак, йўлини топди.

У телефонни олиб, Москвага сим қоқди ва Владич билан шошилинч гапирмоқчи эканлигини айтди. Адамга жавоб берди. Мени эса олиб қолди:

- Москвадан вилла ва дачалар олмоқчи эдик. Шунинг пулини тўлашимиз керак эди. Санга айтмасам бўлмайди. Билишинг керак. Энди камроқ-камроқ олиб бориб тўлаймиз. Болаларга, невараларга ният қилдик. Сенга ҳам битта вилла билан битта дачани кўзлаганман. Энг қиммат жойдан. “Камелот” деган жой бор. Ўша ерда ўнта кошона олдик. Рублевкадан 5 квартира. Амир Олимхонлар Ялта ва Социдан олганда бизнинг кучимиз етмайдими? У жойлардан ҳам кошоналарни олиб қўйдик. Авлодларга қолсин. Бошқа нима қолади бу дунёда?

Кеча гаплашолмаган экан, бугун телефон қилишди. “Батя” ўрнидан туриб гапира бошлади.

-Владич, овозингизни соғиниб кетгандик,-деди у.-Раҳмат, катта раҳмат!

-..., Гўшакнинг у томонидаги гап менга эшистилмаяпти. Доим овозни очиб қўядиган “Батя” бу сафар унутди, шекилли? Балки шошиб қолгандир? Аммо унинг гапларидан нариги томонда нима дейилаётганини ҳам илғаб олиш мумкин.

-Э, йўқ. Бошқа пайт сизни безовта қилгим келмайди. Йигитларингиз билан ишни битириб кетаверамиз. Улар айтиб туришса керак,-деди “Батя”

-...

-Албатта, нима десангиз шу бўлади!

-...

-Битта ният қилгандим. Туғилган кунингизга олтиндан бюст ясаб ҳадя қилмоқчи эдим. Лекин...

-...

-Бўлди, бўлди, гап йўқ. Ҳадянинг яна биттасини тайёрлаймиз. Усталар ўша ердан. Айтиб қўйсангиз кейинги сафар ўтказиб юборишса...

-...

-Хеч кимнинг хабари бўлмасин, дедимда. Бу ерда ясасак майда-чуйда гаплар чиқиб қолса, таъбингиз хира бўладими, деб ўйладим. Эрмитажда битта олтин бюстингиз туриши керак. Агар имконини топсам, элчинонамиз олдида олтин ҳайкалингизни тиклаб қўярдим.

-...

-Йўқ! Шунга лойиксиз. Бизнинг ҳақиқий лидеримиз ўзингиз бўласиз. Идеалларимизни маҳкам ушлаб турибсиз! Сиз туфайли яна ҳам кучли бўлдик.

-...

-Йўғе? Менга ҳайкал? Тағин Москвада? Бунга лойик эмасман! Мен ғоямизнинг битта оддий аскариман!

-...

-Раҳмат! Минг раҳмат! Йўқ, Йўқ, сиздан ўрганамиз. Устоз деманг, агар устоз бўлганимда шунақа хато қиласмидим?

-...

-Ҳа, энди “Бой” ҳам яхши одам, сизга содик. Шунинг учун билдирганда, отасига раҳмат!

-...

-Хўп! Хўп! Сизни яна безовта қилиб юрмайин, битта масалани гаплашиб олмоқчи эдим. Олдин ҳам бу ҳақда айтгандим, аммо йигитларингиз босим қилишашаётди. Иттифоқка кир деб. Айтгандиму, бизда миллатчилар кучли, уларнинг орқасидан эргашадиганлар ҳам бор, бунинг устига диндорларга ҳам яхши баҳона бўлади. Нима десангиз шуни бажараман. Фақат шу масалада озгина эркинлик беринг, бир-икки баёнотлар қилиб душманларимни босиб қўяйин.

-...

-Биласизку, жуда қийин. Водийда отиб ташламасам, бу ёғивой эди. Ўзингиз бўлмасангиз удда қилолмас эдим. Ана улар ҳам четдан иғво қилиб ётишибди.

-...

-Рахмат! Куллуқ! Нима десангиз шайман. Худо хоҳласа кўришамиз.

-...

-Ҳа, албатта! Қора денгизда бўлса, нур устига нур. Дарров етиб бораман.

“Батя” сухбатлашиб бўлдида, телефонни отиб юборди. Кейин полни бир-икки тепиб, сўкинди.

-Кўрдингми? Осон эмас бу дунёда оёқда туриш. Лекин туриш керак! Идеалларимизни яшатишимиш керак!

У ичкари хонага ўтди ва сувни очиб, қўлинни юва бошлади.

-“Бой”нинг битта ўғли бор. Бугундан бошлаб бошингни қотир. Нима иш қиласи? Қаерга боради? Қаерга келади? Ипидан игнасигача ўрган. “Бой” мени қандай хўрлаган бўлса, уни беш баттар қилиб, қон йиглатамиш. Қасосли дунё! Ҳеч ким билмасин, муаммо чиқса, аданг билан гаплаш, ярамас опангга ҳам айтма, унинг айтганини ҳам қилма!

У тезда хонадан қайтиб чиқди ва:

-Менга “Стратегик шериклик шартномаси”ни имзолаймиз деди. Биласанми бу нима дегани?-деди,

-...

-Бу - ер ости ва ер усти бойликларини баҳам кўрамиз дегани.

-...

-“Бўлмаса урусларнинг ўрмонлари-ю олмос конларидан биз ҳам фойдалансак бўлар экан-да” деб ўйладинг-а? Гап урусларники ҳақида эмас, гап бизники ҳақида. Эвазига нима оламизми?

У одатдагидек ўзи савол бериб, ўзи жавоб қилди:

-Келажак, хавфсиз келажак! Ўзимиз ва болаларимизнинг хавфсиз келажаги, хавфсиз бошпана!

Бирдан ҳовлиқма Крайнов кириб қолди:

-Гдлян сиз билан гаплашмоқчи?

-Ким?

-Гдлян?

- Нима гапи бор экан? Тошини термайдими?
- Жуда мухим гап экан..,
- Улагин, қани..

19. Гдлян

Гдлян Ким? “Батя” уни дўстим эди, кейин йўлларимиз айрилди, деди. Президентликка келишимда ҳам ўрни катта, деди.

Адам саволинга жавоб топа олмасанг, кут, “Батя”нинг ўзи айтади, айтмаса, интернет бор, интернетдан топмасанг, компьютерингдаги “хазина”дан топилади, деганди. Кутдим, “Батя” бу мавзуга қайтмади.

Интерентда қидирсам, жуда кўп гап, аммо мени қизиқтиргани йўқ. Компьютеримдаги “Махфий хазина” га “мўраладим”. Аудио ёзув чиқиб қолди. Жуда қизиқ?! “Батя” билан Гдляннинг сухбати. КГБ ёзиб олган экан.

Лекин қандай қилиб ҳали ҳам “хазина”да турибди? Нега буни ўчириб юборишмаган? Агар буни “Батя” билиб қолса, нима бўлади? Файлни ёпдим.

Кўрқаяпсан!

Нимадан кўрқаман!

Кўрқаяпсан!

Йўқ, қўрқмайман!

Яна очдим.

Яна ёпдим.

Охири ҳар эҳтимолга қарши қулогимнинг биттасини “шай” тутиб, иккинчисига эшигични қўйдим, аудиоёзув Гдляннинг гапи билан бошланган.

“-Жуда кўп одам қамалади. Олдин тепани тозалаймиз. Ҳаммага қарши иш бор. Сенга қарши ҳам. Тергов бошланса, кўрсатма берадиганлар ҳам тиқилиб кетади.

-Нима қилишим керак? Ҳаммасини ташлаб, “ҳайё ҳуй” деб, бирор ёққа кетиб юборайнми?

-Йўқ, қаёққа кетасан? Осмон узок, ер қаттиқ. Бунинг устига сен гоя одамисан. Коммунист охиригача таслим бўлмайди. Гоя одамида чекиниш, иккиланиш туғилса, ботқоққа ботади. Москвада сенга кўз тикканлар бор. Комитет ҳам орқангда турибди. Сени ковламасликни айтишмоқда.

-Комитет?

-Қўявер, махфийлик жойи йўқ. Агар у ердаги гурух тавсия қилмаганда ёнинга келмасдим... Улар туфайли мана дўст бўлиб қолдик. Дўст бўлмаганимда кетишингни ёки ўзингни отишингни тавсия қилардим. Тфу... Тфу! Чунки бошқа йўлинг бўлмасди.

Ишлаган жойларингни қара. Порахўрликнинг ўчоғи. Ҳар тарафни қонунбузарлик, порахўрлик чирмовиги қоплаган. Москвага ўзинг ҳам ташигансан. Ким қанча олганини сендан яхши биладиган одам йўқ. Мақсадимиз Москвани тозлаш. Андропов тўшакда, аммо гуруҳ ишлайти, кучли. КГБ - давлат. Лекин бу давлат ичида яна битта давлат бор. Келажакни ўйлайдиган, мамлакатни қутқаришга бел боғлаганлар давлати. Ишни бошлишда қартани Тошкентга тикишди. Калавани учини шу ердан тортиб, Москвага чиқамиз. Сен ҳам орқадан туриб, йўл кўрсатасан. Ўзингни ҳам тезликда яна битта-иккита поғонага кўтаришади. Кейин республикани ўзинг бошқарасан.

-Ха, биламан, Комитетдаги янги авлод жуда кучли. Уларга ишонаман, улар ҳам менга ишонади. Режалари кучли ва амалга ошади. СССРни кучайтирамиз. Бутун дунёда кучли бўламиз. Илдизлардан сув ичиш керак. Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонлиги бор эди. Алоҳида давлатлар, аммо калити битта жойда. Агар 15 республикадан 15 давлат қурилса ва калити битта жойда бўлса, дунё бизники. Бу кучли фоя! Андропов ақлли одам, узоқни ўйлаб шундай фикрга келган.

-Комитетдан ташқаридагилар ҳам шу фикрга қўшилиб бўлишди. Айганимдек, ҳаракатни шу ердан бошлаймиз. Мана Головин ишга киришди. Ҳозир тепадагиларни саралаяти. Бунга сиёсий тус берамиз ва вақти келганда сен кимни истасанг, авф этасан, энг садоқатли одамлар сенда бўлади. Аммо вақт керак, осон эмас. Леон Николаевич ҳам сенга катта ишонч билдириди, ўғлим деди. Иш бошида Грековнинг ўзи туради.

-Мени ҳам унутманлар, ҳеч бўлмаса чой ташиб тураман...

-Сиз келажагимизку Вячеслав Мухтарович!"

Аудиони шу ерда тўхтатдим. Ҳеч нарсани билмас эканман. Леон Николаевич ким бўлди? “Батя”нинг устози? Хайрият, “Хазина”дан унинг таржима ҳоли чиқди. Қолганлар ҳақида ҳам фақат таржима ҳол.

“Леон Мелкумов, 1978 -1983 йиллар Ўзбекистон КГБси раиси”

“Владимир Головин, 1983-1989 йиллар Ўзбекистон КГБси раиси.

“Леонид Греков, 1976-1983 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби”

“Вячеслав Камолов, Ўзбекистон КГБси раисининг ўринбосари, 1989 йилдан Ўзбекистон Ички Ишлар вазири”.

Энди бироз тушунарли. “Батя”нинг устозлари ва дўстлари ҳам жуда кучли одамлар бўлишган экан.

Аудио ёзувнинг давомни эшитиш яна ҳам қизиқ туюлди.

“-Ха, Леонид Иванович ва Леон Николаевич устозларим. Комитетдаги гурухга ҳам улар орқали кирганман. Улгунимча миннатдорман. Фояларимиз амалга ошса, бўлди, тузумни кучайтирсак, дунёга ёйсак бас, бундан ортиқ баҳт йўқ! Ленин даҳосини бутун дунё идрок этмоғи зарур!”

Ўшандада “Батя”нинг чироги “лип”иллаб қолди. Ичи тўкилган боладек аранг ўрнимдан турдим. Боришим билан “Батя”:

-Биласанми, ҳозир эсимга келиб қолди. Ана у кун сенга Гдлян дедиму аммо кимлигини айтмадим!,-деди.

Жоним чиқиб кетди. Музлай бошладим. Гўё соchlаримнинг уч-учигача титрай бошлади. Бу одам пайғамбар! Хўжай Хизирман, деб бекорга айтмаган экан. Худо ҳамма нарсани кўради, дейишади. Аммо Худо сизга айтмайди ёки сездирмайди. Бу одам эса фирт жойидан ушлайди. Ҳатто ўйлашга қўймайди. Қандай билди? Мен Гдлян ҳақида қидираётганимни компьютердан сезиб қолдими? Э, йўқ, унда столининг устида компьютер бўларди-да? Ёки бирор айтдими? Ҳар қадамимни кузатишмоқдами?

-Ха, рангингда қон қолмади? Эшишиб кўрдингми?-дейман.

Мен ўлиб-тирила бошладим. У эса сокин:

-Ҳар қандай одамни қўлга олиш мумкин. Калити - мансаб, мукофот, пул ёки мақтов. Агар эркак бўлса чиройли аёл. Бу дунёда харидорсан. Ҳар куни қуллар бозорига чиқасан ва ўзингга қул танлайсан. Биттаси жуда овоздор. Сенга керак. Жарчилик қилади. Бошқаси халқни алдаб туради. Шундайлари бўладики, уларни сотиб олиш осон эмас. У пайтларда қийин эди. Айниқса, Гдлянга ўхшаганни сотиб олиш маشاқат эди.

Лекин илк келганидаёқ уни ер ёнғоқдай бир эзиб, чақдим. У кўп ўқиган, кўп нарсани билади. Унга озгина тарихдан “дарс бердим”. Турклар арманиларни қирғин қилган дедим, нега буни Анқара қабул қилмаслиги ҳақида гапирдим. Қарасам, жуда ёқаяпти. Туркларни ёмонлаб ташладим. Арманиларнинг буюклиги, улар орасида ўсганим ҳақида гапирдим. Ҳақиқатдан ҳам армани дўстларим кўп. Кейинги учрашувга уларни ҳам чакирдим. Арман мафиясининг отаси бор эди, зўр одам, Петросян, у келиб чой қўйиб турди. Шу билан Гдлянни қудуқнинг қопқоғига боғладим. Бу гапларни бирорга айта олмайман. Аммо сен Искандарнинг қудуғи! Сенга айтаман, бир кун ичингдан қамиш ўсиб, ундан най ясамасалар бўлди.

Молия вазири эдим ўшандада. Кўп ўтмай Госплан раиси, Қашқадарёга биринчи бўлдим. Гапнинг қисқаси қачон Москвага борсам, Гдляннинг уйида қоладиган бўлдим. У тепадаги порахўрликларни текшира бошлади. Гапнинг очиғи ҳаммаёқ расво эди... Эшиғанмисан бу ҳақда?

-...

-Ким билади, балки бир кун келиб ҳақиқий тарихни ёзиш сени елкангга тушар? Аммо ҳозир ёзиш учун танлаганларим ишкамба - қорин. Биттасига ёздиргандим, гаплашиб

ўтирсак, ўғлимни Ички ишлар вазирига ўринбосар қилиб берсангиз, дейди. Ёзган китобини олиб башарасига отайин дедиму аммо ўзим уни осмонга чиқариб қўйгандим. Қаҳрамон унвони ҳам бергандим. Айтганини қилдим. Муттаҳамлар ҳатто мақтовни чин юракдан қилмайди. Эвазига бир нарса олишни истайди. Мана сени отанг ва сен садоқатлисан. Жонингни менга тиккансан. Мен ундан истаган вақтда кечиб юборишим мумкин. Лекин ҳеч нарса сўрамайсизлар. Ваҳоланки, нима истасангиз муҳайё қилишимни ҳам биласизлар. Ўзим ўрганаман сизларга нима керак. Ана улар эса эшакнинг бўқидан олтин топаман, деб доим қўлини дуога очиб, орқамда юради. Ха. мендан нима кетди, деб баъзан бир танга ташлаб қўяман...

Компьютерингда бор, “Сўнгги қатағон” деган беш қисмли ҳужжатли фильмни томоша қил. Унда “Пахта иши” деб қамалган юзлаб одамлар гапиртирилган ва камина халоскор қилиб қўрсатилган. Ҳатто биттаси “бундай жасоратли одам бўлмагандан мустақил бўла олмас эдик” деган.

Бу ахмоқлар ҳеч нарсани билмайдилар. Аслида ўша қамалган одамларнинг кўпи пора олиб, пора берган, ўзимга қанчаси пора берган. Ўзим қанчасига пора берганман. Бунинг устига планлаштириш идорасининг раҳбари бўлиб аранг йигирма центнер пахта берадиган ерга ҳам қирқ центнердан план қўйиб юборганимни қаёқдан билишсин? Битта шоир ҳам гапирган. Маҳбусларни озод қилиш ҳақида хат ёзганларини ўзим кўрган эдим, дебди. Вой абллаҳей, қип-қизил ёлғончи. Унга қаҳрамон унвони бериб юрибман-а? Ўшанда терговчи бўлганлар бугун Олий суднинг раиси, прокурор, вазир ва ҳоказо. Ҳаммаси қип-қизил ёлғончи. Гапирган гапларини эшит. Агар Пиночетга ўхшаб ишдан кетсан, “Президент бошимизда тўпонча ушлаб турган эди, шунинг учун гапирганмиз” деган бўларди. Тарих инсоннинг қўлида. Истасанг ўлдириш, истасанг тирилтириш, истасанг хоҳлаганинг каби ёздириш мумкин. Гдлян бир кишини ҳам қайноқ сувга солиб қийнаб ўлдириган эмас, аммо ўзимизниклар боласини қайноқ сувда қайнатиб, онасини қамоққа тиқиб қўйишиди. Мана, бу суратларни кўр, у шундай деб бир даста суратни мен томонга ташлади...

Мана энди ана шу Гдлян унга телефон қилмоқда.

20. Зинапоя

“Батя” Гдлянни бироз эшитиб турдида, кейин тунлашди. Гўшакни жойига қўйиб, тутмани босди. Энди сухбат менга ҳам эшитила бошлади.

-Азизим, биз иккаламиз келишган эдик: мен сен ҳақингда гапирмайман, сен эса мен ҳақимда,-деди Гдлян.

-Сўзимни икки қиласиган одам эмасман!

-Сўзимда тураман дейсану фильмлар қилдираяпсан.

-Қанақа фильм?

-Ўзинг яхши биласанқу? Майли гап фильмда ҳам эмас. Умуман менга қарши катта кампания бошлаб юбординг. кўп нарса бор.Менда ҳам кўп нарса бор!

-Улар ҳаммаси тарих, энди биронни ишонтира олмайсан. Дарёлар оқиб ўтди. Сел ювиб кетди барини.

-Қайта бошлаш учун бугун қўлимга жуда зўр видео келиб тушди. Олтинларингни ушлашган пайтидаги видео. Севимли қизинг билан ерда тўнқайиб ётган иккита қўриқчинг ҳам бор унда.

-Сен олов билан ўйнаяпсан, ўша қўриқчиларим сени бу ерга олиб келсинми?

-Бу ишга иккинчи марта кирмоқчимисан? Биринчисида уddyалай олмадинг. Ундан кўра гапларимни тарозига қўй. Ҳалиям сени хурмат қиласман. Сен қон-қонингча ленинчисан. Бунақа коммунист миллионтадан битта чиқади. Сени шантаж қилмоқчи ҳам эмасман. Бу видеони менга беришди ва шогирдларим орқали иш очишими сўрашди. Табийки, йўқ дедим.

-Унда нега телефон қиласлан?

-Менга қарши кин сақлама, гина-кудратингдан кечвор, келишувимиз кучда қолсин. Нима бўлганда ҳам ҳаётингни қутқазганман, дўст эдик бир пайтлар. Сендан кўп нарса сўрамаяпман. Ана у журналистинг Москвага келиб, эски хирмонни ковлаб, мен ҳақимда гапира бошлабди яна, фильм олдирмоқчи эмиш. Америкада намойиш этармиш! Пулини Сорос тўлганга ўхшайди.

-Қайси журналистим?

-Сен учун Горбачнинг йўлини тўсган бору...

-Мухторовми? Уни ишдан олиб ташлаганман.

-Ха, у сен ҳақингда ҳам жуда ширин гаплар гапирган. Сирларимизни биларкан. Видеосини жўнатдим, бугун-эрта олиб қоласан, элчига бердим, етказиб қўй, дедим.

Қизариб-бўзариб кетган ва бармоғини бир неча марта тутмани босишга олиб бориб, шаштидан қайтган “Батя” бирдан ҳовуридан тушди. Мен томонга қараб жилмайди ва:

-Келишдик, унудик ҳаммасини, қачон меҳмоним бўласан?-деди унга.

-Бу кейинги масала, ҳозирча ҳов ўша фақат ўзингга тайёрланадиган Самарқанд конягидан бир жуфт юборсанг, бас!.

-Бўлди, ўша сен айтган тўнқайиб ётганлардан биттаси олиб боради.

-Раҳмат! Мана шу гапингни ўзи етади, дўстим. Ҳар ой келиб турибди коняқдан, шунчаки айтдимда, бу ёғига парво қилма!

“Батя”нинг яна жаҳли чиқди ва сұхбатни калта кесди.

-Аблаҳ! Бир пайтлар уни конякка ўзим ўргатганман. У пул, олtingга ўч эмас эди. Унга коняқ ва маълумот керак эди. Шунинг учун ҳам мени топганди. Чунки юқори эшелонни

мендай яхши биладиган одам йўқ эди. Госпланда ишлаган одам чумолининг думига илингандан сўмнинг йиртиғини ҳам кўради ва чўтга қоқадида.

Ўшанда Москвага битта сумка билан борардик. Уни “дипломат” дердик, Ана шу сумкага 10 сўмлик - "Ленин бобо"дан 1 миллион сўм сифарди. Госпланда ишлаган йилларимда ўзим Москвага шу “дипломат”дан эҳ-ҳе, қанчасини ташлаб келганман! Ҳафтасига бир марта борган вақтим ҳам бўлган. Агар шу сумка билан бормасам, иш битмасди. Йил охирида ва йил бошида, байрамларда бу сумканинг сони кўпаярди.

Армани билан дўст бўлсанг у сенга чин дилдан хизмат қилади. Садоқатли. Умуман Кавказнинг одамлари шундай, ўзимизниkilар ёқмайди менга, ҳаммаси латтачайнар, кўтига тепсанг, бошини эгади. Икки армани учрашиб қолса, "Сенга нима ёрдам керак?", дейди бири иккинчисига. Бизники учрашиб қолса, "Қайси вилоят, қайси туман ва қайси қишлоқдан" эканлигини суриштиради. Кейин уруғ талашади. Улар тепага қараб юради, биз қўйига!

Ха, сен ҳам билиб қўй махсус конягим бор. Фақат ўзим ва меҳмонларим учун чикади. Лекин унга ҳам боради. Хоинлар оёғимнинг тагида...

“Батя” шундай деб телефон тугмаларидан бирини босди;-Коняк тайёрлайдиган болани бос, қамоққа тик, чириб кетсин ўша ерда, арақ заводини ёп, бузиб ташла, устидан йўл сол, Регистонга улаб юбор, кўзим кўрмасин! Икки кун муҳлат!

Кейин хонани бир айланиб, яна шаштидан тушиб, ҳикоясини давом эттиради:

-Гдлян мени “академик” дерди. Ҳар бир айтганимни дафтарига ёзарди. Мамлакатни қийратган аглаҳларнинг ипидан игнасига, астаридан авратигача очганман. Коммунистнинг бурчи бу! У менга доим:

-Сен ҳақиқай ватанпарварсан, бу мамлакатни сен олишинг керак. Раҳбарлар билан гаплашамиз, танишларингни ҳам ишга соламиз, тезда сени майдонга олиб чиқамиз, деб сайрагани сайраган эди.. Кўп одамларни бошлаб ҳам келган. Собчакни ҳам шу олиб келган. Влад Владич билан ҳам ўшанда танишганмиз. Собчакнинг қўлида ишларди, КГБ гурухидан.

Биласанми, Шоҳизинадага борардик болаликда. Ўша ерларда катта бўлганман. Зиналарни юқорига қараб санасак, бошқа рақам чиқарди, пастга қараб санасак, бошқа. Ҳар кимнинг ўз рақами бўларди. Базилар буни Шоҳизинданнинг сири, деб ҳам гап қилиб юришган. Аммо ҳаммаси ўзи турган жой, оёғи остидагини ҳисобга олмасликдан бошланади. Пастда ҳам, тепада ҳам оёқ остидагини санамаслик охирида кишини чалкаштиради. Лекин мен ўша пайтда саноқни Гдляндан олганман. У ақлли одам! Ана шу ақлинни шайтоний йўлда ишлатади, холос...

Суҳбатимизни фақат Тания хола бузиши мумкин. Бунинг учун сўкиш эшитади, ҳар доим авзойи бузилади. Бу сафар ҳам у кириб келиши билан ораларида даҳанаки жанжал бошланди. У катта қизидан шикоят қилди. Гапни "Батя" илиб кетди:

-Олдинлари ана у қизингни мақтардинг, шеър ёзади, ашула айтади, заргарлик қилади, кўйлак бичади, Гарвардни битирган, бало-баттар... Энди бўлса, оёғи эгри, қаллоб,

рекетчи, бечоранинг чўнтағидагини ҳам, қўлидагини ҳам урадиган, раҳмсиз, шавқатсиз, нечта одамни ўлдиририб юборган, ўғри, муттаҳам деяпсан. Қайси бир гапингга ишонай?

Хотинининг “тили қичиб” турган эканми, бидирлаб қолди:

-Олдингисини ҳам одамлар айтишганди. Ман сизга етказгандим, холос. Ҳозир ҳам одамлар айтиб юрибди, видеоларини кўрдим, кўрган кўзим ўйилсин, ҳужжатларини кўрдим, виждонсиз, ўмарганда ҳам миллионлаб ўмарган, жаллодга айланган...

-Бундан чиқди қизинг қиз эмас, аblaҳнинг аblaҳи, шайтоннинг устози экан-да,- деган “Батя” бир зум ўйланиб: -Хотин, ишқилиб ёшлигингда адашиб, бирортаси билан юриб қўймаганимидинг?-деди.

Хотинининг жаҳли чиқди ва:

-Тавба қилдим, қанақа одамсиз? Қандай қилиб манга бу гапни айтасиз? Ҳамма нарсадан қочсангиз ҳам шундан қочолмайсиз, қизингиз қуйиб қуйгандек нусхангиз-ку?-деди.

“Батя” хаҳолаб кулди ва:

-Билиб турибман кичкинаси билан ораси бузилган, жинқарчанг эса сени тезлаган,-деди.

Уларнинг қолган суҳбати қулоғимга кирмади. Мен ҳали ҳам Гдлян ҳақида ўйлаётган эдим. Кейин "Мухторов ким" деган хаёл ҳам миямга “чип” бўлиб кириб олди. Билишим керак. “Батя” барибир бу ҳақда гапиради.

-Хаёл сураверма! Эртага аданг билан Самарқандаги борасан, омадингни берсин, ишни тоза қилларинг,-деди “Батя” ва менга жавоб берди.

21. “Мурча”

Ухлаб ётгандим, адам уйғотди:

-Кетдик!-деди.

-Қатга?

-Самарқандга-да...

Машинанинг у ўтирган томондаги эшиги ўртасида қутича бор экан.

-Ҳозирча менинг бармоқ изим ўрнатилган. Бундан кейин сеники билан очилади. Мана бу нуктага босасан.

У шундай деб қутичадан кичкинагина шишани олиб, қўлимга тутқазди.

-Бу ”Аконит” деган заҳар. Унга “Мурча” деб нома берганмиз.

-Мурча?

-Чумолининг тожикчаси. Ҳеч кўрганмисан чумоли бир жойга ёпишса, ўша жойни илматашик қилиб ташлайди. Бу ҳам одамнинг ичига ёпишиб олса, тамом, икки-уч ойда йиқитади. Буни ичган одам ё инсулт ёки инфарктга йўлиқади. Биз буни

дushmanlаримизга берамиз. Шу йўл билан халқимизни ашаддий дushmanлардан қўриқлаймиз.

Шишача совуқ. Қўлим қизий бошладими, шиша қизий бошладими, билмайман? Заҳар ҳақида кўп эшитганман. Дарс ҳам олганман. Лекин бугун буни кимгадир ичиришим керак. Балки шунинг учун қўлим қизиб бораётгандир? Йўқ, ҳаяжоним бошқа нарсадан. Миллатимизнинг дushmanларини йўқотишдек шарафли ишга лойиқ топилдим. Ҳаммага ҳам бундай топшириқ берилмайди. Ҳукуматда қанча-қанча одамлар муҳим топшириқ олсан, кўзга ташлансан, деб юрибди. Менга эса омаднинг ўзи югуриб келмоқда. Агар “Батя” ишонмаганда адамнинг кўзида ёш бола эдим. У айтганки, адам бундай муомала қилмоқда.

Миллатимизнинг дushmanи ким экан? Бирорта диндор бўлса керак? Уни қамаб қўйишмагани ва заҳар билан ўлдиришга қарор қилишганидан анча обрўли одам бўлиши мумкин?

Машинамизни Шоҳзиндага яқин жойда қолдирдик. Адам индамай кетаяти. Мен ҳам ундан қолиши масликка уринаяпман. Қоида бўйича орқада қолишим мумкин эмас, ёнма-ён юришим керак. Шоҳизинданинг олдини пиёда юрадиган қилиб қўйибди. Шу ердан ўтаётгандик, бир гадой яқинлашди. Адам киссасини ковлаб “пулим йўқ” дегандек ишора қиласди.

-Қарагинчи, кевоттими?- деди адам анчадан кейин.

Қарасам, ҳеч ким йўқ.

-Бу ерда гадойлар ҳам ўзимиздан. Бизни ўзимизни килардан ҳеч ким кўрмаслиги керак. Гап чиқиб кетади.

-Қайтага яхши эмасми? Гап чиқсин. Бу халқни ким қўриқлаётгани, дushmanлардан ким тозалаётганини билиб қўйишин?

-Йўқ! Биз ҳақимизда бир жойда миши-миш чиқса, ҳаммаси тугайди, “Батя” юз ўгиради.

Биламан, у ҳолда дунё тор бўлиб қолади. Лекин адам бу ишлар қироли. Ҳатто ўз ўғли ҳам унинг кимлигини билмагану бошқалар билармиди? Демак, мен ҳам шундай бўлишим керак. Бу қўлимдан келармикан? Ҳар куни додлагим келади, “кўринглар президентнинг мошинасида ким юрганини”, деб бақиргим келади. Лекин... телевизорга чиқдим. Қозогистонга борганда “Батя”нинг ёнида суратга тушиб қолибман. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. “Батя” жимми, дунё жим!

Яна анча юрганимиздан кейин суви қуриб қолай деган ариқ чиқди.

-Бир вақтлар бу дарёдек пишқириб оқкан. Темур бобомиз бу ерда йилига қирқ кун сайл берган. Совет даврида тери заводи ва бўёқ фабрикаси бўлган. Ўшаларнинг ҳаром суви оқкан. Мана энди-энди асл ҳолига қайтмоқда.

Адам юзимига қарамайди, ўз-ўзига гапиргандек, гапириб кетаверади. Ҳозир ҳам битта уйнинг ёнига боргунча шу ариқ ҳақида гапириб борди. Эшикни тақиллатганди, кампир чиқди.

-Хола, биз электросетдан бўламиз... Кирсак майлими?

-Хали ўтган ҳафта келувдингларку?! Санлар ҳам пул унадиган жойни билиб олдиларинг.

-Хола пул-мулингиз керак эмас. Ўша ўтган ҳафта келганларнинг хўжайнини бўламан. Уларнинг ишини текшириб юрибмиз. Агар сиздан пул олган бўлса, бизга ёзиб берсангиз, бас. Ишдан ҳайдаймиз.

-Э, ишдан ҳайдаб нима қиласан, барака топгур, пулни бекорга олмайди. Учётчикни тузатиб берди. Ўзиям бекордан бекорга дунёнинг пулинини ишлаган экан-да, Кампир одамга раҳми келдию тузатиб кетди. Нима қилай, кўярда қўймай киссасига бир нарса тиқдимда.

Адам ҳовлини айланиб, ҳисоблагични текширган бўлди. Деворлар нураган. Деразаларнинг бўёғи кўчган. Қиши бўлишига қарамай супа четидаги ғишт орасидан ўт кўриниб турибди. Супа устидаги ишкомни хаслар босиб ётибди, узумнинг узилмаган “бош”ларидан қолган путалари осилиб турибди.

-Хола бир стакан сув беринг...,-деди адам қаровсиз ҳовлидан кўзини узолмай.

Хола “майли-майли” деб сувга кетганди, адам ҳалиги шишачани сўради ва стаканга бўшатишимни имо қилди. Хола сувни олиб келганда озгина ичиб шишачадаги заҳарни бўшатдимда, ўйланиб қолдим. Шу кампир ҳалқимизнинг душмани эканми? Нега уни уни ўлдиришимиз керак? Тўхта! Бундай пайтда хаёлга келган ҳар қандай савол душман. Ҳозир адамнинг айтганини бажаришим керак.

Заҳарни сувга солдим, дадам эса кампирни сўроққа тутди:

-Хола бу сувни ариқдан олдингизми, бу сув эмас, заҳарку?-деди.

Адамга қарасам кўзларида мамнунлик. Хола эса:

-Буни крандан олиб келувдим, ҳамсоянинг кранидан, ичавер болам, заҳар эмас,- деди.

-Йў... ичмайман... буни ичсам ўлим қолишим ҳеч гап эмас.

-Бу замоннинг одамлари таннозхўжа бўлишган. Ичавер, ўлмайсан!

-Ўзингиз ичинг, мен чидайман,-деб сувни тўкмочи бўлди адам.

Хола:

-Манга бер,- деб стаканни олдида сувини ичиб:

-Ҳозир санга бошқа нарса олиб келаман, деб ичкарига кириб кетди.

Адам елкамга уриб қўйди. Хола ичкаридан ҳеч нарса олиб чиқмади:

-Болам, берадиган нарсанинг ўзи қолмабди,-деди.-Ер юттур чўтирил ҳамма ёқни расво қилди.

-Энди гап бундай, -деди адам унинг гапини бўлиб,-агар электросетдаги бола қайтиб келса, уни текшириб кетганимизни айтманг. Биз билдирамасдан текшириб юрамиз.

-Хеч бунақа текшир-пекшири йўқ эди, бирдан қуёш узилиб тушдимики, инсофга келиб қолдиларинг.

-Юртбошимизни дуо қилинг!

-Омин, тезроқ ер ютсину бу мамлакат қутилсин. Қани омин!

-Адам бунақа дуоларга ўрганиб кетганми, парво ҳам қилмай, қўлини дуога очди ва:

-Хола Шоҳизиндага яқин жойда яшайсиз. Бу ерларга дунёning ҳамма жойидан меҳмонлар келишади. Бирортаси боши айланиб сизниги келиб қолиши мумкин. Шунинг учун алоҳида назортга олганмиз,-деди.

-Ўзим ҳам ўйлагандим. Бу кетишда Сталин замонидан ҳам ўтиб кетамиз. Сталин ҳам чет элликлар юрадиган жойларда тийинга пражга соттирган экан.

-Аммо зўр перажжалар бор эдида хола. Ҳалиги ўпка-жигарни қиймалаб перажка қилгани эсингиздами?

-Хўп замонлар эканми-а? Жа, маззали бўларди. Учтасини есанг бир кунинг ўтарди. - Ёдингда экану айланай? Асли қаерликсан?

-Асли каттакўрғонлик?

-Уфе... кимдан сўрасам, шундай дейди. Гадойларнинг қайси биридан сўрама, Каттакўрғонлик бўлиб чикади.

-Онаси қаерда туқкан бўлса. ўша ерни айтадида, хола. Майли биз кетдик, ҳали текширадиган жойларимиз бор. Қани битта омонлик билан бизни дуо қилингчи...

Дарвозадан чиқмасимиздан адам орқага қайтди ва гапим бор дегандек кампирни ичкарига олиб кирди. Бир зумда қайтиб чиқарди.

У нима қилган экан? Тошкентдай жойдан “Батя”нинг тансоқчиси ва тансоқчиларининг “шефи” келиб, заҳарлаб кетаётганига қараганда, бу аёл халқимизга қарши жуда катта жиноят қилган.

-Ишимиз ҳали битмади, яна бир жойга киришимиз керак,-деди адам.

-Бу аёл “Батя”нинг синфдоши.. бўлган. Ҳамма жойда лаби бидир-бидир экан. “Батяга” лаънат ўқиб, унинг ёшлиги ҳақида бўлмағур гапларни тарқатиб юрган. Мактабдаги қиликлари, қизларни тепкилаб уриши, бозордаги қовун ўғирлашлар... каби дунё матбуотига чиқкан гаплар шуники.

-“Батя” унинг бирдан ўлишини истамаганди. “Қийналиб-қийналиб ўлиши керак! Бундайларга Худо қандай жазо беришини халқ кўриши керак” деганди.

-Хато қилдик. Кўп гапирмаслик керак эди. "Сизни назоратда ушлаймиз" деганимни бугуноқ маҳаллага ёяр эди. Ўзи пишиб қолган экан. Шунақа... баъзан жойида қарор олишинг керак бўлади. "Батя"га ўзим тушунтираман...

22. Хат

Адам қўлимга “Ушлаб тур” деб бир папкани тутқаздида ўзи “УзЛИТ” деб ёзиб қўйилган дарвозадан ичкарига кириб кетди.

“Кўлингга тушган ҳар қандай нарсанинг нима эканлигини бил, акс тақдирда қўлингни куйдириши мумкин”. Бу қоидага амал қилиб секин папканинг ичига кўз қирини ташладим. Қандайдир хат. “Батя”нинг номига ёзилган. Устида “Батя”нинг икки сатр хати. “Бу ақлини еб қўйганми?”

Хат жуда чиройли ҳуснихат билан битилган. Одатда аёлларгина шундай чиройли ёзсалар керак? Рус тилида.

“Сени сен десамми ёки сиз десамми билмайман? Сен десам шундай катта мамлакатнинг тепасига ўтириб олган кишини камситган бўлмайманми? Сиз десам шундай ҳам бегонага айланниб қолган кишини янада узоқда тутган бўламанми? Хуллас, мактабдаги йилларимизнинг ҳурмати сен деб қўя қолайин. Аслида сиз дейиш ўзбекларда ҳурматни ҳам англатди. Сен эса бунга арзимайсан. Ундан бўлса ёзиб нима қилдим?

Мактабда сени хушламасдим. Хулиган бола эдинг. Буни устига қизларни камситардинг. Фўддайган характеринг ёқмасди. Шунинг учунмикан, мактабни битирганимизда тезда ақлимдан чиқиб кетгансан. Орадан йиллар ўтиб Қозогистонда учрашиб қолдик. Энди олийгоҳни битириб ишга киргандим. Сен осмондан тушган балодек бош устимда пайдо бўлиб қолдинг. Сени кўрган куни негадир қўрқиб кетдим. Нимадан қўрқдим, билмайман. Балки бу шайтонни кўрганда пайдо бўладиган қўрқувмиди? Ўша кунга лаънат айтаман. Бутун ҳаётимни издан чиқариб юборди. Мени баҳтсизлик сахросига улоқтириди. Ўшанда сендан юз буриб кетмаганимга ўзимни кечира олмайман. Сен доим баҳт қидирап эдинг. Мен эса баҳт қидиришни баҳтсизлик, деб билардим. Чунки баҳтли эдим.

Қўярда қўймай ресторанга олиб кирдинг. Нега йўқ демадим? Нега ишим бор, деб кетиб қолмадим? Нега қалбимга қулоқ солмадим? Ёлғизлик қаддимни букиб қўйган эканми ёки болалик йилларимни соғинган эканманми, таклифингни рад этолмадим.

Қўярда қўймай ичирдинг. Ҳаммаси машъум биринчи қадаҳгача. Кейин нима бўлганини билмайман. Шу билан бир пайтлар ўзим ҳазар қилган тулкининг тўшагидан айрилмай қолдим. Энди тулки босқинчи шерга айланганди. Шерни ҳам севиш мумкин, ҳам ундан қўрқиш мумкин, ҳам унга таслим бўлиш мумкин. Сени севдимми, сендан қўрқдимми, сенга таслим бўлдимми, билмайман. Билганим шуки, сен турадиган жойга тинмай қатнай бошладим. Кечалари берган азобларингни роҳат деб қабул қилдим. Бир кун бўйимда бўлди. Сенга айтганимда севинмадинг. Аксинча, норозилик ифодасини кўрдим кўзларингда. Шундан кейин сендан нафрат ёғила бошлади. Сал гапга жаҳлинг чиқар ва хаёл қилсанг мени деразадан улоқтириб юборсанг!

Бир кун кутилмаганда сен ишлайдиган заводнинг парткоми келиб қолди.

-Бу бўгоз хотин бу ерда нима қилади? –дэя ўшқирди сенга. Сен худди жавобни олдиндан тайёрлаб юрган каби:

-Бу хизматкор аёл. Келиб кийимларимни ювиб беради, қўлига у - бу бераман!-дединг.

-Бирор жойда ишлайдими? Балки фохишадир? Мелисага айтиб буни бир текширтириш керак? Нега қонунга хилоф иш қилади?

Парткомнинг саволлардан иборат айбловлариға ҳеч нарса дея олмай қолганимда сен миқ этмадинг. Ҳеч нарса демадинг. Кейин аразлаганимда “Нима қилай, бўлмаса партияга олмайди” деб қутилдинг. Орадан кўп ўтмай сени ўша партком билан пиво ичиб ўтирганигни кўриб қолдим. Қорним бурнимда бўлса ҳам кетдим. Сўрамадинг, суриштирмадинг. Санга жаҳл қилиб Самарқандга қайтиб келдим. Қизим туғилди. Отасиз ўсади. Ростдан ҳам хизматкорга айландим. Бозорда савдогарлик қилдим. Қизимни катта қилдим. У отаси кимлигини сураган пайтлари сен телевизорда кўринадиган бўлиб қолдинг. Мажлисларда катта-катта гапирадинг. Ҳаммага ақл ўргатардинг. Отоналарни фарзандлари учун айблатдинг. Лекин қаердадир фарзандинг борлигини ҳатто хаёлингга ҳам келтирмасдинг. Мен эса отасига тортган қизни уддалай олмай гаранг эдим. Ҳа, у сенга тортди. Эрталабдан кечгача бозор атрофидан уйга келмайди. Гапирсам, ямоқни йиртиб беради. Гапирмасам, сени партком жўрангни ибораси билан айтганда чиройли жалабга айланиб қолди. Уйга ичиб келарди. Сўнг буққаларини етаклаб келадиган бўлди. Кейин мени дўппослайдиган одат чиқарди. Ҳозир балога гирифтор бўлиб жиннихонада ётибди. Қайси кун кўришга бордим. Эти кетиб, бети қолибди. Суяқдан бошқа нарса йўқ. Касал-пасал эмас. “Олиб кет” деб хўнгир-хўнгир йиғлади.

Кўлимда етарли пул йўқ. Бошдан оёқ қарзга ботганман. Сен эса катта мамлакатнинг эгаси. Сочингдан оёғингача олтинга ботган. Бу хатимдан кейин мени омон қолдирмаслигингни биламан. Шундай бўлсада ёздим. Қизинг Самарқанддаги жиннихонда ётибди. Унга ёрдам қил! Агар заррача одамлик туйғуси қолган бўлса!”.

Хатни апал-тапал папкага тиқдим. Ишона олмадим. Наҳотки “Батя” шундай одам бўлса?! Йўқ. Бу аёл ростдан ҳам ақлини еб қўйган. Унга тухмат қилмоқда.

-Бунақа жиннилар оз эмас, бизнинг ишимиз “Батя”га ёрдам бериш, унинг ёнида туриш, миллатимизнинг этига канадек кириб олган шунақа душманлардан тозлашдир,-деди адам машинага миниши билан. Демак, у хатни ўқишим учун қолдирган.

-“УзЛИТ”даги ошнам ишга келмабди. Уйида ётган бўлса керак. Кўпроқ ичиб қўйса, уйидан чиқолмай қолади. Телефон қилсан, ичи гапга тўлиб кетган экан. Яххиси кириб ўтаман,-дедим.

Машинамиз Сўғдиёна массивига кириши билан телефони жиринглади.

-Тезда пойтахтга қайтишларингиз керак экан,-деди Крайнов.

-Нега? Нима бўлди яна?

-Эртага “Батя”нинг туғилган кунику, қаёқда юрибсизлар?

-Меҳмон бор эди, айлантириб юрибман,-деди адам.

-Ўша меҳмонни сўраяптилар!

Адам индамай телефонни қўйдида, бошқа номерни тераётганди, йўлимизни “мент” кесди.

-Машинанинг дадасику? Бу ерликка ўхшамайсизлар?-деди у адам томонга яқинлашиб.

Адам унга яқинроқ кел дегандай ишора қилди. У бошини эгиб қараганди, адам унинг бурнига бир мушт қўйди. У гурс этиб йиқилди...

Йўлда “УзЛит”даги танишига телефон қилди:

-Тез кетишимиз керак бўлди. Мухторов ҳақида маълумот тўплагин. Нима қилиб юрибди? Қаерга бораяпти? Тўй-пўйларга чиқяптими? Чойга чақирсанг чиқадими? Хуллас, ўзинг биласан. Келаман, ўшанда гаплашамиз.

-...

-Ош емаган жойимизми? Келаман яна.

-...

-Битирдими? Бўпти. Телефон қилсин. “МИД”га тикиб қўяман. Бироз дунё кўрсин. Сани ҳам айлантиrsин. Кейин бу ёқقا оламиз. Бўпти!

“Батя”нинг гапи ёдимга тушди: “Ҳаммаси садоқатли! Садоқат сотади!”.

23. Туғилган кун

-“Батя” туғилган кунини нишонламқочи эмас эди, қандайдир хушхабар олганки, кайфияти кўтарилиб, рози бўлибди. Демак, сенга ҳадяларни қабул қилиб олишни топширади,-деди адам.

-Биз ҳам ҳадя олиб борамизми?

-Э, йўқ, у биздан ҳадя олмайди, аксинча ҳадя беради, мана кўрасан!

Худди адам айтгандек бўлди...

Мен ҳадяларни қабул қилганимдан кейин, ичкарига кириб, бир четда кузатдим.

Сочларига оқ тушган, истараси иссиқ киши ўртага чиқиб:

-Мен “Тиз чўкиб” деган шъер ёздим, шуни тиз чўкиб ўқийман,-деди.

Шоир экан. Машхур шоир экан. “Батя” ўрнида турди. Ҳамма бирданига ўрнидан туриб, қарсак чала бошлашди. Давомли қарсаклар “Батя”нинг руҳини очиб юборди. Овози хиррик бўлса ҳам шоир шеърини зўр қилиб ўқий бошлади:

“...Сизни севмаса ёт минг йил сўкаман,

Сизга содик элга мен тиз чўкаман!”

“Батя” унинг қаршиисига келиб тиз чўқди. Бирданига ҳамма ўртага чиқиб, тиз чўқди. Четдан қараган одам булар диний ибодат қилишмоқда, деб ўйлаши ҳам мумкин. Шунақа тақиқланган гурухлар бор. Мулласи ўртада ўтиради ва қолганлар унинг атрофида, “ҳайю-хуй” деб бақиришади.

“Батя” шоирнинг бошини бошига босди. Одамлар қийқириб юбориши. Баъзиларининг кўзларида ёш. Улар шоирнинг ўрнида бўлишни орзу қилаётганларини юзларидан осонгина сезиб олиш мумкин. Гапнинг очиғаш ўзим ҳам рашк қилдим. “Батя” худди шундай кучоқлаганда дунёда фақат мен бу баҳтга сазовор бўлдим, деб ўйлагандим. Демак, “Батя”нинг ишонганлари кўп.

Унинг тиззаси оғрийди. Дори ичиб туради. Тиз чўкиб ўтиrsa, ўрнидан туролмай қолади. Шунинг учун шай бўлиб туришим керак. Ана у бир зум атрофга алангалади. Ҳамма бирдан кўзини олиб қочди. Унинг кўзига тик қарайдиган одам йўқ.

“Кўрдингми, бу хоинларнинг биттаси ҳам кўзимга тик қаролмайди”

“Батя”нинг овози қулоғим остида айлангандек бўлди. У кутилмаганда бир ҳамла билан ўрнидан турди ва бармоқларининг учини қирсиллатиб, шай бўлиб турган ашулачига қаради. Бу “Лазгини аят” дегани. Шеър тугадими, тугамадими билмайман, ҳамма “Лазги”га ўйнай бошлади. Сўнг навбати биали қадаҳ сўзи айтилди:

“Советлар империясида мустақиллик ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто фикрлаш ҳам қўрқинчли эди. Сиз юрагимиздаги қўрқувни синдиридингиз. Марказ зулмидан озод бўлиш ғоясини бизга сиз олиб келдингиз.”

“Сиз мустақиллигимизни эълон қилган паҳлавон Алпомиш, умидларимизнинг ёрқин шўъласи! Сизнинг дадил ва жасоратли юрагингиз бизнинг ҳам қалбимизда уриб турибди”.

“Батя” худди сайрашганини кўраяпсанми, дегандек мен томонга қараб қўйди. Худди унинг овозини эшитгандек бўлдим:

-Бу иблисларнинг сайрашини томоша қил! Эртага бошқасини ҳам худди шундай мақташади булар!

Уларнинг сони кўп экан. Яна биттаси гапира бошлади:

“Ватанимиз ярадор, мажруҳ бир от, тойчоқ эди. Рус мустамлакаси пайтида эзилган бу тойчоқнинг кўзлари ёш, дарди оғир эди. Сиз унинг ёшларини авайлаб, ёлларини тараб, силлиқлаб, ярасига малҳам босиб парваришладингиз. Бу тойчоқ тезда куч тўплаб, парвозга шай от ҳолига келди. Сиз соҳиби давлат сифатида уни эгарладингиз. Дул-дул юксак парвозларга шайланди. У ўз чавандозига, чавандози эса унга ярашиб турибди...”

Шундан кейин даврага бирин кетин хонандалар тушдилар. Уларнинг мусиқларига ҳурлиқолар жилва қилдилар.

“Батя” қизларга термулиб қолса, меҳмонлар ҳам улардан кўзини узолмайди.

“Батя” кўзини олса ёки пастга ё уларга қараса, ҳаммаи бошини дастурхонга эгади.

“Батя” кулса, кулишади, ўйнаса, ўйнашди, ичса, ичишди. У овқатга қўл чўзса, қолганлар ҳам узатишади. У қўлинни арта бошласа, қолганлар ҳам. Рона машқини олганга ўхшайдилар. Четдан қарасангиз саҳнада ҳамма оммавий рол бажармоқда.

“Батя” гоҳо хурсанд, гоҳо қолганларнинг устидан заҳарханда кулгандек. У фақат менинг эмас, кўп одамнинг “худо”си эканлигини шу ерда англашим. Ҳатто унинг орқа томонида ўтирганлар ҳам мулланинг орқасидан бир хилда ҳаракат қилган ибодатчилардек айни ҳаракатни такрорлашмоқда. Фарқи шундаки, ибодатчилар истасалар муллани бир тийинга олмайдилар. Бу ерда эса “Батя” истаган одамининг юзига тупуради ва у мамнун бўлади. Севина-севина ҳатто юзини ҳам артмайди. Табаррук тупук дейди. Авлиё бўлиб кетаяпсан деманг, шундай ҳолга ҳам гувоҳ бўлганман.

Бир вазирни чақириб, юзма юз гапираётгнда “Батя” акса уриб юборди. Вазир индамай тураверди.

-Арт,-деди “Батя” унга. У эса парво ҳам қилмай:

-Табаррук,- деди.

Кейин “Батя” унинг қўлига стол устидаги юмшоқ қоғоздан бериб, чиқариб юборганди. Ўша вазир ҳозир “Батя”нинг энг яқинларидан бири. Ўнг тарафидан ўтирибди. Мусиқа тинганда “Батя” у томонга қарайди, у дарҳол бошини эгиб, қулоғини “Батя”нинг оғзига тўғирлайди. Кейин шафтолидек қизариб, тиржаяди ва қулмоқчи бўлади. Шу дамда агар “Батя” кулса, у ҳам қурбақанинг оғзига ўхшаган катта оғзини очиб кулади. “Батя” кулмаса, у қизариб, портлаб кетаман, деб турган вулқондек пўтиҳади.

Бирдан кутилмаган ҳол бўлди. У бошини эгиб, қулоғини “Батя”нинг оғзига олиб келмоқчи эди, “Батя” нима учундир орқага эгилди. Ноқулай ҳолат юз берди. Хайриятки, ҳамма бошини эгди. Жимжитлик!

“Батя” бирдан хаҳолаб кулиб юборди, бутун зални қаҳқаҳа босди. Энг қаттиқ қулаётган ўша оғзи катта одам эди.

“Батя” ҳаммани ҳар куйга солиши билади. Масхара қилади. Устидан кулади. Мукофотлайди. Уради, сўқади. Таҳқирлайди. Лекин улар хурсанд, унга сигинишиади.

У “қул”ларига жавоб бергандан кейин ёнимга келди:

-Қани юрчи ҳадяларни кўрайлик? Ким нима олиб келганини эслаб қолдингми?-деди.

24. Совға

Адам:

- Совға олиб келганларнинг отини эслаб қол ва “Батя” сўраганда худди таниган одаминг каби айт,-деганди.

-Кўпларининг исмини билмайманку?

-Парво қилма, улар исмларини қулоғингга аzon айтгандек қуядилар!

Адам ҳар доимгидек ҳақ чиқди. Тухфа олиб келган ҳар бир раҳбар, гўёки қучоқлагандек бўлиб, қулоғимга ўз исмини бир неча мартадан такрорлади.

“Рашидjon акамдан, деб қўясиз! Рашид десангиз ҳам бўлаверади.”

“Адаштирманг ука, Рустамлар кўп, мен уларнинг азими бўламан”.

Вилоят ҳокимлари эса:

“Самарқанд”

“Жиззах”

“Сурхон”

“Қашқа”...деб таниширишиди.

“Навоий” дегани худди соқолини тутамлагандек чанасини сийпаб, бир неча марта бу сўзни такрорлади.

-Яқинда Навоийнинг ҳам юбилейи бўлади. Оқсоқол билан кетма-кет туғилишган. Бунақа одамлар бир неча юз йилда бир туғиладилар. Мана бу олтин тўртта тўққиз. Буни яхлит ҳолида топдик..

Хуллас, тажрибалари бор экан, каминага эслаб қолиш қийин бўлмади. Мана энди “Батя” бир бошдан кутиларни қўлига олиб, гапирмоқда. Анчагина ичган бўлса ҳам дунёning у тешигидан кириб, бу тешигидан чиқмоқда:

-Мана шу расмнинг остини ўки!

-Густав Климт...

-Бу “Хоним” портрети. Ёшлигимда бу расмдаги аёл менга жуда ёқиб қолган. Таня холангни кўрганда унга ўхшатганман. Қара, жуда ўхшайди-а? Қуйиб қуйгандек. Худди Таняни ўтқизиб, чизгандек. Ёшлигига бутун ҳам ўхшарди. Тўхта, буни ким олиб келди? Ким биларди? Айтмай тур! Ўзим топишим керак. Рустам олиб келиб келдими? Йўқ, у билмайди бу тарихни. Менимча, қуда олиб келган бўлиши мумкин. Таня севган қизига шипшитган... Шундайми?

-... Йўқ дегандек бошимни қимиirlатдим.

-Шаҳар бердим айт, топмадим.

-Ботир ака...

-Ўххў, у ҳам сиримизни излайдиган бўлибдими? Нима демоқчи бу билан? Дунёдаги энг қимматбаҳо расмни қаердан олди? Божхонадан топдими? Чет элданми? Қандай олиб келди бу расмни? Балки бу ҳақиқий эмасдур? Нусхасини чиздирдими? Кимга чиздирди экан? Зўр чизган аммо! Адангга айт, аниқласин, бу ҳақиқийми, сохтами? Ҳақиқий бўлса, бу ерларда сақламасин. Ботир Москвадаги уйга етказиб берсин. Агар сохта бўлса...ўзи ҳам сохта! Йўқ, у гўрсохта ҳақиқийсини топади. Илоннинг мойини ялаган.

-Мана бу қанақа соат экан? Нима деб ёзган, ўқигинчи?

-Франк Муллер...

-Эшитганим йўқ. Биларсан нархини? Қимматбаҳо бўлса керак?

-...

-Ким олиб келди?

-Рустами азим акам...

-Балои азим демадинг ҳалиям! - “Батя” кулиб елкамга уриб қўйди.

-Ҳа, унда қимматбаҳо, қараб ҳам юрма. У арzon-гаров нарса олмайди. Палаги тоза. Буни холангга бериб қўй. Тақамиз керак бўлганда. Мана бу нима? Узукми? Қанақа узук экан? Устида нима ёзилган? Ўқичи?

“Ин ҳам мегузарад”

-Ким олиб келди буни?

-Самарқанд...

“Батя”нинг жаҳли чиқиб кетди?

- Самарқанд...! Тўнка! Калласи ишламайди ёки атайлабдан қилган.

У шундай деб телефон ёнига борди ва тугмани босиб:

- Самарқандни топ,-деди.

Бир зумда улаб беришди.

-Халиям шу ердамисан?

-Эрталаб кетаман, насиб...

-Совға учун раҳмат!

-Ўзимизнинг маҳаллий усталарга ясатдим. Соф олмосли.... Аслида бу сизга...

-Ўчир овозингни! Нима ёзилган устига!

-Бобомизнинг узукларидаги гап.

-Билмайди деб ўйлайсанми ёки она тилимни билмайманми? Тушуниб турибман. Аммо сен бу гапни кимга айтаяпсан? Кимга “Бу ҳам ўтади”, деяпсан? Нега бугунги лаҳжада ёздинг?...

-Тушунарли бўлсин деб...

-Бас қил! Ҳаммаси тушунарли! Чеченлар билан алоқанг ҳам тушунарли. Сен болани огоҳлантиридим, бунақа ишларга кирма деб. Дарҳол манга ултиматум қўйдингми?

“Батя” шундай деб гўшакни жойига қўйди ва бошқа тугмани босди:

-Самарқанд меҳмонхонада экан. Қамоққа ол, чирит ўша ерда,-деди.

Ўзимизнинг Рустам ака битта ручка олиб келганди. “Батя” уни анча томоша қилди:

-Буни ўзи сотиб олмаган. Давлатнинг пулига олган. Бу нарса ҳам суратга туширади, ҳам ўлдириши мумкин. Буни адангга берасан!

У шундай деб, ён чўнтағидан кичкина қутини олди ва ичини очди. Митти топпонча.

-Бу санга! Мана, устида исминг ҳам ўйиб ёзилган. Биласанми бу қанча туради? Жуда қиммат. Буни Сербияда ясаб келишди. Шундан ҳам билсанг бўлади, сани қанча яхши кўраман.

Нима дейишимни билмадим. “Батя” анча вақт пешанасини пешанамга қўйиб турди. Кейин:

Совгаларнинг қолгани билан қизиқмади ҳам.

-Буларни холангга бер, қизлари ва неварларига тақсимласин. Чет элдаги уйларини безаб кўйишсин. Бизнинг амиру хонлардан кам жойимиз йўқ.

-Энди иккаламиз битта кино кўрамиз,-деди.

Унинг қайта-қайта кўрадиган киноси бор. Қутининг устига ўз қўли билан “Крёстный отец” деб ёзиб кўйган.

-Сани илк кўрганимда Алпачинога ўхшатгандим, мана қара, бурнимга қара, юз тузилишимга қара, Вито... лекин ёнимда сен бор экансан, мени ҳеч ким отолмайди.

У фильмни бироз кўрдида, ўтирган жойида ухлаб қолди. Хурракнинг зарбидан деразалар титраётгандек эди.

Шахсий доктори ва ҳамширасини чақирдим. Қўлим топпончада. Чўнтағимдан чиқарсамми? Кўрсаммикан? Йўқ. Мумкин эмас. Чидайсан. Эртага томоша қиласан. Дарвоқе, ўқланганмикан? Неча калибрли экан? Ёки бу отмайдиган олтин совғами? Уни

Уни тезроқ кўргим келаётганди. Кўзим илиниб қолибди. Бир пайт...

25. Тулки

Бир пайт уйғонсам, ташқарида қор ёғмоқда. Кечагина худди ёз ҳавоси эди. Умуман бутун январ ойи қаттиқ совуқ бўлмади. Ҳатто дарахтлар ҳам адашиб кўртак кўрсатаётганди.

Аввалига шиддатли “лайлак қор” ва ортидан оппоқ қум каби ёғин. Қани энди тинса? Тинмаганинча қараб тураман, деб ўзимга сўз бергандим. Бу тоқат ва чидам машқи. Тайчи учун жуда муҳим. Бир нуқтага ёки бор томонга диққат билан қараб туриш иродани чиниқтиради. Фақат хаёлга берилмаслик керак. Хаёлга берилдингизми, ютқазасиз. Хаёл мағлубиятнинг эшиги. Кирсангиз кириб кетаверасиз. Аммо натижасиз, бўмбўш халтадек шалпайиб чиқасиз ичидан. Қор ёққанда эса хаёл суро олмайсиз. Қор бунга изин бермайди. У сизни ўзига тортмайди, ортга итаради. Шунинг учун ҳам кўп қор ёғадиган жойларга кетгим келиб қолади.

Ниҳоят қор тинди ва атроф оппоқ пардек эди. Шу пайт puttalar орасидан бир ҳайвон чиқиб дарахтларнинг таги бўйлаб юра бошлади. Нима экан? Итми, мушукми? Анча узоқда бўлгани учун ажрата олмадим?

-Тулки...

Бу “Батя” эди. Қаердан келиб қолди? Нега сезмадим? Наҳотки шу қадар эҳтиёtsиз бўлиб қолдим?

-Тулки?

Хаёл бу мағлубият дедимку! Бир тутқаздингизми, кетма-кет кетаверади. Мағлубият ортидан эргашиб қолаверасиз. Нега жим туролмадим?

-Хайрият сенинг овозингни ҳам эшиши мумкин экан. Қор тез-тез ёғсин, тулки тез-тез кўринсин..., - Хонамга кириб келган “Батя”нинг кайфияти яхши эди. Демак, уйқуси пишган. Боя қорга қизиқиб, ўз хонамга ўтгандим.

- Бу тулки энди сеники. Бир вақтлар ҳов анави ўрмончани шу тулки учун қурдиргандим. У салқин жойни яхшии кўради. Ер остида ўзига уй қуриб олган. Овга борганимизда олдимиздан чиқиб қолганди. Отмасдан, ушлаб келгандим. Чиройига қара. Оёқлари кўмирдек қора. Вужуди сарғиш, тумшуғи ва кўкси оқ... Қирра бурун қизга ўхшайди. Аммо ақлли. Қизлар эса товуқмия! Уларда ақлнинг учкуни ҳам йўқ! Бир замонлар биттаси тулкига ўхшагани учун вазир қилиб қўйгандим. Шошиб бораётсак тўқнашиб, йиқилиб кетди. Ахмоқ... Президент билан юрганда ҳам пошнаси баланд туфли киясанми? Оёғидан учиб кетган туфлисига қўшиб ўзини ҳам учириб юбордим. Шундан кейин ҳукуматга аёл зотини яқинлаштирмадим.

У кундан бу кунга кўп гапирадиган бўлиб бормоқда. Балки асли шундайдир? Балки менгагина қўнлини очар. Шундай дедику?!

-Балки...

Юрагим шув этиб кетди.

-Балки кечаги хўқизлардан ўша товуқмиялар яхшимиди, деб ҳам ўйлаб қоламан. Опангга қара, олов. Ерга урсанг осмонга сапчийди.

У хаёлимни уқиб олмаганига хурсанд эдим.

-Эшигим очиқ экан, қарасам хаёл сураյпсан. Изн бердим, бир айланиб кел дедим. Тулки чиқиб қолди. Адашганим йўқ. Бу тулки. Ҳамма уни ит деб ўйлайди. Ахмоқлар ит ва тулкини ҳам ажрата олишмайди. Менинг савимли тулким бу. Дунёнинг энг аққли ҳайвони. Одамлар ёмонни тулкига ўхшатишади. Мен эса акси. Тулкини қидираман. Яххисини тополмайман. Унга қара, қор устида юриб бормоқда ва думи ўз изини сийпалаб йўқотмоқда. Тулкининг гўзаллиги унинг думида. Бу аёлларнинг гапи. Тулкининг думини бўйнига боғлаб олишни истганларнинг гапи.

“Батя” севимли тулкисига анча қараб турдида давом этди:

-Тулкининг эшитиши қобилияти жуда кучли. Овозимни билади. Гапирсам мен томонга тикилиб қолади. Соатлаб бир нуқтага тикилиб туриши мумкин. Энг қўрққаним унинг ўлиб қолиши. Шунинг учун ҳам бир неча ветеренарни унга “боғлаб” қўйганман. Ҳаво иссиб кетганда унинг учун маҳсус муҳит яратишади. Баъзи президентлар кучуксевар. Тулки ҳам асли кучук авлодидан. Аммо ақллиси. Итни эгасига содик дейишади. Ҳечам содик эмас. Уч кун овқат берма, тўртинчи куни сени ғажиб ташлайди. Уни боқсанг оёғинг остида гирди капалак. Баъзилар шер сақлайди. Ахмоқчилик. Шу билан ўзини шердек кўрсатмоқчи бўлади. Одамшер бўл, ҳайвоншер бўлиб нима қиласан?

“Батя” бир зум жим турдида:

-Билсанми, бу тулки гимнни эшитиши яхши куради,-деди ва телевизор остидаги тутгасини босди. Хонада гимн янграй бошлади. Нима қилишни билмай қолдим. Қўлимни қўксимга қўйсамми, мадҳияни айтайнми? Ахир мен аскарман. Бундай пайтда севгимни кўрсатишим керак эмасми?

-Қўявер, расмиятчиликка риоя қилма. Ана у тулкига қара, қандай мазза қилаяпти. Биз ҳам умр бўйи мазза қилганмиз. Бу гимн уруш йиллари ёзилган. Умримиз шу мусиқанинг йўлига тўшалди. Эрталаб шу билан уйғонардик. “Ассалом рус халқ, улуғ оғамиз...” Нақадар кучли оҳанг ва қудратли сўзлар. Уни унугиб бўладими? Аммо шундай пайлар бўладики, орқага одим отишинг керак. Жўжахўролар гимнни ва мадҳияни ўзгартирамиз деб гирибонимдан олишганди. Шошманлар, десам ҳам қўнишмади. Билганларингни қилинглар, дедим. Биттаси мусиқа ёзган, бошқалари достон... Ана баҳсу мана баҳс. Ўлиб кетмайсанларми, дедим. Охирига келганда уруш йилларидан бери қон томирларимизни силкитган мусиқани қолдирдимда, хос шоиримга олдингисига мослаб шеър ёз, дедим. Ҳаммаси оёққа туриб олқишилади. Фарқига ҳам етишмади. Битта иккитаси “ғинг” деган эди. Латифани айтиб бердим.

“Батя” кула бошлади.

-Эшитганмисан, автобусда биттаси “ғинг-ғинг” деб Афандининг асабига тегибди. Шунда Афанди яна бир марта “ғинг” десанг иштонимни ечиб, бошингга кийгизаман дебди. Бирдан автобусдагиларнинг ҳаммаси “ғинг-ғинг” дея бошлабди. Афанди автобусни тўхтатиб тушиб қочаётган экан, ҳамма унинг иштонига осилибди. Нима гап деб иштонига қараса, чўнтағидан доллар кўриниб турган экан. Мен ҳам “Ҳамманга мансаб бераман”, деганимда шундай бўлган. Мана энди ўша коммунистларнинг мусиқаси чалинса, оёққа туришади. Ҳамма жойда, ҳатто қамоқларда ҳам. Тилда коммунистларни ёмонлашгани билан амалда мусиқасига муздек қотиб, титрашади. Қара, қара-қара, шундай ақлли тулки ҳам музлаб қолгандек...

Шунда Москвага борганимизда Оқпошонинг ити “Батя”га яқинлашиб унинг икки оёғии орасига тумшуғини тиққани ёдимга келди. Ҳамма ажабланиб қолди, “Батя” парво ҳам қилмади. Шунда ит қайтиб, эгасининг оёғига бориб, бош қўйди.

-Сени кучинг рақибингнинг ҳаракатини буриб, ўз йўналишинга солишингда. Менга ўхшайсан. Мен ҳам шундайман. Душманимнинг кучидан фойдаланаман. Жуда бўлмаса душман яратиб, унинг кучини ишлатаман. Биламан, ишонмаяпсан. Лекин керак бўлса,

мингтасини санаб бераман. У шундай деб қўлларини мушт қилиб олди ва бармоқларини бир-бир оча бошлади:

БОШ БАРМОҚ: 1990 йил. Тўполончи депутатлар Мустақиллик декларациясини эълон қилди. Яхшилаб тайёрландим. 1991 йил бошида СССРни сақлаб қолиш ҳақида референдум ўтказдим. Бутун республика қўллади, деб эълон қилдим. Бир тийин бўлиб қолишиди.

КЎРСАТКИЧ БАРМОҚ: СССРни сайлаб қолиш планимиз амалга ошмади. Давлат тўнтириши ҳам иш бермади. Дарҳол кемани илгари гаплашилган томонга бурдик. Мустақиллик эълон қилдик. Куч марказда қолгани билан Бухоро амирлиги каби ўзимиз ҳам кучга айландик.

ҮРТА БАРМОҚ: 1991да диндорлар ислом давлати қурамиз, деб бош кўтарди. Босиб ташлашим мумкин эди. Лекин қураман, фақат сизлар ана у тўполончи парламентни ўзгартириб беринглар, дедим. Чунки Олий Кенгашга ўзидан кетиб қолган эди. Диндорларни уларга қарши қўйиб, кейин иккаласини ҳам янчдим.

НОМСИЗ БАРМОҚ: 1992 йил Талабалар намойиш қилди. Бу жой демократиянинг маркази эди. Битта иккитаси отиб ташлаб намойишни бироз қиздирдимда, шу баҳонада студентларни автобусларга тиқиб, вилоятларига жўнатдим. Ёйиб юбордим барини.

ЖИМЖИЛОҚ: Мухолифатни қувдим. Farb қаттиқ босим кила бошлади. Россиядагилар ҳам демократ тўнини кийиб олишди. Гдлянчилар ҳам ҳатто. Бутун дунё коммунистларга қарши курашни кучайтирди. Янги йўлга киришимизни исташди. Шундай қилсак, миллион-миллион долларларни еб кетарга берамиз, дейишли. Элчилар турадиган меҳмонхонаси қаршисида Карл Маркс ҳайкали бўларди. Ўша жойда Амир Темирни отга мингаздим. Лақмалар ишонди қўйди. Бир-икки йилга бўлса ҳам уларни соғдим. Ўзимизникалар ҳам бош эгиб қолишиди. Кўрдингми, бу ҳам “Тайчи”!

Бунақа “манёвер”ларни ҳаммага айтиб бўлмайди. Сен ҳам ҳунарингни ҳеч кимга айтмайсан, тўғрими? Аммо мен сенга айтаяпман. Нега? Нима учун? Ўзим ҳам билмайман,-деб у қўлига қараганди, хонаси томондан телевизорнинг саси диққатини тортиди. Ўша ёққа юрди ва:

-Ие, бу хўқиз нима қилиб юрибди телевизорда? Тағин эрталабдан, - деб додлаб юборди.

Телевизор товушини Крайнов баландлатган экан. Маслаҳатчи гапираётганди:

-Муҳтарам юртбошимизга қарши чиққанлар ҳам кўп бўлган....

26. “Разборка”

“Батя”нинг бир кўзи доим телевизорда, қулоғи эса радиода. Столининг бир четида радио “минғирлаб” турса, қаршида телевизор “шанғиллаб” туради. Агар муҳимроқ нарса бўлса, Крайнов кириб, телевизор товушини баландлатиб қўяди.

Хаёлимга Гимн ҳақидаги гап келиб қолди. Интернетдан қидирдим:

“Гимни мусиқасини 1947 йилда бухоролик композитор Мутаваккил Музаинович Бурхонов СССР гимни йўлида ёзган. 1992 йилда ўзгаришсиз қолдирилган”.

“Батя”га қойил қолдим. Ҳақиқатдан ҳам ўз эътиқодига содик ва ҳар турли йўл билан ўз гоясини сақлаб қолишга уринган.

Шу пайт “Батя” чақирди. “Акамулло” деган маслаҳатчи кирди. Унга “Батя” шундай ном берган.

-Китоб ёздим, тилини кесиб, комига ёпиштириб қўйдим, деб ўйладисанми? У китобингни эшак ҳам ўқимайди. Ҳожатхонага қўйсанг боланг ҳам кўтини артмайди. Аблаҳ! Сени одам деб юрибман-а?

-Устоз...

-Хе, устозингни онасини... Санга телевизорга чиқ деб ким айтди? Нима, президент бўлмогинг келдими? Бир тийинга қиммат ёзганинг учун фан доктори унвонини олиб қисибгина ўтирамайсанми? Телевизорда нима деб вайсаганингни ўзинг биласанми? Агар сиёсатимни билмасанг, нима еб юрибсан бу ерда? Ким қўйди санга мани шахсий душманларим хақида гапиришни. Ўшаларни ўлиги сани тиригиндан яхши. Қара, уларни ҳалигача эслайман. Сени ким билади? Китоб ёздинг, муқоваларини ялтироқ қилдинг. Кимни ҳисобидан? Мактабларга, олий ўқув юртларига дарслик қилиб ўқитмоқчи бўлдинг, лекин ҳеч ким ўқимади! Нега? Биласанми? Чунки ёзишни билмайсан. Душмаларимни халқ унутсин, деб уларнинг номини ишлатмасликни буюрганман. Сен иблис, нега бузасан бу қоидани. Бу билан хиёнат қилдинг. Халқ уларни тирик экан, деб ўйлади, қидира бошлайди. Мана бу хумкалланг ишлайдими? Балки асл мақсадинг шудир?

-Йў...Сизни...

-Нима мени? Сен химоя қиласанми? Бир вақтлар газетада битта мақоланг чиққанди, ўша ёқиб қолиб, олиб келгандим сени. Нима қилдинг? Ўзингни ўйладинг. Корин қўйиб олдинг... Ур, унинг қорнига.

“Батя” шундай деб менга қаради. Олдинга қараб қадам ташлагандим, маслаҳатчи худди қиз боладек чинқириб йиглаб юборди.

-Сизни ота деганман, бира марта кечиринг...,-у шундай деб “Батя”нинг оёғига ташлади ўзини. “Батя” худди сандроқи итни тепгандек, уни туртиб юборди.

-Олиб чиқиб ташла буни,-деди, мен томонга қараб. Бориб маслаҳатчининг қўлтиғидан кўтараман десам, жеркиб берди. “Батя”нинг қони қайнаб турган экан, уни бир тепиб:

-Тур ўрнидан,- деди.

У аранг нафас олиб, лапанглаб ўрнидан турганди, ”Батя” менга қараб:

-Ағдар,-деди. Сакраб бир тепгандим, гурсиллаб йиқилди. Анча чўзилиб ётди.

-Бу санга дарс бўлсин. Дарс... яхши сўз. Ишдан қувилдинг. Эртадан бошлаб Университетга бориб дарс берасан. Бу сенга яхшилигим. Агар сендан олдин ўлиб қолсам, телевизордаги гапингни ўшанда айтасан. Бўлмаса, қисиб юрасан. Эшиттингми?

Аблаҳ, эшитиб ётган экан. Дархол ўрнидан туриб, “қуллук”, “куллук” деб чиқиб кетаётганди, “Батя” тўхтатди:

-Кўйлагингни иштонингтиқиб ол!

У “раҳмат, раҳмат” деб кўйлагини апал-тапал шимининг ичига тиқиб, чиқиб кетди. Ундан кейин Телевидение раҳбари кирди.

-Ха, бобой? Санга нима бўлди? Сочингни оққа бўяб олдингми?

-Йў...

-Нима? Кўзим кўр деб ўяляясанми? Кўраман ҳаммасини, кўраман. Қанча ойлик оласан?

-Берганингиз,,,

-Кўрдингми? Қанча маош олганингни ҳам билмайсан. Кўзингни ёғ босиб, кўрмас бўлиб қолгансан. Иккита доминг бор. Ана у ҳовлини онангни ҳисобига қурганимисан? Кошона. Уч қаватли. Бунча пулни қаердан топдинг? Ҳув қишлоғиндаги ҳовлиничи? Сан ўзи тилло топганимисан? Маошхўр одам бўлсанг. Олтита мошина қайнотангдан қолганми? Болаларингга қуриб берган уйларинг кимнинг ҳисобидан?

“Бобой” бош эгиб турибди.

-Ҳов, манга қара, абраҳ, “Коринни нега бунча сайратдинг? Нега қоидани буздинг? Болаларингни тўйида ҳамма артистларни чақириб ашула айттирганингда нима дегандим? Ҳўжайин сен эмас, деган эдим. Нега мен унуттирган одамларни сен халққа эслатдинг? Нима қилмоқчисан, ҳароми? Давлатни йиқитмоқчимисан? Мени ўрним керак бўлиб қолдими санларга?!

-Йў...-деб минғирлади “Бобой”

“Батя” менга қараб:

-Думалат буни,-деди.

Унга юзма-юз бўлдиму тўхтаб қолдим. “Бобой”нинг ранги докадек оқариб кетди. Кошларини чимирди. Кўзидан ғилт етиб ёш ажралди. Аста пастга қаради. Кўзим полда ялтираб оқаётган сувга тушди. Ифлос, сийиб юборибди. Жирканиб кетдим. “Батя” ҳам кўриб қолди:

-Хонамни ҳаром қилдингку, нокас! Сан ҳали бешикдаги бола экансангку, сани “Бобой” деб юрибман-а? Йўқол кўзимдан. Йўқ, тўхта. Иштонингни чиқариб, бу ерни тозала!

“Батя” шундай деб ичкарига кириб кетди. Телевидение бошлиғи шимини ечиб полни арта бошлади. Унинг қўриниши жирканч эди. Ирkit!

“Батя” ичкаридан бир шим олиб чиқиб:

-Кир буни, табаррук,-деди.

“Бобой” шимни кийганди, худи Чарли Чаплинга ўхшаб шимнинг ичига кириб кетди.
“Батя” кулиб юборди.

-Чарли Чаплин!

Оз қолсин мен ҳам “Бобой”нинг ҳолига тушай дедим. Калламдаги ҳар бир гапни ўқиб олади-я!

-Кўттар тўрва-халтангни!

“Бобой” хўл шимни қўлтиғига босганча чиқиб кетди. “Батя” телефонни тугмасини босиб, яна кулиб юборди.

-Уларни бир дўппослатиб хумордан чиқайн, дегандим, керагинг бўлмади. Бор дамингни ол, эртага эрталаб бу ерга келасан ва оқшом Женевага кетасан!

Женева? Женевада нима қиласман? У ерда ҳам бир-иккитасини думалатиш керакми?
Хаёлимдан елдай ўтган бу саволни ҳам уқиб олмасин, деб ўзим елдай эшиқдан ташқарига чиқдим.

27. Наргиз

Эрталаб келсам, “Батя” уч қаватли уйида кутиб ўтирганини айтишди. Бордим. У ерда ҳам кабинети бор.

Кўпинча ўша ерда. Уй кийимида юради. Истаса ётади, истаса туради. Ҳар икки-уч соатда уни бошидан оёғигача уқалаб қўйишади. Унга оғир массаж ёқади. Корейс қизларидан олиб келишган. Улардан бири устига чиқиб, юра бошласа, “Қаттиқроқ бос”, дейди. У “Батя”нинг орқасига оёқ бармоқларини санча бошлайди.

“Батя” жим турса, демак ҳузур қилмоқда. Қолган қизлар жилмайишади. Акс тақдирда нинанинг учидаги ўтирган каби қўрқиб, хушёр туришади.

Уларнинг ҳаракатларини томоша қилиб тургандим:

-Келдингми?-деб “Батя” ёқмагандек ўрнидантурди. Унинг иш хонасига ўтсак, Таня хола ва икки қизи ўша ерда. Душманларга ўхшаб бир-бирларига ҳўмрайиб ўтирибтилар. Хизматкор қиз эса нима қиласмини билмай бир бурчакда турибди.

-Наргиз бу ёқ кел,-деди “Батя” унга қараб.

-Агар оғзингдан гап эшигасам бўйнингдан осиб қўяман, деганимидим-а?

-Вой... гапирганим йўқ-ку?

-Мана гапимга гап қайтардинг.

“Батя” шундай деб менга қаради ва:

-Тугат буни,-деди.

“Батя”нинг гапи миямни тешиб юборди. Ҳазил қиласяпти деб ўйладим, хотини ва қизларининг олдида тағин. Нимасини тугатаман? Ҳилвираб қолган бир хизматчи қиз бўлса? Кучимни заифага кўрсатаманми? Уста нима дерди, “Эркакнинг эркаклиги унинг эркаклигига”. Мард бўлсанг мард билан кураш. Битирмоқчи бўлсанг, номардни битир. Ўзи шундай ҳам адамни кечира олмай юрибман. “Батя”нинг душмани бўлса ҳам самарқандлик кампирга жисмоний куч ишлатмаслиги керак эди.

Ҳозир миямдагини уқиб олса, нима қиласман деб “Батя”га қарасам:

-Қиз бола деб иккиланаяпсанми?-деди.-Ёки орангизда гап борми?

Тавба, нима гап бўлади? Бу сўзлар хаёлдан чақиндек ўтиб, вужудимни ёқиб кетди, ўйлашга бошқа фурсат қолмади. Бармоқларим аллақачон қизнинг қўзлари орасини “тиқиллатиб” қайтганди. У “их” ҳам демасдан “шилқ” этиб йиқилди.

Тания хола парво ҳам қилмади. Гугуша сапчиб ўрнидан турди.

-Ўтири,-деб бақирди унга “Батя”.

Кичик опа эса қўллари билан юзини ёпиб олди. Лекин бармоқлари орасидан қараб турибди.

Гугуша кучинг шунга етадими, қани қўлингни менга қўтарчи, қайириб, синдириб ташлайман, қайси куни Москвада ер тишлаб ётдингку, дегандек ёмон қарашиб килди.

-Навбат қайси бирингга, бугун тўрут кишини қўмаман. Биринчи бўлиб сени, Тания! Нега иккита итингни орасига олов солдинг?

Хола ҳам қўрқиб қолди. Финг демади.

-Агар сен яхши она бўлганингда, мана буларинг юзимга сапчимас эди. Кўраяпсанми, истаган одамимни ер тишлатаман. Сан ўлсанг сўрайдиганинг борми? Ана у синглингми? Уни ҳам ўғли билан бирга гўрга тиқиб қўяман!

Тания хола хавфни кўрганда бошини ичкарига тортган тошбақадек бир муштга айланди. Қизлар ҳам ростакамига қўрқиб қолишиди. Ҳар замонда бир ерда чўзилиб ётган Наргизнинг жасадига қараб қўйишади. Улар балки ўйиндир, ҳозир туриб қолади, деб ўйлашмоқдами? Йўқ, Наргизнинг рангиз юзи ва шалпайиб ётган бадани уларни худди илондан чўчиган аҳволга солмоқда.

“Батя” бошини икки қўлининг орасига олиб, анча вақт хаёл сурди. Демак, пастляяпти.

-Нима қиласми? Қачонгача бир-бирингни ейсан?

Қизлар отасининг овози юмшаганидан сал эркинлик сездиларми, пиқирлаб йиғлай бошлишди.

-Кўзингни арт, бурнингни оқизма? Охирги марта кечирдим. Иккаланг ҳам чет элга кетасан, хўпми? Бу ерга бегонасизлар энди.

“Батя” шундай деб телефонни олди ва Ташқи ишлар вазирига сим қоқди:

-Биттасини Женевага, иккинчисни Парижга юбор. Тоза ҳаво олиб келишади,-деди.

Демак, вазир билан олдиндан гаплашган. Аммо қизлар бунга аҳамият ҳам беришмади.

Сапчиб ўринларидан туриб “Батя”ни қучоқлаб ўпа бошладилар. У юзини олиб қочаман, деганди икки томондан “хужум”га учради. Хола ҳам мамнун. Бир зумда ерда ётган Наргизни ҳам унутиб, яйраб кетишиди.

-Ҳамма нарсани баравар тақсимла, нақдларини неваралар отига ўтказиб қўй,-деди “Батя” холага.-Хорижда битта мамлакатда эмас, бир нечтасида сақлашсин,

-Бу ерда ҳам олиб қолайинми?

-Йўқ, яқинда амалиётга кираман, Худо билади у ёғини...

Қизларнинг яна ранги ўчди.

-Қанақа амалиёт?-деди иккаласи ҳам бирдан.

-...

-Ота?

-...

Тания хола:

-Сизларга айтдимку, отангизни саломатлиги яхши эмас деб, бошидан ўсимтасини олиб ташлашади. Худо хохласа, осон бўлади. Духтирлар Олмониядан келган. Безарар.

-Ундей бўлса, биз кетмаймиз, кутиб турамиз,-деди Гугуша.

-Кетасизлар, бугуноқ, мана уй-жойларнинг калити. Тузатиб қўйишган. Лекин яна бир марта кўздан кечиринглар. “Тайчи” ҳам адаси билан боради. Қиладиган ишлари бор.

Неваралар билан оқшом хайрлашамиз.

“Батя” шундай деб телефон тугмасини босди:

-Хон, Наргизни шоферимнинг қизи деганимидинг? Текширдик, ҳаммаси тоза деган эдинг-а? Нима касали бор эди? Келиб-келиб қизлар ва онасининг ёнида йиқиладими? Тезда дўхтиринг билан кир!

Зумда Наргизнинг жасадини олиб чиқишиди.

-Юрагида касали бор экан-да,-деди дўхтир.-Бирдан ушлабди.

-Ота-онасиға ёрдам қилинглар мени номимдан, яхши қиз эди...

Опа-сингиллар бир зумда Наргизни унугтан каби отасининг амалиёти ҳақидаги гапни ҳам эсдан чиқариб, шод қиёфада хонадан чиқиб кетдилар. Хола эса бошини эгиб, хаёлчан бир тарзда эшикни ташқаридан ёпди.

“Батя” менга юзланди

-Кўп ҳам эзилма, қиз болани ўлдирдим, деб. Бу абраҳ ичкаридаги гапларни ташқарига сотиб юрган экан. Мана, ўқиб қўй.

У шундай деб интернетдан принт қилинган бир қанча мақолани узатди.

-Ким ёзганини топайинми?-деб юборибман.

“Батя” қўлини девор қилиб кўтарди.

-Гапирма! Қўй ёзверсин, бу бизнинг фойдамизга! Уни яхши ишлатдим. Хоин аскарларни бир-бирига едириш учун қўп хизмат қилди. Менга ёзиб келинган "ҳисобот"ларни столнинг устига ташлаб қўярдим. Буни кўпайтириб қўй, дердим. Бир ой, икки ойда учи қўринарди, миш-миш ўрлаб кетарди. Интернет ҳам қизиқ бўлиб қоларди. Аскарни доим хушёр, қўркувда сақлаш керак. Авом ҳалқа шу керак, айб қиролда эмас, қиролда, деган фикрни мазза қилиб ейди. Шунақа... ер остидаги илонни нафақат қўриш, балки бошқариш ҳам керак. У чақиш учун бошини чиқарадиган жойни билишинг, мажақлаш учун тайёр туришинг учун лозим...

Наргизнинг ўлими фақат бу мақолаларга боғлиқ эмас. У шунчаки менда шубҳа пайдо бўлмасин, деб айтди. Мақсади бўйсунмас қизларини қўрқитиб қўйиши.

-Аданг билан бориб, опаларингни уйини текширасизлар, деворларига микрофон-пикрофон қўйилмаган бўлсин. Юкларига ҳам қоровуллик қилинглар. Умр бўйи тўплланган нарсалар улар! Касаллик ҳақидаги гапга ҳам эътибор қилма! Опаларингни йўлга солиш учун айтдим.

Хонадан тоғ остида қолган одамдек чиқдим. Ўй босди. Бугунча ўйлама. Бугунча унут. Бугунча хавотир олма! Бу Тайчининг ҳикматлари. Бугунча... аммо эртага ўйла, эртага унутма. Эртага хулоса қил!

Лекин “Батя”нинг кортежида уйга қайтиб борарканман, ўзимга нисбатан норозилик ҳис қилдим. Бу ҳунарни шунинг учун ўрган эдимми? Аёлларни, қизларни ўлдириш учунми? “Батя” мени катта сахнага олиб чиққанди, кучлилар билан ташлашиб, ғолиб бўлгандим. Мағрур эдим. Музaffer эдим! Ўзим эдим! Энди эса менда “Батя” яшамоқда. Ожизларни, кучсизларни ураяпман. Қачонгача? Наҳотки, ҳаётим шундай ўтади? Уста Вуннинг гаплари қулоқларим остида айлана бошлади:

“Билимсиз одам бошқанинг қулига айланади”.

“Ўзлигингни англасанг ўзинг бўл”.

Одамликдан роботликка бир қадам. Наҳотки, ўша машъум қадамни қўйдим? Наҳотки, роботга айланиб қолаяпман?

“Батя” мендаги иккиланишни сезиб қолдими? Балки шунинг учун чет элга юбораётгандир?

Оёғинг синса ҳам иккинланма, деган гапни эсладим. Рим ҳукмдорининг бир қули бўлган экан. Бир кун йиқилиб оёғини синдирибди. Бировни чақирса, қулларбоши эшитиб, уни

яроқсиз топиб, шаҳардан чиқариб ташлатади. Қоида шундай экан. У ҳукмдор хонага киргунча индамай ётаверибди. Бир пайт ҳукмдор кириб қолиб:

-Нега чўзилиб ётибсан, тур?-деб уни тепибди.

-Ҳукмдорим, тепманг, оёғим синади,-дебди у.

Шунда ҳукмдор уни яна бир тепибди:

-Сизга айтдим оёғим синади деб, мана синди, дебди қул.

Ҳукмдор уни озод қилиб, шаҳарда қолдирибди.

Нега буни эсладим? Йўқ, йўқ, иккиланмаслигим керак. Озодлик энди мен учун эмас. Аммо ўша қул йўлини топиб озодлигини олгандан кейингина фалсафага асос солган. Ўз мактабини яратган. Мен ҳам йўлини топишим ва бу қулликдан чиқишим керак.

Оддий аёлларни ўлдириш Тайчини билган одам учун ўлим. Мен эса яшаяпман.

Дарвоқе, Женевага ҳам бекорга бормаётган бўлсам керак?

28. Тиртик

Кўч-кўчманни ташиш учун маҳсус гурух бор. Ҳамма ишни битиришибди. Авропанинг бир неча шахридан қадимий ва замонавий уйлар сотиб олинган экан. Уй десам “камситган” бўламан, ҳатто кошона десам ҳам кам. Баъзилари тарихий бино. Бизгача ҳам текширишибди. Адам шунчаки қараб чиқди, холос. Айниқса, Лондондагиси ёқди. Бунақасини фильмларда ҳам кўрган эмасман. Эртаклар дунёси.

Гугуша бир ой биз билан бирга юрди. Аммо адам билан гаплашиб, менга парво қилмагандек ҳаракат қилди. Кўрқдими ёки писанд қилмаслика уриндими, билмайман. Испанияга борганимизда унинг қасри ўзига жуда ёқди ва ўша ерда ширакайф бўлиб олдимга келди.

-Ха, бойвачча, гапирмайсан ҳам.

-...

-Опа-укачилик бунақа бўлмайди. Сизга ҳам аталгани бор. Римда,- деди.

Нима гаплигини адамдан эшитдим, “Батя” Римда ҳам иккита жой олдирибди. Биттаси адамга ва биттаси менга. Москвдаганини айтганди, аммо буниси ҳақида гапирмаганди. Бориб шунинг ҳужжатларига қўл қўйишимиз керак экан. Адам билан менинг “қаср”имда турдик. Шоҳона қилиб безатиб ҳам қўйишган экан. Тўғриси менга унчалик ёқмади. Эски даврдан қолган бино. Худди заҳ тортгандек.

-Қишида иссиқ, ёзда салқин. Ишлатилган маҳсус тошлар ва ҳаво айланиши уйғун. Шундай қурилган. Конденсанер йўқ. Кўрган уйларингдан энг қиммати бу. Гугушага Лондонда олинган уй бундан арzonроқ. Айтишларича, бу уйда бир пайтлар Напалеон турган экан. Бир неча кун. Шу билан тарихий уйга айланиб кетган. Кўрдингми, “Батя” сенга қаттиқ кўнгил қўйган. Сен ҳам кўнглингни совутма.

Ёппирай, адам ҳам сеза бошладими? Нега бундай демоқда? Ёки “Батя” ишора бердими? Адам четга чиқса очилар экан. Анча гапдон бўлиб қолди. Илк бор юракдан гаплашиб қолдик. Бир воқеани айтиб берди. “Батя” вилоятда ишлаганда каратечи йигитни таниган

экан. Орадан кўп ўтмай “Батя” тахтга мингач, депутатлар орасида ўша йигитни қўриб қолибди.

-Уни чақириб, ўзига соқчи қилиб олмоқчи бўлди. У ранжиб қўл силтаб чиқиб кетди. Кейин сессияда “Батя” ҳақида ёмон гапирди. Овоз ҳам овоз экан. Микрофонсиз шундай гапирдики, “Батя” музлаб қолди. Унинг вилоятдаги ишларини очиб ташлади.

-Ким деган?

-Шоврух Рўзимуродов эди. Жуда кучли йигит. Уни қамоққа олганимизда беш кишининг кучи етмаган. Каратенинг устаси экан. “Қора белбоғ”ларни ҳам тахлаб қўйган. “Батя” у пайтда ҳозиргидан жаҳлдор эди. Унча-бунчага қони босилмасди. Шовруқни жуда қийнаб ўлдирди...

Адам бу воқеани менга нимага айтиб берди? Ҳушёр бўл, дедими? Балки хаёлимда йилт этган ўзгаришни сезиб, огоҳлантиридими? Хуллас, ўзимни қўлга олишим керак!

Бир кун адам:

-Помпейга ўтиб кел, у ерда бир ўзбек бор, исми Қаҳрамон,-деди.-Саломимни етказ. Айтилган адресга бордим. Дунёнинг бир четидаги шаҳарча. Қаҳрамон aka машина таъмирлар экан. Яхши кутиб олди.

Бир пайтлар аҳолисини вулқон босиб, кулга айланган Помпей харобаларини бирга кездик. Худди таниш, азиз меҳмонидек муомала қилди.

-Асли тошкентликман,-деди у.-Москвада ўқиганман. Тақдир тақазоси билан бу ерларга келиб қолдик. Мана 20 йилки, шу ерда донимни териб юрибман.

У мени Помпей харобалари сари етаклаб тарихнинг ўзим билмаган саҳифаларини оча бошлади. Билимли экан. Мени қизиктира оладиган ҳикояларни топиб гапирав ва диққатимни тортишни биларди. Меҳрибонлиги сезилиб турибди.

Ўзимча ўйлайман. Шу одам ўзимизда ҳам хизмат қилиши мумкин эди-ку? Нега бу ерларда юрибди? Адам билан дўст экан. Борса бўладику?

Лекин адамдан салом айтганимда миқ этмагани эса жуда қизиқ. Қайтишимда у::

-Бир ҳикоя айтаман, адангга етказ,-деди,-Италиянинг Таскана водийсида миттигина шаҳарча бор. Номи Сиена. Тепаликнинг устига қурилган. Ўзбекча қилиб айтганда, тепаликдаги катта қишлоқ. Бир минг икки юзинчи йилларнинг охирларида бу катта қишлоқнинг аҳли водийнинг қуи қисмидаги флоренцияликлар билан урушади. Қирғин барот. Қон шунчалик кўп тўкиладики, тепалик қизғалдоқзор каби бўлиб қолади. Қарийиб йигирма минг одам ўлади. Суриштириб келсанг, асли эгизак aka-укалардан тарқаган халқ экан.

Уларнинг иши Худога ёқмабди. Бошларидан қора кунлар аримабди. Қирғин-баротдан кейин орадан бир неча йил йил ўтиб, шаҳарлару қишлоқларни вабо босибди. Аҳолининг аксарият қисми қирилиб кетибди. Ўшандан кейингина улар Худонинг ғазабидан қўрқиб, ўзаро урушмасликка қасам ичишибди. Лекин қони қайнаган халқ. Сал нарсага акаси укасига пичоқ тортиб юбораверади.

Шунда бир ақлли ҳукмдор жангни отчопарга күчирибди: "Мард бўлсанг, пойгода енг!". Ҳозиргача улар ҳар йили пойгага чиқиб, бир-бирларини енгиб турарканлар. Тепалик ҳар йили қизғалдоқзор бўлар экан. Қон билан эмас... пойга олдидан гуллар тўшалагани учун!

Нега буни айтди, сирини тополмадим. Римга қайтганда адамга айтсам:

-Тўқсонинчи йилларнинг бошида у билан Ўшга борганимиз. Ўшанда ўзбек ва қирғиз орасида жанжал чиққанди. У жуда раҳмдиллик қилиб, кўп нарсани босди-босди қилишга бошлаганди, тортишиб қолдик. Боксда бўш келмасди, аммо ўшанда чатоқ қилгандим. Ориятли йигит. Юзига эътибор қилдингми, йиртиб юборганиман. Шу билан орамиздан мушук ўтди, у кетди. Кейин билиб қолдим, Италияга келиб, шу ерда қолиб кетибди. Ёмон одам эмас. Ҳали ҳам кўнглига олиб юрган экан. Бир ташлашмоқчи. Эртага бориб келамиз...

Эрталаб турсам, адам кетиб қолибди. Жаҳлим чиқди. Лекин нима ҳам қила олардим. У кечқурун қайтиб келганди, юзига қараб бўлмасди. Индамади. Мен ҳам индамадим. Бироздан кейин ўзи гап бошлади:

-“Батя”дан уяладиган бўлдик. Юрагида алами бор.-“Батя”нинг юзидаги тириқлар ана шу боксチдан қолган. Ундан “Батя”ни аранг қутқазганиман. Бир аёл масаласида уни қонга белаган. Мен ўлдиролмайман. Балки сени юборар. “Батя” уни кўп қидиртириди, Италияда деганимдан кейин индамай қўйганди. Энди уни тугатишимини истамоқда. Бу ўзини сақлабди. Яна ҳам чиникибди. Зарбаси кучли. Бир уришда қошимни ёриб юборди...Аламини олди.

Негадир хурсанд бўлдим. Фирромлик қилмасдан, одамларни орага қўшмасдан ҳам иш қилиш мумкинку?

У одамдаги меҳри исииқлик мени ҳам ўзига боғлади ва адам каби уни ўлдириш учун боролмасам керак деб ўйладим. Адам:

-“Батя”ни алдаб бўлмайди. У ё ўлигини ёки тиригини олиб келасан, деган эди. Нима қиласиз? Ўйла қани?-деди.

-Тўғрисни айтамиз, кучимиз етмади,-деймиз.

Бу гапимни кесатиқ деб ўйлаб адамнинг жаҳли чикадими, десам, тўғри қабул қилди.

-Ишонмайди,-деди.

-Алдасак ишонмаса, тўғрисига ишонмаса, нима қиласиз унда?

-Бунақа гапирма у одам хақида...Сендан сўраса бор гапни айтавер. Борганинг, у билан шаҳар кезганинг, кейин уни нима дегани ва менинг бориб келганим... Бошқа гап йўқ! Зотан у сенга ҳеч нарса деган эмас, шундайми?

-Шундай...

-Демак, мен ўзим гаплашаман у билан. Сен парво қилма. Аслида сенга айтмаслигим керак эди. Сен ҳеч нарса билмайсан!

Бошим қотиб қолди. бу ерда қандайдир жумбоқ бор? Фақат мен билмайман. Бу уч киши орасидаги жумбоқ. Нима экан у? Нега биттаси ўлдиралман, деяпти. Иккинчиси меҳрибон ва учинчиси ўлдирмади, буйруқни бажармади? Ҳар учаласининг ҳам юзида тириқ. Наҳотки ҳаммаси юздаги тириқ билан боғлиқ. Йўқ, бошқа гап бор! “Батя” йигирма йил олдинги гап учун бутун дунёда шов-шув бўлиши мумкин ўйинга кирмасди. Агар биз қўлга тушсак, “Батя”нинг бошига осмон йиқилиши мумкин. Шунга бордими, демак,

ўртада бошқа гап бор. Адам айтмайди. “Батя” ҳам айтмайди. Демак, ўзим топишим керак.

Италия сафаримиз узоқка чўзилмади. Женевага қайтишимиз керак эди. Наврўзни Гугуша билан биргаликда ўтказамиз, деб келишилганди. Бўлмади. Саҳарлаб йўлга чиқдик. "Батя" тезда етиб келинглар, муҳим иш бор, дебди.

29. Наврўз

Италиядан қайтишимиз билан адам “Батя”нинг ҳузурига кирди. Бир ойда нима гаплар бўлди, унчалик хабарим йўқ. Билганим шуки, “Батя” шу орада бирорни дўппослатмаган ёки “тинчит”маган. У гап-сўз тарқалиб кетади, деб бошқа тансоқчиларга бундай иш буюрмайди. Мени ўйлатаётгани ҳам шу. Нега “Батя”нинг “қора ишлари”ни бажарувчи бўлиб қолдим? У менга эркинлик бераман. деганди. Эркинлик шу бўладими?

Адам чиқиб, ичкарига мен кирдим. “Батя” эшикнинг ёнида турган экан. Демак, адам билан оёқда гаплашган. Кайфияти яхши эмас.

-Чақирмасам, давр келди давронингни сур бегим қилиб, юраверар экансанда-а?

-...

-Аданг айтди, мазза қилибсан. Италиядаги уй ёқдими?

-Раҳмат!

-Ният қилгандим. Сенга ёқкан бўлса бўлди. Ҳар йил бир таътилга юбораман, мазза қилиб келасан.

-...

-Аммо аданг ёмон йиқилибди. Умрида йиқилмаган одам, Италияга бориб, қошини ёриб келганини қара.

-...

-Ҳа, майли, бу сени ишинг эмас. Аммо соғиниб қолдим. Бугун олдимда тур.

У шундай деб столи устидаги мактубларга назар ташлади. Ҳаммаси Наврўз табриклари эди. Биттаси океанинг нарёғидаги катта давлатдаги элчимиздан экан:

-Ўқи буни,-деди у маслаҳатчини чақириб.

“Бугун Наврўз муносабати билан номингиздан юқори лавозимли кишиларга зиёфат бермоқчимиз. Таклифномага келган жавобларда улар вақтлари жуда зиқ бўлишига қарамасдан фақат Сизнинг ҳурматингиз учун ташриф буюришларини маълум қилишган. Сизни дунёдаги энг ноёб лидер эканлигинизни алоҳида қайд этмоқдалар. Эртага зиёфат якунларини ҳам ёзиб юбораман. Шу ўринда сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, хориждаги “овоз”лардан бири Наврўз муносабати билан суҳбат беришимни сўраган. Шунга нима деб жавоб қилсам бўлади? Эҳтиром билан қулингиз...”

-Зиёфатга қанча харажат қилишини алоҳида текшириб кўр,-деди “Батя”. -Нима, бу радиога чиқиб ўзини кўз-кўз қилмоқчими? Буни ўрнига йўлини қилиб сафаримни тезлаштирун. Борганимда биргалашиб интервю берамиз, агар керак бўлса.

Кейин Каспий ортидан келадиган меҳмонни кутиб олишга тайёргарлик билан қизиқди:

-Яхшилаб кутишимиз керак, анча уста бола, кам деганда 20 йил таҳтда ўтиради, отасининг номига бир-иккита қўчани қўйиб юборсак у ҳам келажакда шундай йўл тутади,-деди.

Шу пайт невараси югуриб келди ва:

-Дед, дед, бабушкамдан “Нега сартарош бобомнинг соқолини олгандан кейин юзига атир сепади?” деб сўрасам, “Бобонг ўсироқ, устанинг кўнгли айниган бўлса керак”, деди.
-Тўғри, шунинг учун ҳам бабушкангни ташлаб Ҳарамга бораман, – деди “Батя” жиддий оҳангда ва тортмасидан юз доллар олиб бериб:

-Ма, байрамлик,-деди.

Кейин телевизорга назар ташлади. Эрон шоҳининг хотини Фараҳ Паҳлавий эри ҳақида “Ўлмас мухаббат” деган китоб ёзган экан, шу бўйича сухбат ўтказилаётганди.

-Бизники ҳам бир куни Фараҳга ўхшаб китоб ёзар, лекин Фараҳ қариган бўлса ҳам чиройини йўқотмабди...

Маслаҳатчи чиқиб кетгандан кейин:

-Шу аблахни ҳам бир кун дўппослайсан. Ана у элчи билан яқинлиги бор. Ўшани тарғиб қилгани қилган, хатни ҳам атайлаб олиб кирган,-деди ижригиниб.

Тушлик ҳам эсига келмади. Кечгача вақтини телефонда ўтказди. Наврӯз, Наврӯз, Наврӯз!

Кечқурун пойтахтдан унча олис бўлмаган тепаликда иншо этилган Ҳарамга йўл олдик. Вертолётда бордик. Ташқарида ҳаво хира. Майда-майда ёмғир ёғмоқда.

Соқчилар вертолётнинг ёнида ва Ҳарамга кираверишда шай бўлиб туришди.

“Батя” овқатланиб, коняқдан ичиб, теннис ўйнамоқчи бўлди, ҳафсаласи етмади. Ўзига оид хонанинг эшигини очди. Оқ ҳарир кўйлакдаги гўзал бир қиз унга пешвоз чиқди. Қандайдир хуш ҳид таралди.

Менга эрталабгача эшик ёнида қоровуллик қилиб туришни айтди. Ўтирган жойимда мизғиб қолибман. Эрталаб “Батя”нинг овозидан уйғониб кетдим:

-Жуда яхши экансан... Қаерга ўқишига кирмоқчисан?- У қиз билан гаплашаётганди.

-Ёрдам берсангиз Туркияга бориб ўқисам...,- деди қиз.

-Қайси иили биттаси Туркияга борганди. Мен билан бўлганини журналистларга гапириб, ўзини шарманда қилди. Лекин сен менга ёқдинг. Инжиқ эмас экансан. Шу ерда истаганингча тур, кейин Москвага юбораман, ўша ерда ўқийсан. Бошқа жойга кетаман, десанг, опанг бор Дубайга жўнатади.

-Сиздан бошқа одам билан бирга бўлган эмасман, менга уйланиб қўя қолинг,- ёлворди қиз.

-Ўххў, иштаҳанг наҳанг-ку? Хотиним борлигини билмайсанми?

-Мусулмончиликда тўртта уйланиш мумкин экан-ку,- деди қиз жовдираб.

-Мени мусулмон деб ким айтди сенга, китобимда тўртта уйланиш йўқ, менинг китобимда Ҳарамда тўрт юзта сенга ўхшаганини сақлаш бор. Кайфиятим яхши бўлгани учун сени кечирдим, бўлмаса ана у қўриқчи болаларга бериб юборар эдим, улар ёмон, бир нечтаси бирданига ёпишади, билдингми? Бор йўқол!

-Вой, нега йўқол дейсиз?-бирдан ҳунграб йифлай бошлади қиз.

Хон aka югуриб келди. “Батя” унга:

-Қаердан топдинг буни? Тузук десам, бузук экан-ку? Ақли бузук!

Кейин мен томонга юzlаниб:

-Тинчит! Падарига лаънат!-деди.

Қиз қўрқанидан чинқириб юборди.

-Оғзини ёп, шипга осиб қўй,-деди “Батя” жаҳлга миниб.

Қизни “ухлатиб” қўйдим.

-Мен сенга осиб қўй,-дедим. “Батя” шундай ўшқирдики, вужудим зириллаб кетди.

Қаерга осаман? Шифтда осадиган жой йўқ. Теп-текис. Аммо йўлини топишим ва буйруқни бажаришим керак. Белимдаги тасмани ечиб олдимда, қизни бўйнига ўраб, девордаги исиқлик батареяси томонга тортиб, боғлашга уриндим.

-Бунақа ўзини осадиганлардан олиб келмасин бошқа,-деди “Батя” Хон акага. Кейин менга қараб, “Юр,”- деди.

Ошхонага чиқдик. Нонушта тайёр. Аммо ҳеч ким йўқ. “Батя” бақирган пайтда ҳамма фойиб бўлади. Буйруқ шунақа. Пашиша учмаслиги керак. Хон ака телевизорни қўйди. “Батя” ҳамма каналларни айлантириб қарай бошлади.

Хон ака кўнгилочар одам, “Батя”нинг кайфиятини кўтарди. Ҳалим еб, латифалардан айтиб бериб, кулдирди ҳам. Яна нимадир қилди, билмайман, пиёлада нимадир ичирди ҳам. Шундан сўнг “Батя” очилиб-сочилиб кетди.

Шахарга қайтишимиз билан менга:

-Бориб дамингни ол, -деб жавоб берди.

Уйга келиб ёмон хаёлларга берила бошладим. Бу яхши эмас. Тўхта!

Телевизорни қўйсам, “Батя” сайлгоҳга чиқибди. Қариялар унинг ҳақига дуо қилишмоқда. Ҳамма севги билан қарамоқда. Одамлар баҳтни тутиб олгандек мамнун.

Кейин байрам тантанларига борганда “Батя” рақсга ҳам тушди. Бир қизчани кўтариб олиб, юзларидан ўпди. Ашулачи қиз келиб, кўксига бош қўйди. У бир-бир ҳамма билан кўришиб чиқди.

Сухандоннинг товуши кўнглимдаги музни эритиб юбордими, ҳарқалай ухлаб қолибман.

30. Китоб

Бўш қолдингми машқ қил, китоб ўқи. Ҳалига қадар бу қоидани бузмадим.

Икки соатлик машқни битириб, ёпиқ ҳовузда чўмилиб чиқсан, ойим қараб турган экан. Ойим билан ҳам русча гаплашамиз.

-Катта одам бўлиб кетдинг-э, бундай гаплашишга ҳам вақтимиз йўқ,- деди.

Қўлидан сочиқни олдим-да, юзидан бир ўпид қўйдим. Ойимнинг севинчи юзида. Яхшилаб, чўлпиллатиб ўпсан, бир ҳафта қувониб юради.

-Уйланиш ҳақида ҳам ўйлайсанми ёки Мопассанни ўқиб ётаверасанми?

-Ойижон, унинг китобларини аёллар учун ўқимайман.

-Нега бўлмаса ҳаммасини келтиргансан?

-Бошқа китобларда яхши ва ёмон қаҳрамон бўлади. Улар курашадилар. Яхши ютиб чиқади. Шу билан тамом. Дунё шундан иборат эмас-ку? Мопассан буни билади. Унда ё икки ёмон курашади ёки икки яхши одам бирга яшайди. Ҳаётда шундай ҳолат жуда кўп. Менга бу ёқади. Кейин содда тилда ёзади. Мана сиз Толстойни яхши кўрасиз. Мен эса ўқий олмайман. Ҳатто бир саҳифасини ҳам ўқий олмайман. Биламан, буюк ёзувчи. Аммо ёқмайди. Ундан кўра Чеховни ўқисам, бир нарса оламан…

Ойим билади. У билан китоб ҳақида гаплашсак, кунлаб гаплашишимиз мумкин. "Гапхона"миз қайнайди. Мендай гапирмасликка ҳукм қилинган одам ҳам китобга қолганда булбулга айланаман.

Баъзан якка қолган пайтимда ойим китоб олиб келади ёки китобдан сўз очади.

“Батя”нинг китобларини ҳам ўқияпсизми?-дедим унга.

Жим. Суҳбатимизни ёзиб олишади, деб ўйлади. Шунинг учун ҳам у тескари гапириб, фикрини айтади.

-Ўқийман, жуда зўр!

Аслида тескарилик “Батя”да ҳам бор. У кўрган киносидаги воқеаларнинг тескарисини қиласди. Бирор берган маслаҳатни ҳам аксини амалга оширади. Яхши ҳадяни ёмонлик учун деб ўйлади.

Мақтовни ажратади. Шоир-ёзувчиларнинг мақтовига маҳлиё. Бошқаларнинг мақтови ёқмайди. Ҳамма раҳбар пора олишини, қанча олишини билади. Ҳисобни шунга қараб қиласди. Агар олганидан чорагини келтирса, индамайди. Ярмини олиб келса, хурсанд бўлади. Баъзилари чорагини сақлаб, аксарини келтиради. Уларни содиқ деб ҳисоблайди.

-Ха, хаёлга ботдинг, бирорта китоб эсингга тушдими?

-“Батя” ҳақида Шарафиддинов деганнинг “Президент” китобини ўқидим. Бир тийинга қиммат!

-Э, унақа дема, жуда зўр ёзилган,-ойимнинг ранги учди.

Бошим билан “йўқ” ишорасини қилдим ва:

-“Батя” бизнинг худо, китобда шуни очиб беролмаган. Оддий президент қилиб тасвирлаган. Қуруқ гаплар. “Батя” ҳар қандай одамнинг кўнглидагини ўқийдиган буюк файласуф. Ана шу ҳақда ёзиши керак эди.

Ойим озгина тиржайдида, менга жўр бўлди:

-Ўқиганда мен ҳам шундай деб ўйладим. Худди бир мансаб кутиб ёзилган китобга ўхшади.

Топдингиз дегандек, жилмайиб бош ирғитдим. У жўшиб кетди:

-Бечора “Батя” уларга жонини беради. Улар ҳатто самимият кўрсатмайдилар. Шунча иши бор ва 25та бир-биридан мазмунли китоб ёзган. Бу Америка президентларининг ҳам қўлидан келмайди, улар нафақага кетганларидан кейин битта ёки иккита китоб ёзишаркан. Бизнинг президентимиз эса китоблари билан бутун халқимизни билимдон қилиб, савиясини кўтарди. Ҳали кўрасан, яна ўнлаб китоблари чиқади. Узоқ яшасинлар! Нима? Узоқ яшасинлар!

Ойим билан тескари гапириш “ўйини” қилаётгандик-ку? Наҳотки ойим адашиб кетди.

Йўқ, адашмабди. Бошини сарак-сарак қимирлатиб:

-Худойим, илойим умрларини узоқ қил!,-деди. Кейин атрофга қаради ва менга “омин” деб ишора қилди.

-Омин,-дедим.

Ойим елкамга қоқиб қўйдиди қўлимга бир китобни берди.

-Бўш вақтингда ўқи, яхши китоб, Напалеон ҳақида. Аданг сенга кўрсатмай менга олиб келиби...

Китобни олиб, ичкарига кириб варакладим. Биринчи қисми диктатура ҳақида экан. Напалеоннинг “н” ҳарфи ҳам йўқ.

“Диктатура яккаҳокимлик, зулм ва нодемократик режимга асосланган салтанатдир. Бу тузум кеча ё бугун пайдо бўлган эмас. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам унинг бир неча минг йиллик тарихи бор. Ҳозирга келиб саноқли мамлакатларнинг халқларигина бу анъянани бузиб, унинг чирмовиқларидан ўз зеҳниятларини тозалаганлар, холос. Аммо жуда кўп

халқарнинг зеҳниятида бу тузумга мойиллик бор. Илдизи уларнинг маданияти, дини, анаъаналари, тарбияси билан боғлиқ. Бундай жамиятларда қаттиқўл, золим инсонлар жуда осонлик билан ҳокимиятнинг тепасига чиқиб олишлари ва умрбод тушмасликлари учун пойдевор мавжуд”.

Умумий гаплар-ку?! Тайчи фалсафаси олдида бу гаплар “ип эшолмай” қолади. Яна бир икки сатрга кўз ташладим:

“Диктатор таҳтдаги умрини маддоҳларни эркалатиш билан бошласа, халқни йиғлатиш билан тугаллайди.

Чунки бундай кимсанинг дилида мақтов ва алдовга иштиёқ ётади. У ҳар куни мақтов эшитишни ва халқни маддоҳлар кўмагида алдашни истайди.

Бу ҳакиқатни якка ўзим биламан, деб ўйлайди. Ваҳоланки, маддоҳлар ҳам билишади. Билиб туриб, билмасликка олишади.

Халқ ҳам англайди.”

Ойим чой ҳўплаганча, остонаяга келиб турди. Давомини ўқидим:

“Диктатурунинг пойдевори қаттиқўл инсонга ҳурмат ва тобеликдир. Кимдир бундай инсоннинг кучидан чўчиб уни ҳурмат қиласди, кимдир ўз кўркувларига ҳимоя қидириб унинг домига тушади, кимдир заковатига ишониб унинг муридига айланади. Бошқача айтганда, диктатура инсонларнинг ўзларига ҳурматларини йўқотган жойда яшайди. Агар инсон ўзлигини билса, англаса, қадрласа у тобе бўлмайди. Нотобеликкина диктатура пайдо бўлишининг энг катта тўсигидир.

Ҳокимиятни қўлга олган диктатор ўз халқарининг фитратини яхши ўргангандан бўлади. Диктатор биринчи навбатда халқقا маънавий озуқа берадиган каналларни назоратга олади. Матбуот, радио ва телевидение ва бошқа турли минбарларни ўз йўлига солади. Иккинчидан, халқнинг кўзини очиши ва уни бир жойга тўплаши мумкин бўлган куч – сиёсий партия, ноҳукумат ташкилот, ҳар қандай кўринишдаги уюшмаларни ўз қозиғига боғлади.

Учинчидан эса, эркин фикрлайдиганларни йўқотишга киришади. Ҳамма ёлғон билан яшай бошлайди. Халқ ёлғонга тўйғандан кейин оммавий қўрқитиш бошланади. Бу ташқи ва ички душманлар яратиш, ҳар турли ҳужумлар ташкил қилиб туриш, оммавий текширув, қама-қамалар билан амалга оширилади.

Охир оқибатда бу халқнинг фикрлашини, фаоллигини ўлдиради. Ҳамма нарсага “менга нима” дегандек, қўл силтайди. Ҳар нарсадан қўрқади. Сиёсатга аралашиб, эркин фикр айтиш, ўз ҳаққи учун кураш маҳкамаларда, қамоқларда тугашини кўравериб, бу жараёнлардан безади.

Лоқайд, бепарво инсонни бошқариш осон. У қўйга ўхшаб қолади. Биттаси сўйилса, бутун пода титраб, қузатадиган вазият жамиятга ҳам кўчади. Диктатор учун инсоннинг қадр-қиммати йўқ. Хохласа таҳқирлайди, уради, ўлдиради, осиб қўяди...”

Китобни шартта ёпдимда ойимга бердим. Наҳотки, унинг хабари бор? Қаердан эшитди? Ким айтиши мумкин?

Ойим ўқиган варагимни китобдан юлиб олдида идиш ювадиган жойга ташлаб, ёқиб юборди. Тутундан сигнал тизими ишлаб кетди. Ойим китобни қулоқлаб чиқиб, бошқа хонага ўтди. Мен идиш ювадиган жойдаги куюндини сувга оқиздим.

Хизматчилар югуриб киришли.

Ойим қайтиб келди:

- Исириқ тутатмоқчи эдим, боламни ҳар турли күзлардан асрасин деб...
- Опажон, олдин ҳам айтгандим, исириқ тутатганда, ҳов ана у тугмани босиб, тизимни ўчириб қўйинг, деб.
- Эсимдан чиқиби-да,-ойим шундай деб, хизматчининг қўлига беш юз доллар берди.
- Овора бўлдингизлар! Беш кишислилар! Чой ичасизлар.
- Катта раҳмат, опажон. Ҳар кун дуо қилиб турамиз, қачон яна исириқ тутатасиз деб,- ҳазил қилди хизматчиларнинг бошлиғи. Ёнидагиси ҳам гапга чечан экан:
- Опажон, овора бўлиб ана у тугмани босиб юрманг, ўзимиз келиб босамиз!

Улар хурсанд бўлиб, чиқиб кетишли.

Мен ойимдан ранжигандек, индамай нонушта қилишни бошладим. “Батя”га боғлиқ қора телефон липиллади. Хавотир аралаш ойимга қарадим, унинг ҳам юзига хавотир ўрмалади. Юқорига югордим.

31. Миллионлар

-Юр, олтинчи қаватга бориб келамиз, иш бор,-деди “Батя”.
Ер ости йўллагидан ўтиб, лифтга чиқдик. Олтинчи қаватда ҳокимлардан бири кутиб турган экан.

- Ха, келдингми?-дея “Батя” уни совуқ қаршилади.
- Чақирган экансиз...
- “Батя” стол устидаги папкани очди.
- Мана бу нима?
- Бу... қишлоқ...
- Бу-чи?-“Батя” бир даста суратларни кўрсатиб, ҳокимни саволга тута бошлади.
- Одамлар...
- Нима қилишмоқда?
- ...

-Совуқда дилдирашмоқда. Чунки газ йўқ, газ! Ҳоким эса мана бундай саунада қўтини очиб ётибди.

- ...
- Бу нима?
- Коронгулик. Ҳеч нарса кўринмаяпти.
- Бу қишлоқдаги битта момойнинг уйи. Чироқ йўқ. Момой музлаб қолган.
- ...
- Буни эса кўролсанг керак. Сани уйингдаги ҳамма хоналарда чироқ ёнмоқда. Дарвозангни олдида, ҳовлингда ўнталаб чироқ. Мана ўғлингни уйида ҳам шу ахвол. Қизингникида эса кундузи ҳам ёниб туради. Текин. Давлатнинг ҳисобига.

- ...
- Бу машинлар кимники? Қаторлашиб ётибди. Машина сотадиган жойми бу?
- Ўғилчанинг биттаси шўхроқ. Машина девонаси. Қаерда кўрса, олиб келади.
- Сен шунаقا бўлганингдан кейин ҳалқ биз ҳақимизда нима деб ўйлайди? Раҳбарда виждон бўлиши керак. Иймон бўлиши керак. У буюк келажак учун яшаши лозим. Бўлмаса нима қиласи курсини эгаллаб ўтириб! Ишлайдиган, ҳалол инсон учун бўшатиб қўйиши керак, баракатоптур! Ўзлигини англаган ҳар бир инсон ўзига, бу дунёда нима

иш құлдим, яна қандай иш қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак.

Мана бу суратдаги ким?

-Күчадаги болалар...

-Лойга ботиб юришибди. Ҳали сұяғи қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, келажакда улар комил инсон бўладими? Жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз? Бу ҳақда ҳеч ўйладингми?

-Булар ким?

-Булар ёш йигитлар...

-Давомини билмайсан. Ҳар куни бир неча автобус бўлиб Россияга кетишади. Сени эса хабаринг йўқ. У ёққа бориб бизни шарманда қилиб юришибди. Кўча супуришади, ахлат йигишади, қор курашади. Нима шу ерда иш йўқми, у дангасаларингга?

-Бор, аммо ёшларни жўнатинглар, пул топиб келсин, деган экансиз...

-Деганман, лекин қани пул? Ўғри прокуроринг бойвача! Ўшанга кетаяптими ҳаммаси? Судяларинг ҳаммомдан чиқмайди! Одамлар эса адлия идораларида сарсон, кутиб ўтиришибди, навбатга тизилиб. Мелисаларингни барида чет элнинг машинаси! Данғиллама уй! Ўшаларга кетаятими пул? Солиқдаги каламушларчи? Қачонгача халқни талайди? Қанчасини сенга беради?

-...

-Мана бу видеони ҳам қўйиб берайми? Олмалиқ дан сен учун ташиб келинган тиллолар. Қўйма, сифатлисидан? Қаерга тиқиб қўйганингни ҳам айтиб берайми?

-...

-Хотинингни қулоги ва бармоқларидаги пейнит тошли "набор" неча миллион туришини билмасанг керак-а? Лекин мана бу кампирларни қиши кунида ҳам далага қувиб чиққансан.

-...

-Қарийб ўн йил бўлди, пишагингни пишт демайман. Ўпириб ётибсан. Қилган қурилишларинг қўзбўямачилик. Билмайди, дейсанми? Йўлнинг четига жимжимадор девор қилиб қўйиб, халққа уй қурдик, деб мени алдайсанми? Сенларга ишонадиган ахмоқ йўқ!

-...

-Ҳар бир қадамингни ҳисобга олганман. Телефонни ўзидан қанча даромадинг борлигини, Чорвоқдаги дачаларинг неча миллионга қурилганини, Анталияда меҳмонхона сотиб олганинг... Нима, қочиб кетмоқчимисан? Нега Болтиқ бўйида қасрлар қуриб қўйдинг? Ана у Бош прокурор билан божамисан? Ёки рақобат қиласпсанларми, ким қўп қуради деб? Нима дегандим, бизда бойлар бўлмайди! Дарвоқе, яқинда "Жаслик" ишга тушди. Юборайми диндорларнинг ичига? Терингни шилиб олишади. Тур ўрнингдан...

"Батя" ўзи ҳам ўрнидан турди ва менга:

-Буни ағдар, ўлиб қолмасин, лекин,-деди.

Ҳокимнинг гавдаси жуда катта. Бўйи узун, найнов. Менга қараб қўнгли хотиржам бўлди. Бузоқнинг тепгани ҳўқизга чикора деб ўйлади, шекилли?

Аммо "Батя"га қойил қолдим. Ҳақиқий терговчи. Ҳамма нарсани билади ва қархисидагини мот қилиб қўяди. Ҳокимни шундай қилдики, у чириган нокка ўхшаб

қолди. Бир тепса атрофга сараб кетиши мумкин. Ўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун авайлаброқ ҳаракат қилдим. Тентираб бориб деворга урилди.

-Кейингисида ерга қулайсан,-деди “Батя” унга.-Аввалги замонлар бўлганда сани ўзим тепкилардим, мана бу болани чақирмай. Хуллас, гап бундай, бугун бу ердан ё ўлинг чиқади ё тиригинг!

-Нима десангиз шу оқсоқол. Ўл десангиз ўламан!

-Сени ўлдириш бу сенга эркинлик бериш бўлади. Жигарингни суғуриб олишим керак. Неча миллион тўпладинг?

-Билмайман..

-Балони ҳам биласан? Эртагача муҳлат қанча олиб келасан "кўки"дан?

-Ўн миллион?

-Эллик...

-Бир оғиз гапингиз..

-Эртага оқшом "Тайчи" уйингга боради. Videoga ҳам олади. Кўрсатиб, санаб берасан, тушундингми? Чик йўқол, порахўр!

Ҳоким чиқиб кетгач, у телефон тутгасини босди.

-Хисоботни кўрдим. Ўзи билан гаплашдим. Сессияни қолдир. Яна бир-икки йил ишласин, кейин кўтига тепамиз!-деди.

“Батя” мени ёнимга келиб:

-Биласанми, бу халқ фақат свет дейди, газ дейди. Нима, Амир Темур пайтида газ бор эдими? Свет бор эдими? Ундан олдинчи? Ўша халқ - ўша халқ. Лекин подшоларни улуғлаймиз. Уларга Худонинг назари тушган. Ҳамма ҳам подшо бўлолмайди. Нега энди биз айбдор бўлишимиз керак? Ёқаверсин, ота-боболарига ўхшаб таппини. Тинчлик қилиб бердик, яна нима қилайлик?

У бироз хаёл сурдида:

-Қайси кун санга ўз ҳаракатларим ҳақида айттаётгандим. Яна иккитасини айтай. Бекор пайтингда Мопассан-попассанни эмас, шу ҳақда топиб, ўқиб оласан. Ўн йил олдин диндорлар ёмон уюшди. Ҳужум қилишмоқчи бўлишди, режаларини билиб қолдим ва қўйиб бердим. Уч тўрт жойни портлатишиди. Кейин қирғин келтирдим. Дунё ҳам думини кўтармади, диндорларга атаб “Борса келмас”да “Жаслиқ” қамоқ лагерини курдим. Қора кучлар дод -вой демаслиги учун отиш ҳукмини бекор қилдим... Фарқи нима, у ерда отсанг ҳам ўлади, отмасанг ҳам... Аммо “Терак”ни яхши урдинг. Манёвиринг зўр! Ўлдириб қўймагин, деб қўрқандим. Кўрдингми, ўхшаш томонларимиз кўп! Қачон ва қаерга уришни биламиз!

-...

-Эртага аданг билан бориб пулни ол, адангга айт Гугушга еказсин. Унга керак бўлибди. Шу ишларни яхшироқ ўрган. Адангни кўп сарсон қилмайлик. Бундан кейин ўзинг бажарасан. У чарчаб қолаяпти. Қошини ёриб келди. Кейинги сафар бошини ёриб келмасин...Ҳа, дарвоқе, нега ҳаммани безовта қилдинг бугун?

-Ойим исириқ ёққан экан...

-Тўғри қилибди, кўз тегадиган йигитсан. Бор энди...

32. Мутлоқ маҳфий

Адам билан ўз уйимизга кетдик, "командировка". Столимда бир нечта "папка". Устига "Мутлоқ махфий досе" деб ёзилган. Одатда "Махфий досе" бўлади. Агар "мутлок" сўзи қўшилса, демак "Батя"нинг хабари бор. Аслида унинг хабарисиз қуш ҳам учмайди. У айниқса жанжал, интрига, можаро, амалдорларнинг ҳаётига оид досселарни варақлашни ёқтиради. Бир неча томлик досени икки минутда варақлаб, керакли жойларини ва муҳим фактларини кўриб, осмонни ерга қулатиши мумкин. Аммо мен ундан қилолмайман. Бирор жойда муҳим нарса кўздан қочиши мумкин. Шунинг учун батафсил ўқишим шарт.

Хужжатлар бўйсунмас диндорлар ҳақида. Улар ўлимга хукм қилинган. Оғзаки. Чунки ўлим хукми расман йўқ қилинган. Биз шуғуллана бошладикми, демак уларни йўқотиш керак. "Жаслиқ"да ва махфий тергов жараёнларида қўлланма сифатида қийноқ ҳолатини видеога олиш керак экан. Чиниқсин деб, "Батя" бу ишга мени ҳам қўшиби.

Аваал исмлари, қилмишлари ва ёшларига қараб чиқдим.

Абдулатиф Ғойипов, Ислом Худойбердиев, Нозим Зуфаров, Ғолиб Тиллалажонов...

Диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлар. Ёш йигитлар. Кўплари мен тенги! Қизиқ қандай қилиб бу йўлга кириб қолиши? Онгларини ким бузди? Қандай қилиб бунчалик ўжар бўлиши? Шу ёшда тузатиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолишидими? Миямда айланаётган бу қўркинчли саволларни биргина "Ўзингчи?" деган савол худди юк машинаси итни босиб кетгандек эзғилаб кетди.

Устига қизил қоғоз ёпиширилган "дело"ларни кўриб чиқишим учун икки кун керак бўлди. Учинчи кунни "сарик" папкалар билан танишишга сарфладим. Булар 2005 йилги Андижон воқеалари билан боғлиқ; Муслим Ортиқов, Хошимжон Ботиров ва бошқалар ҳақида. Буларнинг ҳам кўпчилиги мен тенги.

Уларга турли қийноқ усулларини қўллаб, кейин ўлдириш керак экан. Айбларини ўқидим. Қамоқдагиларга ёмон ўрнак бўлган. Мадҳияни айтиш ўрнига Фотиҳа сурасини ўқиган. Миршаб урса, диний калима айтавериб, асабига теккан. Қаршилик қилган. "Жаҳаннамга жўтамиз," деб очиқ бақирган. "Батя"ни жуда қаттиқ ҳақоратлаган.

Хужжатларни қараб ўтиргандим, адам кириб келди:

-Муддатинг тугади. Уч кун...,-деди.

-"Жаслиқ"қа борамизми?-деб сўрадим.

-Йўқ, Тоштурмага олиб келишиди. Видеоларни шу ерда тайёрлашади. Биз кузатамиз. Кейин ўлганларни уйига олиб бориш ва дарҳол қўмдиришни ҳам назорат қиласмиз. Катта жанжаларга айланиб кетмаслиги керак. Бундай ҳолдан фойдаланиб қоладиганлар бор. Халқнинг тинчлигини бузадиган, жамиятга қутқу соладиганлар питирлаб қолмаслиги учун ўзимиз бошида туришимиз шарт. "Батя" хабари бўлган ҳар бир нарса бизнинг назоратимизда туриши лозим.

Нима дейман? Агар "Батя" даражасида қилинаётган иш экан, демакки, жуда муҳим.

-Тоштурмага борамиз,-деди адам ва кейин йўлда изоҳ берди:

-Доседагиларнинг исмлари халқаро ташкилотларга маълум. Америкаликлар уларни гапиравериб қулоқни батанг қилишди. Москвага кўра хавфли одамлар. БМТ ҳам Америка томонида. Инсон ҳукуқлари ташкилотлари бу исмларни ҳамма ҳисоботларга қўшишган. Бунга жавобан “Батя” қийноқларни тасдиқлаб бераман, деди. У шунаقا мард одам. Америкасидан ҳам қўрқмайди.

-...

-Американинг ўзида ҳам маҳбуснинг оғзига сув қўйиб қийнаш масаласи жанжал. У қийноқми? Биз уни қўлланмаймиз ҳам. Ҳатто қўлидан, оёғидан осиб қўйишни ҳам ишлатмаймиз.

-...

-Қийноқ усулларига мамлакат раҳбари расман рухсат берса, тамом, ҳеч ким “ғинг” дея олмайди. Қонуний тус олади. Бир кун келиб тажрибамизни ўрганишади ёки маҳбусларини қийнаб, маълумот олиш учун ўзимизга олиб келишади. Мана кўрасан, адам айтганди, дейсан ҳали. Аслида бу менинг фикрим эмас, “Батя”га оид. У айтган ҳар бир гап тасдигини топади.

-Ха, унинг қобилияти кучли...

-“Жаслик” асосан экстремистлар учун ва у ерга жуда кўп диндорларни тиққанмиз. Улар фанатик. Унча-бунча қийноқ кор қилмайди. Бирор гап ололмайсан. Индамай тураверади.

Уста Вуннинг гапи ёдимга келди:

“Ҳеч нарсадан хабарсиз одам нимани гапиради? Уни қийноқ гапиртириши мумкин. Лекин бу гап ёлғон бўлади. Бизнинг ишимиз ёлғоннинг ортидан қувиш эмас”. Тилимни тийдим. Гапирмайдиган адам эса гапдан тўхтамайдиган бўлиб қолди.

-Олинадиган видеолар қўлланма бўлади. Терговда, қамоқда шу асосда иш юритилади. Судлар ҳам... қийноқ шу асосда бажарилган бўлса, шикоятларни кўриб чиқмайди...

Адамга “Тоштурма”да нимадир ёқмади.

-Бошқа, яна ҳам ёмонроқ муҳитда олишимиз керак,-деди.-Даҳшат манзараси қўриниб, қичқириқ эшитилиб турсин. Агар “Батя” изн берса, буни маҳбусларга ҳам кўрсатамиз. Мияси қайнаб кетиши лозим кўрганда.

-МХХнинг ертўласи бунга мос, лекин у ерда видео олиш мумкин эмас,-деди бизни кутиб олган генерал.

-Мумкин эмас деган гапни менга айтма, ўша ер мос келадими, ўша ерда оламиз!

Биринчи кун. Маънавий қийноқ хақида видео олинди. Бир неча кун ухлатилмаган маҳбусни тинимсиз сўроқ қилишди. Айни саволлар. Такрор ва такрор. Аммо бошқа-бошқа одам кириб такрорлайди. Сув беришмайди. Овқат йўқ. Ҳожатхонага чиқмайди. Уни руҳан синдириш керак. Ялинсин, ёлворсин. Буни ўз ихтиёри билан қилсин.

Жуда зерикдим.

Адам ўзи билан олиб келган хужжатларни ўқиб ўтираверди, мен эса мажбур кузатдим.

Эртасига бироз қизиқлашди. Маҳбуснинг онаси, синглисини олиб келиб, қўшни хонада қичқиртиришди. Маҳбусга “Агар гапирмасанг уларни зўрлаймиз,” деб босим ўтказиши. Парво қилмаганининг олдига онасини олиб кириб, ечинтиришди. Синглиси ёки хотинини...

Кейин билсан, бу ҳолатлар сенарийси олдиндан ёзилган ва адам ўқиб ўтирган экан.

Биттаси жуда ўжар чиқиб қолди. Қийнаётган зобитга кала қўйди. Зобит уни бир уриб йиқитди.

-“Б”,-деди адам тугмани босиб. Ўқиб ўтирибди десам, бир кўзи ичкарида экан. Унинг овозини эшитиши. Биз томонга қарашибди. Биз қорага бўялган ойнадан кузатиб турибмиз.

“Б” –“Бутилка” дегани экан. Маҳбусни ечинтириб, орқасига шишани тиқа бошлашди. Маҳбус тўлғанди, изн бермади. Уч киши бўлиб шишанинг ярмигача тиқиши. Шунақа қичқирдик, миямнинг томирлари узилиб кетгандек бўлди. Юрагим отилиб бўғзимга тиқилди. Совуқ титроқ сездим. Мендай совуққон одамни титртаган бу чинқириқ на адамга ва на ичкаридагиларга таъсир қилди. Мен бирорвнинг қош орасига уриб ўлдирганимда қанчалик совуққон бўлсан, булар ҳам шундай. Демак, ўз ишининг усталари. Кўравериб кўзлари қотиб кетган.

Кейин маҳбусни кўтариб, ўтқазишмоқчи бўлиши. Ҳамма ёқ қон. Маҳбуснинг юзи ўликнинг юзидан ҳам беҳол.

Адам тиззаси билан “Нима гап?” дегандек туртди. Демак, хаёллариб хоинлик қилмоқда.

-Браво, деди адам,- энди уни кўтариб орқасини қайноқ сувга ботириб олинглар.

Шундагина хонанаинг бир томонида нега сув қайнаб турганини тушундим. Унга қадар хонага буғ тарқалса, зах бўлиб кўринади деб ўйлабман. Содда эканман-а!?

Маҳбус дош беролмади. Зобитлар бошларини қимирлатиб қолиши. Демак, видеони қайтадан олиш керак.

-Агар маҳбус ўлса, бу видеони кўрсатсак, шаҳид бўлди,-деб ўйлашади ва бу уларга куч беради. Тескари реаксия бўлади,-деди адам.

Бошқа маҳбусни олиб кириши. Бу анча бақувват экан. Қайноқ сувга ботириб олганда ҳам бақириб, чинқираб турди. Унинг азобларини кўрмаслика уриндим. Кўзим очик, аммо кўр. Адам:

-Буни жаҳаннам азоби деб ўйлашади. Ёмон одамнинг жонини Худо ҳам олмайди, унинг қийналишини истайди!-деди зўр ишни қойиллатгандек.

Адам ҳар бир олинган видеони қайта- қайта қараб чиқди, таҳрир килдирди.

-“Батя” учун мукаммал бўлиши керак. У ёққа бориб келганимиздан бери очилмаяти,-деди адам секингина. Шундагина унинг гапга чечанлиги ва ғайрати ошгани сабабини англағандек бўлдим.

-БМТдан келиб текширди. Аблаҳлар, нима эмиш, биз дунёнинг энг ёмон қийноқ қўлланадиган саноқли давлатларидан бири эмишмиз. Раҳмат десин. Биз уларга қамоқ эшигини очдик. Бошқа жойларда бутилка нима, таёқ тиқиб ётишибди. Билишмайди... Йил охирида яна ҳисботимиз бор. Шунинг учун қийноқларни қонунийлаштириш керак. Ўшанда миқ этишолмайди...

Бир маҳбуснинг жинсий аъзосига сув билан тўлдирилган баклажкани осиб қўйиши. Иродаси кучли экан. Миқ этмади. Уйга келиб синаб кўрдим. Чидай олмадим. Юрған эканман, сабр ҳам, бардош ҳам менда, деб. Уч кун даббага ўхшаб юрдим. Адам:

-Томоша залида пичоқ ўйинлари кўрсатишганда уйингизга бориб такрорламанг, дейишади,- деб устимдан кулди. Ўзимни ёш боладек ҳис қилдим. Аҳмоқ, наҳотки адам сезиб қолади, деб ўйламадим.

Бир ой вақтимиз қийноқларни кузатишга кетди. Ўлганларни сахарлаб уй-уйига олиб бориб, кўмдириши. Ўзимни ёш боладек ҳис қилдим. Аҳмоқ, наҳотки адам сезиб қолади, деб ўйламадим.

Шунда “Батяни” тушундим. У ўлим жазоси жуда енгил деганда, шуни назарда тутган экан.

Лекин бу ғирром усул. Ростдан ҳам айби бўлмаса-чи? Қийнайверса, йўқ айбни бўйнига олади. Хўш бу билан нима ютиш мумкин? Тўхта, “ўтлаб” кетаяпсан.

Биттасини кўмишга борсак, дарвозадан отилиб чиқкан онаси беҳуш бўлиб йиқилди. Кўлидан китоб тушиб кетди.

-Кўрдингми? -деди адам,- диний китоб... Саҳар хирасида қандай кўрди экан?

Бошқасига борганимизда ҳам машина ичидаги ўтирдик. Бир аёл чиқди, болалари билан. Улардан бири зобитни ура бошлади. Зобит болани тепган каби нарига улоқтириди. Онамни эсладим негадир. Шу дамда тушиб, зобитга кучингни менга кўрсат, демоқчи ҳам бўлдим. Аммо бундай ҳаракат нимаси, гапиришга ҳам ҳаққим йўқ-ку!

Бахтсизлар туфайли келган баҳт ҳам баҳтсизлик, деб ўйладим. Аммо ким ҳам бундай баҳтсизлар даражасига тушишни истайди. Ҳеч ким?

Топшириқ битар экан, “Батя” чақириб қолди. Борсам:

-Ха, кинорежиссёр бўлиб кетдингми ёки рол ўйнаяпсанми? Сен ҳам БМТнинг қора рўйхатига тушиб юрма, тағин,-деди._...

-Чиниқасан! Буларни одам қилишимиз керак. Тарбия. Биз тарбиячилармиз. Улар менинг болаларим! Қулоқ солмаса, боламдан ҳам воз кечаман!-деди.-Ҳозир опанг келади. Ур, десам, қўлинни қайиргин. Бармоғини синдирсанг...майли!

33.“Гилам ости жанги”

-Опанг келгунча аданг билан гаплашайлик,-деб “Батя” тугмани босди. У негадир озгина гаранг. Уйқуга түймаган одамга ўхшайди, мудраётгандек.

Телефон овозини очиб қўйиб. қреслога ястанди. Кўзларини юмиб, секин овозда гаплашди. У гаплашаётганда ташқарида қизил чироқ ёниб туради ва ким бўлишидан қатъий назар кутиб туради.

-Бир ой жуда қаттиқ ишладинг-а,-деди “Батя” секин овозда.

-Бурчимиз,-деб жавоб қилди адам.

-Видеолар яхши чиқдими? Қачон кўрамиз?

-Тайёр. Бир нусхаси телевизорнинг остига, яна бир нусхасини компьютерга ва ётогингизга қўяман. Вақтингиз бўлганда қаарарсиз.

-Ҳисоботларда айтилганларини қўшмадингми?

-Йўқ. Улар ёлғончи бўлиб қолишли. Янгиларини ёздик.

-Кўрамиз... Ха, ана у Мухторовни нима қилдинг?

-Ҳисобот ёзиб столингиз устига қўйгандим.

-Қайси бирини қўраман? Ундан кўра қисқа қилиб айтиб қўя қолмайсанми? Нега қочиб юрибсан, ўзи? Олдин икки оғиз сўзда баён этиб кетардинг. Энди сен ҳам ҳисобот ёзадиган бўлдингми?

-Чақирсангиз келаман.

-Келавер. Қошинг ёрилмаган бўлсин, аммо.

Адам бир зум жим қолдида, Мухторов ҳақида гапирди:

-Аҳмаджон Мухторов ўн йил олдин оламдан ўтган экан.

-Нима?

-Битта газетага кичкина таъзия берамиз, дейишса сензура тўхтатган экан, “Батя” изн бермади деб...

-Ха, эсимга келди. Лекин Гдлян уни “Москвада юрибди,” дедику? Ўлгани ёлғонми? Гдлян яна ўйин қилдими?

-Сал-пал ҳақиқат бор. Аҳмаджон Мухторов тириклигига видеолар қилган ва яқинда улар Москвада пайдо бўлибди. Шуни эшитган.

-Қандай қилиб пайдо бўлади? Ким олиб борган? Нега биз билмаймиз?

“Батя” “уйқу”дан уйғониб қолди.

-...

-Ҳаммасини аниқла! Топиб кел ўша видеоларни!

-Хўп бўлади Олий бош қўмондон!

-Олий-молийни қўй, ишни бажар! “Товариш” десанг ҳам бўлаверади. Лекин “товариш”лар содик бўлади, унутма!

У шундай деб сухбатга нуқта қўйди. Охирги гапи адамга оғир ботдими, индамади. “Батя” менга сирли бир қарааш қилди ва тугмани босиб “Кирсин”, деди.

Гугуша кирди. Расмий. Қўлида битта папка. Бориб отасини ўпмоқчи бўлди, у “ўтири” деб жой қўрсатди унга. У индамай ўтирди, “еб қўяман” дегандек кўз қири билан менга ўтли қарааш қилди.

-Онанг ва синглингни кўрдингми?

-Йўқ. Қўналғадан тўғри олиб келишди бу ерга.

-Мен юборган пулларни нима қилдинг?

-Банкка қўйдим.

-Ҳаммасиними?

-Шу ой олганимни, 200 миллион...

-Алдама мени. Нега ўғирладинг? Тўғрисини гапирсанг онанг талоқ бўлармиди?

-Келиб-келиб сизни алдайманми, ота?!

-Ўчир! Қанақа ўйнашинг бор? Ким у артист бола? Нега унинг номига қўйдинг, ҳароми?

Гугуш бало. Қандай гаплигини олдиндан билган ва тайёргарлигини кўриб келган.

-Ота пулни ўзимнинг отимга қўя олмасдим. Иккита гуруҳ гилам ости жанг бошлаган. Ҳар куни интернетда битта ифво. Агар ўғлимни отига қўйсам ҳам уларга баҳона топиларди. Ўзингиз айтгандек ҳамма ёқ хоин.

-Қанақа гуруҳ? Нима деб валдираясан?

Худди саволни эшитмаган каби ҳаракат қилган Гугуш папкадан бир даста қоғоз чиқарди.

-Мана, мана бу дўстимнинг номига ҳисоб очдим. Мана унинг хати. Пулни менинг измим бўлмасдан ишлата олмайди. Мана буниси эса.. у пулни номаълум рақамли ҳисобга ўтказиб юборгани ҳақида. Буни ҳаммасини номингизни ҳимоя қилиш учун қилдим. Қонуний йўлини топдим. Мана ўша рақамлар. Пулнинг устига яна ўшанча қўшдим.

-Қаердан олдинг? - деди у бироз юмшагандек бўлиб.

-Олдин берган пулларингиз ҳам бор эди. Яна телефон компаниясини 123 миллионга сотдим.

-Нега мен билмайман?

-Вазир “ўзим айтиб қўяман”, дегани учун индамадим.

-Ҳамма ёқни хоин ва ёлғончилар босиб кетибди-ку?

У шундай деб вазирга сим қоқди. Бироздан кейн қизига қараб “Эшиг”, деб овозни очди.

Вазир ғудранди:

-Опа “үзим айтаман” деган эдилар...

-Туҳмат қилманг, суҳбатни ёзиб олганман,-деди Гугуш жаҳл билан.

Вазирнинг нафаси ичига тушиб кетди. ”Батя” уни шундай сўқдики, ҳатто “сўкиниш қироличаси”, деб ном олган Гугушнинг ўзи ҳам бош эгиб қолди.

“Батя” қизи берган қофозларни қараб кўрган бўлди.

-Ҳамма ёқда сизни диктатор деб ёзиб ётишибди. Синглимга бунга нуқта қўяйлик, десам, сен кўпроқ пул олдинг, ўзинг қил бу ишларни, деди.

-Сен қанча пул олганингни у қаёқдан билади?

-Онам билмасмиди?

-Ўша илонга бир гап айтмайман дейману...

-Онам ҳам билиб-билмай ана у гурухлардан бирига ишлаб қолмоқда?

-Бунча гурух, гурух дейсан? Қанақа гурух? Шу пайтгача бўлмаган гурух энди пайдо бўлдими?

-Сиз амалиёт бўлган кунларингиз тахт учун кураш бошланган. Биринчилар билан иккинчилар.

Демак, бизни сафарга жўнатгандан кейин “Батя” амалиёт бўлган. Менга бу “ўйин” деганди.

У қизига ошқирди:

-Нима? Нега мен билмайман?

-Мана, интернет тўлиб кетди. Ҳаммаси бир бирига қарши компромат ташляяпти. Мени ҳам, сизни ҳам қўшиб ёзаяпти.

-Мен уларга кўрсатиб қўяман, гилам остидан жанг қилишни? Ҳаромилар! Нонкўрлар!

У Гугушга:

-Бўпти, борма у томонга, болаларингни ёнида қол, ҳали гаплашамиз,-деди.

-Бир иккита муҳим иш бор, “Тайчи”га ўхшаган битта оғзи, кўзи юмуқ одам керак,-деди Гугуш.-Бой бўлиб кетганлар бор, жиловларини тортиш керак. Ман исмлари...

“Батя” қараб рўйхатдан иккитасини ўчириб, қофозни менга узатди:

-Беш-ўн кун опангга қарашвор,-деди.- Булар менинг ҳам тишимни ғичирлатиб, ғазабимбни қўзиб юришганди.

Кейин интернетда чиқариб олинган материалларга назар солди. Тугмани босиб маслаҳатчини чақирди.

-Итнинг боласи, нега бундан мен хабарсиз? Нега мендан яширасанлар?

-Нима экан, кўрсам бўладими?

“Батя” варакларни унинг башарасига отиб юборди.

Маслаҳатчи уларни териб оларкан, айни пайтда нималигига ҳам назар солди.

-Мана буниси бугун чиқкан. Мана булари олдин. Ҳов ана у папканинг ичидаги “ўзим бераман”, деб қўлимдан олганди. Сўрадим ҳам. “Асаблари бузилган. Кайфиятлари яхши пайтида эслатаман”, деб айтди.

“Батя” тугмани босиб:

-Ҳов генерал, сенга унвон бериб даражангни кўтариб қўйган мен ахмоқ! Сен ҳам бирорта гурухга қўшилдингми?-деди.

У жавоб бермади. Бундай пайтда факат эшитиш кераклигини ким-ким, у жуда яхши билади.

“Батя” уни ҳам роса “олиб бориб, олиб келди”. Кейин адамга сим қоқиб етиб келишини сўради.

Бош прокурорга сим қоқди. Қизи ўтирганига қарамай, уни сўка бошлади.

-Ҳе онагни сани... Болтиқ бўйида қуриб қўйган кошоналарингни чиқкан жойинга тиқиб қўяман! Қаёққа қарайпсан!

У ҳам шай турган экан, бидирлаб қолди:

-МХХдаги жўжахўролар...

-Сани ишинг нима? Уларни назорат қилиш эмасми? Дарҳол ҳаммасини аниқлаб, рўйхатини олиб кел. Пешангдан ўзим отаман, агар қўлинг бўлса!

“Батя” кейин МХХнинг раисига телефон қилди.

-Ҳов латта, сен қаёққа қарайпсан?

-Ҳаммаси назоратда...

“Батя” шунақа сўкиндики, уни ёзолмайман. Бунақа сўзларни қандай топади, лол бўлиб қоласиз. Гугуша бошини эгиб, мийифида кулимсираб турибди.

-Сизга алоҳида ҳисобот қилиб киргизаман, ҳаммасини аниқладим,-деди Бош прокурор.

-Мана шу гапимизни ҳам ёзиб ўтиришибди.

-Бу давлатнинг давлатлиги қолмадими? Ҳов ёзаётган аглаҳлар, ҳаммангни бошингни ушлаб кетдинг, ўчир барини! Агар Владичнинг ўғли бўлсанг ҳам ўчир! Ҳозир унга ҳам телефон қиласман!

У кимга гапирди, билмайман. Телефонни ўчириб, ўзи ҳам кулимсиради.

-Ҳаммаси иштонини ҳўл қилди. Ўчди. Аслида уларни ўзим бир-бирига қарши қилиб қўйгандим. Буни бўлиб бошқариш, дейди. Бир-бирни назорат қиласи. Аммо касал бўлди, ўлади, деб пойгага кириб қолишибди. Яхши бўлди, мих устига ўтқазиб қўяман буларни. Мана бу чиққан нарсалар яхши, чиқаверсин. Халққа қирол яхши, атрофи ёмон, деган ош керак. Ундан бошқасини емайди бу халқ!

У шундай деб ўрнидан турдида, ёнимга келиб:

-Аданг буларга эътибор бермай қўйди. Мана ўзинг кўрдинг. Арқонни сал бўш қўйсанг, ғажиб ташлайди булар. Ҳаммасини ўрган, кузат, назоратни секин-аста ўзингга бераман. Аданг чарчаб қолаяпти,-деди.-Бор энди, опангни айтганини қил, - деди.

34. Абхаз гўзали

-Ҳа, бармоғимни синдириб қўйишга келганмидинг?

Опа менга қараб кулимсиради, аммо сир бой берди. Демак, унинг ўзи ҳам кимлар биландир ишламоқда. “Батя”нинг гапини эшитмоқда. Балки бу ҳам отасига ўхшаган фикр уқийдими? Йўқ. Чунки мен бу ҳақда ўйлаган эмасман. “Батя” айтганди: “бармоғини синдир”, деб. У амр қилса, нафақат бармоғини, балки оёғини ҳам синдириб қўяман.

-Сенга дунёда бошқа ҳаёт ҳам борлигини кўрсатмоқчиман. Шунинг учун қафасдан ташқарига олиб чиқдим. Ана у ишлар бир кунда битади. Мураккаб эмас. Мингтасини бажарганмиз. Кўйлар ўз оёғи билан келиб, ўз оёғи билан кетаверади. Томоша қилиб турсанг, бўлди. Аслида томоша қилишингга ҳам эҳтиёж йўқ, лекин сўраб қолса, билишинг учун иш устида турасан.

У шундай деб бармоғи билан тепани кўрсатди. Наҳотки, у менинг ҳаётим ҳақида қайғурмоқда? Балки сафдошлари сафини кенгайтироқчилик? Ҳали келгусида яна рўпара бўламиз, деб қўлга олмоқчими? Енгилроқ зарба олишни ўйлаяптими? Нимадир режаси бор. Хуллас, эҳтиёт бўлишим керак. Адам билан маслаҳат қилмасам бўлмайди.

-Сенга бир ҳадя олиб келдим,-деди Гугуш,- аммо дунё гўзали. Орқасидан эргашиб юрганлар сон-саноқсиз. Абхазиялик. Бир марта ётиб, ташлаб кетишингга эмас. Агар ёқса, бир умрликка сенини. Ёқади, мана кўрасан. уни бўриларнинг ичидан олиб қочдим. Тоғ оҳуси.

-Билмадимда...

-Қўрқма, сенга айғоқчи тиқаётганим йўқ. Папам айтганди: “биттасини топ, бўйдок юрмасин”, деб.

Ҳа, гап бу ёқда экан-ку?! Мен бўлса, нималарни ўйлаб юрибман-а?

-Хозир бор, ўзингни эпақага келтир. Қизнинг ҳам кўнгли нозик. Биринчи кўришда урсанг урдинг, бўлмаса қочади. Охунинг фитрати бу!

Гапнинг очиғи опа юрагимга бир парча чўғ ташлади. Ўйлаб кўрсам, анчадан бери бирор қизнинг қўлини ушламабман. Ўша кемада биттасини кўрганим. Гуля билан эса, умуман учрашмай қолдик. “Батя”нинг гўзалларига алайиб бўлмайди, кўзингни ўйиб олади.

Тұхта, үзи менга бошқа ҳаёт шартми? Ойимга қараб раҳмим келади. Адам ойлаб қорасини күрсатмайды, келса ҳам уч-түрт соатгина ухлаб, яна ғойиб. Нима иш қилиб юрганини ойим билмайды ҳам. Умуман уларни эр-хотинга үхшаб сұхбат қуриб үтирганларини күрмайман. Шунга қарамай, ойим мендан “Қачон уйланасан?”, -деб ҳам сўрайди.

У бечоранинг китобдан бошқа ҳаёти йўқ. Бу дунёга китоб ўқиши учун келгандек?! Аёлнинг үзи бир китоб. Такрор ва такрор ўқиладиган китоб. Токчага териб қўйилса ёки бир четда чанг босиб ётса, жабр.

-Қаерга келайин,-деб сўрадим опа билан хайрлашар эканман.

- Юнусободга, “Шедевер”га кел, тағин супермаркетнинг ичидаги қидириб юрма. Банкнинг устидагиофисда бўламан. Телефон қилсанг, болалар чиқиб туришади. Кеч қолма, қизлар кеч қолган йигитни ёқтирумайди.

Тинчим бузилди. Наҳотки, дунёнинг энг гўзал қизини менга олиб келди? “Батя” қачон айтган экан? Машинасини берса, кошона уйни менга расмийлаштиrsa, дунёнинг гўзаалини келтиrsa... Мен шунга яраша жавоб қиласапманми? Бундай одамга ҳаёtingни бағишиласанг ҳам етмайди.

Тұхта, ҳаёtingни энди бошлайпсанқу, аллақачон бағишилаб юборсанг нимани яшайсан? Бу энди Гугушнинг таъсири.

Уйга келиб тайёргарлик кўрдим. Ойимнинг юзи ёришган. Бир нима демоқчи-ю, гапирмайди. Наҳотки, унинг ҳам хабари бўлса?

Кетаётганимда, қучоқлаган бўлдида, қулоғимга:

-Хурлиқо! Ақлли қиз экан. Менга ёқди,-деди ва кўқрагимга уриб қўйди.

Ўххў! Сиртдан ҳамма ишни битириб қўйишганми? Гугуш бугун келган бўлса, қизни қачон олиб келди-ю, ойим қачон кўрди?

-У шу ерда эди. Гугуш олтинчи қаватга кетганда сұхбатлашдим. Беш дақика олдин келганингда кўрардинг. Гугушнинг машинаси олиб кетди уни.

Энди ойим уқиб олди хаёлимни.

“Батя”нинг ҳузуридан чиққанимизда опа ким биландир гаплашганди. Демак, ўйин қилмоқда. Ҳали “Шедевр”га борсам, у ерда ҳам бўлмаса-я?

Айтилган вақтдан бироз олдин борибман, телефон қилсан, йигитлар эмас, бир аёл тушди.

-Опанинг ёдларидан кўтарилибди. Мана бу машина сизга экан. У шундай деб, супермаркет олдида турган “Форд, Мустанг”нинг қалитини берди.

Опадан ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Демак, қиз менга ёқишини олдиндан билган ва уни шу машинада олиб кетишимни режалаган, деб ўйладим.

-Сизни машинангиз орқада туради, йигитлар қараб қўйишади...Истаган пайтингизда олиб кетасиз...

У шундай деб, иккинчи қаватга бошлади. Гугуш үтирган хонада үзидан бошқа кимса йўқ.

-Кел, үтириб тур, ҳозир чиқамиз, у томонда биргаликда чой ичамиз.-Кийимларинг ёқди. Дидинг ёмонмас. Лекин биласанми, буни ким танлаган? Опанг! Женевадан олиб келдим. Узумни еганда боғини ҳам сўраб қўйиш керак. Ойингга келинни кўрсатиб, қолган гапни айтманг, деб сим қоққандим. Сочни ҳам “жайра” қилибсан. Ярашибди аммо..

Дарҳақиқат, сўрамабман ҳам. Қачон сўрагандимки, бу сафар сўрайин? Овқатларимни келтириб беришади. Нима ейману, нима емайман, ҳаммасини билишади. Кийимкечакларни ҳам ойим буюради. Умуман ҳеч қачон бу хақда ўйлаб ҳам кўрганим эмас. Айниқса, ҳозир. Қайси эшикни очсанг, иккита хизматкор турган бўлади...

Кимдир телефон қилди.

-Хув анави жойда тур,-деди опа бармоғи билан кириш эшиги ёнини кўрсатиб, рўйхатдагилардан бири келмоқда. Гаплашиб олайлик!

Бир зумда хаёлларим чил-парчин бўлди. Ҳозиргина отнинг устидаги одам гурсиллаб йиқилгандек, эшикнинг ёнига, ўз вазифамни бажаришга ўтдим. Бу қадар! Сени ҳаётинг шу! “Мерс” минасанми, “Мустанг”ми, фарқи йўқ! Алал-оқибат, эшик ёнида қўл қовуштириб туришинг керак. Эшик оғасисан!

Кайфиятим тушиб кетганини сездими, опа менга қараб кўзини қисиб қўйди ва:

-Кутиб турсин паризот,-деди.- Ичи ёниб кетаётган бўлса керак!

Шу пайт эшик секин тақиллади ва қўлида башарасини ёпадиган даражада катта гулдаста кўтариб олган бир киши кирди. У юргургилаб опанинг ҳузурига бораётганди, опа “Гулни ол！”, дегандек имо қилди, ҳалиги одам гулни менга бердида опа томонга юрди. Опа худди фаранг аёлларига ўхшаб кафтининг орқасини тутди. Келган одам қўлининг орқасини ўпар-ўпмас тортиб олди ва боя мен ўтирган жойга уни таклиф қилди.

-Сизни олдингизда ўтириш айб бўлади, дунё гўзалининг олдида эркак зоти оёқда туриши шарт,-деди.

Опа “Кўрдингми?”,- дегандек менга қараб қўйди.

Аҳмоқ, қиз билан учрашувга келяпман, битта гул ҳам олмабман, опага ҳам керакли мулозаматни кўрсатмабман. Нима бўлди ўзи менга? Нега бунчалик эътиборсиз бўлиб қолдим? Нима бўлганда ҳам у “Батя”нинг қизи, бармоғини синдирысам, синдириласам ҳам унинг қудрати олдида ҳеч кимманку? Нега ўзимни бу қадар эркин тутиб қолдим? Йигитлик нималигини унута бошладимми? Йўқ, хаёлларим мени маҳв этмоқда. Секинаста опанинг уммонига ғарқ бўлаётгандекман.

Хайриятки, опа ҳалиги одамга қаттикроқ гапириб, мени ўзимга қайтарди.

-Туманга қандай ҳоким бўлгандинг?

-Ўзингиз туфайли...

-Президент рўйхатидан сенатор бўлдинг... Фақат саноқли одам бунга муяссар бўлади.

-Бу ҳам сиз туфайли..

-Эртага шаҳарнинг 2200 йиллигини ўтказиш бўйича катта мажлис ўтказилади. Биласан-а?

-Биламан...

-Шаҳар ҳокими Тўхтабойни тўхтатиш керак, шохини сан синдирасан. Мана саволлар, ҳужжатлар! Дабдаласини чиқар! Ҳеч нарсадан қўрқма. Дадамни хабари бор!

-У ерда Бош вазир ҳам қатнашаркан, унинг олдида қандай бўлади?

-Қандай эмас, асалдай бўлади. Ўшанинг олдида қилиш керак бу ишни. Улар ҳамтовоқ. Керак бўлса унга ҳам саволларни қалаштириб ташла. Мана, ол! Ҳеч иккиланма! Булар дадамнинг душманлари. Алафдек ўриб ташлаш вақти келди уларни! Сўзингни тўхтатишга уринса, жанжалга айлантир, шармандасини чиқар! Бориб пахтасини терсин! Шаҳарнинг ишига бурун суқмасин! Президентнинг сенаторига ҳеч ким қарши чиқмаслиги керак. Тўхтабойни ҳам қуритамиз, у жой сеники!

-Ишонч учун катта раҳмат! Айтганингиздек бўлади! Энди... Мана шу арзимас нарсани олиб келгандим.

-Қанча?

-Ўттиз...

-Эллик бўлиши керак эди. Майли, қолганини кейин олиб келасан!

“Дипломатни олиб қўй”, -опа менга буйруқ қилди. Дарҳол ҳокимнинг қўлидаги сумкани олдим. Ҳоким ҳам хурсанд, ҳам куч олган қиёфада мағруона чиқиб кетди.

Опа ўрнидан турдида:

-Буни нима қилишни билсан-а? Билмасанг, адангдан сўрайсан. ”Бенямин”га қўз тикма тағин,-деб елкага эркалатган каби уриб қўйди ва:

-Кетдик,-деди.

Нариги хонага ўтдик. Овқатланадиган жой экан. Киришимиз билан хонанинг бир четида ўтирган ҳурлиқо ўрнида турди.

-Кел, Евочка, таниш, бу бизнинг одам, Темур,-деди опа.

Еванинг қўзлари қўқимтири, аммо тиғдек ўткир. Бир қараашдаёқ нишонни тит-пит қилиб юборадиган нурли.

У ҳам мен каби зориқиб кутган эканми, майнингина жилмайди. Кўзининг оҳиста сузиши чиройига чирой қўшди. Чехрасида мулойим мамнунлик ёйилди. Бу қўзидан чиқаётган нурни кучлантириди. Орамизда камалак ҳалқаси пайдо бўлганини ҳис қилдим. Демак, юлдузларимиз тўқнашди.

Гапнинг очиғи, бу ёғига хаёл сурадиган майдон йўқ. Ҳамма жойимни ҳаяжон қоплади. Бармоқларим учидан бижирлаб юра бошлаган енгил титроқ сочимнинг учига қадар етиб бориб, музга айланди...

Еванинг қўли қўлимга тегиши билан бу муз эриб, қайнай бошлади. Лабим қақшади ва бир нарса дейиш учун оғзимни очолмадим.

Қиз кавказликлардек жуда қирра бурун эмас, туркларга ҳам ўхшаб кетади. Қадди қоматини қўриб, ҳақиқатдан ҳам кўрган йигит орқасидан эргашади, деб ўйлайсиз. Болалиқда “Кавказ асираси” деган фильм мафтун этганди. Ўша фильмда ўйнаган актриса Наталя Варлейни кўргандек бўлдим, қўзларини Настася Самбурскаядан кўчириб олгандек.

-Айтмаганимидим, бир қўришда ошиқ бўласизлар, деб.

Бу опанинг товуши.

-Иккаланга ҳам таъкидладим, бу дунёда хаёт деган нарса бор. Яшаш керак. Ёшсизлар. Умр бир марта берилади. Даврингни суришинг лозим. Иккаланга ҳам қад деса қад, қомат деса қомат, гўзаллик деса, гўзаллик! Яна нима керак? Ҳозир овқатланишга ўтириш ҳам бефойда, томоқларингдан увоқ ҳам ўтмайди. Марш, шаҳар сизларники!

Эшикнинг ёнига борган ҳам эдикки, телефоним жиринглади.

-Олма,-деди Гугуш.

-Олмасам бўлмайди, “Батя”!

Опанинг ҳам товуши ичига тушди.

-План ўзгарди. Мухим иш чиқди. Ҳаммасини ташла, аданг билан бу ерга етиб кел! Қиз кутиб туради!

Телефонни ёпишим билан адам сим қоқди:

-Пастда кутиб турибман!

35. Фавқулодда ҳолат

Адам гапирмади. Мен ҳам сўрамадим. Чунки фавқулотда ҳолат мухокама қилинмайди. Олтинчи қаватга келсак, эшик оғаси ўрнидан туриб кутиб олди:

-Хозир қизил чироқ ўчсин, кирасизлар,-деди.

Қизил чироқ ҳеч бўлсин ўчсин. Демак, ким биландир гаплашяптилар. Секин атрофга қарайман. Ҳар қаер, ҳар қаерда кутиб туришибди. Аслида бундай пайтда бешинчи қаватда кутиларди. Аммо бугун раҳбарлар олтинчи қаватга “сочилигган”.

Қабулхонадан менинг хонамга ўтадиган йўл бор. Адамга ўша томонни кўрсатдим. У “йўқ” дегандек бош ирғиди.

-Бош вазир билан гаплашяптилар. У ишдан кетди,-деди эшик оғаси адамга секингина. Исми Акмал. Адамнинг одами. Менга ҳам тавозе қиласи. Умуман ўзи яхши одамга ўхшайди. Кўрсангиз, фермер деб ўйлайсиз. Қоринчаси ҳам бор. Гаплашсангиз билмаган соҳаси йўқ. “Батя” унга “Ал-Хоразмий” деб ном қўйган. Хотираси Бил Гейтснинг хотира базасидан ҳам кучли. Рақамларни сонияда ҳисоблаб, йилларни кунларигача айтиб беради. Ҳукумат раҳбарлари нима, вилоят, туман ҳокимлари исмини ҳам билади. Мункайиб қолган Крайнов ҳам унга тан беради.

-Нима гап ўзи?-Адам секингина сўради.

Мен пана қилиб турдим. Бу уларга ёқди ва пицирлаб гаплаша бошладилар.

-Кимдир Бош вазир ҳақида ёмон гап айтибди? Таня холамикан?

-Йўқ, у Бош вазирни ўғлидек яхши кўради. Ҳамма гапини у билан маслаҳат қиласи.

-...?

-Раисимиздир?

-У кирган эмас.

-Ким кирганди?

-Кичкинаси...

-Ҳа, бўлди, у тагдан иш бажаради. Опа-сингилнинг жангига ҳаммамизнинг бошимизни емас бўлгани.

Телефоннинг қизил чироги ўчиши билан “Ал-Хоразмий” бизга эшик очди. “Батя”нинг авзойи бузуқ. Икки томонни кўрсатди. Аскардек турдик.

-Раисни чақир!-“Батя” бизга ҳеч нарса демасдан МХХ раисини чақирди. Ҳамма раҳбарлар ўз ўринларини ва навбатларини билишади. Раис эшик тагига келиб турган экан, дарров ичкарига кирди.

-Хабаринг борми?-деди “Батя” унга.

-....,-Раис ажабланиб, бош қисди.

-Сени ҳеч нарсадан хабаринг бўлмайди. Ўринбосарларинг ҳам келдими?

-Келишди.

-Улар балки билишар?

-Нимани?

-Онангни! Тушундингми? Давлат тўнталиши тайёрланармишу сен билмайсанми?

-Унақа гап йўқ! Назорат қаттиқ!

-Бош вазир, шаҳар ҳокими, вилоят ҳокими, Мудофаа тил бириктирадио сен билмайсанми?

-Бўлмаган гап! Бош вазир сизни “отам” дейди. Жуда қаттиқ ҳурмат қиласди. Чизган йўлингиздан чиқмайди. Соянгизга салом беради. Жуда қўрқади сиздан! Сизни безовта қилмаслик учун ҳамма ишни у билан гаплашамиз. Нима десангиз шуни етказади бизга.

-У билан тилинг битта, шекилли? Чиқиб тур! Адашинг кирсин.

Рустам ака кирди.

-Сен қаёққа қарадинг?

-Ҳаммаси жойида. Озгина накд пул етмаганди, топдим.

-Қаердан топдинг?

-Раис ёрдам бердилар. “Чинни бозор”ни босдик. Қирқ миллион доллар. “Карвонбозор”га босим қилдик. Ўттиз миллион доллар, “Малика” савдо марказидаги “Чиго” ва “Метро” дўконларидан ўн миллион . “Зеромах”дан қолганлари ва олтин билан ишлайдиганларнинг ҳам танобини тортдик. Вилоят ва шаҳарлардаги бозорлар, улгурчи савдо марказлари ва бошқа жойларда адашим рейд ўтказиб бердилар, етти юз миллион доллар келди. Битта Янгийўл шахридаги ресторонлар ва буюм бозорини ўзидан ўн беш миллион ўндиридик. “Туркуаз” ширкатига қарашли дўконлар жойлашган савдо уйига ва шунга ўхшаганларга ҳам рейд қилинди.

-Ҳаммасини банкка берма, бошқа режаларимиз ҳам бор, икки юзтасини мана бу болага бер,-дея мени кўрсатди “Батя”

Кейин вазирга:

-Сени ҳеч балодан хабаринг йўқ экан. Нега Бош вазир ҳақида гапирмай қўйдинг? Оёғингни босмаяптими?

Вазир кўзининг таги билан адамга қаради. Кейин:

-Йўқ,-деди.- Нима десангиз шуни айтади. Сизга чиқолмасак, ҳамма нарсани у киши билан маслаҳат қиласмиш. Саҳар соат бешдан ярим тунгача тиним билмайди.

-Санларга нима бўлди? Ҳаммангни тилинг бирми, дейман. Бор, чиқиб тур, кейин чақираман. Мелиса кирсин!

-Сен ҳам саунадамидинг ёки ҳеч нарсадан хабаринг йўқми?

-Ҳамма нарсадан хабарим бор. Ҳар кунлигини ҳар кун сизга чиқариб турибман. Нусхасини Бош вазирга. Вақтингиз бўлмаса, у киши кўриб, маслаҳат берадилар.

-Йўқол сен ҳам! Ташқарида кут! Ҳаммангни қўлга олган кўринади!

Вазир чиқиб кетгач, Хон акани чақирди.

-Бош вазирликка кимни номзод қиласмиш?

У бош эгди. Кейин секин овозда:

-Хозирги қийин шароитда бошқа одам эплолмаса керак,-деди.

-Шароитга нима бўлибди?

-Атрофни назарда тутаяпман. Имомали миналардан сакраб ўтиб турибди. Ўшда ҳам ҳали тинчлик эмас. Кўрдингиз, чегарадан шунча одам ўтиб келганда ҳам Бош вазир ёнингизда чинордек турганди, дунё сизга тан берди, қочқинларни эплади, деб. Менимча, янгиси бунақа топширикларни эплолмайди.

“Батя” Хон акага ҳам жавоб бердида, ўрнидан туриб хонада у ёқдан, бу ёкка юрди ва адамга юзланди.

-Буларнинг тили бирми?

-Ҳаммаси сизга содик. Бирортаси сал йўлдан чиқса...

Адам шундай деб девордаги катта сейф томонга қаради. У сейфда амалдорлар ҳақидаги “дело”лар туради. -Умрбод кетади... ёки “Тайчи” пешанасидан дарича очиб қўяди. Улар шунча йилдан бери хиёнат қилишмади, бундан кейин ҳам қилишмайди. Ҳаммаси оладиганини олган, олмоқда, мамнун. Хаёлига бошқа нарса келмайди.

-Мени алдашдими?

-Билмадим ким нима деди,... аммо қизлар орасидаги жанжал қизиб бораётти. Ҳамма қўрқиб қолган. Чет элга чиққанларидан бери вазият яхши эмас. Ўша ёқдан туриб ким ўзарга атрофларига одам тўплашашапти. Иккинчи, учинчи даражали раҳбарлар уларга қарашилик қила олмай, ҳамма айтганларини мажбуран бажаришмоқда,-деди адам.-Ҳеч қанақа тўнтарииш ҳақида гап бўлган эмас. Қараб турармидик!

-Бош вазир ҳақида нима дейсан? Уни ишдан олдим.

-...Англашилмовчилик бўлган. Ундан содикроқ одамни топиш қийин. Ишнинг кўзини билади ва мамлакатни бошқаришда ўнг қўлингиз. Фақат...

-Нима факат...?

-Гугуш унга тиш қайради.

-Уф, чарчаб кетдим, бу ярамаслардан. Тўхта, тўхта! Булар мени ўлаяпти, Гугуш келади, деб бирлашмадиларми?

-Гугушнинг ҳаракатлари бошқаларни ҳам қўрқитиб қўйган. Ҳалитдан ўрнингизга кўз тикканини яширмаяпти.

-Бўпти.. буни кейин гаплашамиз! Ана у молиянинг қўлидагини бугуноқ ол. Бўлмаса, бир тешикка уриб юборади. Баҳонаси кўп унинг.

Ховуридан тушган “Батя” телефон тутгасини босди:

-Испанияга одам сўраётган эдингми, Гугушни юбор,-деди.

Кейин адамга юзланди:

-Униси билан алоҳида гаплашаман!

Шу пайт “Ал-Хоразмий” югуриб кирди.

-Хабар интернетга сизибди.

-Қайси хабар!

-Бош вазир ҳақидаги...

Уни “Ишдан кетди”, деб ёзиб юборишибди.

“Батя” стол устидаги ойнани муштлади.

-Кўрдингми, сан бўлсанг, буларни менга содик дейсан. Ўзинг содикми менга?

-Чиқиб кетган бўлса, янаям яхши. Бош вазир ҳеч нарса бўлмагандек жойида ишлайверса, сиздирган одам сариқ чақа бўлиб қолади.

-Тўғри айтасан, шунаقا ўйинлар қилиб туриш керак. Сергакликни оширади.

“Батя” телефон тутгасини босди ва Бош вазир билан гаплашди:

-Эртага мажлисга боришни унутма. Эҳтиёт бўл, маҳаллий халқни кўтаришлари мумкин. Лекин, қўрқма! Айтиб қўяман, Раис ҳам, Ҳон ҳам, ҳамма вазирлар ҳам орқангда туради.

Агар ростдан ҳам ана у сенатор бош кўтарадиган бўлса, мажақлаб ташла! Ишдан ҳайда! Сан унга “сенатор” эмас, “сен аттор”, деб мурожаат қил! Керак бўлса, қамоқقا ол! Бўш келма! Ҳар турли гапларга ишонма! Жаҳлим чиққанда биласанку, ҳар нима дейман! Парво қилма! Сен билан ҳали кўп ишлаймиз!

Ўртада ҳеч гап йўқ. Тинч сувда пўртана қўпди, деб шунга айтсалар керакда? Нима бўлганда ҳам гўзалдан айрилиб қолдим. Қаерда турибди экан? Сўрамадим ҳам? Телефонини ҳам олмабман. Гугушдан сўрайманми? Йўқ, бошим кетади. “Батя” уни яна сургун қилди. Евани олиб кетадими, қолдириб кетадими? Балки ойимга бир нарса дегандир?

-Ҳа, хаёлга ботдинг, юрагингдан урдими? Унут уни. Яхшилари бор..., -деди “Батя”. - Опангни макрига тушасан!

Лекин унутиб бўладими? Қорни оч одамнинг олдига ошни тортиб қўйиб, емагин десангиз қандай бўлади? Тағин, зигир мой, қўш гўшти ва девзирада пиширилган бўлса?!

Менга жавоб беришди. Ўзлари ичкари хонага киришди. Келгунча абхаз гўзалини ўйладим. Нима қилсам экан? Нима ҳам қилардим? Унутишим керак.

Уйга келсам, ойим ҳаяжонда. Ева шу ерда экан...

36. Қафас

Орқага қадам ташладим. Ойим “Киравер”, дегандек қўлимдан тутди ва гапирмасдан ичкарига тортди. Қулоғимга пичирлади:

-Қўрқма, у менинг хонамда.

Бошимни силкитдим. “Киролмайман”. Ойим қўлидаги бир парча қоғозни кўрсатди. Бу ҳалиги, биринчи саҳифасини ёндирганимиз китобдан яна бир варак.

“Диктатор фикрни уқий олмайди. Сен ўзинг унга айтиб қўясан. Ҳаракатинг, қўрқувинг, ҳаёлчанлигин билан. У битта одам. Бутун халқни кузата олмайди. Назорат қилолмайди. Эшитолмайди.

Диктатура шароитида ҳеч нарсанинг, ҳеч кимнинг ўрни бўлмайди. Чунки ҳамма нарса асл ҳолини йўқотган бўлади. Амалдорларнинг “эркаклик жойи” ёки “қизлик иффати” қирқиб ташланади.

Тиллар фақат битта сўз учун айланади. Юртбоши! Бу ибора худди фоҳишабозлик ўрчиб кетган жойда турли юқумли касалликлардан сақланиш учун қўлланиладиган муҳофаза қалқонига ўхшаб қолган. “Шуни қўллансам, менга жин ҳам чалмайди”, деб ўйлашади.

Диктатура шароитида “ўрин” деган нарса бўлмайди, “ўрин” калимаси “ўйин” билан алмашади. Бу ўйин худди кечки ресторонлардаги яланғочлар ўйинига ўхшайди. Қайси ўйин дикқат тортса, пул ўша томонга отилади.”

Ойим бу билан нима демоқчи. “Батя” – диктатор, у билан ўйин қилишим керакми?

Тушунмадим, бунинг нима алоқаси бор, дегандек, елка қисиб, ойимга ҳайрон бўлиб қарадим.

-Шунчаки...Кўрқма!-деди пицирлаган оҳангда ва мени ўз хонасига киритиб, эшикни ташқаридан бекитди.

Абхаз гўзали ойимнинг ётоғида ўтирибди. Қаршисида телевизор, “Батя” ҳақида ҳужжатли фильм бераяпти. Ҳамма жойда у. Гапиролмайсан, ҳаракат қилолмайсан, фикрлай олмайсан. Телевизорнинг русча каналида унинг ўшлигини кўрсатаяпти. Олов бўлган! Қандай ундан юз ўгириш мумкин? Мана, ҳатто абхаз гўзали ҳам унга маҳлиё.

“-Тур,-деди у вазирлардан бирига. Вазирнинг қўлида дафтар. Ўзича нималарнидир ёзиб олаяпти.

“Батя” унга қараб иқтисоддаги камчиликларни айтиб:

-Нега бажармадинг?-деди.-Сен ҳалққа хизмат қилишинг керак эмасми? Сени нима учун мана шу ишга қўйдик, баракатопгур? Раҳбарда виждон бўлиши керак, ҳалқим, ватаним деб яшаши керак, билдингми? Бу кетишда буюк келажакни қачон қурамиз? Пахта плани тўлмаса, пул бўладими? Нон бўладими? Мой бўладими? Пахта бу-сиёсий қурол. Пахта-бу йўл, мактаб, шифохона, кафанд. Биз ўз кафанимизни ўзимиз етиштиришимиз керак. Кўрдик, шунаقا замонларни ҳам, кафанга зор эди одамлар. Кафансиз қўмилганлар ҳам бор эди. Унутма буни! Чигит экишни қаттиқ назорат қил! Бўлмаса яна ўтган йилги каби баъзи вилоятларда судралиб қоласан! Бу сафар кечирмайман!

Вазир жим.

-Сенга ҳозирча ҳайфсан эълон қилдим, ўтири!

“Ойимнинг китоби”даги гаплар миямда айланди:

“Диктатор мулозимларни айблаб туришни яхши қўради. Лекин мулозим нима қилсин? Нима қилолади? Чунки у қўрқоқлар ичидан танланган. Шунинг учун борига шукур қилиб, товоқни лаган, тогорани дойра деб, қўлга кирганини фойда билиб, қолганини қозиққа илиб юраверади. Юҳонинг боласи ҳам юҳо бўлади”.

“Батя” бошқа вазирга қараб:

-Тур,-деди.

-Нега шикоятчилар қўп, нега озаймади? Умуман жонга тегди. Шикоятларни камайтириш керак. Тагида чет эл машинаси, ўзи шикоят ёзади, бу нима деган гап? Керак бўлса, тортиб оламиз у машинани? Нархини ошириб қўй! Божхона қаёққа қарайапти?

Генерал ўрнидан туради. Дафтарига нималарнидир ёзиб-чизади.

-Маошингни кесдим! Маошсиз ишлайсан энди, ўтири!

Ундан кейин бошқа вазир турғазилди.

-Нега мен айтган курилиш битмади?

“Батя” жавоб ҳам кутмади.

-Сени ишдан бўшатдим, ярамас! Энди совет даври тугади. Бекор юриш йўқ! Ҳамманг ишлайсан! Пора олиш йўқ! Кабинетларингга камера қуиб, ўзим назорат қиласман! Ухлаш йўқ санларга, обед йўқ, уйга бориш йўқ! Билдингми?”

Ҳамма бош эгди. Мен ҳам бош эгибман. Ўла! Ёнингда ҳурлиқ ўтирибди, сен эса телевизор кўрасан! Шунчалик ҳам роботга айландингми? Йигитлигинг қани?

Тұхта, “камера” дедими? Хонанинг деворларига қарадим. Дарвоқе, “Батя”нинг биз яшайдыган биносида камера йўқ. Аммо овозни ўғринча ёзишади. Балки яширинча камера қўйган бўлса-чи? Унда тугадик. Қўйган бўлса ҳам адам қўйгандир?

Евага қарайман. Жилмайиб турибди. Яна қўзимни олиб қочдим. Гапириб қўйишим мумкин-да!

У эса ҳамон тикилиб турибди. Қиз бўлса ҳам йигитдан кучли нигоҳи. Сен эса қўзингни олиб қочасан?

Ниҳоят мен ҳам унга тикилдим. Кўзларимиз гаплаша бошлади:

“Шу пайтга қадар қаерда эдинг? Нега олдинроқ келмадинг?”

“Қаёқдан билай? Лекин мана олислардан келиб, сени топдим.”

“Узоқ йўл босибсан, киприкларинг толиб қолибди, маҳзунлик томчиламоқда.”

“Йўқ, бу маҳзунлик эмас, мамнунлик. Сени топдим ахир, эй тоғларнинг енгилмас шери!”

“Сен эса оҳу! Мен оч шерман! Еб қўяман сени!”

“Журъатинг борми? Кудратинг борми? Қалбинда юрак-чи?

“Эшиптаяпсанми? Гумбур-гумбур сасни. Бу тоғлар остидан отилган вулқон эмас, бу менинг юрагим. Қўлларингни узат, кафтирга қўяман бу чўғни!”

“Кафтиш шундай ҳам ёнмоқда. Ишонмасанг, ушлаб кўр. Менинг юрагим кафтимда”.

“...”

“Нега қўрқаяпсан йигит, не-не алпларни йиқитган, довруғи достон полвоним, нега бунча беҳолсан, бургутим?”

“Қани эди бургут бўлолсам!”

“Сен бургут! Баландларда учадиган якка бургут! Сенга етиш қийин. Бунчалар баландлаб кетаяпсан”

“Индама, яна бироз баландлайн, кейин ўқдай паста шумфийман, ўзимни қучоғингга отаман!”

Унинг кўзлари уялгандек, киприклари эса йўрилгандек пирпираб қолди.

Унинг ёнига ўтиридим. Юзимдан олов пуркди. У ҳам қизарди. Ҳис қалаяпман.

Вужудимда вулқон қайнай бошлади.

“Бор-э” деб гапириб юборсам-ми?

“Сени севим қолдим”, десамми?

“Кўзларингга ошиқман”, деб айтайнми?

“Майин соchlарингни силамоқчиман”, дейинми?

Йўқ! Хаёлдан ҳаётга чиқа олмайман. Ўзимку ўзим бу қизнинг ҳам гулдек умрига зомин бўламан. Адам нима қиласди кейин? Ойимчи? Ўзимни босишим керак.

Ётоқ ёнида ойимнинг дафтари ручкаси билан турган экан. Уни олиб:

“Гунгман!”, деб ёздим.

Ева ўқиди-да кулимсираб.

“Биламан. Мен ҳам”, деб ёзди.

“Опа қаерда?”

“Тепада, хонасида йиглаб ўтирибди...”

“Қоласанми?”

“Йўқ, кетамиз экан.”

“Қаерга кетасан?”

“Жой топилар?”

“Москвага бормайсанми? У ерда уйим бор. Ўша ерда яшаб турасан.”

“Опа билан маслаҳат қилишим керак.”

“Буни зинҳорба зинҳор унга айтма!

“Менга хат ёз... ЕваA@gmail.com”

“Хўп, яқинда “Батя” Москвага боради. Ўшанда кел!

“Ҳм...”.

“Адресни почтанга ёза олмайман. Ёдла уни. Фрунзенская метросидан чиқасан, ўша ерда “Камелот” комплекси бор, 11 қаватда, тасодифни қара, квартира номери сени ёшинг билан тенг”.

“Мени ёшимни қаёқдан биласан?”

“Кўзингдан? Бўялмаган бўлса ҳам қип-қизил турган лабларингдан. Юзингга камалак бўлиб қўнган қошингдан. Садаф тишларингдан. Киприкларинг, кулгичларингдан! Сочларинг толасидан, бокишиларинг ноласиздан... ўша қаватда фақат битта квартира бор...”

Қиз муздек эрий бошлади. Уни бағримга тортдим. Уммон босиб кетгандек бўлди бизни. Қайта-қайта келиб урилган тўлқинлар остида қолдик...

Ишқнинг оғушида анча мудрабмиз. Қулоғимга қандайдир товуш эшитилди. Икки киши баланд овозда гаплашмоқда. Ойим ва адам. Эшикнинг орқасида туриб, қулоқ солдим.

-Қаерга кетди?

-Хозир келиб қолади. Телефон қилганди келаяпман,-деб.

-Нега рангинг учган? Мазанг йўқми?

-Чарчадим...

-Нима иш қилдингки, чарчадинг?

-Бирор иш қилмасликдан чарчадим. Зериқдим.

-Сен зерикасанми? Билмасамки, гапирсанг. Бугун ҳам битта китобни ўқиб битирган бўлсанг керак. “Фаворит”ни тутаттингми?

-Йўқ ҳали, озроқ қолди, иккинчисидан.

-Бўпти, юр, айланиб келамиз.

-Қаерга борамиз.

-Шу ерда, боғни айланамиз. “Батя” узоқقا кетма, деган.

Демак, адам ойим алдаётганини сезди. Мухим гапи бўлса, боққа айланишга олиб чиқади.

Ишқилиб, ойим кўзда ёши билан қайтмаса бўлди.

Адам, аёлим дейдию, аммо ойимга ўзини кашф этиши учун йўл очмайди. Уни қафасда тутади.

Евага қарайман у ҳам ўз ихтиёри билан қафасга тушган булбул каби ширин мизгимоқда. Балки унинг бахти қафасдадир? Тўхта! Эҳтимол ихтиёрий эмасдир? Ким ўзи у? Опанинг қўлига қандай тушиб қолди? Ота-онаси йўқми? Наҳотки, шундай гўзал қўчада қолса? “Батя” нима деди: “Опангни макрига тушма！”, деди. Тўрга илиндимми? Шунча ҳам содда бўламанми?

Ойим билан адам боққа чиқиб кетишиди, деб эшикни очсам, овқатланадиган жойдаги телевизор қаршисида опа ўтирибди. Күзлари қизарган. Қовоқлари осилган, йиғлагани билиниб турибди. Сочлари тарвақайлаган. Ётоқда кийиладиган пижамаси елкасига илиниб қолгандек. Бўйин суяклари бўртиб чиққан, икки оёғини букиб, қучоқлаб ўтирибди. Мени кўриши билан ўзини ўнглаб, бармоғини оғзига қўйиб, гапирмасликка ундали. Кўли билан ишора қилиб “Қани”, деди. Ойимнинг хонасини кўрсатдим. Ўрнидан туриб, ўша ёққа юрди ва бироздан кейин биргаллашиб чиқиб кетишиди.

Ева орқага қараганди, филт этиб, кўзида ёш айланди...

37. Кон

“Батя” ишларингни ўғлинга ўргат, дебди. Адам билан бугун эрталабдан “Сангород”га отландик. Адам машина тузатадиган жойга кириб, яп-янгисини миниб чиқди.

-Сенга давлат сирларини ўргатишим керак. Бунинг учун гаплашмасак бўлмайди.

Шу дамда менга давлатнинг ҳамма сиридан ҳам кечагиси муҳимроқ эди. Опа кетдими, қолдими? Опа ҳам эмас, Ева кетдими ё шу ердами? Адамдан қандай қилиб сўрайман? Унинг дарди эса “Сангород”.

-Борадиган жойимизни маҳбуслар “кора зона” ҳам дейишади. Лагерларда даволашнинг иложи бўлмай колган хасталарни шу ерга олиб келишади. Бу ерда тажриба лабараториямиз ҳам бор. “Сил” деймиз. Бу маҳфий жой аслида. Аммо атрофга сил касаллиги бўйича марказ, деганмиз. Лекин баъзи “маслокрад”лар пул бериб, бу ерга кириб олишади. Жазодан қочишнинг йўлини излашади... Сен хали “Жаслик”, “Навоий”, “Шайхали” ва бошқа зоналарга ҳам бориб туришинг керак.

“Адамнинг бир неча кунлаб кетиб қолиш сабабларини энди тушунгандайман.”

-Зоналарга бориб ҳеч қачон касал бўлмаган, оиласиб силсиласида ёмон хасталиклар учрамайдиган йигитларни қидирамиз. Топилмаса, ташқаридан топиб тиқишимиз керак.

-Нега?

-“Батя”нинг қонини алмаштириб турамиз. У шунга жуда ишонади. Агар ёш йигит қонини қўйиб турса, инсон узоқ яшар экан.

-Сизчи?-адамни русча гаплашганда сенсираб гапирап эдим. Аммо, иш пайтида сизлашим керак. Бу қоида. Бошқа одамларнинг олдида билмасдан сенсираб юборсам, генералга ҳурматсизлик ҳисобланди. Шунинг учун яхшиси доим сизлашга қарор қилдим.

-“Батя” бир пайтлар “Амбрози” деган ташкилот ҳақида эшитган. Улар ёш йигит қонидан “плазма” тайёрлаб, қонни алмаштиришади. “Батя” уларга ишонмайди. Ўзимиз йўлга қўйдик. Яна тўрт киши - “бемор”имиз. “Батя” уларни ҳам “ўргатиб” қўйган. Ҳеч ким билмайди. “Плазма”ни кимга олиб боришни мутлоқ ва мутлоқ сир сақлаш шарт.

-Нега энди “Сангород”да...

-Бу ерда ўзимизга тегишли лабараториялар бор. Ишлайдиган докторларни ҳам ўзимиз етиштирган. Ҳаммасининг “оғзига қулф урилган”. Қолаверса, улар бу нарса қаёққа боришини билишмайди. Музлатиб қўйишади. Махсус одам олиб бориб, “Батя”нинг духтирига топширади. Бу ишни энди сен назорат қиласан. Кўрдингми, “Батя”нинг ва атрофидаги қарияларнинг тақдиди сени қўлингда.

-Сиз назорат қилмайсизми энди?

-Менга янги вазифа бераяпти. “Марказ” ҳам янги йўналишда олти ой ўқишимни тавсия қилган.

-“Марказ”?

-Ҳа, буни билишингга ҳали эрта. Ҳаммасининг вақти, соати бор.

-Олинган қон тоза ёки тоза эмаслигини қандай назорат қиласан. Бу соҳада билимим йўқку?

-Махсус ускуналар, одамлар бор. Ўринбосарларинг бўлади. Даставвал, зонага бориб, узоқ йилларга қамалғанлар ёки “жазоси кучайтирилган”лар орасидан одам танлайсан. Агар шундай одам қисқага қамалган бўлса, жазолаб, узайтириб беришади. Уларнинг касаллик варакаларини ўрганасан, ҳар эҳтимолга...

-Озгина бўлса ҳам ўқишим керак эмасми?

-Ўқиганлар кўп. Сенга илм-пилм керак эмас. Бугун айримлари билан танишасан. Ишинг уларни назорат қилиш. Бошида туришинг шарт! Улар билимли, аммо роботдай гап, қарорни сен олишинг керак. Агар қамоқхонада мос одам топилмаса, ташқаридан олиб келишади. Буни эплайдиган одамларимиз бор...

Бутунлай бошқа дунёга кириб бораётгандим. Билмадим, қандай эплайман? “Бошқа” қариялар кимлар экан? Адамдан сўрасам:

-Кеча бу хабарни эшишиб, ҳаммасининг аҳволи чатоқ бўлди. Менга ишониб қолишганди. Ёмон қон олмайлик, деб қўрқишида-да, лекин батя уларни шу ердан ҳам маҳкам тортиб кўйган. Хиёнат қилишса, “ипни тортиш”ни буюради. Махсус дори бор, қўшиб берилади.

-...

-Илгари бўлганми?

-Ҳа, бир-икки одам хато қилиб қўйганди, танобини тортганмиз!-...

-Қўрқма, ҳаммаси яхши бўлади. Бугун бир нечта йигитни олиб келишган. Қонини олишади. Яшагани яшаб кетади. Яшамаса, демак, умри шу ергача. Худонинг бергани. У томони бизга боғлиқ эмас.

“Сангород”да бошлиғидан бошқаси адамни соғлиқни сақлаш идораси - тўртинчи бошқармадан, деб биларкан.

Бошлиқ зарҳал чинниларда кофе ҳозирлатди. Кейин дазмолланган, чизиқлари “лезва”нинг қиррасидек ўткир, яп-янги ёпинғич берди. Бошимизга ҳам оппоқ “қалпок” кийдик.

Лабаратория бир четда ва махсус ҳимояланган. Кираверишда соқчилар туришибди. “Сангород” бошлиги:

-Бугун янги одам келди, нега ҳужжат сўрамайсизлар?-деди.

-Сиз шу ерда-ку, ўртоқ началник! Узр!

-Бегона одам кирдими?

-Йўқ. Доимий ишлайдиганлар ва касалллар...

Ичкарига ўтдик. Битта хонада битта “маҳбусни” ётқизиб қўйишиган экан. Қўл-оёғи каравотга боғланган. Оғзи ва кўзи ўралган. Кўлига қон оладиган жиҳозлар уланган. Адам бошлиққа жавоб берив юборди. Кейин “доктор”га юзланди.

-Аввал озгина олинг, таркибини текширинг,-деди. У маҳсус шишачаларга кондан солди ва бироз кутди. Қон таркиби ҳақида маълумот автоматик тарзда чиқди. Қоғозни қўлига олган адам, синчиклаб қаради-да, менга кўрсатди.

-Бу томонида нормаси, бу томонида эса қандайлиги ёзилади. Таққослаганингда фарқ бўлмаслиги керак. Бу олдин ҳам бир неча марта текширилган. Группалари солиштирилган. Охиргисига сен қарор берасан.

Адам “бўлади” дегандан кейин қон йўлини бошқа жиҳозга улашди. “Маҳбус” аввалига оз-моз қимирлаган бўлса, кейин ухлаган одамдек, “латта”лашиб борди. Териси рангизланиб, сўлий бошлади. Пластик жиҳоз тўлгунча олинар экан.

-Унга бошқа қон беринглар. Қабул қилса, яшаб кетади, ахволи оғирлашса, ташқарига, шаҳар касалхонасига юборинглар. Қариндошларига хабар беринглар,-деди адам.- Ташҳизни тўғри кўйинглар. Кам қонли...

Қарасам, маҳбуснинг қулоғига ҳам нимадир тиқиб кўйишибди. Демак, анча одам ишлайди.

Олинган қонни музлатгичга тиқишиди. Қулфи бор экан, “шик” этиб қулфланди.

-Калити қани?

-Мана!

Адам калитни олдида, менга қараб:

-Кейинги хонага ўзинг кир, бошлиқнинг ёнида бўламан,-деб чиқиб кетди.

Кейинги хонада ҳам айни ҳол. Ётган маҳбуснинг оёғига кўзим тушди, бош бармоғи эгри. Карате мактабига қатнаганда синфдошим мени тепаман деб, бармоғини қайириб олганди. Даволатди, аммо эгри бўлиб қолганди. Кўнглим ниманидир сезди.

-Буни ҳужжатлари қани?

“Доктор” дарров папкани олиб, қўлимга тутқазди.

“Бу Умид-ку? Синфдошим?!”

Даҳшатга тушдим. Наҳотки? Қачон? Уни ҳали яқинда кўргандим-ку? Делони варақлайман.

“159” билан қамалган. Конституцион режимни ағдаришга уринган. Қамоқда бир неча маҳбусни уриб ўлдирган. Назоратчиларга қўл кўтарган ва ҳоказо.

Умид бунақа бола эмас, лекин... Яқинда кўргандимда “Нима қилиб юрибсан, қаерда ишляйпсан?” десам, мужмал жавоб қилди. Тўхта, нега буни уч йил олдин қамалган, бир неча зонада бўлган, деб ёзишган?

-Нима қилай, бошлайнми?-деди “Доктор”.

-Тўхтаб туринг,-дедим ва адамнинг ёнига келдим.

-Кел, кофени тугат, мен ҳозир келаман,-деб чиқиб кетди адам. Ярим соатдан кейин қайтиб, “Кетдик”, деди.

Машинада:

-Бу ерда отанг бўлса ҳам, онанг бўлса ҳам фарқи йўқ. Синовдан ўтмадинг. Биз ҳаётимизни “Батя”га тикканмиз. Истаган вақтда ўз қонимизни беришга, унинг учун ўлишга тайёр туришимиз шарт. Бунда иккиланиш бўлмайди. Сен нима қилдинг, кўришганда сени ҳатто писанд ҳам қилмаган танишинг учун “Батя”нинг ҳаётини унуддинг?

-Ахир..

-Нима ахир?

-Нега ана у қизга ёзганларингни хонада қолдирдинг? “Батя” сенга ман этганди. Нега учрашдинг? Санга қиз керакми, манга айт! Мингтасини қатор қилиб қўяман! Ойинг айтаверади. Унга кўп қулоқ солма! Майнаси айниб қолган уни! Бошимизга бало бўлади бир кун! Сан ватанпарвармисан ўзи? Ундаи бўлса ҳаёting “Батя”ники! У бизнинг ватанимиз, у бизнинг келажагимиз, у бизнинг ҳаётимиз! Билдингми??!

Қўлидаги хўроқсандин тупроққа тушириб қўйган боладек, бошимни эгиб қолдим.

-Бўлди, кўп ўйлама! Ева кетди. Гугуш уни қўйнингга тиқиб, жосус қилиб қўймоқчи эди. Агар “Батя”нинг ўрнига Гугуш келса, биласанми нима бўлади? Бояги маҳбуснинг ўрнида сан ётасан, ман ётаман, ойинг ётади, тушундингми? Гугушни ҳеч ким истамаяти, “Батя”дан бошқа. Аммо уни ҳам кўндирамиз. “Марказ” ҳам ундан айниб қолди.

-Марказ?

-Ха, Гугуш уларнинг ҳам жигига тегди. Бу бошқа масала дедим-ку?

-...

-Ана у синфдошинг-Умид сенга ёрдамчи бўлади. Ўзимизнинг одам!

У бироз индамай турди-да:

-Энди бошқа муҳим ишимиз бор... Ана, Умид ҳам орқадан келмоқда, лекин сенга содик энди, кутқазган бўлдингда,-деди.

38. “Дангасалар”

-Борадиган жойимиз - “Мафкуравий кураш маркази”. Биз жамият учун мафкуравий озука ҳам берамиз. Миш-мишлар, латифалар, изоҳлар, шарҳлар, видеолар, муҳокама учун мавзу ва ҳоказо... тарзида. Етарли даражада ёшларни ишга олиб, тайёрлаганмиз. Мендан кўра, уларни сен яхшироқ тушунасан,-деди адам.

-Бунча ишга қандай улгурасиз?

-Бу жойга бир ойда бир марта борасан ва бошқарма бошлиқларига вазифа берасан. Вазифани “Батя” айтади ёки ўзинг атрофга қараб ҳаракат қиласан. Қандай ҳаракат қилишни бугун кўрсатаман.

Адам ўртада турган “папка”ни кўрсатиб:

-Сариқ ва қизил чизилган жойларини ўки, сариқ-огоҳлантирув, қизил жавоб беришимиз керак,-деди.

Хужжатга кўз югуртиридим.

-Кўрдингми,-деди адам. -Одам савдоси, тарафикинг бўйича АҚШ Давлат департаментининг йиллик ҳисботида охирдан иккинчи эдик. Энди энг охирга тушибмиз. Кимдир буни “Батя”га кўрсатибди.

Кўнглимдаги гапни айтиб, адамнинг диққатини тортмоқчи бўлдим:

-Опага қарши ҳамма нарсани кўрсатишади, энди...

-Ха, мана чуқур ўйлай бошладинг. Офарин, лекин “Батя” қандай қилиб америкаликлар бизнинг сирларимизни билиб қолишганидан хавотирда. “Марказ” ҳам бу масалада тадбир олишни сўраган.

Демак, нишонга урдим. Адамнинг дикқатини тортдим.

-Дарвоқе, табриклиш эсимдан чиқибди. Капитан бўлдинг! Аммо бу вазифа учун етарли эмас. Икки ойда майор ва яна икки ойда подполковник бўласан! “Батя”нинг ўзи айтди... Севиниб кетдим, аммо билдирамадим.

-Севинмай тўғри қиласан,-деди адам.- Севинчингни “Батя”дан генерал унвонини олишинг учун асраб қўй!

Ресторанга ўхшаган жойга бордик. Овқатланиш учун кабиналар қилиб қўйилган. Биз кирган кабинада яширин эшик бор экан. Бошқа жойга ўтдик. Йигирмага яқин фуқаро кийимидағи одам кутиб ўтирибди. Ҳаммаси бирдан ўрнида турди.

-Ўтиринглар!-дея ҳукм қилди адам.-Бундан кейин ойлик мажлисни турли жойларда ўтказамиз. Ҳар бирингиз ўз вилоятингизда ҳам шундай “бункер” ҳозирлаб қўясиз ва “чой ичиш”га борамиз. Тўғрироғи, мана бу йигит боради. “Батя” уни ҳаммамизга раҳбар этиб тайинлади. Айтгани айтган, дегани деган! Хоҳлаган одамини отишга, ўлдиришга, қамашга ваколати бор. “Батя”нинг хос таппончаси унда. Эҳтиёт бўлинглар!

Ҳамма “нимасига бунча” дегандек менга қаради ва дарров бошини эгди. Ё адамдан ҳайиқиши, ё мендан!

Адам мажлисни бошлаб юборди.

-“Миш-мишлар ва латифалар”... Нима гап!

-Ёшларга оидларини топаяпмиз. Кўпроқ қизиқчилар билан ишляяпмиз. Уларга “илдираяпмиз”. Бозорларга ҳам кирайпмиз. Ўртакашларни бошқаришни ҳам ўйлаяпмиз, тўй ва тантаналарда!

-Ошириб юборма! Одамларда норозилик пайдо бўлиши мумкин. “Диндор” сенда нима гап?

-Биз ҳижоб ва соқол жанжалини қиздириб турибмиз. Шу билан банд бўлишса, бошқа нарсалар билан қизиқишмайди.

-Яхши. Менимча мазҳаб масаласини ҳам қизитиш керак. Дарвоқе, энди унвонинг ошди. Табриклиймиз. Яхши ишлаганларга унвон, мукофот биздан. “Батя” саховатли, факат уни қозонишингиз керак! Катта байрам келмоқда...

Рахматни қойиллатган генерал “маҳмаданалик” қилди:

-Юртимизда мазҳаб унчалик муаммо эмас. Одамлар мазҳаб ўзи нималигини ҳам яхши билишмайди...

-Билишмагани учун ҳам қизитиш керак, дедим. Дин ичидаги баҳсларни олиб чиқиш керак. Имомлар билан бамаслаҳат қил. Тағин айтганинг каби муаммо йўқ жойда муаммо чиқмасин!

Адамга қойил қолдим. Ўзининг гапига қарши айтилган фикрни айлантириб, ўша одамнинг ўзига урди ва охирида унинг гапини тасдиқлаб ҳам қўйди. Лекин ўша одам унга ёқмади. Бу гапириш ҳавосидан билинди.

-“Матбуот”, сен нима қилаяпсан?

-Газеталар тұла назоратда. Шунга қарамай “ишли” беріб турибмиз. Ҳозир интернет билан күпроқ бандмиз. Үзидан кетіб қоладиганларни құрқитиб турибмиз. Сайтларни чигит сепгандек “әкиб” ташладик.

-Қуруқ гап билан эмас, амалда ҳам күрсатиб қўйиш керак. Битта журналистман, деганини пешанасидан отиб келгандик. Нечтасини қамоққа тиқдик. Оиласидан жудо қилдик. Буни ҳар доим мисол қиламан, сизларга. Сарсон-саргардон бўлишсин. Йўлларда автоҳалокатга учрасин, агар шунақа ёзадиганлари чиқиб қолса. Битта-яримта бундайроғини қамаб қўйиш керак. Чет элликлар озод қилинглар, деб ялиниб юрсин. Керак бўлганда озод қиламиз. “Батя”га раҳматнома ёғилади. Озод бўлганинг мақтови самимий чиқади.

-Хўп, бўлади! Айтганингиздек қиламиз. Керак бўлса, наша отиб ушлаймиз ҳам.

-Нашани оғзинга от. Минг йил наша билан ушлайсанми? Бешикдаги бола ҳам билиб қолди бу ҳунарингни. Янгисини топ. Бугун одамлар нимага ишқибоз. Ана “кўки”дан беріб ушлат! Тадбиркорга айтиб, судга торт, сарсон қилиб қўй... ўйла, янгиларини топ!

-Хўп бўлади, ўртоқ началник!

-“Хориж” қани? Нима қилаяпсан?

-Бошқаларга маълумот тўплаб бераяпмиз. Душманларимиз ҳақида. Режимга қарши чиққанларни бир-бирига душман қилиб ташлаганмиз, ҳаммаси ит-мушук...

-Бу ҳам эскирди. Ёзганларингга одамлар ишонмай қўйди. Бир тийинга олишмаяпти. Қайтанга обрўларини ошираяпсан! Манимча очиққа ўтишинг керак. “Видеолар” билан бирга ишла, хужжатли фильмлар қилиб, телевизорга олиб чиқ. Аноним номлардан ёзилганларга сичқон ҳам чичмай қўйди...

-Лойиҳаларини тайёрлаб олиб келаман, қўриб берасиз,-деди ёшгина йигит.

-Масъулиятдан қочма! Аниқ одамларни топ ва улар ёзсин! Натижасига қараб баҳо берамиз. Бу йигит менга ўхшаб кечирудчан эмас. Онасини ҳам кечирмайди. Бекордан бу ёшда “Батя”нинг энг ишонган одами бўлиб қолдими? “Одам савдоси” қани? Чиқ бу ёққа?

Ўрта ёшлардаги бир киши адамнинг ёнига келди.

-Бугун бу ерга йиғилишимизнинг сабаби мана бу иблис,-деди адам.-Қани нимагалигини үзидан эшитамиз. Айт, нимага йиғилдик?

-Билмадим...

-Балони ҳам биласан...

-...

-Хўп, билмасанг, нимани биласан? Нега билмайсан? Мана шу билмаганинг учун йиғилдик. Ҳаммага ўrnak бўлсин, мен билан келган йигитнинг исмини ҳеч биринг билмайсан, ҳатто тушингга ҳам кирмасин, тушундингларми? Унинг кимлигини эса кўриб қўйларинг.

Адам шундай деб, “Батя” каби қатый оҳангда: “Тугат буни, ” - деди.

Ўртага чиқсан, бояги йигит аланглаб ҳар томонимга қарайапти. “Таппончаси қани?” деб ўйлагандек белимга назар солди. Кўрдики, ҳеч нарсан йўқ. Кейин боксчимикан, деб қўлимга қаради. Адам боксчику, бир иккитасини думалатган бўлиши мумкин-да.

Үйчи үйини битиргунча, қўйчи тўйини битиради. Бу ерда ҳам тез ҳаракат қилишим керак. Шунчаки ўлдириш эмас, санъат намойиши бўлсин. Қўлим қошининг орасига бордими йўқми, сезмай қолишсин.

Шамол “шир” этди..

Ўтирганлар “во...” деб юбориши.

Мен эса ҳеч нарса бўлмагандек жойимга келиб ўтиридим. Адам мағурланиб кетганини ҳис қилдим.

-Рахмларингиз келмасин. Унинг гаплари чет элга чиқиб кетган. Америкаликларнинг ҳисботигача кирди. Дунёда энг ёмон, деб ном олдик. Хорижга одамларни ишга жўнатилиши, қизларни Дубайга юборилиши қандай қилиб уларга маълум бўлди? Бу абллаҳ эса ҳатто улар эълон қилган ҳисботни ҳам яшириб ўтириби. Билади, аммо яшириди. Бу хоинлик! Давлатга хоинлик, мамлакатга хиёнат, “Батя”га хоинлик! Хиёнат кечирилмайди! Бундан кейин хоинлар мана шундай ўладилар! “Марказ” ҳам биздан норози. Қолган бошқармалар ҳам айбдор бунда.

Адам энди уларга вазифа кўя бошлади:

-Фалон жойда иш яхши, пулни дарахтнинг тагидан териб оласан, деб нега кўпроқ гап қилмайсизлар? У ёқда ишлаб келганларга данғиллама тўй қилишни нега маслаҳат бермайсизлар? Нега уларнинг тўйларини интернетда кўпроқ ёймайсизлар? Бу аҳволда ўн беш миллион ишсизни нима қиласиз? Қаёққа тиқамиз? Агар оёққа турса, ҳаммангизни ағдариб ташлайди. Эсингиздан чиқдими, Намангандга нима бўлганди? Каллангизни узиб, деворга осиб қўйишганди. Феврал воқеаларини унуттингизми? Андижонда нима бўлганди? Сичқоннинг ини минг танга бўлди. Оёғингиз қалтираб қолди. Ёшларга иш йўқми, турли йўллар билан жўнатиш керак. Муаммонинг бошқа ечими йўқ! Миллионта иш жойи яратдик, икки миллионта яратдик, деган туалет қофозлари ўзингизга насиб! Иш бермади! “Оқ йўл!” деб тантана қилиб эмас, қийнаб-қийнаб, пулга зор қилиб жўнатингки, қайтиб келмасин! Ота-онасини сарсон қилинг, у ёқдан пул тортсин, ўшанда қайтиб келмайди. Ўргансин ўша ёққа! Аёлларни бичинг деганимизда уддалай олмадингиз! Буни ҳам уддалай олмасангиз, ҳаммангиз мана шундай ўртада думалаб ётасиз!

Адам кетишига шайланди! Аммо ниманидир унугандек жўшиб кетди:

-Пулини торт! ОВИР нима жонингга керак? Чегара-чи? Чегара қоидасини буздинг, деб иш оч, уйига текшириш учун одам юбор, ҳеч нарсасиз қолсинки, иш қидириб кетсин, тўйини қилиш учун, уйини тиклаш учун кетсин! Бу ёққа келтирма! Пулини юборсин, юборадиган сабабларни кучайтири! Бу давлат, четдан пул келмаса хароб бўлади. Халқнинг қўлида чақа ҳам турмасин, ўзи билан ўзини ўралаштиб қўй. Лоқайд, ҳеч нарса билан қизиқмайдиган, ўқимайдиган бўлса, бошқариш осон! Кетганларни уйига бориб қўрқитиб туринглар, боламиз келса қамалади, деб ота-онаси ўзи чорасини кўради. Бойликлар халқники эмас! Бойликлар давлатники! "Батя"ники! Уни бизга Худо берган, шундай экан бойликларни ҳам унга берган!

Адам шундай деб, ўрнидан турди ва “кетдик”, деди. Умидга:

-Навбатдаги мажлис жойини синфдошингга маълум қиласан,-деб топшириқ берди.

Биз Умид билан гаплаша олмадик. Аммо унинг мендан мамнунлиги сезилиб туриби. Карапларида меҳр сездим.

-Машинага минганимизда ҳам адам ҳали жаҳлидан тушмаган эди;

-Шундай шароитда нима қиласан? Бу муаммони қандай ҳал қиласиз? Ҳукуматимизни айблаб туришибди, “Батя”нинг қўли бор, дейишаяпти. Ўйла ва таклифингни айт!

-Хозирми?

-Машинадан тушганда кеч бўлади. “Батя”га таклиф билан киришим керак.

-Менимча, муаммонинг ечими “Батя”нинг ўзида, у одам савдосини, четга бориб ишлатгандарни қоралаб қўйса, бас. Ҳаммаси ўз йўлига тушади.

-Балосан! “Батя”нинг фақат юраги эмас, мияси ҳам бор сенда,-деди.

У “Батяга” нима деди, нима қўиди, билмайман. Аммо бир ҳафтадан кейин “Батя” чўлдаги икки вилоятга сафарга борди. Ўша ерда чет эл билан ҳамкорликдаги корхонага кирди. Хорижлик мухбирлар ҳам бор эди ёнида. Кейин дала айланди, шийпонда ўтириб, гапирди:

“Дангасалар, деб кимни ҳисоблайман? Ҳўв, Москвани бориб қўчаларини, майдонларини супурадиганларни... Одам жирканади, ки ўзбек миллатидан шунаقا бориб, ўзига бир бурда нон топиш учун шунаقا ишлар қиласа? Ҳей бу ерда ҳеч ким очлиқдан ўлаётгани йўқ! Бу нима? Бу тиламчилик! Энди тиламчи бўлиб, кўчага чиқиб, қўлини узатиб сўраш, одамнинг ор-номусига қаттиқ тегади. Миллатимиз ғуури билан ажралиб туради бошқалардан! Ор-номуси билан! Санларни бу ишинг ўлим билан баробар эмасми?! Санлар бизни шарманда қилаяпсанлар, билдиларингми?”

Дарҳол бу ёзувни бутун дунёга тарқатиб юбордик.

Адам кетиб, ишим анча қийинлашди. “Батя” билан кўришиб ҳам турман. У нимадандир қўрқиб қолган. Ўйлаб, тополмай юргандим. Ўзи сўз очиб қолди...

39. “Марказ”

-Сен билан гаплашмай ҳам қўйдик,-деди “Батя” қадаҳдаги коняқдан хўплар экан.

-Ўзингта ҳам куй! Биламан ичмайсан. Аммо уриштириб турасан. Аданг келгунча унинг ўрнига улфат. Биласанми, аданг билан узоқ йиллик ошнамиз. У бўлмаса, билмадим, нима қиласардим? Умрини эътиқодимиз йўлига тикди. У шунга туғилган. Сен ҳам уни менчалик билмайсан.

Юрагим “шув” этди. Нега адам ҳақида гапира бошлади? Наҳотки, ундан воз кечди?

-У кетганига кўп бўлгани йўқ, аммо ўрни билинмоқда. Сендан ҳам кўнглим тўқ. От ўрнини той босади. Тезда от бўлдинг! Катта ватанимиз парчаланган пайтда жуда қийин аҳволга тушганмиз. Лекин нима қилишни билардик. Режаларимиз аниқ эди. Фақат алкаш Оқпошшо ўн йил қонимни ичди. Аблаҳ, партиямиз, йўлимизга хиёнат қилди. Демократия ўрнатаман, деб аракнинг қулига айланди. Бизга ҳам кўп босим ўтказди. Бир ҳисобда яхши бўлди. Демократиясини ўзига қарши ишлатдик. Истаган вақтда сўқдик, лакма Гарбни алдаб пулини олиш учун ундан юз ўтиридик, ҳалқни ҳам миясини тўлдириб турдик.

“Батя” нега яна бу мавзуда гап бошлади? Билмайман. Аммо айлантириб, адамга тақашидан таҳликаадаман.

-Биз ўз йўлимизни бошқа кўринишида бўлсада, сақлаб қолдик, юз ўғирмадик. Ичимимиздан лўттибоз, хоинлар ҳам чиқди. Умримизнинг катта қисми ўшлар билан курашга сарф бўлди. Агар “Марказ” маҳкам турмаганда, алкаш Оқпошшо ҳамма ёқни дабдала қиласди. Шундай кунларни бошимизга солдики, ухламай чиққанмиз. Чумчуқнинг чунгидек жойга ҳам мустақиллик бериб юборган. Ишонасанми, ҳатто Чеченистонга мустақиллик берганди. Битта озари эса, нима эди исми? Ҳа, Элчибей деган, Кремлга кириб ўз тилида гапирган. Алкаш даврида Кремл кирланиб қолди. Лўттибозлик эди. Хайриятки, Владични олиб бердик. Укамдек гап. У келмаганда мозоримиз бозор бўлиши аниқ эди. Ер билан яксон қиласди. Демокартаяси нима? Брежнев билан "шарофчик"нинг оғиз ўпишгани каби гап!

У коняқдан яна бир қултум ичдида, қора шоколаддан ярим бурдасини оғзига солиб, ўйланиб қолди. Балки мустақиллик арафасида Рашидов номини оқлайлик, деганлар кўп бўлгани учун, байроқни ўзи қўттарганини эсга олгандир? Кейин нимадир бўлганки, у айниганди? Бу ҳақда ўқиб хайрон қолгандим. Мана энди сир кўчди, юрак тагида нафрат бор.

-Аданг “Марказ”нинг юрагимга отган ўқи. Ўрнашиб қолган. Олиб ташласам, ўлишим мумкин. Олмасам оғриқ бермоқда. Бу ўқни бир умрга ташийман-ов?..

“Худога шукур!” Хаёлимдаги булутлар сонияда тарқаб кетди.

-Уни бекорга юбормадим. Санга айтмаган бўлса керак ёки ўқишга кетаяпман, дегандир? Бу ёшида ўқиш борми? Ўша ерда ётиб оласан ва гап нимадалигини ўрганиб, калавани учини топиб, тугунни ечасан, деб жўнаттим. Аданг “Марказ”нинг ўқи бўлгани билан менинг юрагимда. Менга ишлайди, унга ишонаман! Умрида бир марта алдади. Италияга бориб, ишни бажармай келди. У абраҳни битириши шарт эди. Бу сенга қолди...

“Батя” чукур нафас олди. Кўзини бир нуқтага қадади. Юзи gox тундлашар, gox ғазаби уфурап ва ортидан сирли жилмайиб ҳам қўярди. Хаёллари алғов-далғов. Юзи айтиб турибди.

-Сен ҳам бундай гапир энди. Гунглик замони ўтди. Савол берсам, жавоб бер, нега улфат қилиб олдим?

-...

-Биласанми, дунё дегани катта қамохона. Муддатинг бор. Келасан ва муддатинг битганда чиқиб кетасан. Қамоқхонада “пахан”лар бўлади. Агар биттасининг этагини тутмасанг, бошқасига емсан. Дунёда катта кучлар бор. Аммо улар демократиясини суқади. Нима эмиш, инсон ҳақлари эмиш. Ҳей, қисиб ўтири, ўзингда инсон ҳақлари борми? Нима эмиш, эркин сайлов эмиш! Пулинг бўлса, эркин сайлов. Нима эмиш, матбуот очиқ бўлсин! Сани масхара қилиб ўтиrsa, ёқса, қичиғинг шу билан қониқса,

беравер эркинликни! Дўмбирангни менга чалма! Бизни боболар демократия қурганда санлар иштонсиз юрган эдинг, оёғингга латта бойлаб! Шарқнинг шарқона демократияси бор!

“Батя” худди минбардан гапираётган каби илҳомланиб кетди. Юрагидагини эмин-эркин чиқариб ташлаётганди. Боя жумракнинг сувини очиб қўйганди. Унинг ёшлигига сухбатимизни ёзиб олмасин, деб шундай қилишган. Бугун сувни ичига кириб гаплашсанг ҳам шовқинни тозалайди. Ўрганган қўнгил, ўртанса қўймас!

-Қуй яна бита!

Бу сафар шоколадга қарамади ҳам. Сўзида давом этди:

-Мана ўзинг айт, ўғлим! Агар подшо одил бўлмаса Беруний чиқармиди? Керак бўлса, Америкасини кашф қилиши учун подшо унга шароит қилиб берган. Хатоми гапим? Ётарди Хоразмнинг бир четида. Давлатни ўз қўлида ушлаган подшо бўлганки, Ибн Сино, Хоразмий, Термизий ва ана у бухорийларни чиқарган. Ботқоқдан олим чиқадими? Агар ман шароит қилиб берсам, олим чиқади! Ишонмайсанми бунга?

-Ишонаман...

-Ишонмадинг! Бошқа мисол. Ёзувчи шоирлар бор-а? Ман минбар берсам, китобларини чиқарсан, уй берсам, дача берсам, ёзганлари бир тийинга қиммат бўлса ҳам мактабда ўқиттирсан машҳур бўлади. Ўзига бино қўйган ашулачи бор эди. Дўриллаб айтиб юрарди. Отарчи! Блин! “Ўчир овозини!” дегандим. Халқ унутди, қўйди! Совет давридаги саёқ шоирларни улуғладим. Буларига кўрсатдим, нима хохласам шуни қиласман! Аммо “Россия, Россия менинг ватаним!” деганини авлод аждоди билан осмонга чиқариб қўйдим. Қарши чиққани Худо уради! Бизга маданият ўша ердан келди. Бўлмаса, Афғонистонга ўхшаб қон кечиб юрардик!

“Наҳтоли ҳар кун шунақа ваъз эшитаман”, деган гап хаёлимга келди ва дарҳол ўчирдим. “Батя” ҳақ. У ўзи истаган одамига қаҳрамон унвони берса, бас, ҳамма уни авлиё деб билади.

-Бу халқни миридан сиригача яхши биламан!-деди “Батя” фикрларини асослашга урингандек.-Мукофотнинг қули. Орден, медал бериб қўйсанг, эркини ҳам, ўзлигини ҳам сотади. Шунинг учун аҳд қилганман ҳар йили неча миллион тонна пахта етиштирилса, ўшанча миллион орден, медал, мукофот тарқатаман, деб. Битта қофоз, битта темир, битта диплом нима деган гап.? Шунга сотилади ҳамамси! Умр бўйи қулинг. Совға бер, олға юр!

Бу гапни нега гапирайпман? Бойнинг боласи Гугушнинг идораси ёнида авария қилиб ўлди. Владич буни Гугушдан кўраяпти. Кимдир шунга ишонтирган. Телефонларимни олмаяпти.“Марказ”да ҳам қандайдир иккиланиш шамоли эсмоқда. Гугушни исташмаяпти. Мана сен ёш. Айтчи, Гугуш нима қилиб юрибди?

Индамадим. Аммо бу сафар индамасдан қутила олмайдиганга ўхшаяман.

-Нима, фикринг йўқми? Ёки ана у қизни севиб қолдингми?

-Йўқ... Фикрим бор. Сиз ҳар қандай муаммога йўл топа олгансиз ва бунга ҳам топасиз!

-Йиғиштир бунақа лүттивозликни! Буни ҳамма айта олади?

-...

-Сендан аник фикр сўраяпман. “Дангасалар” ҳақидаги гап сендан чиқкан экан. Менга ёқди. Отанга “болангдан ўрган” деб сени мақтадим, сен бўлсанг қулогимга тепиб ўтирибсан...

Энди гапирмасам бўлмайди. Нима дейман? Гугушни ҳимоя қилсамми? Йўқ! “Батя” аллақачон у ҳақда ёмон фикрга келиб бўлган. Акс тақдирда ўшқирмас эди. Кўнглидаги топишим керак. Гугушни жазоламоқчи. Жазоламаса, Владич билан орадаги муз эrimайди. Чет элда бошланган текшир-текширни баҳона қилиб, “Марказ” қизи билан кўшиб, ўзини ҳам “кўтариб” юбориши ҳам мумкин.

-Битта йўл бор,-дедим узил-кесил қарорга келиб.-Опани жазолашингиз керак.

-Қандай жазо? Сенга топширайми? Ярамас қиз жойимга кўз тиккан. Орқасида ёшлар турибдимиш. Уларни ташкиллаштириб юборибдию, санлар жим!

-Агар уй қамоғига солиб қўйсангиз, ташкилотларни бир кунда тинчитамиз, “Марказ” ҳам мамнун, Владич ҳам...

-Тўхта! Мен сени фикрингни уқир эдим, энди сен уқий бошладингми? Хон тўплаган фолбинларни ишга солмаяпсанми?

-Сиз юрагимдагини сўрадингиз, шуни айтдим. Жим бўл, десангиз, гунгман!

-Йўқ! Сен билан гаплашмасам, кимга ҳам айтаман бу гапни?

-Жазоласангиз бутун дунёда сизга ҳавас қилишади. Амир Темурдан тортиб...

-Сталин демоқчимисан...

-Бир томонда Гугуш, қолганлар иккинчи томонда... вақтинча иккинчи томонга ўтиш керак.

-Ана бу олтин калладан чиқкан гап, вақтинча!

-Тергов очиб қўйсак, ишни анча чўзамиз.

-Лекин опангга бас келдигани йўқ. Тепағон. Тергов-мерговингни тепиб ташлайди. Илгари “Марказ” уни қўлларди. Балки ичкарида яширин тарафдорлари ҳам бордир?

-...

-Бўпти! Ўзинг бориб олиб кел уни, қарагин, ана у қизнинг қўйнига кирма, яна. Бу сафар яширадиган ойинг ёнингда бўлмайди... кўрдингми, опанг сотиб кетганди сени!

“Ер остида қимирлаган илонни биламан” дегандек “Батя” жилмайиб, бир қўзини қисиб, кулдида, қадаҳни олмоқчи эди, қора телефон жиринглади.

Яrim тунда ким бўлдийкин? Қизариб турган ранги оқарди. Шартта ўрнидан туриб, “кетма” ишорасини кўрсатиб, ичкари хонага ўтди.

40. “Ложа”

“Батя” ичкаридан мамнун қиёфада чиқди:

-Куй яна битта, охиргиси, кейин ётамиз,-деди.-Кўрдингми, ўзи телефон қилди, ўзи! Бу телефондан бошқа одам сим қоқа олмайди. Бу “қора линия”. Ҳеч ким билмайди, ҳеч ким

эшитолмайди. Эшитаман деса, эшитадио, аммо калласи кетади! Жуда күплари орқасини ушлашга улгурмай қолган. Владич бу масалада мендан ҳам маҳкам. Метин! Ялинди-я?! Сочига келинг, ўйинларни бирга томоша қиласиз, қаватимда туинг, деди. Уни “ложа” миз раиси этиб кўтариб, хато қилмаганмиз. “Устоз” деб айтди! Тан берди, нихоят! “Батя” сухбатимиз давомида бир неча марта “қора телефон”га қараб қўйганди.

“Нега?” деб ўйладим. Мана энди аниқ бўлади.

-Аданг мана шунаقا эркак! Антарктида музликларини ҳам қимиirlатади, лозим бўлса? Мана Владични буқди, ўзи телефон қилиб, ялиниб, ёлворди, сизлаб гапирди, мен эса сенсирадим. Сизлаш бизда обрў ҳисобланади. У шунга риоя қилди. Уларда эса, сенсираш обрў! Яқин одамингни сенсирайсан. Ана, туркларда ҳам щундай! Ўзи умуман дунёда ҳамма яқинини сенсирайди. Фақат бизда сизу биз! Лекин мана кўриб юрибсан, яқинларимни сенсирайман. Мулозамат қилишни ёмон кўраман. Ахмоқлар бужмайиб юришади. Балони ҳам тушунмайдилар. Бир вақтлар битта жўжахўроз “сенсираманг” деган. Сенсирайдиганлар юртидан қўним топди!

“Батя” қадаҳдаги конякни ҳўпладида, қайтадан жойига ўтириди. Қўлига шоколадни олди:

-Шу сабилни оқшом еманг, дейди. Аммо ейман. Кейин уйқу келмайди. Аданг билан тонг оттирган пайтларимиз бўлган. Майли, қуй яна битта. Аданг... олтин! Ҳар қандай ишни бажаради. Тарихга кирган воқеалар бор. “Феврал портловлари”, “Андижон отишмаси”. Аданг мукаммал тайёрлаган!

Шоколадни жойига қайтариб қўйдиди, диванга ястиб гапира бошалади:

Февралда “салафид”ларнинг ўзини ишга солди. Ҳам халқни, ҳам амалдорларни мудрашдан уйғотди. Энг асосийси, “Сизларда радикал диндор йўқ” деган “ложа”ларни оғзига латта тиқиб қўйдик...

“Ложа”? “Батя”, икки марта айтди бу сўзни. Олдин айтмас эди. Агар бир марта айтганда, тасодиф. Икки марта... Нимани назарда тутдийкин? У хаёлимдаги саволимга парво қилмадими ёки ойим ўқитган гапларнинг таъсири бўлдими, ҳар қалай мен бошқа нарсани ўйладим, у бошқа нарсани гапирайти:

-“Андижон” ҳам мукаммал ишлаган лойиҳа. Ўшанда Владичнинг топшириғи билан америкаликларга база очиб бердик. Кейин ёпиш керак, деб туриб олди. Нима қилишим керак? “Катта кучлар” бир соатда бошингдан олов сочиши мумкин. Устига устак ўқотар учқичлари шу ерда эди. Аданг Андижон томошасини режалади. Зўр чиқди! Ўзим бошида турмасам, босимларни енга олмасдик. Владич ҳам англаб қолди ва бизни қаттиқ туриб, ҳимоя қилди. Унинг душманига зарба бериш учун замин яратдик-да! Тупикка кириб қолиб, базасини орқага ташиб кетишнинг иложи ҳам бўлмади. Қуролларини текинга ташлаб кетди. Бу манимча, тарихнинг энг яхши ўйини эди! Темурланг ҳам бунақасини қилолмаган. Ана Афғонистонда судралиб юрибди. Ироқда ҳеч нарса қилолмади. Бунақа ишлар учун онийдан қарор оладиган қаттиқ мушт керак. Нима эмиш, халқаро текширув қилармиш! “Ложа”да қора кийиб ўтиради. Аммо тишини оқини кўрсатишга уринади.

Андижонда кўп одам ўлмади! Жар солиши мингта, беш мингта, деб. Санаб бердим. Уч юздан озгина ошди. Ўттиз миллионтанинг ичида уч юзтаси нима дегани? Ҳатто бир фойиз ҳам эмас. Хўп, ўнг мингтасини отиб ташласам, нима қилишарди? Каллаварамлар! Агар саккизта “салафид” босиб олса, миллионтанги дорга осарди! Қатор қилиб қўйиб,

бошингни танингдан жудо қиларди! Бу шахмат. Пиёдани қурбон қилиб, отни ютиб оласан! Бундай тажрибани шохидан илдизигача ўрган, керак бўлади. Вазифа сенга тушади.

Ўйланиб қолдим. Бизда салафийлар бормикан? Турли оқимлар борлигини биламан. Бу ердан кетган болалардан салафийликка қўшилганлари бор. Улар келиб, босиб олиши, қийин масала. Адам ҳам уларни мисол қиласди. Шу масалани ҳам бир “ковлашим” керак экан.

-Санга ўрганишинг учун бир ойлик вазифа бу,-деди “Батя” ўзи мукаммал деб айтган “Андижон”ни назарда тутиб.- Ҳамма нарса қўл остингда. Хатоларга йўл қўйилган бўлса, нега ва кимлар айтасан? Чорасини қўрамиз! Айримларини йўқотиш учун сабаб керак...

Шу жойга етганда у хуррак ота бошлади. Ташқарига чиқсан, доктор, ҳамшира ва Хон кутиб ўтиришибди.

-Сан нега тинмай қўйиб турибсан? “Батя”ни ўлдирмоқчимисан?-деди доктор.

Миям портлаб кетди.

-Сен нимани биласанки, гапирсан?-дедим унга.

-Ана қўриб турибмиз...,-телефизорни қўрсатди.

Тамом. Қарор олишим керак. Ўлдирмайман, аммо ўлмасдан бешбаттар қиласман.

Докторнинг қорнига шундай тепдикни бир муштга айланиб, гандираклаб кетди. Ўзини ушлаб қолмоқчи эди. “Батя”нинг столи устидаги нарсаларни супуриб юборди. “Батя”нинг севимли хурустал vazasi учиб кетиб, деворга урилди.

Бирдан алаҳсираган қиёфада “Батя” ичкаридан чиқиб:

-Нима гап? Диндорлар босдими?-деди.

Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушди. Бундай пайтда ким олдин ҳаракат қиласа, ўша ютади.

-Булар сухбатни томоша қилиб ўтиришган экан, балки ёзиб ҳам олишаётгандир?-дедим унга.

-Нима? Ҳов, Хон, сан қаёққа қарадинг?

Менга ўхшаганнинг бештасига дарс берадиган Хон “Батя”га яқин келиб, унинг қўлидан тутди.

-Хатолик бўлди, тақсирим,-деди,- дарвоқе, бу хушёр укамизга “ложа” ҳақида озгина гапириб берайнми?

-Эртага кетамиз, Сочига, ўзим айтаман унга.

“Батя”нинг кўзи хрусталга тушиб қолди, Уйқудан уйғонган одамдек бир силкиниб, ўша томонга юрди. Вазага эгилмоқчи эди, доктор бир ҳамлада олиб берди, уни масхара қилгандек кулдида:

-Масажчи қизларни чақир,-деди.

41. Сақир

Бундай воқеадан кейин уйқу келадими? Оғир саволлар уйқунинг косасини синдириб, синикларини хаёлнинг кўчларига сочиб юборди. Юриш қийин. Ўтирган жойинда жавоб топишинг керак. Хайриятки, компьютер бор. Жонга ора киради.

"Ложа"ни қидирдим дастлаб. Оддий файлларда йўқ. Махфий "папка"дан ҳам топмадим. "Мутлоқ махфий"да иккита ҳужжат бор экан.

Биринчисини очдим. Масонлар ҳақида. Унинг тарихи, ғишт терувчиларнинг биринчи кенгаши сифатида тузилгани ва ҳоказо маълум гаплар. Дунёдаги энг катта сирли, қудратли жамиятга айлангани ҳақидаги мақолалар. Аммо "Калла суюги", "Билдерберг" ва бошқа сирли ташкилотлар унинг ҳовуруни анча босиб қўйган.

Қизиқ? Масонлар Худога ишонаркан? Батя эса ишонмайди. Ўзини ишонгандек кўрсатади. Аммо Худони ҳам назоратда ушлаб турибман, деб ўйлади. Фақат Владичдан чўчийди. Унинг худоси Владич!

Масонларда интизом кучли экан. Батя эса интизомсиз.

Улар қоидабоз, бизники хаёлига келганни қиласди.

Уларнинг шиори "Ўрган ё ўл". "Батя" фақат ўргатишни истайди. Бошқаларнинг айтгани ҳам унинг айтгани! Бундан ҳазар қилмайди, роҳатланади!

Ундай бўлса, нега "ложа" сўзини ишлатди? "Машварат" деса бўларди-ку?

Иккинчи файлни очдим. Тушуниш қийин.

САРБОН. САРВАР. САРДОР. САРКОР. САРКОТИБ. САҚИР.

Бу сўзларнинг мағзини чақаман, деб мудраб қолибман. Ўзимга келдиму апал-тапал тайёргарликни бошладим. Кўп ўтмай йўлга чиқдик. Учқичда "Батя" "очилиб" қолди.

-Горбач масонлар ложасига таклиф этганда хурсанд бўлгандим. У политбюронинг ҳамма аъзоларини масонликка ўтказди. Сайлов куни ўғрига ўхшаб, бошига қоп киради. Сайловда сийловни чеклармиш шу билан. Лекин танийман, деган одам билиб олаверади. Горбачнинг ҳам мажлисга борганини билиб қолиб, дўмбира қилиб чалишганди. Биринчи марта сайловга борганимизда, ёнимда пакана, семиз одам турган экан. Бошида қора халта. Туркия президенти Сулаймон Демиралнинг гавдасига ўхшади. Ўшанда битта туркча калимани билганим иш берди.

-Наслсин...,-дедим секингина. Кутмаган эканми, "қандайсан" деганимга "шукур" деб жавоб қилди. Кейин тушуниб қолдими, нафас олишини ҳам секинлатди.

-Шум манда ўзиям,- "Батя"нинг кулгиси қистаётганди.-Кейин чап томонимдаги одамга қарадим.

Энди кулиб юборди. Қизиқ ҳолат. Мен ҳам кула бошладим. Қарасам, узоқдан бизни кузатиб турган хизматчи ҳам кулди. Учқичнинг бир четида ўтирган Хон ака ҳам. Эшигиб қолишса, учқичнинг олдинги қисмидагилар ҳам кулишарди. Лекин ўртада "девор" бор. Эшик эса берк.

"Батя"нинг кулгидан қисилган кўзлари ёшланди.

-Привет,-дедим. У яна кулди.

-Молчат!-деган овоздан танидимки, чап томонимда Горбач экан.

"Батя" кулгидан тўхтаб жиддий гапира бошлади. Хизматчи қиз ғойиб бўлди. Хон ака бошини эгди.

-Уларда қаваталар сони ўттиз учта бўлиши керак. Ҳамма нарса ўттиз учта. Қасамёд қилганда ҳам шунча сўз. Владичнинг биринчи қасамёдини топиб, кўр! Ўттиз учта сўз! Ўзим ҳам қийналиб кетганиман, ўттиз учга мослаш учун! Ахмоқчилик. Символ эмиш!

Бу ҳам майли. Ниятлари яхши гап, ширин сўз билан илонни инидан чиқариш, кейин алдаб-сулдаб захрини олиш. Ғирт жиннилик! Илонга севги қўрсатиб бўладими? Чақиб олишини кутиш керакми? Чўпдан узун қошиқ ясаб, уйига тиқасан. Чаққанича чақсин чўпни, кейин тортиб оласан. Заҳар қўлингда. Кейин тешикдан ўзини чиқарасан. Озгина боқасан. Оғзига гўшт тиқасан. Оlam гулистон, пиёлангни тишлаб захарини тўкиб бораверади.

У илон ҳақида эмас, ўзига қарши бўлган одамлар ҳақида гапираётганди. Тушуниб, ҳазм қилсин, дедими, анча куттирди. Кейин давом этди:

-Ўтган йил қора денгиз соҳилида иккаламиз алоҳида гаплашдик. Владичга англатим. Унинг ўзи Ҳоқон бўлиши кераклигини, биз масонлар таркибида қолсак ҳам, қоидаларни ўзгартиришимиз шартлигини айттим. Кўнглидагини топибман. Ўз пирамидамизни туздик.

Ҳоқон энг тепада-Сарбон. У асрнинг, юз йилликнинг рамзи. Бу жойга Владични таклиф қилиш керак бўлганда, унинг бошидан оёғигача пахта мойи қўйганман. Бизникилар “пахта қўйиш” дейди. Бу ёмон гап. “Мой қўйиш” деса яхшироқ. Пахта қўйишда сен камситиласан. Мой қўйишда сен тепадасан...

Учқич бир қимирлагандек бўлди. “Батя” мавзудан чиқиб, учқич ҳақида гапира бошлади:

-Махсус “Боинг”дан бештасини олишим мумкин. Аммо ҳаётингни топширган бўласан. Уни бошқаришади, истаган жойларига қўндиришади, гапларингни ёзишади, ўзингни томоша қилишади... Шунинг учун мана шу эскисини минаман. Қимирласа, қимирласин, лекин мустаҳкам.

У шундай деб учикчнинг шифтига ва атрофга қараб қўйди.

-Аданг буни текшириб турарди. Сенга ҳам ўргатдими?

Кармоққа тушдим. “Ҳа” десам ёлғон. “Йўқ” десам бўлмайди. Индамадим.

-Ҳа, майли уни шошилинч юбордим, улгурмаган. Лекин ўрган!

Масонлар ҳақидаги гап ёдидан кўтарилиди, деб ўйлагандим, мавзуга қайтди.

-Нима деяётган эдим?...Ҳа, Ҳоқон... У пирамиданинг учиди. “Сарбон”. Олтинчи қават. Аср, юз йиллик рамзи. Карвонбоши!

Сарвар эса бешинчи қават. Бир йилда ўн икки ой бўлганидек, бу “ложада”да қўпи билан ўн икки киши бўлади. “Сарвар” “Сарбонга” тобе. Бир кун келиб “Сарбон” бўлиши мумкин. Гуржилардан чиқсан. Хаҳоллардан чиқсан. Уруслардан чиқсан. Миллатига қарамайди. Навбат...!

У жим қолди. Тушундим. Бутун орзуси шу. Олдинги катта мамлакат тарқалиб кетганидан ҳам шунинг учун хафа. Уни бир кунга бўлса ҳам бошқаришни орзу қилган. Орзу! Қандай туғилади? Кимdir илҳом беради. Рағбатлайди. Ишонтиради. “Батя”ни ишонтиришган. У ҳали ҳам ишонади.

-Мана шунинг учун курашамиз! Бу курашда ёнимда туриш учун сени танладим!

“Сардор” Тўртинчи қават. “Сарвар”нинг командаси. Алмаштирадими, тепадими, сўқадими, ўзи билади. Аммо бош эгик туриши шарт. Бу синовдан ўтмаган пастга

тушади. Бирданига энг қуйига тушиши ҳам мумкин. Опанг шунга риоя қилмади. Қасамни бузди!

“Саркор”. Бу учинчи қават. Ишловчилар, буйруқларни бажарувчилар, хазинани тўлдирувчилар. Бу “қават”даги робот бўлиши керак. Акс тақдирда... у ёғини ўзинг биласан.

Кейингиси, “Саркотиб”. Иккинчи қават. Булар қулларни ишлатишади ва ҳисоб-китоб ишларини олиб боришади.

Энг ёмони ”Сақир”. Пирамиданинг ости. Жазо минтақаси. Қуллар макони. Пирамидани улар кўтариб турадилар...

“Батя” бирор нарсани унутмадимми, дегандек ўйланиб турди, ва:

-Билиб турибман,-деди.- “Марказ” қани деб ўйляйпсан. "Марказ" Сарбоннинг қўл остида. Бу ложанинг маркази. Фаолиятни ташқи ложалар билан уйғунлаштириб боради. Ҳозир четдагилар ҳам севги, яхшилик деган “маска”ни ечиб, биз каби ўзларини очиқ кўрсата бошладилар. Умум душманга қарши кураш, ёмонлардан қутилиш каби масалаларда бирга қарор олайпмиз.

“Батя” ҳайрон қолиб тикилиб турганимдан илҳомландими ёки ўзини жуда ақлли ҳис этдими, ҳар қалай ичгиси келди. Аммо:

-Самолетдан тушолмай Оқпошшонинг олдингисига ўхшаб, дунёга шарманда бўлмайлик, борганда ичамиз,-деб қўйди.

Бориб етишимиз билан унга Адам телефон қилди. “Батя”нинг кайфияти бузилди. Ортга қайтмоқчи бўлди. Кўп иккиланди. Шу дамда адам ёнида бўлганда уни “еб-ичарди”.

-Бу ёққа кел,-деди менга,-Бу кимнинг иши? Бойнинг хунарими? Владичнинг ўзидан чиқдими? Қандай қилиб мен қувган одамни мени ёнимга қўяди? Ким сотилди? “Марказми?” Владичми? Ким? Йўқ бу ерда бошқа гап бор! Ҳозироқ жўна, мен қайтгунча Гугушни олиб кел ва мелисага топшир. Прокурорга айт, у ҳақда бирор нарса ёзиб, тарқатсин!

Шу зайл каминага сирли дунёга кириш ҳам насия бўлиб қолди ва Сочидан Испанияга жўнаб кетдим.

Нимагадир хафа эмасдим...

42. Бахт

Бир нечта қизил паспортим бор. Қаёққа чиқишимизга қараб ишлатаман. Авропа томонга чиқсак, “Батя”нинг маҳсус масалалар бўйича ёрдамчиси, деган хужжат билан олий мақомли дипломат паспортини ишлатаман. Ҳамма жойда қўк чироқ ёқилади. Чунки аксар мамлакатлар билан бу хусусда протокол имзоланган.

Бир пайтлар опани олтинлари билан Дубайга киришда ушлашган. Роса жанжал кўтарган. У даврда унинг бутун бизнеси Дубайдага бўлган. Шундан кейин шайхларнинг Орол бўйида ов қилишига йўл очилган.

Тезда дипломатлар дахлсизлиги бўйича конвенсияга ҳам қўшилганмиз. Чет элда ҳамма ҳам дипломат бўлолмайди. Бизда-жуда осон. Мана, ўзимда бир нечта паспорт бор. Бирортаси ҳам сохта эмас. Барчаси расмий.

Бир неча йил олдин Мудофаа вазирлигидан биттаси Америкага киришда қўлга тушган. Паспорти сохта чиқкан. Баҳонада бунга чек қўйилган.

Хар битта паспортимда исми-шарифимдаги битта ҳарф бошқача ёзилган, холос. Ҳозирга келиб, сурат орқали текширишга ўтилди. Бунинг ҳам чорасини кўраяпмиз. Бир томчи суюқлик кўзнинг рангини ўзгартиради. Соч-соқол, кўзойнак ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Зарурат туғилганда-пластик амалиёт.

Хуллас, адам айтгандек, қараб турмаймиз. Москвада пайдо бўлган нарса аввал бизда синааб кўрилади.

Қўналғадаги ВИП хизмати дарҳол учирив юборди. Чиптам Сочидан Париж орқали Мадридга. Ҳамма Сочи томонга ошиқмоқда, орқага қайтишда ўриндиқлар бўш. Бизнес классда эса ҳеч ким йўқ. Дам олишга имкон.

Махфий ташкилот сирлари ва қиши олимпиада очилишига жуда қизиққандим. Аммо начора. Кўнгил ҳам бу томонга тортди.

Ишқилиб сароб бўлиб чиқмасин? Опа мени сотиб кетган бўлса, Евани бирор томонга жўнатиши ҳам ҳеч гап эмас.

У нима учун мени сотди? Бунга эҳтиёжи бормиди? Қолаверса, “Батя”нинг феъли шунаقا-ки, кимдандир хафа бўлса, ундан узоқ туради. Бу абадиятга чўзишлиши ҳам мумкин.

Ўшанда Гугушдан жуда хафа эди.

Наҳотки, у билан гаплашди? Тўхта, балки бошқаларга қилган ўйинни менга ҳам қилдими? Маълумотни панадан олиб, мени опага қайрадими? Отаси қизидан, қизи отасидан ўтаман, дейди? Икки олов ичига тушдим-ов?

Нима қилоламан? Евани унунишим керак! Олдин ҳам шундай хulosага келгандим. Аммо қандайдир туйғу юракнинг остида “ухлаб” ётган экан. “Испания” деган сўз бу туйгуни оловлантириб юборди. Евани унуга олмасам керак? Дунёда қанча қизлар бор. Аммо ишқинг биттасига тушади ва унинг кипригига осилиб қоласан, деган гап тўғрига ўхшайди. Йиғламасин, тушиб кетаман..

Ана шундай қарама-қарши туйғулар ичиди Парижга етиб келдим.

Мадридга борадиган учқични кутиб тургандим, опа телефон қилиб қолди.

-Мени олиб кетишгами?

Бу ёғи неча пулдан тушди? Ким айтти? Қаердан била қолди? Буни “Батя” ва мен билардим-ку? Отаси ер остида илон, қизичувалчанг қимирласа биладими?

-Хуш келибсан? Келавер! Аммо сен келгунча ўзим ҳам бормоқчи эдим. Аданг телефон қилди.

-Мен Париждаман.

-Биламан, Киев қўналғасига телефон қилиб аниқладим. Ўша ерда тур. Евани юбораман. Аммо унгача Брюселга ўтиб келасан. У ерда бир иш бор. Аданг ҳам билади.

Тоқатсизлик билан кута бошладим. Кўп ўтмай опа қайтиб телефон қилди.

-Кетмай тур. Аэропортда учрашасизлар! У Мадридан келадиган рейсни айтди. Вақт бор. Жомадонни юхонага қўйиб, овқатланиб, шаҳарни бироз айландим. Эй菲尔 минорасига бормоқчи эдим, яна телефон жиринглади.

-Қаердасан?

-Шу ердаман.

-Шу ерда, қаерда?

-Шаҳарда...

-Аеропортда тур, демаганмидим?

Тавба қилдим. Осмондан тушдими? Дарров такси олиб, етиб келдим, юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти. Худойимга шукур! Ҳамма ишимни енгил қиласи. Мана яна Евага етадиган бўлдим. Бир даста гул олсаммикан? Кийимлар ҳам жомадонда. Соқолим ўсган. Нега олдинроқ ўйламадим?

Аеропортга келиб, опа айтган жойга борсам, унинг ўзи турибди.

-Жентелменлик ҳам йўқ сенда, кутиб турмайсанми? Аҳволингга қара? Ўғрига ўхшайсан! Конундаги ўғри! Йўқ, мафия! Ҳатто гул ҳам олмабсан!

Атрофга қарайман. Ева қани? Қаерга яширди уни? Ҳеч ким йўқ. Соқчилари қани? Опа ҳеч қачон бир ўзи юрмайди-ку? Нима гап?

-Шунақа, Испанияга бир ўзим келиб, бир ўзим кетаяпман. У ерда элчи бўлганимда ҳаммаси орқамдан югуради...,-деди у.

“Батя” уни элчиликдан олгандан кейин ҳам у Мадриддаги кошонасини сақлаб қолди. Отасидан яна Испанияга элчи бўлиб қайтиб боришни сўраганми, у вазирга “жўнат” деганди. Аммо... Дипломатия тарихида бунақаси бўлганми, йўқми, билмайман, опани иккинчи марта юбормоқчи бўлишганди.

Хуллас, ота қиз орасидаги муносабатни тушуниш қийин. Улар рол ўйнаётганга ўхшайдилар. Ҳаммани лакиллатишмоқдами? Менимча, Мадридда гап кўп. “Батя”нинг асосий хазинаси ўша ердамикан? Унда нега мен билмайман? Демак, ҳали ҳам энг муҳим одам эмасман? Адамчи? Адам бу сирни билармикан? Билса керак.

-Гап бундай?- Опа хаёлимни бўлди.- Аданг ҳам билади. Менга ишонмайсан, биламан. Аданг билан гаплаш. Уйга ўзим бораман. Мени тутиб турадиган мард йўқ. Ҳаммасини фош қиласман! Хавотир олма, Ева билан кўришасан. Мен Мадридан элчихона юки орқали Брюселга “посилка” юбордим. “Китоб” деб ёзилган устига. Шуни олиб, мана бу адресга етказасан. Тез бажаришинг керак. Бу “Батя”нинг шошилинч топшириғи. Олимпиада учун керак! Бажармасак, ёндиқ! “Марказ”нинг назоратида.

У шундай деб телефонини очиб...манга узатди.

Адам экан.

-Битта ишимиз бўлмай қолди, айтганини бажар,-деб гапни қисқа қилди.-Кейин Москвага кел, ошиғинг кутиб ўтирибди.

Бояги шубҳаларим ростга айланана бошлади. Ҳаммаси мен билан ўйин қилмоқда?

-Хаёл сурма! Телефонда кўп гапни гапириб бўлмайди. Шунинг учун “код” билан гаплашамиз. “Батя” ваъда берган, битта “қози”ни сотиб олиш бизга тушган “Осечка” бўлди. Ҳадясини улгурмадик. У айниб қолибди.

-“Посилка” оғирми?-дедим.

-Енгил эмас.Олмалиқники...

Тушундим. Демак, олтин учун олтин етказиб беришим керак. Кимга? Наҳотки судялар сотилиши мумкин? Оддийгина олтин медалнинг баҳоси шу қадар қимматми? “Батя”нинг жаҳли чиққани шунданми ёки уни ким биландир ёнма-ён ўтқазишмоқчи бўлишгани учунми? Балки ҳар иккаласи бир "чўмич"дир?

-Кейин “Топ ва Тинчит!”,-Опа идорамиздан у ерга борган вакилнинг суратини берди.

Уни кузатиб қўяман десам, у мени кузатиб қўйди. Тез кетишим керак экан. Элчи кутиб олди. Дарров танидим уни, ўзимиздан, илгари вазир ҳам бўлган.

“Посилка” ни олдим. Вакил қочиб кетганини айтди. Ишонмай яшаган жойига бордим. Қўшниларидан суриштирдим.

-Касалхонада бўлса керак, “Тез ёрдам” келганини кўргандай бўлувдим,-деди биттаси. Биргалашиб телефон қилиб, госпиталда ётганини аниқладик.

Қидириб топдим. Элчи қизиқиб ҳам қўрмаган, хусумати бормикан, пайтини топиб ундан қутулмоқчи бўлган. Адресини сўраганимда тили буралиб қолгани ҳам шундан-ов?

Вакилнинг ахволи оғир. Мени кўриб қўркиб кетди.

-Танийсанми мени?- дедим.

-Танимайман. Аммо муҳим топшириқни барбод қилганимни биламан. Юра олмай қолдим. Оғриқ жуда ёмон. Ошқозонимнинг бир қисмини кесиб олишди. Ичкаридан туғиб қўйишган. Телефоним уйда қолган. Ҳеч кимга хабар беролмадим.

Бу гапларни у аранг айтди. Лаблари қовжираб, кўзлари чўкиб, озиб-тўзиб қолганидан ҳам унга ишонса бўлади.

Адамнинг гапи ёдимга тушди. “Бу шиша ошқозонни чиритади”. Демак... ҳа, бунга ичиришган. Ким? Опада ҳам бормикан, ўша заҳардан? Йўқ, Адам бошқа одамда йўқлигини айтганди.

-Бир неча кундан бери касалхонадаман. “Посилка”ни олиб қочибди, деб ўйлаган бўлишса керак...

-“Посилка” қаерга келганди?

-“Батя”нинг маҳсус одами олиб келганди.

Кўринишини сўрадим. Адам!

Буни касалхонада тинчтиш мумкин эмас. Қоида шундай. Видеога тушиб қолиш мумкин. У билан яхши гаплашиб, дўстларидан салом етказган одам каби чиқиб кетдим. Уйига келиб, “посилка”ни олишим керак. Биттасини етказадиган жой бор. Аммо иккинчисини нима қиласман. Қаерга яшираман? Олтин эмас, бошнинг балоси! Уйида қолдирај, десам оиласи йўқ. Бирор шубҳа туғилиб, уйини текширишса, иш расво. Балки иккаласини ҳам айтилган адресга олиб бориб берсам-чи? Олтин медал жуфт бўлар? Олтин каллага келган олтин фикрдан илҳомланиб, шундай қилдим ва тезда бу ерлардан йўқолдим.

Москвада “Батя” олиб берган уйимга томон йўл олдим. Майдалаб қор ёғмоқда. Совук, ер музлаган бўлса ҳам қор сирғалишдан сақлайди. Хаёлим вакилда. У ҳақда тезроқ адамга хабар бериш керак. Акс тақдирда ишкан чиқиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Уйга борсам, сим қоқаман, деб ўйладим. Келсам, хоналарда чироқ ёнган. Юрагим дукурлаб кетди. Демак, Ева шу ерда. Хайрият! Тўхта, бу ҳам алдов бўлмасин? Уйга кирмасдан олдин текшириб қўрай-чи?

Кираверишда видеокамера қўйилган. Бошимни ўраб, видеокамера остига келдим. Кўп ўтмай, дача ҳовлининг темир дарвозаси “ғийқ” этиб очилди ва камера остидаги сўзлагичдан овоз эшитилди:

-Ўйин қилма, киравер!

Адам! Нега бу ерда? Калитни қаердан олди? Эх, шунақа ахмоқона, содда савол бўладими? Ўзимни оёқ остига тушиб қолган ва эзилишга маҳкум пашшадек ҳис қилдим. Ўзимдан жиркана бошладим. Нега бу қадар осон лақиллатишди? Қани ақлим? Қани мантиғим? Қани ўрганган фалсафам? Х...м! Кимсанки, ўзингта бу саволни берасан? Сен қора ишларни бажарувчи “киллар”сан! Топшириқ бажарасан, холос! Бажармай кўр-чи? “Батя” эзиг ташлайди. Опа ҳам бармоғининг учидаги ўйнатади. Улар нима, ҳатто Адам ҳам салом-алик қилмай, “буйруқни бажар” дейди.

Шу ўйлар билан ҳовлидан ўтиб, эшикни очсам, Адам жилмайиб турибди. У билан совуқнина қўришиб, ичкарига кирдим. Диванда гўзаллар гўзали ўтирибдилар. Кўнглим равшанлашиб, хаёлимдаги ҳиссий оғриқлар бир зумда тарқаб кетди.

Адам елкамга уриб қўйдидা:

-Бугун дам ол, эртага гаплашамиз, эртага ойинг ҳам келади, тўйни тўртлашиб ўтказамиз. Дарвоқе, сен билан қўшнимиз бу ерда,-деб чиқиб кетди.

Бахт! Кутимагандаги келади...

Бахт! Момик қўллари билан бошимни қучди...

43.Она

Эрталаб адамга вакилимиз ҳақидаги гапни айтиб, хавотир билдиридим.

-Парво қилма! Билишмайди. Бу химиявий заҳар эмас. Табиий заҳар. Ҳатто америкаликлар ҳам билишмаган.

“Батя” ўзига қарши чиққани кечирмайди. Ўшанда Андижонда намойишга чиққанларни қириб ташладик. Патирлатиб отганмиз. Жуда кўп одам қочди. Уларни Руминия ва бошқа жойларга кўчиришди. У ердаги жамлоқлардан катта бир гурухини Америка олди. Кетганлар орасида планларимиздан хабар топган йигитлар ҳам борлигини аниқладик. “Батя”нинг ҳаёти қил учидаги эди. Америка халқаро текширувни талаб этти. Владич биз томонда бўлгани билан Авропа санксия устига санксия қўяётганди. Дунёда эркин кезолмайдиган ҳолга келиб қолардик. Зотан Раис аллақачон санксияга тушганди. Бу ёқда бир аёл судда сирларни айтиб юборди. У томонда ҳам гувоҳлик берилса, ёнардик. Таваккал қилдик. Додвой қилганлар, заҳарлашди деб ёзган-чизганлар бўлди. Аммо исботлай олишмади. Кўнглинг тўқ бўлсин! Уларга ҳозир керак эмас!

Адам хабарларда “Батя”ни қўргани, Олимпиадада авзойи бузуқлигидан қўпроқ хавотирда.

-Медалга вақт бор. Судяниг ҳақи етиб борганини билдиридим. Кўнгли жойига тушганди. Владич нима бўлса ҳам ҳамма соҳада биринчи бўлишни истамоқда. “Сарвар”лар унга ҳадя қилишди. Биз ҳам елкамизга тушганини бажардик. Аммо “Батя” тезда қайтиб кетди. Орқасида турган одамни кўриб, кайфияти бузилгани аниқ. Олдинроқ билганда чорасини кўтардик. Ҳа, бўпти, телефонингни очиқ тут!

У “келинни” билан шаҳарни айланиш режаси борлигини айтиб, Евани олиб кетди. Мен эса ойимни кутиб олишга чиқдим.

Ойим у томонда ҳаммаёқ алғов-далғовлигини айтди.

-“Батя” ва қизи қип-қизил жинни. Ўлгур Гугуш ҳам тинч турмайди. Ҳамма билан иши бор.

-Ойи ундан узоқ туринг.

-Биламан...“Батя” барыбир уни хор қилмайди. Асосий уйдан ёндаги уйга күчиртирди. Аммо кечалари келиб гаплашиб кетяпти. Сан ҳам эхтиёт бўл. Иложи бўлса шу ерларда юр!

Ойим Евани сўради. Кейин:

-Демак узук олишга кетишган,-деди.-Адангни аранг кўндиридим. Йилдан йилга қўрқоқ бўлиб қолмоқда. Соясидан ҳам қўрқади. Қачонгача қўрқиб яшаймиз. Пири кетиб мири қолган бобойни деб умринг ҳазон бўлсинми?

-Унақа деманг, ойи, деворнинг ҳам қулоги бор.

Ойимнинг бирдан жаҳли чиқди:

-Эшитса эшитиб ўлиб кетмайдими? Ер ютмайдими? Олдинига одам бўлиб қолди, деб ўйлардим, Гаплари жуда самимийдек эди.. Саройга келдиму ўша- ўшалигини кўрдим. Артист бўлиб кетибди. Ярамас, хиёнатчи. Ҳаммага кўз олайтиради. Ёшлигига шунақа эди. Кейин ўзгарди, деб уни ҳурмат қилибман. Одам эмас у!

-Ойи ўзингизни ўйламсангиз ҳам битта ўғлингиз борлигини ўйланг, адамни ўйланг! Шу даражага етиб келишимиз “Батя” туфайлику? Мана бу кошоналар осмондан тушган эмаску?

-Унинг пулига ҳам келган эмас!

-Нима қилса ҳам ҳалқ учун, сиз ва биз учун қилмоқда. Оналар, болалар учун қилмоқда. Ёшлар учун қилмоқда.

-Жуда катта гапириб юбордингда, болам. Адангга ўхшаб қолибсан. Оналармиш. Дунёда оналар ҳақида жўшқин, ларзали, оташин , оҳанграбо сўзларни кўп айтганлар беллашуви бўлғанда, аданг билан ана у маддоҳлар ютиб чиққан бўларди. Онаси ҳақида гап кетса, йўлларига поёндоз тўشاшини, қўлларига гард юқтирмаслигини, егани олдида, емагани ортида каби шароит қилиб қўйганини гапириб, кўкракка урадиган “Батя” бошқа ким бор дунёда? Шоирларигаки ўт кетган, онаси ҳақида шеър, достон битмагани йўқ. Ҳофизи тириң-тириңгни она деб бошлайди. Онам деб қўшиқлар куйламагани йўқ. Санга ўхшаб ҳаммани онам деб мағрурланади. Лекин ана ярамас онангни деб сўкса, бош эгиб туради! Сани сўкмадими ҳали?

-Ойи нима бўлди сизга? Нималар деяпсиз?

Ойим ўйланиб қолди. Сўнг айни оҳангда давом этди. Китобни кўп ўқимаганми, сўзларни қалаштириб ташлади:

-Тандирига ўтин ташлаб, хамирига ун тополмай, ноласини кўксига кўмиб, мардикор бозорига чиқиб кетган онанинг дардини нега айтишмайди? Қиши чилласида совуқдан дилдираган, саратонда иссиқдан мўлтираган болаларига қараб, эрта бир кун жаллод қўл уларни ҳам бағримдан узиб кетмасмикан, деб хун бўлған онани нега тинглашмайди? Ё у она эмасми? Боласининг ишончи, ўзининг Аллоҳга инонгани, билиб-билмай икки оғиз ҳақ гапни айтиб қўйгани учун зинданбанд этилган, хокисор бўлған оначи? Худога ишонса нима қилибди. Чўтирингга ишонсинми? Бошига рўмол ўраса нима қилибди? Очиқ юрганга индамайсанку! Нега бошини ўраганга душманлик қиласан? Кўй ҳаётини яшасин!

Опанг-чи, отасидан қолишмайди. Касал аёлларга деб миллиардларни олади, озгинасига сарфлаб, қолганини “тумбочка”сига тикиб қўяди. Хаста оналарни даволаш, болаларини

асраб қолиши ҳақида ваъз айтади, амалда бурчак бурчақда бир мушт бўлиб ўтирган онани кўрага кўзи кўр!

Ойим нимадандир жуда қаттиқ хафа бўлгани сезилиб турибди.

-Касалхоналар эшигига юрагини ғижимлаб қолаётган, қўлида бир нарсаси йўқлиги учун жарроҳ амалиётга олмаганда умидлари тилим-тилим бўлаётган, беш танга топмагани учун китобсевар боласи олийгоҳга киролмаганинг қорачиғи эриб сел бўлган, энг сўнгги чора ўлароқ ўз-ўзини ёқиб юбораётган, даҳшатли кунларига исён сифатида ўз-ўзини осиб қўяётган оналарни ким ўйлади? Тетапоя қилиб, минг азоб, минг уқубат ичидаги улғайтирган боласини “ҳа”, йўқ, ”бе” йўқ, олиб кетса, уравериб ичакларини эзса, қовурғаларини синдириб, руҳини синдириса, тирноқларини сўкиб олса, нима қилсин бечора она!

-Бу гапларни менга нимага айтасиз? Адамга айтинг!

-Аданг қулоғига қўрғошин битган! Сенга айтмасам кимга айтаман! Телевизорда бошқа гап, ичкарида бошқа эканлигини ҳали ҳам тушунмадингми? Адангни йўлидан кетма! Озгина раҳмли-шавқатли бўл! Чол ўлади, гўрба-гўр бўлади!. Кейин нима нима қиласан? Ҳеч ўйлаб қўрдингми? Мана бу уйингдан ҳам топишади, болам. Қўлинг қонга ботганини билмайди онам, деб ўйлайсанми? Аданг нима иш қилишни билмайди онам. деб ўйлайсанми?

-Ойижон, озгина дамингизни олинг, йўлдан келдингиз. Қолаверса гапларимизни эшитишлари мумкин.

-Уффей, бунча параноя бўлгансизлар. Ким эшитади? Ҳаммаси ё пул санайди ёки “Озодлик” деган радиони эшитади. Бошқа иш йўқ. Ҳам гап ўша радиода. Опангни ҳам, қари чолни ҳам қилмишлари, оналарнинг зорланишлари ҳам ўша ерда. Эшитиб, қалтираб ўтиришади, аждаҳо ҳам тингламасин деб. Сан билан кимни иши бор? Шунча қўрқсанг ишлама, ташлаб кет. Нима, нонингни топиб ея олмайсанми?

-Нега бунча фарёд қилиб қолдингиз-а, ойи?

-Саройдагиларни қўриб шундай бўлдим. Ҳаммаси кунини пул санаш, олтин танга санаш, тақинчоқларини ўйнаш, янги кийимларини кийиб кўриш, ора-тора билан ўтаказади. Халқни талаган мана шулар! Пул саройга дарёдек оқиб келади. Териб олувчиларнинг энг бошида сен сиғинган ошқовоқнинг ўзи!

-Ундей деманг ойи!

-Аданг келгунча гапириб олай. У яна тарсаки тортади. Ева масаласида кўндиргунимча она сутим оғзимдан келди. Ана у опанг ҳам авалига топиб келиб, кейин айниб қолди. Ўйин қилмоқчи бўлди. Падарига лаънат!

Ойимга нима бўлган? Тушуна олмадим. Ҳеч қачон бунчаликка бормасди. Нимадир юз берган? Секин “гап ковлаб” билиб олишим керак. Нега бу қадар ғазаб отига миниб қолди? Бугун унинг хурсанд бўладиган куни-ку?

-Ойижон бугун...

-Ха, ўлсин, бугун сени унаштирамизу, мен бўлса нималарни гапириб ўтирибман. Оғзим очилди-да. Бу ерга келиб, ўралиб ётган илонга эрк бердим. Майли сен “илон”ингдан эҳтиёт бўл!

Ойим тилни илон дейди. Кўрқоқ. Қаршидан таҳлика сезсагина қўрққанидан ҳужумга ўтади ва чақади, дейди. Аммо ўзи бу қоидага риоя қилмаётганди. Демакки, унга ҳужум бўлган. Ким уни хафа қилди? Наҳотки “Батя”?

Хайриятки, адам кириб келди.

Ева ўзида йўқ хурсанд.

Адам Тверскийдаги “Турандот” ресторанидан жой олиб қўйган экан.

-Сенларни ўша ерда унаштириб қўямиз,-деди.

Борсак, Адам одатига кўра “совға”таёrlаб қўйган экан. Еванинг ота-онасини топиб, олиб келибди. Яхши одамлар экан. Ойим билан чиқишиб қолди. Адам узук ва ҳалқанинг қиммат баҳосидан олибди, ресторандагиларнинг кўзи биздан узилмади.

Бир пайт адам телефонига қарадида ташқарига чиқди. Кўп ўтмай қайтиб кирди. Кайфияти “ярим”. Очилмади. Сохта тиржайиш қилиб ўтирди. Хаёли бошқа жойда. Буни ҳаммамиз сездик.

-Кетишим керакми?-дедим унга мусиқа тинганда.

Индамади.

44. Қора дори

Саҳарлаб деразадан қарасам, адам қор курамоқчилик, мени кутиб турибди. Кечаси билан Ева ёнимда бўлса ҳам, адамнинг ҳолатини эслаб чиқдим. Нимадир бўлди? Кимдир топшириқ берди ва бу адамга ёқмади. Балки мени “келсин” дейишдими ёки ўзини чақиришдими? У ҳолда бунчалик ғамга ботмасди?

Хуллас, секин ташқарига чиқдим. Адам қарама қарши ҳовлида. Ойим ҳам ўша ерда. Бизнидан қолишмайди. Сал нарироқда Гугуш учун олинган ҳовли. Ҳаммасида илгари дунёга машҳур, казо-казолар яшаган.

-Юриб келамизми?-деди адам.

Биз секин-аста бир-биримизга яқинлашиб қолаётгандик. Бошқа кимга ҳам суюнамиз.

-“Батя” айтган бўлса керак, дея гап бошлади адам.- У “сардор”ларига ўз гурухини туздирган. Кўплари қариндош- уруғини йиққан. Уларнинг ҳам ўз одами бор. Бу худди паралел ҳукуматга ўхшайди. Вазифадагилар ва орқада иш бажарувчилар. Битта гурух иккинчисининг “оёғини босмайди”. Бир-биридан ёрдам олади. Қуда-андачилик уларни боғлаб туради. Бир-бирига қиз бериб, қиз олишади. Бир вақтлар подшолар бошқа подшолар билан қуда-андада бўлган. Худди ўшандай, мақсадли.

Бу ҳам иш бермаса, “Батя” бор. Дейлик, Боз прокурорнинг гурухи тўсиққа дуч келса, “Батя”га чиқади. У муаммони МХХ орқали ҳал қилиб юбаради. МХХ-қозикалон, ижро кучи ҳам бор. Биз эса “Батя”нинг хос гурухи. Бошқаларга ишонилмаган вазифаларни биз бажарамиз. Бугунгача бирортаси олдимни кесган эмас. Раис ҳам умуман аралашмайди. Салом-алик. Тамом.

Аммо кеча Раис сим қоқди. Тулкилик қилди. “Етмишга кирдим, юбилейга келасанми?” каби гаплар қилиб, топшириқ берди.

Бу ерда дунёга машҳур бир адвокат аёл бор эди. Кейинги вақтда бизнинг диндорларни қаторлаштириб Авропа судларига олиб чиқди. Биласан, Андижон воқеаларидан кейин “Батя”ни Фарб дунёси чақирмай қўйган. Ўлиб-тирилиб битта сафарни ҳозирласак, ана шу суд баҳонасида қолдиришди.

Хуллас, ўша аёл ўлиши керак экан, ўлди. Энди раис шунга шаъма қилгандек, у аёл химоя қилаётган беш кишини ушлаб келишни сўради. Иккитаси Москвада, учтаси Калининградда. Буни маҳаллий ҳукумат билан келишмай қила олмаймиз. Бунақа “рейд” учун раиснинг ўзи мурожаат қилса ва иккита “пешка”сини юборса, ишлайди. Нега мендан сўради? Агар ишга “Батя” аралашганда унинг ўзи “сигнал” юборарди. Раис эса, телефонда очик гапирди. Олдида кимдир бор эди? Унга эшигтириб, аниқ-тиник қилиб гапирди. Сен нима деб ўйласан?

-Балки маҳаллий ҳукумат унга “кўк чироқ” ёқмагандир?

-Шундан бўлса, нега мени таҳликага отмоқда?

-Ишқилиб, ёнида “Батя” йўқ эдими?

-“Батя” бунча очик гапиришига изн бермайди. Айникса, ана у аёлнинг ўлими ҳакида...

-Балки сотиб юбормоқчиидир?

-Мен ҳам шуни ўйладим. Аммо икки дунёда ҳам буни қилмайди. Қўрқади, арининг уяси бузилади, деб. Хуллас, гап бундай. Сен нонуштани қилгину, қайтгин. Ева ойинг билан туроди.

-Борганим билан “Батя” чақирмасачи?

-У ерда нималардир бўлмоқда. Опанг ҳам жим турмайди. Шошилинч гапим бор деб, шу воқеани кириб айт ва сиздан жавоб кутаяптилар, дегин. Хўп, деса, қўрамиз у ёғини...

Ўша куннинг ўзи қайттим. Уйга келсам ҳамма нарса сочилиб ётибди. Кўнглимда шубҳа пайдо бўлди? Ким кирди? Нима қидирди? Нега хизматкорлар кўринмайди?

Уй мени қабул қилмаётган эди. Боққа айланишга чиқдим. Бироздан кейин орқамда шарпа сездим. Қарасам, опа.

-Ким ҳам асал ойини ташлаб келиб, якка ўзи юради? -...

-Аллақачон Евани соғиниб қолдингми?

Тепага қарадим. Олтинчи қаватнинг чироги ёнган.

-Хавотир олма. “Батя” у ерда эмас. Раис айтганларни шунча тез ушлаб келдингми?

-Кимни?-дедим ҳеч нарсани билмагандек.

-Кеча Раис айтганлар-чи?

Демак, Раиснинг олдида Опа экан. Бўлиши мумкин эмас. Иккаласи ит-мушук. Раис опанинг гуруҳига ҳамла қилмоқда. Опа эса унинг гуруҳига. Индамадим.

-Аданг айтмабдида. Ҳали ҳам сени одам ўрнида кўрмайди.

Опада ҳам отасининг хунари бор. Ҳаммани бир-бирига қайраб қўйишни яхши кўради.

-Нимани айтиши керак эди?

-Мени гўл деб ўйлајпсанми? Нимага келдинг унда?

Жавоб бермадим.

-Биз Раис билан келишдик,-деди у пичирлаган овозда.- Ёрдаминг керак. Раиснинг ўринбосари ва унинг лохмачлари- икки генерал тўқнаш келган. “Герой” ўзидан кетиб қолди, мени одамларимга ҳам кун бермаяпти. “Батя” ўша томонда. Билдирмайди, аммо уни қўллаб турибди. Фақат сен ёрдам қилишинг мумкин.

-Қўлдан нима келади?

-Брюселдаги вакилнинг уйидан топдим, деб мана бу “папка”ни отамга берасан. Шу!

-Нега энди мен!

-Отам бошқага ишонмайди.

-Брюселдаги вакил олдин наркографик билан шуғулланган. Отам биларди. У “герой”нинг хос одами. Нима учундир уларни ажратиб юборди. Дарвоқе, ойинг отам билан сан-манга борибди. Адангни иши ҳам хўржин...

Ўйланиб қолдим. Ойим нега “Батя” билан айтишиб қолади? Кечаги гаплар бекорга эмас эканда-а? Адам ҳам узоқда тутилиши ортида бирор сир бормикан?

Опа қўлтиғидан “папка”ни чиқариб, менга бердида:

-Олиб кирмасанг ҳам кўргин,-деди.-Ростдан ҳам ўша вакилнинг уйидан топилган. Аданг топган буни. Менга берганди. “Батя”га кўрсатишни истамасанг адангга етказ.

Буларнинг бошқа иши йўқми? Ҳар қадами, ҳар нафаси ўйин! Балки давлатни бошқариш шунаقا бўладими? Ундай десам, бунинг давлатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қандай алоқаси йўқ? Бу ҳам “Батя”нинг битта “садор”и. Бунинг ҳам ўз гурухи бор. Ҳам очиқда, ҳам ёпиқда. Лекин нега “Батя”нинг “масон”лари бир-бирининг устига бунча ғишт териб ётибди? Куч талашишми? Пул ғавфосими? Балки... хаёлимнинг бу қисми қўрқинчли эди. Уйга кирсам, хизматчилар ҳаммаёқни йиғишимоқда.

-Ойингиз бизга жавоб бериб юборгандилар. Бугун яна чақиришди,-деди улардан бири. Қўлтиғимдаги “папка” баданимга нинадек санчилмоқда. Нега олдим? Балки бизга қарши фитна бўлсачи? Олмасам нима бўларди? Опадан бекорга шубҳа қиласяпманми? Балки унга ростдан ҳам ёрдамим керак бўлиб қолгандир?

Хонамга кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб олдим.

Генерал махсус юритган “папка” қилган экан. Унда Афғонистондан қачон ва қаерга қора дori келиши, тонналаб келиши, кимлар олиб, шимолга ўтказиб юбориши... исмлар, суратлар, хариталар... қанча даромад ва қанчаси ўзида қолиб, қанчаси тепага кетиши... ойига неча миллион долларни қайси кун, қайси соатда олтинчи қаватга келтиргани... хуллас, бошим айланиб кетди.

Эрталаб “Батя”нинг ҳузурига бордим. Яхши қаршилади. Унга “папкани” узатиб, вакилнинг уйидан олганимни айтдим.

-Аданг қўрдими буни?

-Кўрди...

-Нима деди?

-“Батя”га етказ, деди.

У “папка”ни очиб бироз қараб чиқдида, жаҳл билан ёпди:

-Аблаҳ! Ярми ёлғон! Бу дунёда кимга ишонишни ҳам билмайсан? Унга қаҳрамон унвони бердим, генерал қилиб қўйдим, биринчи ўринбосарликка кўтардим. Хоҳлаган картошкасини еб юрибди. Ака-укалари, қариндош уруғлари билан қўшилиб, миллионер бўлиб кетишиди. Мана буни қара, хужжат тўплаб юрган экан. Бунақа одамдан эҳтиёт бўлиш керак. Арқонни тортмай турайлик. Кузатувга ол. Одамларини аниқла. Айниқса, мана бунга ўхшаб, четга чиқариб қўйганлари бўлса, топайлик. Ундан кейин қамоқда чиритаман, бунисиням, унисиням! Опангга ишлаган генерали ҳам бор, “Шурик”. Уни ҳам назоратда тут. У ҳам қариндош уругини тиқмаган жой қолмаган. Булар қора дорининг сultonчалари! Топган-тутганини оламиз! Планни яхшилаб ўйла! Бошқа иш йўқ санга. Қачон тайёрман, десанг, босамиз! Опангдан узоқ тур!

Чиқиб кетмоқчи эдим, “Батя”:

-Ойинг бирор нарса дедими, индамай кетиб қолибди?-деб сўради.

-Хеч нарса демади. Аммо нимадандир хафага ўхшади.

-У эмас, мен хафаман...

“Батя” ўрнидан туриб қоғозкесарни ёнига келди. Ўриндиқни шу томонга сурдим. Ўтириб, “папка”даги қоғозларнинг айримларини битта-битта “ғижирлатиб”, қийқимга айлантира бошлади. Битириб бўлиб, ўрнидан тураркан:

-Ойингни сен учун кечирдим. Бўлмаса, аллақачон “Жасликқа” кетган бўларди,-деди.

-Бор, хизматчидан битта халта олиб кел, бўлмаса булар қайтадан ёпишириб чиқади. Ўзинг олиб бориб, ёқиб ташла! Ойингни эса ўйлама, ўша ёқда яшаб турсин! Асаби жойига тушса, қайтади...

Қийқимни ёқишига уринаётгандим, дараҳтлар орқасидан овоз эшитилди:

-Раҳмат! Бу ёрдамингни унутмайман!

Тузогига илинтириди. Қандай қилиб адамга етказсам? “Батя” у билан гаплашса, сир очилиб қолмайдими? Опа телефон узатди.

-Бу маҳсус, ҳеч ким ёзолмайди. Адангга айтиб қўй,-деди.

Адамга телефон қилсан, Калинингардда экан.

-Ҳаммасини ушладик. Юбораяпман,-деди.

-У ҳақда эмас... Вакилимизнинг уйидан топилган “папка” ҳақида..

-“Батя”га етдими?

-Мен еказдим.

-Яхши қилибсан, сенга ўзим айтгандим-ку?

Адам шундай деб телефонни бекитди. Опа жилмайиб, елкасини қисди. Яна ахмоққа ўхшаб қолдим. Наҳотки, адам билан опанинг тили бир? Опадан узок тур, деди-ку? Нега у “папка”ни опага берган, “Батя”га эмас?

45. Лойиҳа

Кўп ўтмай адам қайтиб келди. “Марказ” шуни истабди. “Батя” мени “Марказ”га таништироқчи эди, орқага сурилди. Сабабини адамдан билдим. У билан “балиқ ови”га борадиган одат чиқардик. Ўша ерда гапларимизни гаплашиб, ишларимизни режалаб оламиз.

-Брюселдаги вакилнинг уйидан топилган “папка”ни нега опага бергандингиз?-деб очиқ сўрадим адамдан.

-У пайтда опа иккинчи одам, сув лойқаланмаган, “балиқлар” лақа-лақа қармоққа илинмаётган пайт эди. “Батя”га учини чиқарганман, у қайрилиб ҳам қарамаган. “Гугушга бериб қўй” деган. Чунки “Герой”ни жуда яхши кўтарди ва у ҳақда салбийроқ гап эшишини истамасди ҳам.

-Менга опадан узок тур, дегандингиз. “Папка” ҳақидаги гапни қандай тахмин қилдингиз?

-Опангга ўша телефонни ўзим берганман. Эшитилмайдиган номер. Сен ўшанда сим қоқдинг, тушундим дарров. Бунча ҳам содда бўлмагин.

Ҳақиқатдан ҳам, содда эканман. Шунга ақлим етмабди. Йўқ, бу ўйинлар қаршисида соддаки содда, жинни ҳам бўлиш ҳеч гап эмас.

Адамга Раисининг икки ўринбосари ҳақида олган топшириқни айтдим.

-МХХ уч каллали илон. "Батя"нинг ўзи ясади. Бир кун келиб қаршисига чиқиб қолишини билардим. "Батя" амалиётга кирганда, ҳаммаси ўлади, деб ўйлади. Ғимиirlаб қолишиди. Иштаҳалари очилиб кетди. Энди бир-бирини емокда.

-Нима қилайин, махсус гурӯҳ тузайнми? Ишни нимадан бошласам?

-Ҳеч нарса қилишинг керак эмас. Ҳамма нарса "Батя"нинг сейфида. Керак пайтда у сенга беради. Унгача кузатиб юравер. Қўшимча чиқиб қолса, ўзим сенга айтаман. Аммо "Марказ" мендан "Батя"нинг ёнида туришимни талаб қиласяпти. Сени ҳали тайёр эмас, деган фикр бор. "Батя" қарилиги ва бўлаётган ишлардан "Марказ" безовта.

-"Батя" истамаса-чи?

-Уни мажбур қилишади.

-Қандай?

-У қўрқоқ. Соядан ҳам қўрқади. Таҳликалар ҳақида огоҳлантиришади. Унга ҳужум бўлиши мумкинлигини айтишади. Хуллас, йўли топилади. "Марказдан" янги йўналишлар бўйича лойиха олиб келдим. Интернетни назоратга олишимиз керак. Ҳар соҳанинг фаоли бор. Зиёнлилар! Журналист, блогер, танқидий фикрли ўзбошимчалар, интернетга айланиб кирадиганларни "қизил рўйхатга" тиркашимиз керак. Чет элликлар билан алоқаларини кесишимиз ва инқилобларнинг олдини олишимиз учун "Марказ" янги технологияларни таклиф қилмоқда... Сотиб олишимиз учун.

-Мен нима қилишим керак?

-Сен ёшсан, "Батя" интернетни ёшлар яхши билади, деб ўйлади. Тўғриси ҳам шу. Таклифлар билан кирасан. Масалан, Истроилнинг "Вернт", "Систем" компанияларидан кузатув технологияларини сотиб олинглар дейишлоқда.. Олмониянинг "Трависор" ва "Ютимасо" ҳамда Хитой компанияларидан қиммат бўлса ҳам керакли жиҳозларни харид қилиш шарт экан. Қўшни мамлакатларга ҳам айни топшириқ берилди. Хуллас, замон билан қадам қўймасак бўлмайди. Бу технология билан қуролланиш дегани. Хавфсизлик учун керак. "Батя"га толибон, исломчилар шу кампанияларнинг технологиясини ишлатмоқда десак, лаққа ишонади. Керак бўлса, сейфидаги миллионларни ҳам чиқариб беради. Хўп деса, дунё кезасан, янги соҳаларни ўрганасан. Асосийси, Ева билан бирга бўласан!

...Жуда яхши гап, аммо менга ёқмади. Худди нозик жойим шу бўлганидек, адам ҳам шунга ургу қилиши кайфиятимни туширди. Адам мени "Батя"дан узоқлаштиromoқчига ўхшайди. Планини тузган. Ҳамма ўйинлар ва сирларга бир зумда нуқта қўйди. Мана энди хаёлларимни бу томонга буриб юборди. Бу сафар лақиллатишига изн бермайман. Ойимнинг таъсири бўлдимикан унга?

-Ойим ҳеч нарса демадими?-сўрадим.

-Нима дейди? Аралашмайди у.

-Унашиб, эртасига кетвorgаним жаҳлини чиқармадими?

Адам тундлашди. Уни "ковлай" бошлаганимни дарров англади.

-Аёлда... бошқа нима гап бор калласида? Боласини ўйлади...

Бу адамнинг таслим бўлиши. Илгари бундай саволларимга битта "сўз" билан жеркиб, нуқта қўярди. Демак, ҳужумни давом эттиришим керак.

-"Батя" билан жанжалини ҳам...?

-Нима? Санга ҳам айтдими? Хабаринг йўқ, деди-ку? Демак, мени алдабди-да?

Адамнинг жаҳли чиқди. Ҳовуридан туширмасам, сухбатимиз кесилади.

-“Батя” айтди, мен учун кечирганмиш ойимни..

Мен қармоқни ташладим. Жимжитлик. Сувнинг у ер, бу ери “пик” этгандек, адам ҳам “пиқиллаб” қолди. Қармоққа балиқ илинса, тинчлик бузилади. Нафас олиши кескинлашиб, кейин сукунатга чўмди. Бу мени ҳам ўйлантириб қўйди. Нима бўлган? Нега жанжаллашиб қолишибди? Нега адам мени бошқа жабҳага сураяпти?

-Бир-икки кун “Батя”га интернет ҳақида гапириб тур. Қизиқтири уни. Россияда айримлар дунё интернет тармоғидан узиламиз, деяпти. Лекин бу хом хаёл.

-Узилиб бўладими? Бутун осмонни ёпиб ололмайди-ку?

-Шуни айтаманда. Аммо ётган жойида оёғи билан осмонни ушлаб қоламан, деганлар топилади ҳар доим. Биз чорасини кўришимиз шарт.

Адам мавзудан қочдими ёки бу масала шу қадар муҳимми? Ойим масаласида қайта сўрашга ботинолмадим.

Кечкурун “Батя”нинг олдига бордим.

-Ха, қармоққа бирор нарса илиндими?

-... Демак билади.

-Сўрасам, Аданг билан балиқ овига кетган, дейишди. Гапларингиз қовушаяптими, дейман. Йўқ... аданг сенга айтмайди. У сир берадиган одам эмас... Москвада бирга бўлдингизлар, яна бу ерда балиқ ови. Ишлаш ҳам керак. Машқ қилаяпсанми?

-Кандаси йўқ!

-Яхши. Бу йилги “чемпионат”да ҳам ғолиб чиқишинг керак. Дарвоқе, аданг уч минг йигитни Россияда зобитликка ўқитиш учун олиб борди. Улар қайтса, ҳаммасини санга бераман. Тайчи “ясайсан” улардан, гвардияни ўзинг бошқарасан. Дарвоқе, мана буни ўқиб чик,- деб, қўлимга бир саҳифалик ҳисоботни берди.

Бир зумда ўқиши шарт. Бошидан, ўртасидан, охиридан. Мазмуни шу: ИШИДнинг қўлга олинган иштирокчилари интернет орқали одам ёллашаётганини айтмоқда. Режалари террористик актларни амалга ошириш. Мамлакат раҳбарини бартараф этиш. Ёлланганларни Покистонда ҳарбий тайёргарлиқдан ўтказишмоқда. Ёшларни ижтимоий тармоқлар орқали ёллашмоқда.

-Тўғри, интернет катта таҳлика...

-Ёшсан биласан, нима қиласан?

Яна бир ўйинга тушдим. Адам бу ёқда мени пишитди, у ёқда бу қофозни киритишган. Тилимни тишлидим.

-Қанча пул кетса кетсин, шу масалани қўлга ол. Ана у генералларни манга қўйиб бер, ўзим гаплашаман,-деди. Кейин бошқа бир қоғзога қараб гапира бошлади.

-“Хавфсиз шаҳар” дастурини Хитойдан оламиз. Бу бутун шаҳарни назорат қилиш имконини беради. Ҳар битта бино пештоқида камера туради. Ҳаммани кузатамиз ва керакли одамни юз кўринишидан топамиз. “Кечиктириш” дастурини Исроилдан оламиз. Бу интернетда қайси тармоқларга кўпчилик кираётганини қараб туради. Ўша томонга уланишни секинлатади. Олмониядан

“Нусха” дастурларини харид қил. Интернетда кўп ўқиладиган саҳифаларнинг нусхасини яратамиз. Қидирган одам ўшанга йўналади. Ўзимиздан чиққан мақолаларни чоп этишганда автоматик тарзда очиб кўямиз. Биз қаёққа бошқарсак, халқ ўша томонга юради. Яхши экан. Ҳамма ёққа камера, экран қўясан. Мажлисни кабинетдан туриб ўтказасан. “Дом”ларга, хонадонларга ҳам камера қўйсак, яхши бўларди... тинчлик учун зарур.

Охири гапларни у қоғозга қарамай айтди.

Адамнинг маҳоратига қойил қолдим. Уйга келсам, у опа билан қандайдир қоғозни ўқиб ўтиришибди.

-Мана санга лойиҳа, қиймати бир миллиард доллар, кўп қиммат эмас. Бешта компаниядан оламиз. Қанча тез олсак, шунча яхши. Эртага кетавер. “Батя”га ўзим айтиб кўяман,-деди адам.

У шундай деб қоғозларни йиғишириб қўлимга тутқазди. Опа одатига кўра, жилмайиб қараб қўйдидা:

-Евага салом айт! Яхши айланиб келинглар,-деди.

Буларнинг қўлида ўйинчоққа айланиб қолдим. Истаса у томонга, истаса бу томонга югуртиради. “Батя”нинг ҳам аҳволи шу. У ҳам менга ўхшаб қармоққа илинмоқда. Уни тушунса бўлади, қариб, мункайиб қолган чол. Мен-чи, мени қандай жин чалди? Шу ўйлар билан хонамга кираман десам, телефон жиринглади.

-Ол! “Батя”,-деди адам.

-Боя гаплашганимиз компьютерларни тезда олиб келиш керак,-деди у.- Ҳужжатларни адангдан олдингми? Жўна! Саҳарги рейсдан қолма! Пулига қарама! Қанча нақд керак бўлса, номингга қўйилганидан олиб ишлатавер, кейин тўлдирамиз жойини, ортиқчasi билан,-деди.

46. Ҳароми

Жомадонимни тўплаб, йўлга отланаётган эдим, опа кўринди:

-Шунчаки сен билан хайрлашгим келди,-деди у қўлини узатиб. Бугунга қадар унинг қўлини тутмаган эдим. Узатмасди. Жуда совуқ ва нозик. Эриб кетаётган муздек. Яхшироқ қиссан эзилиб, “томчилаб” қолиши ҳам мумкин. Кафтида кичкинагина нарса бор.

-Борганд... .

Давомини гапирмади, имосидан тушундимки, “Борганд кўрасан,” деди. Демак, флешка. Нима ёзилган унда? Опа мени яна қандай ботқоққа итармоқда? Ростдан ҳам унинг қули бўлиб қолдими? Олмасамчи? Олмайман десамчи? Аллақачон олдим. У муздек қўлини тортиб олган ва флешка кафтимда қолган эди. Муштимни қисдим.

-Ишон... кўрмадим... шунчаки воситачиман,-деди.-Ойингга салом айт!

Демак, ойим билан боғлиқ. “Кўрмадим”, дедими, кўрган. Унга кимдир берган? Ким бўлиши мумкин? Адам бўлмасин тағин?

Ташқарига чиқиб, салқин ҳаводан ўзимга келдим, аммо хаёлларим ҳали ҳам флежкада. Учқичда уни қўлимга олдим. Миттигина. Жимжалоқдан ҳам кичик. Аммо дунёning жуда кўп сирларини сиғдиради. Биз-чи? Шунча катта бўлганимиз ҳолда битта сирни ҳам

сақлай олмаймиз. Уни кимгадир айтамиз, ундан фойдаланамиз ёки қўрқамиз. Аслида флешка ҳам сақлай олмайди. Сигдиради. Уни кимдир солиб қўйиши керак. Истаса, ўчириб юборади. Одам сирининг ҳам қалити кимнингдир қўлида. Тўплайди, фойдаланади, ўчиради.

Буни қўрмасдан ахлат қутисига ташлаб кетсамчи? Йўқ, бунаقا жасорат ҳеч кимда йўқ. Кўргандан кейингина бундай қарорга келиш мумкин. Ҳатто кута олмаяпман-ку?. Тезроқ кўришни истаяпман. Компьютеримни чиқариб қўрсам-чи? Ким нима дея олади? “Mp3” бўлса эшитаман. Хотирасида қолса қолар? Қайтганда тозалайман.

Учқич ҳавога қўтарилиган ва компьютеримни очсан, хатар йўқ. Флешканинг ичидаги иккита видео ёзув бор экан. Биттасининг номи “Онаси”. Иккинчисининг номи “Отаси”. Демак, мен учун маҳсус тайёрланган. Адам билмайди. У ҳақда кимдир компромат тўплаган бўлса, опа орқали менга етказган. Ифлослик! Ота-онам билан нима иши бор? Мард бўлса, олдимга чиқсан? Орқадан бундай иш қилиш номардлик! Тўхта! Балки опанинг ўзидир? Униг вазияти яхши эмас. Унга қарши тинмай ёзишмоқда. У ҳам бас келмаяпти. Масала опа-сингил, онаю қиз доирасидан чиқиб кетди. МХХнинг “уч калласи”га ҳамма қўшилган. Бир-бирини қоралаш учун миллионларни аяшмаяти. Энг катта минбарлардан тортиб, энг кичик сайтларга қадар ишга солинмоқда. Ҳамманинг оғзида шу. Ҳар эрталаб битта янгилик. Мана энди биз ҳам истаймизми, йўқми шу ўйиннинг ичидамиз.

“Онаси” деган видеони очиб, қулоқчинни қулоғимга тақдим.

-Чакирган экансиз?

-Нима қилиб юрибсан?

-Юрибман...

-Вазирдан нима илтимос қилдинг?

-Қайси вазир?

-Нима, ҳамма вазир билан гаплашасанми?

-Радио эшитгандим...

-Қачондан радио эшитадиган бўлиб қолдинг, ким сенга изн берди, тағин саройда душманинг радиосини эшитгин деб...

-Тасодиф... Бир бечора она йиғлаб гапирди. Ўғлини отишга ҳукм қилишган экан. Ўн беш йил бўлибди. На тиригини, на ўлигини биламан, деб йиғлади. Ички ишлар вазири билан тўқнаш келиб қолгандим, шуни бечора онага билиб берсангиз, мамлакат обўсига ҳам яхши бўлади, дедим.

-Мамлакатнинг обўси сенга қолдими? Эринг “бу ишларга бурнингни тиқма,” деб айтмаганмиди? Неча миллион олдинг?

-Нима?

-Саволни мен бераман. Террористни ҳимоя қилиш учун қанча беришларини биламан. Сен айтган бола “159” билан қамалган, билдингми?

-Пулга эҳтиёжим йўқ...

-Ҳа-я, эринг ва ўғлинг олаётган миллионлар бор-ку? Ўзим берганларим миллиондан ошиб кетди. Улар ўндиргани ўн баравар кўп бўласа керак.

-...

-Тўхта, қаёққа кетаяпсан? Нега кўзингга ёш олдинг? Ҳам ғарлик, ҳам пешгириликми? Сен илтимос қилган боланинг онаси ўлим ҳукмига қарши чиқиб, бошимни балога тиққанди. Ўшалар туфайли босимга учраб, ўлим ҳукмини бекор қилганман. Буни биласанми? Ҳозир ҳам ҳамма ёқда плакат қўтариб, пикет ўтказиб юрибди. Ўшаларни деб чет элга боролмайдиган бўлиб қолдик. Сен нимага аралашаётганингни биласанми?

-Ким бўлса ҳам ўлган бўлса, ўлди, десин, онаизорга енгил бўлади, сизга ҳам соя тушмайди.

-Менга соянинг кераги йўқ. Офтобни яхши кўраман! Ўша танишингга боласи ўлди, деб айтса, "Майити қани?" дейди, "Гўри қани?" дейди. Гўрини кўрсатса, очгин, экспертиза қиласман, дейди. У гўрнинг ичига сани тиқиб қўямизми ёки ўғлингними?

-Ундан деманг, у сизни ҳам ўғлингиз...дек...

-Нима? Ҳар битта ҳароми мени ўғлим бўладиган бўлса, неча миллион ўғлим бор экан?

-Болам ҳақида ундан деманг. Биринчидан, у ҳароми эмас, отаси ва онаси бор. Иккинчидан, унга жавоб беринг, ёқмаса.

-Ким ёқади ёки ким ёқмайди, менга қўйиб бер. Ўша ўғлинг учун сени кечирдим. Ҳароми деган сўзни ҳаммага ишлатаман. Бир кунда минг марта! Бундан хафа бўлма! Сенга яхшилигим, ажалинг тўлмасдан, эртага эрталабки рейсда эрингни ёнига кет! Бўлмаса ё ўғлинг, ё эринг Азроилинг бўлади! Бундан кейин давлатнинг ишларига арлашма!

-...

-Ха, дарвоқе, Гугуш билан нега кўришадиган бўлиб қолдинг? Дардкашга ўхшайсизлар? Жойимни олса, террористларни озод қилиб бераман, деб ваъда қилдими? Мана олади!"

Давомини кўра олмадим. Шу дақиқада "Батя"нинг ёнида бўлсам, пешанасидан "тешик" очардим. Лекин... Ойим билан жиддий гаплашишим керак? У кимни ҳимоя қилди? Нега вазирга юзлашди? Опа билан қандай алоқаси бор? Нега сарой ўйинларига бош сукди? "Батя"нинг "ҳароми" деганига бунчалик қизишмаса ҳам бўлади. Унинг саломи бу. "Ҳароми" деб саломлашади, "онангни" деб кун ўтказади, "твар" деб хайрлашади.

Тамом бўлибман! Ўз онамни ҳимоя қилиш ўрнига "Батя"ни ҳимоя қиласяпман. Аслида вазифам ҳам шу эмасми? Ойим билан биз ўлдирган бошқа аёлларнинг нима фарқи бор? Ойим ҳам режимга қарши бош қўтармоқда. "Батя"ни ҳимоя қиласман, деб қасам ичганман, сўз берганман. Керак бўлса, уни ўз онамдан ҳам ҳимоя қилиш-бурчим!

Тўхта! Бу суҳбатни ким ёзиб олди? Биз узоққа кетганимиз кимга қўл келди? Мақсади нима? Мени "Батя"га қарши қўйишими?

"Батя" ойимга қизиқ гап айтди. Охирида бош бармоғини кўрсаткич ва ўрта бармоғи орасидан кўрсатиб, "Мана олади!" деди. Демак, масала ўта жиддий. Опа унинг ўрнига кўз тиккан ва "Батя"ни ишонтиришган. Балки уни шундай қилиб кўрсатишаётгандир? Йўқ, ишга чет эл ҳам аралашиб кетди. Аммо улар айтган пуллар биз чиқарганинг

олдида уммондан қатра! Балки адам ва менга қарши ҳам фитна ҳозирлашдими? Вазир нега бу гапни дархол “Батя”га етказди? Нима бўлганда ҳам хато ойимдан ўтган. Нима қиласи бу ишларга аралашиб? Ҳалиям “Батя” кечирибди. Адам бўлса, кечирмасди.

Москвага етгунча ўзимни ичдан кемирдим. Саволлар селдай уриб келаётганди. Биттасига жавоб топгунча, ўнтаси қаторлашади.

Учқичдан инганда совуқмиди, иссиққмиди, парво ҳам қилмабман. Таксидан тушиб, ойим яшаган уй томонга юрдим. Ева ҳам ўша ерда бўлиши керак?

Эшикни Ева очди. Кўзининг ости кўкариб кетган. Йиғлаб қучогимга отилди. Кўзим ойимга тушди. Унинг аҳволи ёмон, юзлари шишиб, кўзлари кўринмай қолган. Диванда ётиби.

Нима гап? Нима бўлди? Атрофга алангладим. Ким уларни бу куйга солди?

47. Кутимаган учрашув

Дунёда энг мушкул иш аразлаб ўтирган аёллардан гап олиш. Унисиям, бунисиям гапирмайди. Ҳўмрайиб ўтиришибди. Саволимга жавоб беришмайди, Охири бақириб юбордим:

-Нима бўлди? Биладиган одам борми?

-Нимага додлайсан?-деди ниҳоят ойим.-Сен ҳам ўшанинг биттаси...

Тушундим. Адам. Айтишиб қолишган. Агар ишига аралашса, унча-бунчага кечирмайди. Болалигимдаги бир воқеа ёдимга тушди.

Бир кун ойим адамга:

-Умримиз шундай ўтиб кетадими? “Кавбой” бўлиб юраверасанми?-деди русчалаб.

Мен ошхонада эдим. Адамнинг “кавбой”лигига қизиқиб қолдим. Уларнинг жанжали бир зум қулоғимга кирмади. Хаёлим қаёқларгадир кетиб қолди. Адамни кинолардаги “кавбой”ларга ўхшаттим. Милтиқаси бор. Ҳар отгани нишонга уради. Уни эса ҳеч ким отолмайди. Юриб бораверса, ўқлар тегмай ўтиб кетаверади. Адам ҳам шундай қаҳрамон экан, деб ўйладим.

Бирдан ойим қичқириб, жим бўлиб қолди. Кўрқиб кетдим. Югуриб ўша томонга ўтсам, адам оёғини ойимнинг бошига тираб турибди. Худди кинодагидек. Ойим бурчакда, тиззаларини букиб, бошини икки оёғи орасига олганча, соchlарининг остида қолган. Миқ этмайди. Адам мени кўриши билан:

-Чиқ бу ердан!-деб бақирди,

Қотиб қолдим.

-Чиқ дедим!

Вужудим музлади. Кўзларим юмилди. Оёқларим темир, қўлларим тош. Бир сонияда кўркув бошимдан оёғимгача тўкилди. Адам мен томонга юрди.

Бурчакдаги ойим қандай қилиб ўзини отди, билмайман, қучогига тортди. Йиғлаб юбордим. Ойим оғзимни ёпди. Унинг иссиқ бағрида юмшай бошладим. У эса юм-юм

йиғлаётган, қўллари қалтираётган, бутун вужуди силкинаётган эди. Адам уни тепа бошлади, тепкиси менга ҳам тегди.

Бир зумдан кейин эшик қарсилаб ёпилди. Ойим бошимни силади. Кейин сув олиб, юзимга сепди. Ўшанда ҳам унинг юз-кўзлари кўкариб кетганди. Ҳозир ҳам шу ҳол.

У мени бағрига босганди. Мен нега уни бағримга босолмайман? У мени ҳимоя қилганди, нега мен уни ҳимоя қила оламайман. Ким бўлдим ўзи? Кимдан ҳимоя қиласман? Адамданми? “Батя”данми? Қандай ҳимоя қиласман? Нима бўлганда ҳам бир ўғил ўз онасини шу куйга тушириб қўядими? Мен туширдимми бу куйга? Болалиқда нима бўлган билмайман, аммо бу сафар ойим хато қилган. Хўп, хато қилганда ҳам умр йўлдошику?! Шунаقا урадими? Ойим хато қилибди, Евани нега урди?

Эртага бир кун мен ҳам уни урсам, бошига оёқ тирасам-а? Наҳотки...?

Нима бўлганда ҳам ойимнинг битта гапи ҳақ. Аёлга қўл қўтариш номардлик!

Ҳей, бу гапни ким айтаяпти? Қанчадан қанча аёлни заҳарладинг бугунгача? Нечтасини бир зарбада "ухлатиб" қўйдинг?

У вазифанг эди. Давлат учун, ватан учун керак эди. Ундан бўлса, бу ҳам ватан учун. “Батя”га қарши чиқмоқда-ку? Уни диктатор, деб алланималарни ўқитмадими? Уни қонхўр демадими?

Аслида рост гапни айтди-ку? У диктатор. Ҳатто қизи судга бериб, уни оқлай олмади. Фарангистон суди уни диктатор деб қарор чиқарди. Дунёдаги бешта энг ёмон диктатор рўйхатига кирди. Қийноқлар, сирли ўлимлар бўйича ҳам уни қоралаб келишмоқда. Унинг ўзи ҳам айтмоқда, фалон жойда фалонча одамни отиб ташладим, деб.

Аммо тинчлик учун керак! Қанақа тинчлик? Кимнинг тинчлиги? Ўзида тинчлик йўқ, оиласида йўқ, атрофида йўқ, мана бизда ҳам йўқ. Шундай экан, қолганларда тинчлик бўладими? Бунақа тинчлик кимга керак?

Бошим ғувиллай бошлади. Евага қарадим.

-Ажратаман дегандим, қўли тегиб кетди,-деди Ева, саволлар тоғи остида қолганимни ҳис қилиб.

Уй эмас, жиннихона. Шунча гап бўлган, лекин ойим “Қамоқдан қочиш” сериалини томоша қилиб ётиби. Аҳволини кўрсангиз, қўрқиб кетасиз. Худди заҳар ичгандек.

Тўхта, нима дедим? Заҳар ичгандек... Адам уни заҳарлаган бўлмасин тағин! Йўқ, бунга бормайди. Балки “Батя”нинг бирор одами заҳарладими? Чунки бу ёққа келган куни заифлаган эди. Ҳозир янаем озган. Буни устига адам урибди. Аммо руҳи кучли. Ўзи йиқилса ҳам, руҳи йиқилмайди. Унга мадад бўлишим керак. Қанақа ўғил бўлдим? Ҳатто бағримга босолмайман.

Уй тупуриб ташлади. Ташқарига чиқдим. Озгина юргандим орқадан товуш эшитилди. Ева ҳам чиқди, деб ўйладим ва қарамадим. Битта қора “Мерседес” ёнимдан бироз ўтиб тўхтади.

Орқадан товуш эшитилди.

-Сени кутиб тургандик. Лойиҳалар масаласида. “Марказ”да шу хусусда сен билан гаплашишмоқчи,-деди орқадан келган одам.

Кейин яқинлашиб келдида, адам ўргатган кодни айтди: “Ҳамма бир киши учун, сен ҳам бир киши учун!”

-Хозир биз билан борасан, ўзингни эпақа келтиришинг керак, бундайроқ кийим кийишинг, одамга ўхшашинг лозим.”Саркотиб” билан учрашасан!

Худойимга шукур! Бошимни ғалвадан қутқазди. Бўлмаса аёлларнинг машмашасига ўралашиб қолаёздим. Лекин нега “Отаси” деган видеони кўрмадим. Хато қилдим, Кўришим керак эди.

Мени саунага ўхшаган жойга олиб борди. Чўмилиб чиқсам, худди ўлчаб тикилгандек янги кийимлар “ҳозиру нозир”. Кийиниб чиқдик ва бошқа машинага миндик. Бир зумда олдимизда, орқада кузатувчи полиция пайдо бўлди. Демак, ростдан ҳам “Саркотиб”нинг олдига бораяпмиз.

Машина Кремлга яқинлашиб бораётганди. Кремл... Кимларнинг орзуси ва кимларнинг интиҳоси. Неча юз йиллардан бери Кремл деворлари ичидаги ҳам худди бизнинг саройимиздаги каби қанча ўйинлар бўлаётгандир?

Юрагим типирлай бошлади. Ишқилиб Владичнинг боласи билан жангга олиб боришмаяптими? На руҳан ва на жисмонан тайёрман. Бир уришда қулатади. Бунака номардлик нимага керак? Балки Владичнинг томоша кўргиси келдими? Ичимда қўркув пайдо бўлди. Аслида яхши. Сарой ўйинлари, машмашалар жонимга тегди. Ютқазсам, ютқаздим. Балки ютарман?

Кремлнинг орқа дарвозаси олдида машинамизни тўхтатишиди. “Ўртоқ генерал!” деб салом беришганидан билдимки, ёнимдаги ёш бўлса ҳам, унвони баланд. Шу ернинг одами бўлса керакки, ана у ким, деб сўрашмади ҳам. Демак, унга жуда катта имтиёз берилган. Бизда ҳам саноқли одамгина бундай ишончга эга. Бошқалар ким бўлишидан қатъий назар ёнида олиб келган одамни қайдиятдан ўтказиши шарт.

Кремлнинг қўйи қаватига тушдик. Ёнимдаги чиниққан генералга қарайман. Ўзидан унвони баланд. Дарвоқе, каминачи? Ҳали кийимини киймай, погонини тақмай унвоним ўзгариб турибди.

Эшиги МХХнинг ертўлсидаги қалин эшикларни эслатадиган хонага кирдик. Ёруғ ва шинам. Қундузги чироқлар қўйилган. Мебеллар руҳингизни тарихий даврларга етаклайди. Олтин суви юритилган. Устидаги матоси ҳам қимматбаҳолиги кўриниб турибди.

Бизни қари бир киши кутиб олди. Сочлари оппоқ. Оёғини судраб босади. Худди бутун умри мана шу ерда ўтган каби неон чироқларнинг ранги унга кўчгандек.

-Хўш... отанг ҳақидаги видеони кўрдингми?

Бу тентиратиб юборадиган “зарба” эди. Ютқазишим аниққа ўхшайди.

-Йўқ кўролмадим...

-Ойинг ҳақидагини-чи?

-Уни кўрдим...

Қария мени олиб келган одамга маънодор қаради. У хонадан чиқиб кетди.

Бир зумдан кейин чиройли қиз аравачада кофе олиб келди.

-Турк қаҳваси. Биламан, яхши кўрасан!-деди чол диванга ўтирап экан.-Ўзингни эркин тут. Анча гаплашамиз. Лойиҳаларни ўйлаб юрма. Ҳаммаси қўл қўйилган, имзоланган. Сен билан анча олдин танишмоқчи эдик. Шароит шартларни шатрлатади, деган гап бор...

У секингина хириллаб кулди. Ёқимли чол. Кўпни кўрган ва кўпни билади.

-Жуда қизиқ, жуда қизиқ... Нега отанг ҳақидаги видеони күрмадинг? Бу яхшилик белгиси эмас.

-Энди күрмоқчи эдим...

-Биламан, биламан, ойинг ҳақидагиси асабингни бузган.

Сени Владич шахсан танир экан. Ҳурмати баланд сенга. Ҳужжатларинга қараб ҳам ўтирамди. Оқ йўл тилади. Агар мана шу ишингни олдиндан билганимда, ҳужжатларинг орқага қайтарди. Адангни эса сени яхши тайёрламагани учун жазолардим!

Ким бўлди бу одам? Менга “ҳукм” ўқимоқда. Адамни писанд қилмай гапирмоқда. Кремлда ишласа ишлар, аммо...

-Бўлмаса ҳаммасини ўзим тушунираман, ол қаҳвани ич. Егулик истасанг ана аравачанинг тагида. Тортинма! Яхши болага ўхшайсан. Аданг ўғлимдек гап. Демак, сен неварамсан. Ҳужжатларингни синчилаб кўрдим. Ёш бўлсанг ҳам анчагина тажриба орттирибсан. Бир юз йигирма еттига душманни тинчитибсан ва бирортаси ҳақида битта ҳам гап чиқмабди. Бу фавқуллодда муҳим. Менга ёққани ҳар сафарида янги усул қўллаганинг. Айниқса, Наманганд таксининг ичидаги ўлиб қолгани зўр! Ҳатто таксиҳи ҳам сезмабди. Бу маҳорат! Туғма маҳорат!

...Адам ҳар бир топшириқ ҳақида сўраб оларди. Демак, адам билан алоқаси маҳкам.

-Биз қучли халқмиз! Лекин дунёни бошқара олмаяпмиз. Нега? Чунки бу ишни Худо мусулмонларга берган. Ҳозир дунёни улар бошқаришмоқда...

Кимни ёки ниманидир кутаяпмиз? Нега бу чол гапни узоқдан бошлади? Мусулмонларнинг нима алоқаси бор? Қандай қилиб улар дунёни бошқаришмоқда?

-Ишонмадингми?

Чол енгил ҳаракат билан қўлини елкамга қўйди.

48. Қулми қулдор?

-Хеч ким ишонмайди, аммо ҳақиқат шу. Дунёning энг катта бойликлари мусулмонлар кўлида. Битта Саудиянинг ўзи бешта Американи ётқизиб турғазади. Бизнинг йиллик даромадимизни бир кунда топади. “Суюқ олтин” дейишади. Ярим аср олдин Америка билан чиқишимай қолди. Бермади “қора олтин”ни, кўрсанг эди, нималар бўлмади, нималар... америкаликлар кўчаларда қолишиди. Марказий Осиё ҳам Саудиядан қолишимайди. Ҳар қаричи олтин. Дунёning ярим бойлиги Саудияда бўлса, қолгани Марказий Осиёда, деган гап бор. Озгина муболаға, аммо тагдор гап.

Чол ўрнидан туриб, девордаги харита ёнига борди. “Рус Империясининг Ўрта Осиёдаги мулки” деб ёзилган хаританинг устига.

Чол қўли билан ишора қилиб, ёнига чақирди.

-Мана буни қара! Шоҳниёз хон Пётрнинг ёнига келиб, бизни қўшиб олинг, деб ёлворган. Ўша кундан бошлаб диққатимиз шу томонда. Оз қон тўқдикми? Қадамба қадам, жон бериб, қон тўкиб, босиб олдик. Чегараларимиз Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитойгача узанди. Кўраяпсанми? Кейинчалик хато қилдик. Мусулмонлар босиб олган жойидан ҳамма нарсани ғанимат тарзида олиб кетади ва ўша жойнинг сарватини ўзига ишлатади. Биз нима қилдик? Уларни боқамиз, деб бор бутумиздан айрилдик...

Бу “Батя”нинг ҳокимиятга келмасидан олдинги устозларининг гапларини эслатди. Тағин ўшалардан бири бўлмасин? Столининг устидаги таҳтачада исми-шарифи ёзилган. Аммо журъат қилиб ўқий олмадим. Кўришим керак? Ким бу одам?

-Русни қайта кўтариш учун бир йиқилиб, туриш керак эди. Солженитсин доно бўлган. У Россияни оёққа қўйиш учун уни занжирларидан озод қилиш керак, дер эди. Мана, занжирларни ечдик. Лекин ҳеч қаёққа кетишишмади. У ҳақ чиқди...

Чол китобга тўла шкафлар орасидан, битта эскисини олиб:

-Адангта бир нусха берганман. “Чегара чизгилари”. Айтаман, сенга берсин. Ҳеч нарсадан хабаринг йўққа ўхшайди,-деди.

Ҳақиқатдан ҳам, қандайdir хоннинг беш юз йил олдин Пётрнинг оёғига йиқилишининг нима қизиги бор менга? “Батя”нинг Владич оёғига йиқилганини кўриб ўтирибман-ку?

-Лекин Шарққа ишониб бўлмайди, Шарқ бу нозик масала. Шунинг учун Совет даврида биринчи раҳбарларни маҳаллий халқдан қўйдик. Аммо иккинчиси ўзимининг одам эди. У бошқарарди. Биринчиси тўтиқушлик қиласарди. Бошқаришнинг энг мақбул усули. Минг йиллар давомида Шарқда шундай қилинган. Босиб олинган жойга маҳаллий халқдан ҳоким қўйиб, бож олинаверган. Биз ҳам ҳамма соҳага назоратчи қўйдик, аммо бош бўлмадик. Нега? Хато қилдик, шарқона ўйин қиласиз, деб. Қонимизни ичишди. Нонимизни ейишди ва юзимизга тупуришди. Буни унутмаслигимиз керак! Доим уйқуда тутишимиз зарур. Уйғонса, уддалай олмаймиз! Жиззах исёни пайтида норозилик Хўжандда бошланган, телефон йўқ, Интернет йўқ, икки қундан кейин Самарқандда давом этган ва Жиззахда олов ёнган! Фақат куч, қўрқитиш, алдаш бу халқни босиб туриши мумкин!

...Нима қилишим керак? Бу чолга гап қайтарсам-ми? Нима ҳам дейман. Бу бинодан чиқолмай қоламан-ку?! Ахҳа, жон ширин! Боя ўлимга рози эдим. Энди эса жонимни қутқазиш учун тилимни тишлияпман. Шунаقا хамелеонмиз!

-Томирларингда бизнинг қонимиз оқмоқда,-деди чол қатъий оҳангда.-Сен кимлигингни унутма! Онанг ҳам, отанг ҳам бизнинг одам! Улар ватансевар! Онангни тили ёмон бўлгани билан буюк Русни жон дилидан севади ва унинг учун жон беради. Отанг ҳам шундай! Сен ҳам шу жойгача етиб келган бўлсанг, демак бизнинг қудратимиз туфайли. Бугун қасам ичасан! Сукунатинг қасаминг! Бу йўлдан қайтадиган бўлсанг, ҳозирроқ айт! Қасам ичдингми, тамом, ҳаётинг Русники! Ўзинг учун ўлгансан, миллат ва мамлакат учун тириксан. Тарихинг оёқда туриши, келажагинг юкасалиши учун яшайсан!

...Мен кимман? Кимга мансубман? Уйда доим русча гаплашамиз. Ойим ҳам русга ўхшайди. Адам ҳам. Нега исмларимиз бошқача? Бутун ҳаётимиз ёлғондан иборатми?

-Кўп ўйлама! Сен буюк халқнинг фарзанди! Ўзим бориб “пахта иши”ни тергов қилганман. Порахўрлик қонида бор уларнинг. Мансабга бургадек ёпишади, қон сўргандек порахўрлик қиласади. Кўрамаганда! Кўрамаганнинг куни қурсин! Топганини тўй

деб сочади, уй деб сочади. Тўплаб олиш керак қўлидан. Оч қолсин, эзилсин, ундан кейин келсин, иш берамиз, ўқитамиз, бизни севишни ўргатамиз! Ўшанда қадримизга етади!

...Барибир бу гаплар оғир ботмоқда. Вужудимни тиканак сим ўраб олгандек. Ойим бошқа миллат бўлган тақдирида ҳам уларга ачинди, уларнинг қисмати учун ўз тақдирини таҳликага қўйди.

Бирдан хаёлларимни булат қоплади. Қоп-қора булат. Ким бу одам? Ҳамма нарсани билади? Гапиришни ҳам қотиради. Овози ширин. Даҳшатли гапни ҳам юмшоқ тарзда миянгга ёзиб қўяди. Юмшоқмиш? Миямга “атом бомбаси” ташлади-ку? Дунёимни ағдар-тўнтар қилиб юборди-ку? Нима қилишни, нима дейишни билмай қолдим-ку?. Чол ҳамон бомбардимон қилмоқда.

-Бугун ҳам биринчилари ўzlаридан. Аммо биз етиштирганмиз. Шунда ҳам ишониш қийин. Тўғри, “Батя”нг астойдил хизмат қилмоқда. Динига, узоқ тарихига, миллатига берилган халқ устида ҳукм юргизиш осон эмас. У уддалади. Уйғониб қолган руҳни синдириди. Орада бир ўзини қўйиб ҳам юборди, мутлақ ҳокимлик учун ўйин қилмоқчи бўлди, аммо изн бермадик. “Иккинчи”, “Учинчи” ва ҳакозолар... дадангга ўхшаганлар уни яна йўлига солиб туришди. Владич уни яхши кўради. Устозим, дейди. Биз ҳам ҳурмат қиласиз. Ҳеч қачон битта гапимизни икки қилмади. У бизга биздан ҳам зиёд хизмат қилди. Нафақат бойликлар, балки халқни ҳам хазинамизга бож берадиган қулга айлантириди!

Гугушни эса бутунлай унугт. Биз ҳам унинг номини ўчирдик. Бой отанинг боласи учун жазосини тортсан. Унинг Москвадаги кошоналари ва пуллари сеники. Машинаси, шоферига қадар! Шофер ўзимизнинг одам, уни танийсан, ҳамма масалани ҳал қиласи. Тања холангни ҳам қадрлашинг керак. У ҳақиқий ватанпарвар! Маҳаллий халқнинг тилини ўрган деганимизда ўз тилимни бошқа тилга алмашмайман, керак бўлса ҳаммасини менинг тилимда гапиришга мажбурлайман, деган эди. Сўзида турди ва ўрганмади. Аксинча, барини тиз чўқтириди! Бу жуда ҳам муҳим хислат!..

Чол хонани айланар экан, унинг исми шарифини кўриш учун столига назар солдим.

-Дикқатингни бўлма! Эшит! Мен Каширровский эмас! Сени авраб-алдамоқчи ҳам эмасман! Бугундан бошлаб “ёпик зона”да олти ой дарс оласан. Сиёsat ва тарихни ўрганасан. Керак бўлади. Кимсан, “учинчи одам” бўласан.”Саркор”. Билдингми?

...У боя розилигимни сўраётган эди, эшитмади ҳам. Қулга муносабат қилаётгандек гапира бошлади:

-Бугунгача бўлган ҳар икки исминг ҳам ёлғон. Сен Пётрнинг авлодисан. Буюк руснинг қони оқмоқда томирларингда. Унутдингми, ўласан! Пашибадек! Эзив ташлаймиз! Унутмадингми, бургутсан. Осмон сеники? Кенгликлар сеники! Келажак сеники! Мана

бу нефт компанияси ҳам сеники! Мана ол, номингга расмийлаштирилган. Нафақага чиққанингда керак бўлади. “Батянг”дан олаётганингни қаёққа қўйишни билмай юргандинг. Мана шу компаниянгга инвеститция қиласан.

У шундай деб столи устидан битта белгини олди.

-Мана буни кафтингда тут. У томонга ҳам, бу томонга ҳам қурол билан бориб-келишга ҳақлисан энди!

Индамай чолнинг қўлидан белгини олдим. Жуда уста экан. Тайчи фалсафаси унинг олдида “ип эшолмай” қолди. Рақибга тинмай, ҳар томондан ҳужум қилиш қерак. Чол эса умуман кутилмаган томондан урди. Бир зумда унинг қулига айландим. Балки қуллик руҳимда бордир? Балки чол айтмоқчи қонимда пишқириб оқаётгандир бу қуллик? Йўқ, бу қуллик эмас, бу ҳукмдорлик! Бу эшикдан чиққунча яшайдиган қуллик! Эшикдан чиқдимми, ҳукмдорман! Ҳукмдорлик кафтимда!..

-“Батя” жуда яхши одам!-деди чол.- Ўлгандан кейин ҳам ҳурматини жойига қўямиз. У халққа битта икона керак. Сифиниб юрсин. Ҳайкаларини тиклаймиз, Эгилиб юришсин. Ҳар қанча буюк одамнинг ҳам умри чегараланган. Биз Брежнев, Черненко даврини яшаганмиз. Мункайиб, эгилиб, боши оёғига тегиб қолганда ҳам тахтда сақлаганмиз. Бу қимматга тушди. Керагида уларни алмаштиришни ҳам ўйлаш зарур. Бу сен каби ақлли йигитларнинг режасига боғлиқ. Бор, аввал ўқишини битир, кейин гаплашамиз. Ҳали “Батя”нгни ишлатишими керак. У қўйларнинг ҳам чўпони, ҳам бўриси! Қўйлар унга ўрганди, у қўйларга!

Бу энди учинчи “атом бомба”си эди. Чол жойига ўтиб тугmani босди, эшик очилиб мен билан келган генерал кирди:

-Сенинг кураторинг шу генерал! Ҳамма ишни у билан бамаслаҳат қиласан. Иккинчи отанг! Севадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам шу! Қарорни ўзинг берасан, у эса ижро этади. Умид қиламанки, у сени севади!

Индамай чиқиб кетаётган эдим, чол тўхтатди:

-Боядан бери ана у тахтачадаги исмни ўқишига интиляяпсан. Мана сен ўз исмингни неча йил ташидинг? Бир сонияда ёлғон бўлиб чиқди. Сени бундай содда ҳолда қўришни истамайман.

Чол шундай деб исми шарифи ёзилган тахтачани олдида:

-Ма, сенга ҳадя! Йўқотма! Олтиндан. ‘Батя’нг берган,-деди.

Тахтачага “Азиз устозим Абел Петровсга” деб ёзилганди. Ҳақиқатдан ҳам “Батя”дан. Унинг исми ёзилган. Худди менинг таппончамдаги каби шарқона жимжимадор ҳарфлар билан...

Ташқарига чиқдик. Генерал:

-Мана машина, мана шофери, хизматингда!-деди.

Машинага миниб, шоферга қарасам, карате мактабида бирга ўқиган синфдошим, Бахти...

49. Видео

Бахти жилмайиб, “Салом” деди.

-Сан нима қилиб юрибсан бу ерларда, Бахти?

-Ўзингчи... вазифа... ишлаб юрибмиз...

-Кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди-а?

-Ҳа, мени бу томонга юборишиди, шу билан қолиб кетдим, ўқиш, иш...

-Умидни кўриб тураман... баъзан,-дедим хато қилганимни тушуниб. Кейин тузатдим, охирги марта “Олой” бозорида учратиб қолдим.

-Биз билан ўқиганлардан бу ерда ҳам икки уч киши бор...

-Кимлар бор?

-Эрта-индин кўриб қоласан, уларни ҳам,-у ҳам сир бермасликка уринмоқда.

-Биламан,-дедим жуда ҳам паст келмасликка уриниб.

-У ёқдагиларни кўриб турасанми? Ҳаммаси қўлингда ишласа керак?

Нима десам экан? Ковляяпти. Айтсам...мумкин эмас. Ўзидан эшитишим керак.

-Яқинда ўша мактабимизга раҳбар бўлиб бориш имкони пайдо бўлди, аммо бормадим,- деди у яна гап қўшиб. Тушундимки, Бахти мендан кўпроқ нарса билади. Унинг гапига қараганда, биз ўқиган карате мактаби ҳам оддий эмасга ўхшайди.

-Тўғри килибсан. Мактаб раҳбарлигини нима киласан?

-Аммо яхши жой. Қўлингда ўқиганлар муҳим жойларда ишлайди. Хўroz қўлингда қичириқади.

-Ундан бўлса нега бормадинг?

-Буйруқ чиққанди. Аданг ва “Батя”нинг қўлига тушиб қолишини истамадим. Улар мактабда бошқа томонга суриб юборишлари ҳам мумкин. Тошлари оғир! Шунинг учун кутишга қарор қилдим. Мактабимизга ўтиб турсанми?

-Ҳа,-дедим ёлғондан. Аммо шу дамда адамдан ранжидим. Нега бу гапларни мендан яширган? Дарвоқе, ҳаммаси ҳали видеода эдими? Ахмоқ! Каллаварам! Қандай қилиб уни кўрмадим! “Бахти” тиржайганча машинани суриб бораётти. Уни мот қилгим келди:

-Опангдан воз кечдингми?

-Ўзига ўзи қилди? Катта кетиб қолди. Чидаб турса, “Батя”нинг ўрни уники эди. Ҳамма рози бўлганди. Аммо шошиб қолди, кабутар қўлимдан чиқади, деб ўйлади ва хато қилди. Бой отанинг боласи фақат унга эмас, кўпчиликка қимматга тушди. Ўзинг ҳам билсанг керак. Ичидасан-ку?

-Ундан узоқ турганман. Салом-алик!

-Аммо у сендан қўрқарди. Кўп суриштиради. “Адасидан ҳам ёмон”, дерди.

-Билардим!

-Хаммани ўзига душман қилди. Ҳатто онаси ҳам, синглиси ҳам унга қарши чиқишиди. Хукуматдагиларни күявер!

-Тугмасини бу ерда ўзинг босгансан-да, шунинг учун ҳаммаси қарши чиқди,-киноя қилдим унга.

-Биз кичкина одаммиз!

-Унда нега сұхбатимизни ёзиб олайпсан?-дедим қўққисдан унга. Бахтининг ранги учиб, тили гапга қовушмай қолди.

Жимжитлик. Биламан, унинг вазифаси бу. Шунинг учун бошидан унга кўп сир бермадим.

-Аксинча, сени ёзиб олмасликлари учун ҳаракат қилишим керак. Сенга бошим билан жавоб бераман! Бир оғиз гапингни бирор ёзиб олса, ўша заҳоти оёғим осмондан. Сен менга бошлиқ! Истасанг, ҳайдайсан бошқа одам беришади.

Бу гаплари самимий эди. Лекин дунёда самимий гап борлигига ҳам ишонмай қолдим.

Уйга келишимиз билан унга жавоб берсам:

-Вазифам шу ерда кутиш,-деди.-Уйим опаникининг ёнида. Аслида уники. Менга расмийлаштирилган. Хоҳлаган вақтда чақир, зериксанг қарта ўйнаб, сени овора қилишим керак. Биламан, зерикмайсан, гўзалингга беш! Зўрини топгансан! Бахтли бўл, ошна!

Уйга кириб юқори қаватга югурдим. Компьютерни очдим. “Отаси” деган тутмани босдим. “Файл очилмайдиган форматда”, деган ёзув пайдо бўлади.

-Жин урсин!

Қизиқ? Нега очилмайди? Флежкани қайтадан тиқдим. Айни гап.

-Уйга бирор келмадими?-сўрадим Евадан.

-Доктор келди. Кейин электр идорасидан келишиди,-жавоб қилди ойим Еванинг ўрнига.

-Бироратаси юқорига чиқдими?

-Йўқ. Доктор мени кўриб кетди. Ана улар эса ичкарига ҳам киришмади. Электрни текшириб юришган экан.

Ева қовоғини солиб олган.

-Тинчликми?

Яна ойим жавоб қилди:

-Сени кутиб ўтирибди. Кетиши керак. Адаси вилан ойиси аварияга тушиб, касалхонада экан.

-Безарапми?-Евани бағримга босдим.-Нима бўлибди ўзи?

-Аниқ билмайман... Аҳволлари оғир. Бормасам, бўлмайди.

-Ундей бўлса кутмагин...

-Кутмагин эмиш...,-ойим жаҳл қилди.-Кўчага чиққан одам бундай айтиб кетади,-Бечора Ева кун бўйи сени ахтариб, қон бўлди. Мен-ку ўрганган, аданг билан сани бундай қиликларингга! Бу бечорага раҳм қилларинг.

Хаёлим флежкада. Евани Бахти билан жўнатдим ва флежкани тузатишга уриндим. Ҳеч нарса қила олмадим. Қаттиқ дискда бордир? Кўрмаган бўлсам, қаттиқ дискка қандай ўтади? Флежкадан кўчирганимда ўтган. Компьютер курсига қатнаганим иш берди. Ёзувни қаттиқ дискдан топдим. Очилмади. Демак... демак... Кимдир ўчирган? Ким?

Ойим-ми? У каттиқ дискка кира оламайди. Ана у келгандар шунинг учун келишганмиди? Наҳотки... Ева!

Ева! Таня холани “Батя”га, ойимни адамга, Евани эса менга... Унда нега кетди? Кўрқдими? Йўқ, ўлса ҳам ўлиши керакки, кетмаслиги шарт! Демак, буйруқ бўлган. Қовушмаяпти. Агар у бўлса, бир умр назоратчи бўлиши керак эмасми?

Хонамдаги деразани текширдим. Ёпиқ. Ташибарига чиқдим. Кимдир ёки қандайдир ҳайвон юрган. Излар текислангдек. Демак, “электрчи”лар. Адамнинг ҳам шунаقا “касби” бор эди. Ўзим-чи? Қанча хонадонга шу ном билан кириб чиқсанман! Евадан бекорга шубҳа қилдим. Шўрлик қизнинг ота-онасини мен учун ўлдиришган бўлишмасин? Нималарни ўйлаб ўтирибман-а?

Флешка қани? Қаерга қўйгандим? Шунча ҳам эътиборсиз бўламанми? Уйни қидира бошладим. Ойимнинг сумкасидан топдим флешкани. Бу ўшами ўзи? Компьютерга уладим. Бошқа нарса. Лекин адам ҳақида. Суратлар ортида овоз. Адамнинг болалиги. Самарқанднинг Чўпон ота қисмиди “Ёш дзерженскийлар” мактабида ўқиган экан.

-У ерда асосан етим болалар ўқирди. Уларни қаерлардандир олиб келишарди. Биз казармаларда яшаб, ўқирдик..

-Ким бу гапираётган? У адамни танир экан. Лекин нега сотмоқда?

“Биз бирга ўқиганмиз. Битирганимиздан кейин уни пойтахтдаги мактабда учратдим. У ерда ҳам шунаقا мактаб бор экан. Ўша ерда дарс берарди. Бирдан ғойиб бўлди...”

Демак, мен “Ёш дзерженскийлар” мактабига қатнаганман. Карате мактаби деганимиз аслида... Ҳм, бу одамни ким гапиртироқмода?

“Самарқандда биз ўқиган мактабда “Батя” ҳам бир неча йил ўқиган”

Нима? “Батя” билан адам битта мактабдан чиқишганми? “Батя”нинг ёши катта. Демак, у олдинроқ ўқиган.

“Мактабда битиравчиларни ахта қилишган. Хотининг билан ётиб-турасан, аммо боланг бўлмайди. Ҳаёting сеники эмас, манқуртсан, доим айтилганни бажарадиган итсан!”

Ким бўлди бу одам? Товуши танишга ўхшайди. Юмшоқ ва сокин. Уни сўроқ қилишмоқдами? Наҳотки, “Марказ”га қарши кучлар ҳам бор? Наҳотки, мен ҳам қопқонда? Бир кун мана шундай мени ҳам суроқ қилишмайдими?

“Уларнинг ҳаммаси хоин! Қотиллар! Уларга пул, олтин керак! Ҳар иккаласини ҳам отиб ташламоқчи эдим. Уларни йўқотмасак ёруғликка чиқмайсиз! Улар бизни алдаб юришибди. Гўёки, қонунлар бор, гўёки, сайловлар ўтади, гўёки, судлар ишлайди. Ҳаммаси ёлғон. Сафсата! Сизларни лақиллатиш учун қилинмоқда бу!”

Тергов материалига ўхшамайди. Бу одам ваъз айтмоқда. Кимга айтмоқда? Наҳотки, раиснинг идораси иккига бўлинган? У ерда миллиятчилар бор, деб эшитган эдим. Аммо бармоқ билан санарли ва уларни териб олаяпмиз, деганди адам.

Видеода бирдан тасвир пайдо бўлди. Синфга ўхшаган жойда анчагина одам ва бир киши гапирмоқда. Ўша! Бирдан кўнглим ёришгандек бўлди. Италиядаги Қаҳрамон ака. Адам уни ёшлигида чиқиб кетган деган эди. Лекин бу сухбат қаерда бўлмоқда? Қаерда ёзиб олинган? Италиядами? Шунча одам Италияга бордими? Ўтирганларга қарайман. Таниганларим йўқ.

“Буюк бир халқни оёқ ости қилишди, сарсон-саргардон, бир бурда нон гадосига айлантиришди.. Чет элда “Батя”нинг юзлаб кошоналари бор. Қизлари, неваралари ва

бошқаларнинг номига расмийлаштирган. Раиснинг, Баш прокурор ва бошқа минглаб тўраларнинг ҳам бойликлари ундан қолишмайди. Уларга олтинларни биргаликда ташидик. Шуни халққа берса бўлмасми? Ахир шу халқнинг ҳисобидан яшаяпти? Биз ҳам шу ҳисобдан яшаяпмиз. Лекин нега бунчалик талаяпмиз? Совет даврида ҳам бундай бўлмаган-ку? Биз юз марта яшаймизми? Бир марта яшаймиз? Нима қиласиз бунча бойликни? “Батя” соғ одам эмас. Унинг мияси алжираган. Ёлғон гапиришга ва алдашга мослашган машина у! Унинг атрофига сизу бизга ўхшаганларнинг сон-саноқсиз маддоҳларни териб қўйишиди. Ўз халқининг душманлари улар! Хоинлар ўшалар!”

Қаҳрамон ака нотиқ экан. Гапини эшитган сари эшитгинг келади.

“Бирортамида ўз ҳаётимиз йўқ. Хотинни ҳам тикиб қўйган. Болаларимиз бировники. Уларни ҳам робот қилиб етиштиришимиз керак. Ҳайвондан ҳам баттармиз! Биз ана шундай йўқ бўлиб кетаверамиз, кимлардир мазза қилиб яшайди, кимларнидир қонун-қоидасиз ўлдирамиз, қолганларини тепиб-тепиб ишлатамиз! Дунёни кўриб юрибмиз! Бу жамиятни сиз ва биз ўзгатира оламиз! Ҳар биримиз ўнтадан одамни ишонтира олсак, бас! Бу ифлосларнинг куни битти дегани!”

Шунчалик берилиб кетибманки, ойим кириб келганини сезмабман.

-Қаердан олдинг буни! -деди ойим.

-Ойи, мен кимман? Сиз кимсиз? Қаҳрамон ака нималар деяпти? “Болалар ўзимизни эмас”, деяпти-ку?

Ойим олдимга келиб, бошимни бағрига босди. Кўллари иссиқ, ҳарорати баланд. Қандай қилиб юқорига чиқди? Қарасам, юзи терлаяпти.

-Совуқ қотаяпман,-деди ойим,-болам... давомини кўрма!

50. “Шарманда!”

Ойимни хонасига олиб кирдим. Унга иссиқ чой қилиб келсам, ухлаб қолибди. Нега “видеонинг давомини кўрма”, деб айтди? Қандайдир муҳим гап борми? Аслида муҳим гапнинг ўзи қолдими? Ҳамма қарталар очилиб кетдику? “Туз”нинг сири қолмади. Яна нима борки, кўрма, деяпти. Йўқ, бу сафар олдинги ахмоқгарчиликни қилмайман. Кўраман давомини.

Қаҳрамон ака гапираётганди:

“Ҳар бир инсон эркин туғилади, эркин яшашга ҳақли! Кимдир уни қул қилиши, камситиши, таҳқирлаши мумкин эмас. У фақат Яратганга кулдир. Бу эса озодлик дегани. Ундан кейин қонунларга риоя қилиши лозим. Бу-одам бўлиб яшаш учун керак. Демак, қонунлар унга хизмат қилиши лозим. Қонунларни ким яратади? Ишни шу жойдан бошлиш керак. Халқ ўзига керакли одамни қонун ёзишга қўйисин! Порахўр, муттаҳамни эмас. Миллат ўзлигини англамаса, унга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ўзликни англаш эса ўз-ўзини, ҳақ-хукуқларини сотмасликдан, қадрлашдан бошланди. Сайловда овозини сотмасин, овози кимга кетишини билсин, қўриқласин, ҳимоя қилсин! Қачонгача ўзини алдайди? Ёлғоннинг ёлғонлигини билиб турадику, аммо қулоғига ёққани учун эшитади. Мазза қиласиди. Бундай одамни Худо ҳам уради.

-Тўғри айтасан!

Бу - эшикдан кириб келган адамнинг овози. У қаёқдан пайдо бўлди? Қаҳрамон аканинг сұхбати видеога ёзилган-ку? Демак, адам уни кузатган, видеога ёзган ва мана мен кўриб ўтирибман.

-Санга икки марта ҳаётингни бағишладим,-деди адам Қаҳрамон акага.-Сен эса икки марта менинг ҳаётимни таҳликага оттинг. Ўлим билан юзма юз қолдим. Тўғрими?

Қаҳрамон ака ҳайрат билан адамга тикилиб қолди.

-Италиядা юравер, ҳар томонга бурун суқма,-дегандим.- Аммо тинч юрмадинг. Чегарани бузиб кирдинг. Шундайми? Сен энди қонун ҳақида гапирасанми? Қонунни бузган ўзинг-ку? Сенadolat ҳақида гапирасанми? Қотил сен-ку? Хотинингни ўлдирганинг эсингдан чиқдими, бадбаҳт? Ҳомиладор аёлни...

Қаҳрамон ака сувга тушган бўридек шумшайиб қолди. У ўзи кутмаган ҳолатдан чиқиш йўлини қидираётганди. Адам эса уни гап билан “тепкиламоқда”.

-Ўқишига кетиб қолгандилар. Хотин билан ишлари йўқ эди. У бечора билмаганда бу кишининг ахталигини. Юриб қўйган. Келсаларки, хотинни қорни бурнида. Суюнчи истаб турибди. Ёлғон бўлса, айт! Мен ёлғон гапиришни ёмон кўраман. Буларга ваъз ўқияпсан. Ҳеч бирида рух йўқ, эркаклик йўқ. Булар ҳам сен каби она ким, бола нима, хотин нима, билмайдиган тур! Ҳайвон ҳам билади, онасини қадрлайди, булар девор! Сен бўлсанг булардан инқилобчилар ясамоқчисан. Ахмоқлигинг мана шунда! Истайсанми, ҳозир биттаси ишингни битирсан! Танла биттасини, таппончани бераман! Қани кўрамиз, кимнинг буйруғини бажаради!

Адам шундай деб, таппончасини олди.

-Мана ичиди ўки бор, айт, қайси бирига берай!

-Номардлик қилма,-деди Қаҳрамон ака, ниҳоят ўзини қўлга олиб.

-Мен номардлик қиласяпманми? Хўп, сен мард бўл! Танла биттасини ва мени отсин!

-Нима кераги бор бунақа ўйинни, қамоққа оласанми, мана кишанингни тақ!-У шундай деб, икки қўлини олдинга узатди.

-Менинг китобимда қамоққа олиш йўқ. Сенга сенинг кимлигингни кўрсатиб қўймоқчиман! Гапинг билан амалинг бошқалигини кўрсатмоқчиман! Сан, ҳов бола, чиқ бу ёқقا! Йўқ ўтири! Ҳов орқадаги, сан чиқ! Майли сен ҳам ўтири! Бошини эгиб ўтирган бола, ҳа...ҳа.. сан, бу ёқقا чиқ!

Адам синфда машқ ўтказаётгандек эди. Синф... академия... Танидим синфхонани. Лекин Қаҳрамон ака у ерга қандай келиб қолди? Кириш мумкин эмас. Ҳаммаёқ ўралган ва қўриқчилар бор-ку?

Адам ўртага чиқкан йигитнинг қўлига таппончасини берди.

-Ушла буни! Ё мени отасан ё уни! Буйруқни бер!

Адам шундай деб, Қаҳрамон акага юзланди. У индамади.

-Буйруқ ҳам беролмайсан! Қандай қилиб давлатни бошқарасан? Ҳезалак!

Қаҳрамон аканинг жаҳли чиқди. Муштини қисди. Кўзи қизариб, томирлари ёрилиб кетаётгандек эди. Ёноғидаги қон томири ҳам бўртиб чиқди ва қаддини ростлаётган арслонга ўхшарди.

-От уни!-дея бақирди адам ҳалиги йигитга. У иккиланиб қолди. Адам ҳам чўчиб кетди.

-От!-деди Қаҳрамон ака унга.

Адам Қаҳрамон акадан бундай сас чиқишини кутмаган эканми, ранг-қути ўзгарди.
-От унинг ўзини! Бундай имконият қайтиб бўлмайди. Худонинг инояти бу! Қаҳрамон ака хитоб қилди,
Таппонча ушлаган бўз йигит, бир Қаҳрамон акага ва бир адамга қаради.
-Кўрдингми, отолмайди, бичилган, қўрқоқ!-деди адам.
Кейин ҳалига болага қараб ўшқирди:
-Таппончани кўтар!
У таппончани кўтарди.
-Ватан хоинига ўқтал!
У ўқталди.
-Пешанасига қўй! Миясини чиқарамиз!
Адам хато қилди. Хато... хато...Хато!
Айтганим бўлди. Қаҳрамон ака бир ҳамлада таппончани олди ва болани тепиб ерга қулатди.
-Ҳокимият менинг қўлимга ўтди,-деди у адамга қараб. Ўтган сафар ҳаётингни бағишиладим. Эсингдами, ўлдириб қўйишим мумкин эди. Қошингни ёриш билангина жавоб бергандим. Дўстлигимиз ҳаққи хурмати шундай қилдим.
Адам шошиб қолди. Хато қилганини кеч англади. Атрофга аланглади. Синфдаги йигитларга имо қилди. Улар қимирилашмади.
-Кўрдингми, булар бечора халқ! Ҳокимият санда бўлса ҳам, менда бўлса ҳам гунг булар!
Энди мен таппончани биттасига бериб, от десам, сени отади. Лекин ундан қилмайман.
Сени ўзим отаман! Биласанми нега, “Марказ” сендан воз кечди. “Батя” ҳам сен билан ўйин қилди. Шунинг учун тузоғингга илинган бўлиб, бу ерга келдим. Бу имкониятни бой бермайман.
Адам шокка тушди. Маълумотлар унинг миясини илма-тешик қилаётгани билиниб қолди.
Қаҳрамон ака кутилмаганда адамга яқинлашиб, унинг тиззасига қаттиқ тепди. Адам тиз чўкиб қолди.
-Қимирилама! Ютқаздинг! Ўтган сафаргидек! Бутун жирканчликларнинг илдизи сенда!
Сени қуритсан, жамият кўкаради. Бу болаларни қонга ботириб нима қиламан? Ўзим бажарман бу ишни!
Адамнинг ранги докадек оқарди. У бир ҳамла билан Қаҳрамон акага интилмоқчи эди, қаттиқ тепки башарасини қонга ботирди. Қарасам, қўли титраяпти. Ундаги жасорат, важоҳатдан асар ҳам қолмади. У Қаҳрамон аканинг қархисида тиз чўкиб қолди. Балки, пайт пойлаётган бўлиши ҳам мумкин. Йўқ, ундан эмас. Боши эгилган. Наҳотки, адам шунчалик тез букилди? Тур ўрнингдан, эркакдек ўл, дегим келди. Мен доим ҳавас қилган кучли одамга нима бўлди? Битта таппонча уни шунчалар букиб қўйдими? Йўқ, Қаҳрамон акадан енгилиб қайтгани эсида ва рухи тиз чўкди. Ўлимига ишониб қолди.
Ҳамма нарсани бирдан, бир сонияда йўқотганини ҳис қилиш уни мажолдан айрди.
-Сен ўзингта жуда ишондинг, бино қўйдинг! Мана шу нарса сени ўлдиради бугун,-деди Қаҳрамон ака сал узоқроқ туриб.-Ёнимга жосус йўллаганинг, мени тузоққа тушириш

учун бу ерга олиб келганингни билмайди, деб ўйладин-а? Ҳаммасини билардим. Сен эса ўзингга шунчалар берилдингки, синфга киришдан олдин ҳимоя ҳақида ўйламадинг ҳам.

-Ечин,-деб бақирди Қахрамон ака адамга. Адамнинг важоҳати унга кўчганди.

Адам индамади. Кутилмаганда ўқдек учиб адамнинг бошига шундай тепдики, унинг калласи полга урилиб, “накаут” бўлди.

-Бундай қилма!-деди адам минғирлаб. Бу гапириш эмас, ёлвориш эди. Ортидан йиғлаб юборди.-Ўлдирма!

Адамдан нафрат қила бошладим. Нима учун? Нега? Билмайман. Шарманда!

-Ўлимингдан олдин озгина машқ ўтказамиз,-деди Қахрамон ака.-Кимда бутилка бор!

Адам сувдек тўкилди. Телевидение раҳбарини эсладим. Худди ўша “бобой” каби иштонини ҳўл қилиб қўймасин-да! Лаънат бўлсин! Нафақат адамдан ҳаммасидан ҳам нафаратландим. Шу ҳам ҳаётми? Бир кун мен ҳам шу куйга тушсан, нима бўлади? Нега адам ўлимни танламади? Нега қўрқди? Қани ундаги маҳорат, қани мен заковат деб ўйлаган ақл-идрок? Қахрамон ака айтгандек, ўзига шунчалик бино қўйдими? Балки, аслида шундай қўроқдир?

-Ечинтир буни!-бақирди Қахрамон ака!- Ҳов, иблис, мен аёл ўлдирадиган номард эмасман. Шунинг учун ҳам кетгандим. Ўқишидан келганимда, ярамас аёл ким билан дон олишганини билиб ҳам ўлдирмадим. Чунки ҳомиладор эди. Санлар уни ўлдириб, бўйнимга илдиларинг. Билмасмидим буни!

Икки йигит адамни ечинтира бошлади. У қаршилик қилмади. Шунчалик ҳам заифми? Ҳунграб йиғлай бошлади.

-Ўл бу кунингдан,-деди Қахрамон ака.-Одамларнинг онасини, қизини зўрлайман, деб руҳини синдирардинг! Ўзингда бало ҳам йўқ-ку? Ҳатто мардларча ўлишни ҳам билмайсан! Аҳволингга қара, латта бўлиб қолдинг. Нимани ўйляяпсан? Кошоналарними? Олтин ёмбиларингними? Долларларними? Қайси бири жонингга ора киради? Ҳаммаси кимларгадир қолиб кетади. Сенда ғурур деган нарса борми? Орқангга бутилка тиқаман десам ҳам индамайсан!

-Ундан қилма, биз ахир дўст эдик...

-Минора қурган минора бўйи чуқур қазади. Сен чи? Дўстлик эмиш! Сени дўстлигинг ҳам, кучинг ҳам мансаб. Кўрдингми, “Марказ” сендан воз кечди, “Батя”нг ҳам воз кечди, дегандим, жонинг чиқиб, шалпайиб қолдинг. Сени умуртқанг мансаб! Мени тузоққа тушириб, шитирлаб қолган мансаб қурсисига битта мих қоқмоқчи эдинг! Топдимми?

-...

-Сен ер остида қимиirlаган иллони билсанг, мен сени биламан!

Қахрамон ака болалардан бирига буйруқ берди:

-Тўнқайтири! Кўриб юрганини танасида ҳис қилсин!

Шартта видеони ўчирдим. Давомини кўролмадим. Даҳшат. Шу кетишида юрагим ёрилиб, ўлиб қолсам керак ёки ўзимни отиб ташлайман! Аммо видеони охиригача қўришим шарт.

Яна тугмани босдим. Қарасам, кўлларим қалтираяпти. Отангга ўхшамай ўл! У отамми ўзи?

-Эсингдами, чорак аср олдин Бош вазир, Вице президент бўлган миллатпарвар инсонни ечинтириб, катта кўчага ташлаб кетган эдинг. "Чўтири" буюрганди-а? Унинг айби

халқини, мамлакати ва миллатини севганида эди. Уни ҳимоя қилиш ўрнига сотилдинг, жиноятчи “Чўтири”ни танладинг. Тағин бугунги ўйинни видеога ёзиб олиб “Чўтири”га кўрсатмоқчи эдинг-а? Энди нафақат “Чўтири”, балки хотининг, ўғлинг ва бошқалар ҳам кўради. “Марказ” ҳам кўради. Кўрсин, итнинг итдай ўлганини!

У шундай деб, адамга яқинлашди ва:

-Тур ўрнингдан, иштонингни кийиб ол!-деди.-Бу видеони кўриб “Чўтири”нинг ўзи сенга баҳо беради!

Видео шу ерда тугади. Бу қачон олинган? Видеонинг “тариҳи”ни очдим. Кече ёзилган. Ойимга қандай келди? Адам қаерда? Қаҳрамон акага нима бўлди? У қаерда?

Шу пайт телефон чироғи ёнди, очмадим.

51. Таги олтин сауна

Телефон тинимсиз тинғилайверди. Олмасам бўлмайди. “Марказ”дан. Видео уларга ҳам етган. Суҳбатимиздан кейин олишдими ёки олдинми? Агар олдин бўлса, нега билдиришмади? Йўқ, мен чиқиб кетгач олишган. Ойимга қандай етиб келди? Флешкани ким олиб келиб берди? Менимча, флешкага шу ерда кўчирилган. Интернет орқали келган, унда флешкага ким ёзиб олди? Ойимнинг аҳволи оғир. Агар компьютерда кўрган бўлса, уни флешкага ёзиб олишга улгурмасди. Наҳотки Ева? Наҳотки у кўрди буни? Балки нафратидан ота-онасини баҳона қилиб, кетдимикан? Тўғри қилган, вақтида кетди. Унинг бундай ифлос ишларга қўшилиб қолишини истамайман. Ҳаётини яшасин. Шундай деяпману аллақачон уни соғиндим. Унинг юзларида ҳорғинлик бор эди. Ҳорғинлик ҳуснга ҳусн кўшаркан. Ева... кайфиятимга таъсир қилдими, телефонни очдим:

“Ухлайдиган замон эмас, Гугушнинг одамлари дадангга ҳужум қилибди, аҳволи оғир, уни даволаниш учун бу ёққа олиб келамиз. Сен тезда йўлга чиқ, учоқ ҳозир, бориб ишни кўлга ол. Занжир бўшалмасин! Аммо омадинг бор экан. Ўқиш ҳам қолди. Сен “учинчи” эмас, энди “иккинчисан!”. “Батя” қийналаяпти, ҳар кун биз билан алоқада бўл, бамаслаҳат иш тут! Ҳаяжонга берилма, ақлга бўйсун! Ватан ота-онадан азиз! Ватан учун ўлмоқ шараф, унутма!”

Бу Абел амаки. Гапиришимга ўрин қолдирмади. Буйруқ. Кетишим керак. Кетмасам, адамнинг ҳолига тушаман. Нариги хонага ўтсам, ойим:

-Кет, буйруқни бажар! Жувонмарг бўлма, болам! Кет! Аммо у ердан ҳам кетишининг йўлини топ! Мен яхшиман,-деди.

Бахтига сим қоқсам, у аллақачон эшик ёнида кутиб турганини айтди.

-Сен билан кетишим керак экан. Учқичда яна бир неча киши бор. Ҳаммамиз сени аскарларинг! Ўл десанг ўламиз, қол десанг, қоламиз, буйруқ шундай!

Хайриятки, учқич бор. Икки-уч соат тин олиш мумкин. Қўналғада Умид кутиб турган экан.

-Вазият ёмонлашди,-деди у.-Ҳозир шу учқич билан адангни кузатамиз. Кўришасанми? Аммо у истамади. Кўрганинг билан кўрадиган жойи қолмаган. Тўргай қутурса бургутга чопар. Опа ваҳшийлашди.

Нима деяпти бу? “Марказ” ҳам ҳамма нарсани опага юклаяпти. Қаҳрамон аканинг опа билан алоқаси борми? Балки опа уни олиб келтиргандир? Ойим нима деди, ҳаяжон билан эмас, ақл билан иш қилишим керак.

Адам ҳақидаги ҳақиқат қийнаяпти. Ахир видеодан ойдек равшанку? Қаҳрамон акани адам олиб келган. Тузоқ қурган.

Нега булар опанинг бўйнига отишмоқда. Демак, “Батя” опани оқ қилган. Ҳамма нарсани унинг бўйнига ташлашади. Аслида уни бузган ҳам “Батя”нинг ўзи? Пулнинг ичида қутуртириди. Унга жуда катта ваколат берди. Энди бунақа фитна. Бир томондан чет элни лақиљлатишиади. Гўёки “Батя”нинг хабари йўқ. Ҳаммасини эркатой қиз қилган. Иккинчи томондан халқнинг кўзини бойлашади. Қирол яхши, қизи ёмон! Учинчидан, “Батя” қариди, унинг жойини бошқа олади ва ҳамма сувдан қуруқ чиқади.

Тўхта, тўхта, буни аслида ўзим “Батя”га айтмаганмидим? Йўқ, у айтганди, мен тасдиқлаб бергандим.

Саройга келсан, “Батя” ухлаб ётган экан. Кеч уйғонди.

Кўриб хурсанд бўлди.

-Ишларингни чала қолдирдим, керак бўлдинг,-деди у.-Ватан хоинлари адангга ҳужум қилишди. Ўзи чарчаб қолганди. Бориб даволансин, дамини олсин! Сенга эса иш кўп...

Биргаликда олтинчи қаватга келдик. У сейфдан тўртта “папка”ни олди.

-Дастлаб “Герой”ни синдирасан. Кейин Бош прокурорни. Ундан сўнг “Шурик”чани. Опангни шериги қочибди. Уни ўша ёқда тинчитамиз. Ҳаромини битта хонага тиқиб қўй. “Уй қамоғи” деган гап ўзингдан чиққанди. Айт, битта қонун ёзиб қўйишин. Чет элдагилар вовулласа, оғзига уриш учун!

Адам роса ҳужжат тўплаган экан. “Герой”нинг қўлида ўн бешта хос “аскари” бор. Ҳар бири битта бўлимнинг бошлиғи. Укаси коррупсияга қарши кураш бошқармасининг бошлиғи. Бўрини қўзичоқни қўриқлашга қўйишиган.

Умид, Бахти билан режа туздик. Раисга ҳам билдирамадик. Асосан адамнинг, энди ўзимнинг гуруҳимда бўлган йигитларни ишга солдим. Бир кечада МХХдан ўн беш “аждар”ни босдик. Раис типирчилаб қолибди. “Батя” билмайман, деб менга юборибди.

-Ишни тескари қиласизлар. Аввал илоннинг бошини эзиш керак эди,-деди у хириллаб.

-Бизга илон кимни чақмоқчи бўлганини билиш муҳим,-дедим гапни бошқа томонга буриб.

“Герой”ни “қўтон”ида тутганимиз ва унинг алоқаларини аниқлаш режамизни айтмадим. Вақт чексиз дейишади. Йўқ, вақт энг танқис нарса. Етмайди. На уйқуга, на ишга!

Хуллас, кунлар ҳафталарга уланиб кетди. Кундалик ҳам тундаликка айланди. Гапнинг кўтаси, “Герой”га мақсадимиз Раисни олиш, деган маълумот сиздирдим. У бизга жондили билан ёрдам бера бошлади. Булар шунақа. Бир зумда ўз одамларидан воз кечади.

-Уларни Бекободдаги қамоқقا юбориш керак. Ўша ерда “бек”ларим бор, ҳаммасини мойламасдан синдиради,-деди.

“Шогирд”ларини устози айтган жойга жўнатдик. Улар ҳам устозининг сир-асрорини “илик-пилиги” билан “лаганга қўйишиди”.

“Герой”нинг уйини босдик. У шокка тушди. Бу соҳада шунча ишлагани билан “ақли ўт ўрмас” экан.

-“Батя” билан гаплашман,-деб туриб олди.

Нима эмиш, босқинчилгимизни “Батя” билмасмиш? Бу соддаликми ёки айёрлик? Хамма шундай деб ўйлади. “Батя” билмайди. Ваҳоланки, “Батя” билмасдан чаённинг думи қилирламайди.

Бирдан хаёлимда чақин чақди. “Батя” Қахрамон аканинг келишини ҳам билган. Адамнинг шу куйга тушишини ҳам. Синфдаги йигитлар жуда сирли ҳаракат қилишди. Адамнинг буйруғига иккиланиб, Қахрамон аканинг гапи билан уни ечинтиришди. Ўшанда “бутилка” қаердан топилди? Наҳотки? Тўхта! Вақти келади, аниқлайман.

“Герой”нинг уйида Андижонда отилган ўқларнинг патронларидан “гулдаста” ясаб қўйилган ва остида “Қахрамонлик унвонини олиб келган ўқларим” деб ёзилган. Уйнинг қайси тешигига қўл суқманг доллар, олтин.

Девордаги расмларни айтмайсизми? Дунёнинг энг қимматбаҳо расмлари. Ойнаванд шкафда Қурон китобининг илк ёзилган нусхаларидан бири. Неча миллионлик хазина бу? Шунча бой мамлакат-а? Ойим айтгандек, одамлари нонга, ишга зор! Аёллари фоҳишалик қилмоқда. Онлари касал, болалари чаласавод! Ўқитувчисининг маоши еган нонига етмайди. Мана булар қандай қабиҳ одамлар? Ўз миллати, ўз мамлакатини уларга бегона бўлган ойимдек ҳам севолмайди. Севмасин. Раҳми келмайдими? Нимасига керак бунча олтин? Ноёб қуроллардан коллексия ясади. Шундайлари борки, Черчелнинг ҳам тушига кирмаган. Тақинчоқлар-чи? Қизиқ буларнинг ҳаммаси Гугушга ўхшаб тақинчоқ ошиғи. Онаси тақинчоқ билан туққанми? Киндигини қимматбаҳо тош билан кесганми? Гавай оролларидан топилган ноёб “Рубин”. Кимошиби савдосида бир юз эллик миллион долларга сотилган . Хотинига олтиндан бюст ясатибди. Кимдир ясаб келган. Бекоргами? Ҳаммасини дафтарга ёзиб борган. Тўралару зўралар! Бутун ҳукумат казоларининг исми бор. Ипнинг уни “Батя”га боғланган.

“Батя”га ҳайронман. Шунча йиллардан бери топганини қизлари ва неваралари отига тўплади. Лекин нега Гугушдан воз кечди? Демак, тўплаганларидан ҳам воз кечдими? Бунчалик осон воз кечадиган одам эмас, калласининг тагида қандайдир "шум"лиги бор. Ўшани топишим керак.

“Шурик”ни ҳам босдик, наркотик дунёсида “туз” экан. Унинг уйи ҳам хазина.

“Герой”нинг укаси улардан ҳам ошиб тушди. Саунасининг ости олтин ёмбилардан. Бир икки йил шундай кетса, ҳожатхонасини ҳам олтиндан қилиши ҳеч гап эмас.

Гугуш биттасини қўйиб, иккинчиси билан жанжалга киришиб кетди. Кесак отганга ўқ отмоқда.

-Уни интернетдан узинглар,-деди “Батя” ўзига қарши ёзилганни ўқиб.- Бу ҳақиқатдан ҳам мени жойимга кўз тикди. Шошмаса-ку, ўзим шу жойни унга қолдирардим. Мени ажалимдан беш кун олдин ўлдирмоқчи бўлибди. Аҳмоқ қиз...

-Ишонасанми, шунга?

-...

Ким унга бундай маълумот берди экан? Бир томондан ишониб, иккинчи томондан иккиланиб турибди.

-Бу гап Раисдан чиққанди, энди “Марказ” ҳам шу гапни тақрорлаб турибди. Ўзинг кириш, аниқлагин, қани, ростдан ҳам мени ўлдирмоқчи бўлганми?

"Үтда ёнмас, сувда сўнмас"ларни қамоққа тиққанимиздан сўнг у мени яна опага рўбарў қилмоқда? Нима қилишим керак?

...Адам тузалмади. Аравачалик бўлиб қолди. Ойим анча тузук. Бир неча ой ўтиб кетди, боришга имкон ҳам, сабаб ҳам бўлмади. Телефонда “Сен яхшими, мен яхши” қилиб юрибмиз.

Қахрамон ака Раиснинг қўлида эканлигини билиб қолдим. У билан учрашишга йўл тополмаяпман. Учрашаман десам, дарҳол “Батя”га етади. У билан боғлиқ масалани мендан яширишга ҳукм қилганки, ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

“Батя” қалин қор остидаги тоғдан инган чиябўрига ўхшаб қолди. Кўтонда қўй топилмагач, важоҳати қўзиган чиябўри ўз болаларини ғажияпти.

Лекин нима учундир Қахрамон ака ёдига тушмаяпти. Балки видеони кўрмадими? Балки Қахрамон акани ўлдига чиқаришдими?

Ўшанда нима бўлди ўзи? Билса-билса Гугуш билади. Уни сўроқ қилишга эса, “Батя”нинг ўзи буюрди. Қулай имконият...

52. “Бу ердан кетиш керак!”

Опа ўзини олдирмабди. Илгари озиш учун маҳсус диеталар ўйлаб топарди. Одамларни юбориб, Бадахшоннинг Афғонистон қисмидан қандайдир гиёҳ тердириб келтиради. Тўқ тутармиш. Нечта йигитлар ўша ёқда ўққа учди. Парвосига келмасди. Бир томонда саратон хасталигига қарши курашамиз, деб одамларни кўчага олиб чиқиб югуртирса, иккинчи томонда ёш-ёш қизларни Дубайга сотиб юборарди. Отасининг нусхаси. Битта вужудда икки рух. Бири алдайди, бири талайди. Бири етим болаларни тўплаб тўй қилдиради, бири болаларни етим қолдиради. Ким билсин, балки бири иккинчисини яшириш учун шундай қилас?

Жаҳли чиқса, опанинг қўзлари чўкади, қудуқдек кўринади . Қоронғу, тубсиз қудуқ.. Нимадир милтирайди, аммо билмайсиз. Бу қудуқда сув бор дейишади, аммо илон кутаётган бўлади. Алданганлар сон-саноқсиз. Ҳаммаси бу қудуқдан сув ичаман, деб ўйлаган. Илонни алдаганлар ичган ҳам бўлиши мумкин.

Мени совуқ қаршилади.

-Азроилни юборибдида!-деди илгариги гапини тақрорлаб.

-Ким ҳам ўз қизига Азроил юборсин. Унақа дема!

-Унда нимага келдинг? Шунчаки томошага келмаган бўлсанг керак? Балки отам пул ва олтинни қайтаришимни истаётгандир? Ундей бўлса, унга айтдим, қай..тар..май..ман..!

У деворларга қараб гапирди. Микрофон қўйилган, камера бор деб ўйляяпти.

-Бойликлар ҳаётимга кафолат. Қайтарсам, тасодиф туфайли ўлиб қолишим ёки сен икки кўзим орасига зарба туширишинг мумкин. Қайтармасам яшайман, бу ҳар қандай ахмоққа ҳам аён!

-Мен бошқа масалада келдим...,-дедим яна ҳам жаҳлинини чиқармасликка уриниб.

-Аданг ҳақдами? Унга нима бўлганини билмоқчимисан? Бунга ишондим-да! Ҳар сўзим ёзилаётган хонада аданг ҳақида ўлсанг ҳам сўрамайсан.

-Сўрасамчи? Бирор нарса биласанми?

-Нега билмайин. Жуда биламан?

-Иблис Қаҳрамон қаерда?-дедим атайлабдан иблис сўзини қўшиб.

-Ким?

-Қаҳрамон деган! Адамни ўша урганиш, шундай деди биттаси,-айёрлик қилмоқчи бўлдим,

-Ҳм...

-Демак билмайсан, кўрдингми?

-Ҳа, отамнинг бошқа исмдаги ўғли ҳам топилдими? Бухоро амирлари, Хива хонларининг юзлаб ўғли бўлганда ана у шеър айтадиган, қўшиқ куйлайдиган латофатли қизлардан бирортаси туғиб бергандир, мукофот оламан деб.

-Йўғ-е?

-Эхҳэ... бу нимаси, ким мендан тутса, боласига исмимни берсин, деган гапини эшитмагансан-да?

-Унда сен нега болангни исмини шундай атагансан?

У хато гапирганини тушуниб қолди. Мот қилдим.

Бу иккинчиси. Қаҳрамон акани билмайди. Ўғлининг исми масаласида эса хижолат бўлди. Яна бир нарса топишим керакки, у “эгардан тушсин”.

-“Герой” ва “Шурик”ни одамлари билан бирга босдик...

-Биттасини айтганингда ишонардим, аммо иккаласини айтганинг учун ишонмайман. Бу Гдляннинг иши каби ҳамма ёқни ўраб олиш дегани. Уни фақат “Марказ” буориши ва улар отамдан воз кечган бўлсалар, бундай қилишлари мумкин.

Бу сафар у устун келди. Нима десам ҳам бошимга бало бўлади. Иккига бир. У руҳланди.

-Бу ердан чиқишим керак. Агар иккаласини ҳам босган бўлсаларинг, отамнинг кетиши тезлашибди. Унга қўшилиб сен ҳам, мен ҳам кетами!

-Ўша кун адамга нима бўлди?

-Эшитганим қадар орқасига шиша тиқишибди. Раиснинг болалари қилибди бу ишни. Аданг дарс ўтаётган пайтда студентлар исён чиқариб, уни дабдала қилишибди. Студентларни йўқотишган. Шу билан дело ёпилган...

Демак, Қаҳрамон ака ҳодисаси ўртада йўқ каби. Атайлабдан фильмда шу саҳна ўчирилган. Лекин нимага? “Батя”дан яшириш учунми? Йўқ, у билади. Бошқа сир бор.

-Хисобларимда икки миллиард долларим ётибди, ўзимники, яна икки миллиард бор, сен ҳам биласан - отамники ва унинг олтинлари ҳам маҳсус жойларда. Панама ҳужжатларида Владич билан алоқаси ҳам кўзга ташланиб қолди. Ўшанда қўрқанидан қолган пулларини ҳам дарҳол менинг номимга ўтказди. Кўчмас мулкка айлантириб юбордим. Тўртта учқич олдим. Биттасини адам онамга ҳадя қилди. Тешиб чиқсин! Биттасини жиянига бердим. Яхшироғини лўлиташибди. Каттаси ўзига қолди. Кўраяпсанми, яширмаяпман. Яширганларим, болаларим номидагиси. Улар қаерда ? Сир! Куйиб ўлсин ҳаммаси. Адамнинг ўзи айтган, бу халқ азлдан қул бўлиб келган ва бундан кейин ҳам қул бўлади, деб!

-Тушунмаяпман, нима демоқчисан? Нега халқни ҳақоратлайсан? Ўз халқинг-ку? Шу халқ бўлмаса, сен ҳам қул эдинг-ку?

-Вой бўй, ойингдан юқиб қолиби-ку? Қачондан? Демак, сени ҳам кунинг якин. Бу халқ ҳақида гапирдингми, умринг қисқа. Эсингдами, ҳаммаси нимадан бошланганди? Қўқонга бориб-келиб кундалик ёзиб эълон қила бошлагандим. Бало булути ўшандан бери бошим устида. Аммо бу булат эгасини топади. Яқинда!

У менинг баҳонамда кимгадир гапирмоқда? Отасигами? Йўқ. Унга бошқачароқ гапирган бўларди? Кўзлагани бошқа одам. Аммо ким? Раисми? “Марказ”ми?

-Бу мамлакатнинг светини мен сотдимми? Газини ҳам мен сотдими? Урандан келган миллионлар менинг ҳисобимдами? Пахтанинг пуллари қани? Вилоят ва туман ҳокимлиги учун мен бир миллион долларлик “доля” қўйдим-ми? “Жаслик”ни ва унга ўхшаган лагерларни мен тўлдирдимми? Судялар, прокурорлардан мен доллар тердимми? ОВИРни ҳам мен ўйлаб топдим-ми? Халқни кетига тепиб, яrim аср мен ишлатдим-ми? Одамларни сарсон-саргардон қилган ҳам менми? Завод-фабрикаларни ҳам мен йўқотдимми? Соғилик тизими, маорифни мен расво қилдим-ми? Тилини, маданиятини ҳам мен оёқ ости қилдим-ми? Қолганлар қаерда эди? Отам билмаса, нега кириб айтишмади? Ҳаммасини биларди. Бошида турди. Шунинг учун қисибгина ўтиришарди. Ҳақларини олишарди. Андижонни мен отдим-ми? Тошкентни мен портлатдим-ми? Ўшдаги қирғинни ҳам мен қўзғадим-ми? Тилимни қичитмасин!

-Шунинг учун отангга суиқасд қилмоқчи эдинг-ми?

-Нима? Жиннимисан? Шунчалик ахмоқманми-а? Ундан авлиё ясайманми? Агар у таҳтда ўлса, авом ундан авлиё ясаси аниқ. Мен эса шайтон. Бозорларни мен ёқиб юбордим-а? Фермерларнинг буғдойини мен тортиб олдим-а? Пахтакорнинг устидан заҳарни мен сепдим-а? Ҳамма жойда пора олишни мен йўлга қўйдим-а? Таня холанг қаерда эди? Жинқарчаси қаерда эди? Раисинг қаерда эди? Бош вазир қаерда эди? Вазирлар-чи? Сенаторларнинг кимникини кўтариб чопиб юрибди? Маддоҳларнинг уруғини ҳам мен сепдимми? Мухолифатни мен қуритдим-ми? Ҳар қарич ерни мен сотдим-ми? Энди улар яхши, мен ёмонми? Сенатор бўлишнинг нархини биласанми? Депутат бўлишчи? Вазир курсиси неча миллион туради, мени чўнтағимга кирган эмас. Орден олиш учун қанча беришларини ҳам билмайсанми? Унвонларни ким сотди? Сигирнинг орқасидан тушган бола ҳам давлат мукофоти олди. Пора ҳар ишга чора! Кимга? Менгами? Шунчалик шайтон эканман-а? Ёки шайтоннинг қизими-а? Ўлдирсам, савобга қолар эканман-ку? Олдинроқ тушунмабман-да!

-Нима бўлганда ҳам отанг, ундей дема....

-Эшитсин, деб айтаяпман. Мени бу йўлга ўзи бошлади ва энди фақат мен айбдор бўлиб қоламанми? Унинг калласидаги гапни билиб турганимни англасин, деб айтаяпман. Унга қолса, охирги дақиқасигача тахтида ўтиrsa ва кейин Амир Темурни мақбарасидан чиқариб, ўзи кириб олса! Йўқ, бунга ҳам рози бўлмайди. Чунки Мир Саид Бараканинг оёқ учига тушиб қолади! У ҳамма менинг оёқ учимда ётиши керак, деб ўйлайди. Мана кўрасан, ҳамманинг тепасига чиқиб олади, ҳатто ота-онаси ҳам пастда қолиб кетади.

-Демак...

-Отамни севардим. Унинг учун жонимни беришга тайёр эдим. Аммо ҳозир нафрат қиласман ундан. Бошқа одам топса бўларди-ку?! Атрофида жиноятларига шериклар тиқилиб ётибди. Ўшалардан биттасини нега танламади? Сабабини ҳам биламан. Уларга ишонди, менга эмас! Қалампирни қази деб едирдилар! Менга қарши компромат тўпладилар! Агар икки-уч миллиард долларим бўлса, атрофидагиларда ундан ҳам кўпроқ бор. Нима, синглимда йўқми? Унинг бойлиги олдида менини нима бўлибди? Нега у мусичаи бегунох, мен айбдор?

Опа бироз ўйланиб қолди. Кейин яна чириллаганча давом этди.

-Бир кун келиб тарих шу саволларга жавоб қидиради. Отам одамлар гўрга ҳам кириб кўтимни ўпади, деб ўйлайди. Билади уларни. Қўлига қалам ушлагани борки, Худосига муножот билан эмас, унинг номи билан ёзади. Баттар бўлсин ҳаммаси!

-Демак, ўлдириш хаёлингга ҳам келмаган…

-Хаёлимга келганда, хонасига кириб ёстиқни оғзига босардим. Қаршилик қила олмасди. Сирка сўрашга ҳам усул керак. Унинг эса ғусули ҳам, усули ҳам йўқ. Ялиниб бордим, йиғладим, эшит мени, дедим, ўтказишмади. Аммо бетини бетон қилиб, қараб ўтирганини ҳис қилдим. Яширмайман, жиноятчиман, қонунларни буздим, одам ўлдиртирдим, бойликларни тортиб олдим. Лекин сеникини олдида ҳеч нарса эмас, ота! Сен авлиё бўлсанг, мен отинбибиман!

...Булар жуда қизиқ махлуқот. Гўё ҳеч бири айбдор эмас. Бошқалар айбдор. Отаси қизини айблайди. Қизи отасини. Қолганлар эса биз нима ҳам қила оламиш, дейди. Аммо ҳаммаси айни гўр!

Опа мени қўлланишга уринди. Мен ундан кўп нарса ололмадим. Аммо асосий саволимга жавоб топдим. У отасини ўлдирмоқчи бўлмаган.

Хайрлашиб кетарканман, опа менга ўлжасини еб, мақсадига эришган сиртлондек қараб қолди.

Йўлда телефоним ёнди. “Марказ”:

-Бундан кейин ҳар бир одимингни Раис билан бамаслаҳат қил ва унга ҳисоб бериб тур. Бу қатъий буйруқ! “Батя” билмасинки, балога қоласан!

Жин урсин! Наҳотки, шу пайтгача бу ҳақда ўйламадим. Асосий вакил Раис-ку? Унинг ҳар доим хотиржам юриши ҳам хёлимда бу саволни уйғотмабди. Шафтоли пишмасдан боланинг оғзида карсиллади! Аслида “иккинчи” у. Менчи? Нега “иккинчисан” дейишиди. Шундан ҳам бил, ўйинчоқсан! Раисни пана қилиб туриш учун ўйлаб топилган ўйинчоқ. Аданг ҳам шу эди. Итнинг ҳолига тушди. Қутуриб бировни тишлаб олмасин, деб тумшуғига тўр солиб, қозикқа боғлашди. Сени ҳам келажагинг шу! Ойим тўғри айтди. Бу ердан кетишим керак…

53. “Чумчукдек жони бор экан-у?”

...Ойим билан адам кетма-кет оламдан ўтишди. Боргунимча кўмиб ҳам қўйишибди. Гул кўтариб бордим мозорга. Гапнинг очиги бу икки гўр уларникими, йўқми, билмадим, негадир ишонмадим. Қандай хабарсиз қолдим? Нега кутишмади? “Марказ” шундай лозим топганмиш. Оқибат! “Марказ” учун инсон қадри йўқ. Қаҳармон ака ҳақ, биз бичилган роботлармиз улар учун! Истаган пайтда ахлатга отади ёки гўрга тиқиб қўяди.

Қалбимда шубҳа бор. Улар худди ўлмагандек. Уларни мендан яшириб қўйишишгандек. Қанақа ўғил бўлдим? Касал ётган онасини келиб кўрмаган ўғил! Адамга нафратим боис бўлдими бунга?

Аслида ойим қутулиб кетди. Унинг рухияти билан бу дунёда яшаш ўлимдан оғир. Бир вақтда ўлишгани...?

Икки дунё... ёнма ён... Бир-бирига зид. Уларни шунча йиллар нима боғлаб турди экан? Нега ойим адамнинг қули эди? Нега уни ташлаб кетмади? Ташлаб кетган куни ўлдиришарди-ку?! Галварс! Бу бизнинг соҳада қоида. Ташлаб кетсанг, тамом, қаерда бўлсанг ҳам топиб, гум қилишади.

Йўқ, ўзинга боғлиқ. Мана Қаҳрамон ака ташлаб кетган. Уни ўлдиришни кимлар истамади. Аммо қўрқмай яшади. Нафақат яшади, балки уларга қарши бош кўтарди. Қоида деб калламизга қўрқув синдирилган. Бизни қўрқитишган. Ҳамма қўрқув қуршовида. Таслим бўлган. Ваҳоланки бир ҳамла билан чиқиш мумкин. Бир марта қўрқув ҳалқасидан чиқсанг, тамом, бутун занжир парчаланиб кетади.

Шу дақиқада ҳеч нарсадан қўрқмаяпман. Олса жонимни олади. Соядан ҳам, қоядан ҳам қўрқсанг, кундан ҳам тундан ҳам қўрқасан. Гапиришга, ўз ҳаққингни талаб қилишга қўрқасан. Одамларни анашу қўрқоқлик пора беришга ун DAGАН. Йўқ, ночорлик ун DAGАН. Йўқ, йўқ... қўрқоқлик... Ўзинг-чи? Қўрқоқлик дарахтининг остида ухлаб юрибсан. Бу дарахтни йиқитиши ў ёқда турсин, куриган шохини кесишга журъатинг етмайди!

Хаёл суриш учун бепоён ҳудуд - қабристон. У ерда ҳеч кимдан, ҳеч нимадан қўрқмайсан. Истаганингча қарама- қарши ўйлар оғушига чўмасан. Хаёлан марҳумлар билан баҳслашсанг бўлади. Уларни босиб ётган оғир тошлар билан тиллашиш мумкин. Қора ва оқ тошларга ўйилган суратлар, жонсиз ҳайкаллар билан гаплашишинг мумкин. Хаёлан. Овоз чиқаришга қўрқасан. Мени девона деб ўйлайдилар, деб қўрқасан. Девона сендан кучли, у бундай деб ўйламайди.

Қаҳрамон ака келди хаёлимга. Нега? Нега бу одам хаёлимдан кетмайди. Ойим каби фикрлагани учунми? Бошқаларга ўхшамагани учунми? Нега? Ҳатто қабр бошида ҳам уни ўйлаяпман. Отам-онам ҳақида эмас, у ҳақда ўйлаяпман. Уни кўп кўрганим йўқ. Бир марта гина учрашдик. Иккинчи марта видеода кўрдим. Нега ўттиз тўрт йил бирга бўлганим отам-онам эмас, бир марта кўрганим Қаҳрамон ака тафаккуримни забт этди? Уни кўриш, қутқариш ҳақида ўйлаяпман. Нега бугунга қадар ўйламадим? Мана энди бу юк оёғимдан арқон каби тортаётгандек.

Телефон хаёлимни узди.

“Тезда қайтишинг керак! “Батя” ёлғиз қолди”

Абел амаки ўлмади. Мен қутулмадим. Ўлармикан у? Ўлмай қаёққа кетади. Ким ҳам устун бўлган бу дунёга? Султон ҳам, сиртлон ҳам кетиши аниқ!

...Қайтиб келсам, “Батя” чақирди:

-Ота-онанинг ўлиши фарзандга меърос. Баҳтли экан бирдан кетишиди. Мана бориб келдинг, вазифангни бажардинг. Энди ишни ўйла! Байрам яқинлашмоқда. Қарор олдим. Опангни чақираман. Ҳаммасига зарба бўлади. Дангаралик И мом қизини Девонга раҳбар қилиб қўйибди. Бизнинг қаеримиз кам. Булар шундан қўрқишиди. Қўрамиз, ким-кимни лақиљлатади? Инфаркт қиласман ҳаммасини. Байрамдан кейин уни сенатор этиб тайинлайман. Девон раислигини ҳам унга берамиз. “Марказ” билан ўзинг гаплашиб

келасан. Бошқа йўли йўқлигини, бу Шарқ эканлигини, ўз қоидалари борлигини тушунтирасан. Халқнинг илдизи шундай. Ҳокимият отадан болага ўтиши керак. Бу анъанани тиклаймиз. Кеча океаннинг нарёғидан вакилни қабул қилдим. Қизиқ гапларни гаплашдик. Базага қайтишни исташмоқда. Ўйлаб кўраман, дедим.

У атрофга қараб қўйди. Демак, у ҳам кимгадир гапирайпман, деб ўйлади. Балки Владични база ҳақидаги гап билан овламоқчидир? Шундай. Акс тақдирда ёнимга келиб, кейинги гапини қулоғимга пичирламасди:

-Раис алдаб юрибди. Қаҳрамон қўлида. “Юзи тиртиқ, тузалса, олиб келаман”, деб баҳона қиласяпти. Ҳозир бор ва уни нариги уйга олиб кел. Ундан қутулмасам, руҳим тинчимаяпти,-деди.

Воқеалар бунчалик бурилиб кетишини хәёлимга ҳам келтирмаган эдим. Аммо “Батя” бирдан бу фикрга келмагани аниқ. У кўп ўйлаган.

Эшиклар очилса, бирин-кетин очилаверади. Қаҳрамон акани кўрадиган бўлдим.

Адамнинг ҳунарини қилиб, уни олишга янги машинада бордим.

Раиснинг одамлари қаршилик қилишмади, аксинча худди кутиб тургандек, “қўшқўллаб” топширишди. Унга ҳеч нарса бўлмаган. Яп-янги костюм-шим кийгизишган ва соқоли олинган, кўриниши бардам.

-Бизнинг халқимиз ҳам эркин бўлишга, эркин яшашга ҳақли,-деди у йўлда.-Қачонгача бу халқни эзасизлар! Бир кунмас бир кун пушаймон бўласизлар! Халқнинг арслони қалбида. Агар қўзғалса, ҳолингизгавой! Ҳурматингизни қилмоқда. Ақлингизни йиғишириб олинг! Ўзингизга ҳам ва бизга ҳам фойда. Мен ўлсам, бошқа қаҳрамонлар чиқади! Бугунги аросат барибир чекинади ва халқимиз озод бўлади! Мен бунга ишонаман! Қаёққа олиб бораётганингни биламан. “Чўтири”нинг алами бор. Унинг башарасидаги изларни мен қолдирганман. Шунинг ҳисобини олмоқчи...

Ичимда қайнаётган вулқон бирдан отилди. Машинани тўхтатдим. Туш, деб имо қилдим. У худди шуни кутгандек сакраб тушдида:

-Бориб онангни нарсаларини қидириб кўр, у сенга ё хат ёки белги қолдирган бўлиши керак,-деди.

Шундай деб одамлар ичига шўнғиди. Халққа қўшилиб, кўринмай кетгунча қараб турман дедим. Чунки орқадан кузатишлари мумкин-да. У дарров ғойиб бўлмади. Қанча узоқлашса ҳам кўзга ташланиб турди. Тикилиб-тиклиб қарадим. Кўрдим уни, одамларга қўшилмасдан айри юриб бормоқда. Оқимга қўшила олмаяпти. Унга қийин бўлади. Бу улус унинг учун бегона. У бирдан йиқилгандек бўлди. Йўқ, кўрмай қолдим, у кичраийиб кўринмас нуқтага айланди. Орага қандайдир ёруғлик инди. Чироқлар ёнди...

“Батя”нинг ҳузурига якка ўзим бордим. У тутоқиб кетганди.

-Ҳароми, қани у?

Билади. Ким айтди унга? Бу унинг ўйиними? Нега бу ўйинни қилди? Бахримдан ўтиш учунми?

-Ҳаммадан кутсам ҳам, сендан кутмагандим, ит боласи!

У важоҳат билан менга яқинлашди. Шиддат билан қўлимни кўтардим ва қошлари орасини нишонга олдим. Бир сонияда у шундай қўрқидики, кўзлари косага айланиб,

қотиб қолди. Лаби гапга қовушмади. “Бобой”ни эслатди. Ундан ҳам баттар қўрқоқ экан. Бурнидан қон очилди. “Шилқ” этиб йиқилди. Урдимми урмадимми, билмайман.

Чумчуқдек жони бор экану, миллион миллион одамни зир титратиб юрибди-я?.

-Доктор,-деб бақирдим-Кутиб туришган экан, югуриб киришди. Тавба! Худди феврал портловидагидек ҳамма шу ерда. Наҳотки, яна ўйинга келдим? Ҳаётим, ўйиндан иборат бўлиб қолди. Лекин бирорвинг мен билан иши йўқ. Ҳамма ўз ролини ўйнамоқда..

Ташқарига чиқдим. Ўзимни ўлим қувлаб келаётган одамдек ҳис қилдим. Кетишим керак! Тезроқ. Ҳозир ё чапдан, ё ўнгдан ўқ келади, визиллаб!

“Батя” ҳадя қилган машинада Келесга ҳайдадим ва чегарарадан ўтиб кетдим. Ҳеч ким, хеч нарса демади. Ўлим ортда қолди.

Анча вақт қочиб юрдим.

Лекин “Маказ”дан қочиб бўладими?

“Вазифангни бажардинг. Эркинсан. Истаганингча дам ол, кейин келасан”, деди Абел амаки.

Хаёлимда Қахрамон аканинг гапи. У нимагадир ишора қилди. Қандайдир сирни билади. Қандай сир? Шу нарса менга тинчлик бермасди. Охири ўзимда куч топиб, Москвадаги уйимга бордим. Ҳеч ким ҳеч нарсага тегмабди. Қандай бўлса шундай турибди.

Қидирдим. Ойим менга парчалар ўқиб берган китобни топдим. “Қувғин” романи. Китобнинг ичидаги кичкина ёзув.

“Болам, биламан бу хатни топасан. Сенга қачонлардир айтишим керак эди. Ўлимим яқин. Сени бу ёқларга келтиришмаяпти. Ҳаммасини билиб турибман. Мени ким заҳарлаганини ҳам биламан. Ўзи ҳам ўлим тўшагида. Ҳақиқат шуки, сен “дода”нинг ўғлисан! У Аданг билан бирга онангни ўлдириб, Қахрамоннинг бўйнига қўйиб юборган. Сени катта қилдим, аммо асрай олмадим. Мени кечир, додангга ўхшама, ўғлим!”

Ҳар куни дунёим алғов-далғов бўлишига ўрганиб қолдим. Буниси эса ўнта атом бомбасидан ҳам ёмони. Ичимдан нимадир узилди. Ҳисларим ўлди, туйғуларим сўнди. Хўнграб йиғладим, ўзимдан нафрат қилиб йиғладим. Ичавердим, ичавердим. Бирдан эшик очилди. Қаршимда Ева турибди. Ева! Ҳаётим кириб келди. Умидим кириб келди! Жоним кириб келди! Бирдан кўзим қўлига тушди. Қўлида нима?

Юрагимни иссиқ зарба тешиб кетди. Осмон ерга тушди, ер осмонга кўтарили...

Жаҳонгир Муҳаммад

ДАВОМИ ЙЎҚ...